

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ
МУНОСАБАТЛАРИ
ТАРИХИДАН**

ТОШКЕНТ –2022
“FAN ZIYOSI” НАШРИЁТИ

UO'S: 432.684.24
КБК: 84.5. (5Узб)
М - 37

Ходжаев А., Каримова Н., Қўлдошев Ш., Джуманиёзова Ф.,
Азимов Х. Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан.
–Тошкент: «Fan ziyosi» нашриёти, 2022. – 216 бет.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган-лигининг 30 йиллигига бағишланган бўлиб, унда икки давлат алоқалари тарихидаги кам маълум бўлган ва қизиқарли ёрқин саҳифалари ҳақида сўз юритилади.

Тўпламнинг биринчи қисмида ўзбекистонликлар аجدодларининг қадимий ва ўрта асрларда Хитой цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумат келтирилади. Асарнинг иккинчи қисмида Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари тарихидаги иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларининг айрим саҳифаларини ёритишга эътибор қаратилади.

Масъул муҳаррир: Р. М. АЛИМОВ – сиёсий .ф.д. проф.
Тахрирчи: Х. А. АБДУРАСУЛОВ – илмий ходим.
Тузувчи: А. Х. ХОДЖАЕВ – тарих .ф.д.
Такризчилар: Д. Ю. ЮСУПОВА – академик.
Ш. И. ШАЗАМАНОВ – сиёсий ф.н.



К И Р И Ш С Ў З И

Ўзбекистон жойлашган икки дарё оралиғи дунёдаги энг қадимий маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бунга, албатта, бу ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлими ва ери сабаб бўлган. Археологик маълумотларнинг гувоҳлигига кўра, бундан бир неча минг йил илгари бу заминда ўз даври учун анча юксак маданиятга эришган одамлар яшаган.

Мил. ав. 128-127 йилларда биринчи Хитой элчиси Чжанг Чян (рус тилидаги адабиётларда Чжан Цянь) қадимги Фарғона давлатига келганида, ушбу икки дарё оралиғида жуда кўп ривожланган ва атрофи баланд муҳофаа деворлари ўралган шаҳарларни ва Хитой учун қизиқарли бўлган бойликларни, жумладан улар учун ниҳоятда ноёб бўлган тез чопар отларни кўрган ва уларга эга бўлиш истаги пайдо бўлган.

Ўзининг географик жойлашувига кўра, Ўзбекистон ҳудуди узок ўтмишдан бери қадимги савдо йўллари чорраҳаси сифатида дунёга танилган. Шу боис бу замин маданияти бошқа узок яқиндаги минтақалар маданияти таъсирига дуч келган. Шунинг билан бирга ўз маданияти таъсирини савдо йўллари орқали амалга оширилган иқтисодий ва маданий муносабатлар орқали ўзга мамлакатларга ўтказган. Аммо бу жараён ҳали етарли даражада ўрганилгани йўқ.

Қадимги ва ўрта асрларда ўзбеклар ва бошқа миллатга мансуб бўлган ўзбекистонликлар аجدодларининг хитойлар цивилизациясига кўшган ҳиссалари ҳақидаги маълумотлар ҳам кам ёритилган масалалар қаторидан ўрин олган. Шундан келиб чиқиб, ушбу асар муаллифлари шу маълумотларга бир назар ташлаб ўтишни лозим топдилар.

Китоб кирилл алифбосига асосланган ўзбек тилида ёзилганлиги туфайли унда ишлатилган хитойча атамалар шу ёзувда берилди. Шунинг учун уларнинг транскрипцияси рус адабиётида учрайдиган хитой атамаларининг ёзилишидан фарқ қилади. Масалан, русчадаги Чжунго, Сиюй, Синьцзян, топонимлари ўзбекчада Чжунггуо, Шиюй, Шинжянг шаклида ёзилди. Буни хато деб ҳисобламаслик керак эмас. Қолаверса, хитой иероглифларини ўқишда айрим талаффуз оҳанглари русчадан кўра ўзбек алифбосида ўз аслига аниқроқ бериш мумкин.

Бундан ташқари адабиётларда ўрнашиб қолган Тянь-шан (рус тилидаги асарларда Тянь-Шань) қадимий турклар тилидаги Тангри тоғ атамасининг хитойча таржимаси бўлганлиги учун, асаримизда мазкур буюк тоғ тизимининг азалий номидан фойдаландик.

Яна бир таъкидлаб ўтиладиган масала, қадимий хитой манбалирида учрайдиган қатор этнонимлар замонавий ва қадимги хитой тили талаффузларида берилди. Масалан, қабила номи бўлмиш *тужюэ* атамаси қадимги замонда «*туеткиуат*» деб ўқилган бўлиб, у «турккут» (турк авлодлари) атамасининг хитойча транскрипцияси бўлган. Н.Я.Бичурин (Иакинф – 1777-1853)нинг рус тилига таржима қилган асарлари орқали адабиётларга «тугию» шаклида ўрнашиб қолган. Иккинчи бир мисолки, «Чжунггуо» («Марказий давлат» ёки «Марказда жойлашган давлат» маъносини англатади) топонимини рус, ўзбек ва қатор бошқа тилларга «Хитой» деб таржима қилиш одат бўлиб қолган. Лекин ушбу атама билан номланган ҳудуд доираси ҳар доим бир хил бўлмаган. Шу боис ушбу тўпламда азалий Хитой, қадимий Хитой, ўрта аср Хитой давлати каби атамалар ишлатилди.



1- Қ И С М

ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҲИССА ҚЎШГАН АЖДОДЛАРИМИЗ

БУДДА ДИНИНИНГ ХИТОЙДА ТАРҚАЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ҲИССА ҚЎШГАН АЖДОДЛАРИМИЗ

Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ушбу муносабатларнинг ривожланиши эса мавжуд савдо йўлларига, уларнинг хавфсизлигига ҳамда бу масалани ҳал қила оладиган давлатнинг тарихий саҳнага кириб келишига бевосита боғлиқдир. Мана шундай давлат милодий 26-36 йилларда ташкил топган Кушон хонлигидир¹.

Кушон давлатининг вужудга келиш арафасида Туронда мавжуд бўлган вазиятга эътибор берсак, дастлаб милoddан аввалги биринчи асрларнинг сўнгги даврларида кушонликлар (дайрузиелар / даюечжилар) қадимги хитойликларга будда дини ҳақидаги маълумотларни етказган. Кушон давлати тарих саҳнасига чиққандан сўнг, кўплаб маҳаллий будда роҳиблари, савдогарлар ва элчилар сифатида Хитойга борган ва будда сутраларини хитой тилига таржима қилишган. Унга қадар будда дини Марказий Осиёда кенг ёйилган эди. Айнан мазкур дин Кушон империяси даврида гуллаб яшнади. Бу даврда нафақат будда, балки ҳиндуизм, зардуштийлик, монийлик

¹ Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011. С. 201.

хам равнақ топди. Ушбу даврда Кушон ва Шарқий Хан давлати ўртасидаги маданий муносабатлар фаоллашди.

III асрнинг бошларидан Хитойда Хан империяси (мил. ав. 206 – мил. 220) ўз мавқеини йўқотади. Мамлакатда ички курашлар ниҳоятда авж олиб, ҳатто жамиятдаги миллий ғоя ҳам заифлашди. Шундай бир вазиятда янги таълимотга эҳтиёж кучаяди. Марказий Осиёда юксак даражада ривожланган будда таълимоти Хитой жамияти талабига мос келган. Натижада, Кушон давлати ва қўшни мамлакатлардан элчилар, савдогарларнинг катта миқдордаги совғалар, моллар билан Хитойга бориши фаоллашди. Улар будда динининг тарғиботчилари ўлароқ будда таълимотини Хитой жамиятида ёйишда жонбозлик кўрсатишган. Ҳатто, умрини Хитойда будда дини тарғиботига бағишлаган туркистонлик роҳиблар ҳам пайдо бўлган.

Хитойликлар Турондан келган роҳиблар билан мулоқотда уларнинг исмини талаффуз этишида қийналишган. Шу боис, хитойликлар меҳмонларнинг исмини қисқартирган ҳолда юрти ёки мамлакатининг номини фамилия қилиб беришган. Масалан, Кангкия (Қанг) давлатидан ҳамда Самарқанд шаҳридан борган роҳибларга *канг* (康), Кушон давлатидан борганларга замонавий ўқилишда *чжи* (支, кад. ўқ. Цие), Парфия давлати ва Бухоро шаҳридан борганларига *ан* (安) Ҳиндистондан борганларга *чжу* (竺) иероглифи фамилия сифатида ишлатишган. Бироқ *чжу* фамилиясини олганларнинг келиб чиқиши доим ҳам Ҳиндистондан бўлавермаган.

Шу боис, хитой манбаларида Хитойда фаолият кўрсатган аксарият хорижлик роҳиб ва савдогарлар исмига қўшилган шу иероглифларни уларнинг асл маҳаллий исми деб қабул қилиш хато ҳисобланади. Бундай анъана ўша даврда хитойча ёзма манбаларида сақланиб қолган бўлиб, роҳибларнинг Марказий Осиёдаги қайси давлатдан келганини билиб олиш мумкин. Ғарб олимларининг

тадқиқотларида исми *канг* сўзи билан бошланадиган роҳибларни сўғдиёналик (sogdian) деб қайд этилган².

Кушон давлатидан бўлган Локаксема (хитойча ўқилиши Чжи Лоужячен / Zhi Loujiachen 支婁迦讖; мил. II асрда яшаган), Чжи Яо (支曜; мил. II-III асрларда яшаган), Чжи Лянг (支亮; мил. III асрда яшаган) ва Чжи Чян (支謙; мил. III-IV асрларда яшаган) Хитой будда тарихида парфиялик роҳиб Ан Шигао (安世高, Parthamasiris, асл исми Ан Чинг (安清) билан бир вақтда будда дини ҳақидаги китобларни хитойчага таржима қилган дастлабки роҳиблардан ҳисобланади. Улар хитой тилига таржима қилган будда дини сутралари ҳақида замонавий хитой тадқиқотчилари асарларида ҳам акс эттирилган. Жумладан, Локаксема номланган бир роҳиб исмини хитойликлар қисқартириб Чжи Чен (支讖) деб аташган. Ушбу шахснинг дастлаб Хитойга борган йили ҳақида манбаларда аниқ қайд этилмаган. Бироқ «Олий даражали роҳиблар биографияси» номли асарнинг «Канг Сенгхуэй биографияси» деб аталган биринчи бобида: «дастлаб [шаркий] Хан [ҳукмдорлари] Хуан, Линг даврида [фаолият кўрсатган] Чжи Чен омма орасидан чиқиб [будда] сутраларни таржима қилди», дейилади³. Агар мазкур маълумотга аҳамият берсак, шаркий Хан ҳукмдори Хуан-ди (桓帝 – 147-167) даврининг охири ва Линг-ди (灵帝 – 168-184) даврининг бошларига тўғри келади. У дастлаб ҳукмдор Хуан-ди даврининг охирларида Хитойга келган, император Линг-ди ҳукмронлигининг бошларида, тахминан, 167–168 йилларда Лояннга келиб будда сутраларини санскрит тилидан хитой тилига таржима қилиш ишлари билан шуғулланган.

² Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China: the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E. Zürcher ; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. Leiden, 2007.

³ Хуэй Жяо. Гао сенгчжуан, Танг Юнгтунг шяочжу (慧皎, 湯用彤校注. 高僧傳 – Роҳиб Хуэй Жяо. Олий роҳиблар биографияси, Танг Юнгтунг изоҳи). Пекин, 1992. Б. 15.

Хитойликлар қачондан бошлаб будда дини ҳақида хабар топганлиги масаласида япониялик олим Ханеда Тору хитой манбаларига асосланиб, Фарбий Хан ҳукмдори Айди (мил. ав. 6–1) даврида мил. ав. 2-йилда ва шарқий Хан ҳукмдори Минг-ди (58–75 йй.) даврида улуғ роузиеликлар (замон. ўқ. даюечжи)⁴ орқали Хан давлатига будда дини кириб борганлиги ҳақида таҳлилий маълумотларни келтиради.

Аксарият хитой олимларининг эътирофича, қадимги Хитой сулолалар тарихида айнан шарқий Хан сулоласи даврида жуда кўп чет элликлар Хитойга келишган, уларнинг орасида марказий осиеликлар нуфузи катта бўлган⁵. Хитойликлар будда динидан хабар топгандан сўнг ҳукмдор Минг-ди даврида Кўшон давлати ҳукмдори Кудзула Кадфиз (мил. 26–44 йилларда ҳукмронлик қилган) саройига бир қанча хитойликлар бориб будда динининг 42 бобли (матн) сутраси (Сиши эрчжанг жинг 四十二章经) ни кўчиришга муваффақ бўлган⁶.

Хитой буддизм тарихида биринчи будда сутралари Минг-ди (明帝 – 58-75 йй) даврида Луоянгда хитой тилига таржима қилинганини таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу

⁴ Ушбу атама устида тадқиқот олиб борган хитойшунос олим А. Хўжаев хулосаларига кўра, дай роузи (замон. ўқ. даюечжи / даюечжи) этноними *юечжиларнинг аксарият қисми* маъносини англатади. Юечжи атамаси эса «Ўғуз-ер», «Ўғузия» (қадимги хитой тили талаффузида Нгузи, Нгоуци, Роузи) аталган давлат номининг хитойча транскрипцияси бўлган. [Ходжаев А. Из истории древних тюрков (Сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011. С. 115- 141].

⁵ Ма Юнг. Дунг хан хоучи чжунгярен лайхуа као (马雍. 东汉后期中亚人来华考 – Шарқий Хан давлатининг охири давларида Хитойга келган марказий осиеликларга оид тадқиқот) // Шинжянг Университети хабарлари. №2. Урумчи, 1984. Б.18-28.

⁶ Хитой Будда дини тарихи (中国佛教史 – Чжунго фуоэяо ши) / Рен Жюй (Масъул муҳаррир). 3 нашри. 1 жилд. Пекин, 1988. Б. 96.

хукмдор давридаги будда дини билан боғлиқ маълумотларни айрим япон олимлари ривоят деб қарайди⁷. Сабаби, мазкур ривоятнинг пайдо бўлиши «Вейшу» («Вей сулоласи тарихи»)нинг 114 бобида хукмдорнинг тушига Будда кириб, ўз аёнларини Ҳиндистонга (Тянчжу)га жўнатиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилади⁸. Мазкур маълумотлар Ғарбий ва Шарқий Хан сулолари даврдаги манбаларда қайд этилмаган. Бироқ бир жиҳатга эътибор қаратиш лозимки, айнан шу император даврида Кушон давлати ва Ҳиндистонга бир қанча хитой роҳиблари жўнатилган. Туркистон шаҳарларидан келган роҳиблар томонидан Хитой будда ибодатхоналари курила бошланади. Парфиялик роҳиб Ан Шигаонинг милодий 58–78 йилларда Хитойга келган даврига эътибор берсак, (148 йилдан тахминан 70–90 йил олдин) Луоянгда хитой тилига таржима қилинган буддизм сутралари аллақачон мавжуд бўлган. Бундай сутраларнинг илк бор пайдо бўлган вақти ҳақида маълумот йўқ. Бундан ташқари, кўпчилик хитой тарихчилари тадқиқотларида Минг-ди давридаги будда динининг Хитойга тарқалиши ҳақидаги маълумотлар ишончлилиги таъкидланади. Қолаверса, ушбу император даврида будда дини кенг ёйилган⁹. Манбадаги фактик маълумотларни таҳлил этсак, ҳақиқатдан ҳам айнан шарқий Хан хукмдори Минг-ди даврида, яъни 58–75 йилларда Хитойда будда динига оид бир қанча ишларнинг амалга оширилиши шу даврдан бошлаб Хитойда диннинг ёйилишига асос бўлиб хизмат қилганини кўрсатади.

Ғарбий Хан даврининг охиридан, яъни милоднинг биринчи юз йиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб

⁷ Ханеда Т. Шиюй венминг ши гайлун (羽田亨. 西域文明史概論 – Ғарбий юртлар цивилизацияси тарихи ҳақидаги умумий таъриф). Шангхай, 1935. Б. 14.

⁸ Вэй Шоу. Вэйшу (魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд. Шангхай, 1956–1958. Б. 1678; 10060.

⁹ Хитой Будда дини тарихи (Чжунго фуоажяо ши) ... Б. 97.

будда дини таълимоти ва унинг асосий ғояларини хитойларга оғзаки тушунтириш ишлари фаоллашди. Бу ишлар бир-икки аср давом этди. Агар хитой манбаларидаги маълумотларга мурожат қилсак, сарой тарихчиси Вэй Шоу томонидан 502–572 йилларда ёзилган «Вэйшу» («Вэй [сулоласи] тарихи»)нинг «Шилао чжи 釋老志» /20/ («Буддизм (ши) ва Даосизм (лао) тазкираси»)нинг 114 бобида қуйидаги икки маълумот келтирилган:

1) «Чжанг Чян Бактрияга элчи бўлиб бориб [Хитойга] қайтгандан сўнг Ғарбий юртлар (Шиюй) [хитойлар учун] очилди. Унинг Бактрия (Дашя)га юборган одамларининг хабар беришича, ушбу [давлат] ёнида Ҳиндистон (Шенду) давлати мавжуд бўлиб, у Тяньчжу деб ҳам аталар экан. Дастлабки хабарларга кўра, бу ерда Будда дини (футу чжи жяо 浮屠之教)¹⁰ амалда экан»¹¹.

2) «Император Ай-ди (哀帝 – мил. ав. 6–1) [хукмрон-лигининг] юаншоу (мил. ав. 2–1 йиллар) даври биринчи йилида (元壽元年 – мил. ав. 2 йилга тўғри келади) [Хан] империясининг олий даражали билимдонлик идораси¹² толиби Чин Жингсян (秦景憲)¹³ Улуғ Роузие (Да Юечжи)

¹⁰ Ҳозирги даврда хитой тилида будда дини «Фожяо» (佛教) деб номланади. Қадимда «Фуотуо» (佛陀 – Buddha), будда китоблари эса дастлаб мил. ав. биринчи асрларда «Футужинг» (浮屠经), милодий биринчи асрлардан кейинги даврда ёзилган манбаларда «Фудожинг» (复豆经), «Бенчжинг» (本起经), «Беншингжинг» (本行经) номлари билан қайд этилади.

¹¹ Вэй Шоу. Вэйшу // Эршиси ши. Б. 10060(1678); Вэй Шоу. Вэйшу. (Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши. Пекин, 1974. Б. 3025.

¹² Буоши (博士) – қадимда Чин (мил. ав. 221–207) ва Хан (мил. ав. 206 – мил. 220) сулолалари даврида олий даражали билимдонлик унвони.

¹³ Адабиётларда Жинг Лу / Люй (Jing Lu 景廬), Чин Жинг (Qin Jing 秦景), Чин Жингсян (Qin Jingxian 秦景憲) Жинг Ни (Jing Ni 景匿) тарзда келтирилади [Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China: the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E.

хукмдори элчиси Иэйдзуэн (зам. ўқ. Йицун 伊存, қад.ўқ. йеі dzuэн) будда сутраларини оғзаки тушунтириб берди, марказий заминда [қадимги Хитойда] бундан хабардор бўлди, [лекин бу динга] ишонч билдирилмади (中土聞之, 未之信了也)»¹⁴. Бу ҳақда ўзбекистонлик олим А.Хўжаевнинг «Сангуо чжи» («Уч хонлик хотираси») асаридаги маълумотларга асосланиб таъкидлашича, мил. ав. 2 йил биринчи роузиелик (юечжилик) элчи Фули Хитойга буддизм вакили бўлиб келади ва Будда таълимотининг барча мазмунини хитойликларга ёддан ўқиб беради. Ҳатто ўша даврда унинг таълимотига Конфуций таълимотининг олий даражали билимдони (博士 – буоши) Жин Лу (рус. Цзин Лу) ва унинг шогирдлари томонидан қизиқиш билдирилган¹⁵. Фули олдин Крурон (Лоулан) давлатининг қадимги пойтахти Миран шаҳрида Улуғ Ўғузиё (Дайроузиё /замон. ўқ. Да-юечжи) давлатининг элчиси бўлган. Бунга қараганда Фули Иэйдзуэндан олдинроқ Хитойга элчи бўлиб борган. Ушбу маълумотлар қадимги хитойликлар будда дини ҳақида милоддан аввалги II асрнинг сўнги чорагида хабар топганлигидан далолат беради. Лекин булар буддизм Хитой аҳолиси орасида тарқалди деб айтишга асос бўлмайди. Қолаверса хабар топиш жараёнини афсона деб қараш ҳам асоссиздир. Лекин

Zürcher; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. – Leiden, 2007. PP. 24-26].

¹⁴ Вэй Шоу. Вэйшу (魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд. Шангхай, 1956–1958. Б. 10060(1678); Вэй Шоу. Вэйшу. (魏收. 魏書 – Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 8-жилд. Пекин, 1974. Б. 3025.

¹⁵ Ходжаев А. Из истории древних тюрков (Сведения древне-китайских источников). Алматы, 2011. С. 199-200.

уни афсона деб тушуниш кўп тадқиқотчилар, жумладан айрим Россия олимлари ҳам таъкидлаб ўтишган¹⁶.

«Хитой Будда дини тарихи» («Чжунго фуожяо ши») номли асарда ушбу диннинг Хитойда тарқалиши ғарбий Хан сулоласининг сўнги йилларида ва шарқий Хан сулоласини дастлабги давридан бошлаган¹⁷. Бу давр милодий 1 – 30 йилларга тўғри келади.

Бироқ «Вейшу»даги маълумот Хан (мил. ав. 206 – мил. 220) даврида ёзилган манбаларида қайд этилмаган. Шунга қараганда, Будда таълимоти Хитой жамиятининг юқори қатламида эмас, балки пастки қатламида, яъни оддий фуқоралар орасида кенг ёйила бошлаган дейиш мумкин.

Яна бир жиҳатини таъкидлаш жоизки, ўша даврда хитой тилига таржима қилинган будда китобларида будда роҳибининг номланишида, атамаларда кўпроқ қадимги Марказий Осиё давлатлари маҳаллий тилидаги сўзлар акс этган. Натижада, хитой тилида Марказий Осиё давлатлари маҳаллий терминларининг пайдо бўлиши қадимги хитой тили янги элементлар билан бойитди. Бундай жараёнларда хитой тили ва ёзуви тарихида фонетик ёзув ғояси пайдо бўлди дейди рус олими П.Нурмекунд¹⁸. Шунингдек, будда динидаги машҳур 12 омил номларида санскрит тилидан хитой тилига ўгирилган будда китобида сўзлар ўртасидаги маъно бир-бирига боғланмаган. Масалан, ўша даврда Шарқий Туркистонда жойлашган Янчи (焉耆 – Қорашар) шаҳри аҳолисининг маҳаллий тили тохар тилида ёзилган

¹⁶ Литвинский Б.А. Распространение буддизма в Средней Азии // Центральная Азия в Кушанскую эпоху, том II. Москва, 1975. С. 191-198.

¹⁷ Рен Жиюй. Хитой Будда дини тарихи (任继愈. 中国佛教史 – Чжунго фуожяо ши). 3 нашри. 1 жилд. Пекин: «ХХР ижтимоий фанлар академияси нашриёти», 1988. Б. 67.

¹⁸ Нурмекунд П. О транслитерации санскритских слов в ранних буддийских переводах на китайский язык // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. Москва, 1975. С. 217.

будда китобидаги сўзлар маъноси хитой тилига ўгирилган будда китобидаги маъно билан бир хил дейди япон олими Ханеда Тору¹⁹. Хитой тилига ўгирилган будда китобларида кўпроқ марказий осиеликлар маҳаллий тилидаги сўзлар таъсири мавжудлигини кўриш мумкин. Айни шу хулосалар хитойлик олим Лин Мейцун тадқиқотларида ўз ифодасини топган бўлиб, у ҳам буддизмнинг хитойда тарқалишида юечжилар ўрни катталиги, хитой тилига кирган будда сўзлари этимологиясида марказий осиеликлар сўзларининг таъсири катта эканини таъкидлаб ўтган²⁰.

Хитой манбаларидаги маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, қадимда хитойликлар мил. ав. II асрнинг сўнги чораги ва I асрнинг бошларидан буддизм ҳақида маълумотларга эга бўлган. Шунингдек, марказий осиелик, хусусан, кушонлик ва кангкиялик роҳиблар Парфия ва Ҳиндистон давлатларидан борган роҳиблар билан бир қаторда қадимги Хитой жамиятида буддизмни ёйишда фаол қатнашган. Ҳатто Хитойга буддизм ҳақидаги маълумотларни марказий осиелик роҳиблар парфиялик роҳиблардан олдин етказган.

¹⁹ Ханеда Т. Шиюй венминг ши гайлун (羽田享. 西域文明史概論 – Ғарбий юртлар цивилизацияси тарихи ҳақидаги умумий таъриф). Шангхай, 1935. Б. 15.

²⁰ Лин Мейцун. Шиюй венминг: каогу, минзу, юйян хе зунгжяо шинлун (林梅村. 西域文明: 考古, 民族, 语言和宗教新论 – Ғарбий мамлакатлар цивилизацияси: археология, миллат, тил ва дин ҳақидаги янги назария). Пекин, 1995. Б. 431-447.

ҚАДИМГИ ХИТОЙГА БОРИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АЖДОДЛАРИМИЗ

Аввало нашр этилган Буюк Ипак йўли тарихига оид асарларимизда айтиб ўтилганидек, қадимий савдо йўли ҳақида гап юритилганда, Буюк Ипак йўли бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги ва мил. ав. 128-127 йилларда биринчи Хитой элчиси Чжанг Чянинг Фарғонага келиши билан хитойлар учун Марказий Осиё давлатларига бориладиган йўл очилганлиги ҳақида айтиб ўтилган эди. Мазкур элчигача бўлган узоқ давр давомида эса Хитой билан Ғарбий Осиё ва Оврўпа ўртасидаги савдо алоқаларда асосан Марказий Осиё халқлари воситачилик қилган. Уларнинг айрим вакиллари йўлдаги шаҳарларда, жумладан қадимий Хитойнинг пойтахти Чангъан, Лоянг каби шаҳарларда ва уларнинг атрофидаги вилоятларда ҳамда чегара яқинидаги ерларда жойлашиб, савдо-сотик қилишган, айримлари савдогарларга хизмат кўрсатиш ва ўзларининг диний эътиқодини тарғибот қилиш билан шуғулланишган. Бунга 2000 йил август ойида Хитой Халқ Республикасига Буюк Ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги ҳолатини ўрганиш учун уюштирилган илмий экспедиция даврида²¹ кўрганларимиз ва ўқиганларимиз асосида амин бўлдик.

Экспедиция даврида кўриб ўрганилган ҳамда хитой манбалари ва тарихий адабиётларда келтириладиган маълумотларга кўра, ҳар хил сабаблар билан Буюк Ипак йўли орқали Хитойга бориб яшаб қолган туркистонликлар, жумладан Ўзбекистон ҳудудидан борганларнинг сони салмоқлидир. Хитойда улар шунчаки кун кўриб яшамасдан Хитой ички савдосининг ва халқаро савдонинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бунинг мисоли

²¹ Ушбу экспедиция ҳақида қаранг: Ходжаев А. Великий шелковый путь: связи и судьбы. Ташкент. 2018. С. 9-11.

тариқасида қуйидаги маълумотларга мурожаат қилишни ўринли ҳисоблаймиз.

Маълумки, ҳозирги ХХРнинг Гансу ўлкасида жойлашган Хэши йўлаги хитойча Хэшизоуланг деб аталиб, у дарёнинг ғарбий томонидаги йўлак маъносини англатади. Қадимий Хитой пойтахти Чангъанга (ҳозирги Сиан) боришда албатта ўтиладиган вилоят ҳисобланган. Географик жиҳатдан олиб қараганда, мазкур вилоят ғарбдан шарққа қараб чўзилган бўлиб, унинг узунлиги 1400, эни 530 километрдан иборат. Қадим замонда ушбу йўлакни от, туя ва эшакларга миниб босиб ўтиш учун кунига 40-50 километр атрофида йўл юрилганда, камида бир ойга яқин вақт керак бўлган. Шунинг учун бу ерда яшаган халқларнинг ҳаёти маълум даражада халқаро савдо ишларига боғлиқ бўлган. Қолаверса, савдодан келган даромад ҳамма вақт ҳукмдорларга керак бўлганлиги туфайли, улар уруш даврида ҳам мазкур вилоятнинг тинчлигини таъминлашга, айниқса йўл ҳаракатини ҳимоя қилишга ҳаракат қилишган. Натижада Хэши йўлаги тижорат учун нисбатан қулай жойга айланган.

Хитой тарихчиси Ли Мингвэйнинг ёзишича, Хэши маълум даражада ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил ҳолатга эга бўлиб, бу ерда тинчлик барқарор бўлиб турган. Шунинг учун туркистонлик савдогарлар, айниқса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан борганлар бу ерда узоқ яшаб қолганлар. Ушбу йўлакда шаклланган бозорлари ҳам улар манфаатларига мос келган.

Хэши йўлагида жойлашган Гуочжоу (ҳозирги Анси тумани), Сучжоу (ҳозирги Жючюан шаҳри), Шачжоу (ҳозирги Дунгхуанг), Ганчжоу (ҳозирги Чжангъе ноҳияси), Лянчжоу (ҳозирги Увэй шаҳри) ва Ланчжоу (ҳозирги Гансу ўлкаси маркази) каби вилоятларда Ўзбекистон шаҳар-ларидан борганлар кўп учраб туришар экан. Айниқса Шачжоу (Дунхуанг) ва Гусанг (Лянчжоу, Увэй)

каби жойлар шуларларнинг нисбатан кўпроқ тўпланган вилоятлари ҳисобланган²².

Хитой манбаларида, жумладан Вэй Шоу (506-572) томонидан битилган Вэй сулоласи тарихининг (Вэйшу)²³ 102 - бобида кўрсатилишича, милoddан аввалги 167 йилга қадар бўлган бир неча аср давомида Хэши йўлаги Роузи (замонавий ўқилишда Юечжи – Ўғузия) давлати²⁴ таъсири остида бўлган. Шу боис бу ердаги савдо ишлари шу давлат одамлари қўлида бўлган. роузиеликлар (Юечжи давлати одамлари), яъни ўғузияликлар ҳозирги Ўзбекистон шаҳарларидан борганларнинг мазкур ўлкада эркин ҳаракат қилишига шароит яратиб берганлар. Эҳтимол бунинг ўзаро манфаатдорликдан бошқа бир сабаби бўлган бўлиши мумкин. Айрим маълумотларга кўра, ушбу ҳудудлар одамларида умумий этник бирлиги бўлган. Қадим замонларда Каспий ва Орол денгизларининг шимолий қирғоқларида яшаганлар кейинчалик жанубга кўчган ва у ерда давлатлар ташкил қилган. Қадимий турклар таркибидаги турк қабиласининг аجدодлари ҳам Каспий ва Орол денгизларининг шимолий қирғоқларида яшаган. Кейинчалик улар шарққа кўчган²⁵.

²² Ли Мингвэй. Суй Танг сичоу чжилу (Суй ва Танг давридаги ипак йўли). Ланчжоу, 1994. Б. 215-216.

²³ Вэйшу – Шимолий Вэй (386-534) ва Шарқий Вэй (504-550) каби хонликлар тарихига бағишланган асардир.

²⁴ Бу ҳақда қаранг: Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011. С. 115-215.

²⁵ Ходжаев А. Қадимий хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. // «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият. Тошкент, 2003. Б. 176-184; «Ўзбекистон тарихи» № 1, 2003. Б. 3-11; Шу муаллифнинг. Сведения китайских источников о тюрках II и I тыс. до нашей эры // Взаимодействие Казахстана с сопредельными странами в XVIII - начала XX вв. Современный взгляд на проблемы. Актобе, 2004. С. 16-22. Его же. О трансформации «юечжи» из топонима в этноним // Вопросы

1060 йилда сарой тарихчиларининг катта бир гуруҳи томонидан ёзиб битирилган «Танг сулоласининг янги тарихи» («Шин Тангшу»)нинг «Ғарбий мамлакатлар» номли бобида зикр этилишича, қадимги Сўғд давлати²⁶ емирилгандан кейин унинг таъсири остидаги ҳудудда бир қанча майда хонликлар ташкил топган. Ушбу жараён қаттиқ урушлар ва жангу-жадаллар билан тўла бўлган. Ана шу даврда кўп Сўғд савдогарлари Хэши йўлагига келиб жойлашиб қолган ва халқаро тижорат ишларида фаол қатнашган. Мазкур манбада сўғдликлар «савдо ишларига қобил келади, эркаклари 20 ёшга тўлган захоти ўзга мамлакатларга бориб ўз ризқларини териб олишга ҳаракат қиладилар»²⁷ деб кўрсатилади.

Айниқса милодий IV асрда Хэши йўлагига яшовчи сўғдийларнинг сони кўпайганлиги кузатилган. Бинобарин, айтилган замонда Хитойда ўзаро уруш алангаси ёниб турганлиги туфайли савдо ишларига катта путур етган. Хитойлар ана шу уруш билан банд бўлишган. Аммо Хэши йўлагининг ҳукмдори фурсатдан фойдаланиб, мустақил иш тутган ҳолда савдо ишларига катта эътибор беради. Тижоратни яхши йўлга қўйиш учун улар сўғдийларга қулай ва имтиёзли шароит яратиб берган. Натижада кўп сўғд савдогарлари бу ерда маконлашишни маъқул топишган. Марказий ва Ғарбий Осиё мамлакатларидан олиб келинган молларни Хитойнинг бошқа ўлкаларига тарқатишда сўғдийларнинг ҳиссаси катта бўлган. Бунинг

истории и археологии Западного Казахстана. Выпуск 3. Уральск, 2004. С. 68-77; Хитой манбаларидаги сўғдликларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi. № 1. 2004. 52-61.

²⁶ Сўғд давлати (хитой манбаларида Сутэ-гуо) V-VII асрларда Зарафшон дарёси воҳасида мавжуд бўлган [Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта асрлар манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). Тошкент, 2015. Б. 300-313].

²⁷ Ли Мингвэй. Суйтан сичоу чжилу. Б. 215-216.

натижасида орадан кўп ўтмай, марказий Хитойнинг бир қатор шаҳарларида ҳам сўғдийлар маҳаллалари ташкил топган.

Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Мингвэй, Чэн Айчжу ва Жин Юэ каби бир гуруҳ Хитой олимлари сўғдликларнинг Буюк Ипак йўли орқали бўлган халқаро савдо ва маданий алоқаларда катта роль ўйнаганлигига баҳо бериб қуйидаги сўзларни ёзишади. «Хитой билан Ғарб ўртасидаги ипак йўли ва иқтисодий, маданий алоқалар тарихида саклар, хунлар, сўғдийлар, турклар ва уйғурларнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Саклар Евросиё шимолий савдо йўлини - яйловлараро ўтган ипак йўлини илк бор очган халқ ҳисобланса, сўғдийлар милоддан аввалги V асрлардан бошлаб то милодий X асргача бўлган тахминан 1500 йиллик давр давомида ипак йўли орқали амалга оширилган алоқаларни ривожлантиришда ниҳоятда улкан ҳисса қўшган»²⁸.

Сўғдийларнинг келиб чиқиши тўғрисида Хитой олимларининг фикрича, улар ХХРнинг қайси вилоятида яшашганлиги ва тақдири ҳақида саволларнинг туғилиши табиий. Гарчи ушбу саволларга аниқ жавоб бериш махсус тадқиқотлар олиб боришни талаб этсада, ҳанузгача тўпланган илмий маълумотлар қуйидагиларни айтиб ўтишга имкон беради.

Катта бир гуруҳ олимлар томонидан ёзилган ва 1997 йилда «Гансу халқ нашриёти» томонидан чоп этилган «Сичоу чжилу маойи ши» («Ипак йўли савдо алоқаларининг тарихи») номли йирик асарда сўғдликларнинг келиб чиқиши ҳақида зикр этилиши ҳамда археология маълумотларини илмий таҳлил қилиш натижасида маълум бўлишича, сўғдликлар Осиё қитъасида яшаган саклардан

²⁸ Ванг Чжэнгъя, Гуан Лянжи, Ли Мингвэй, Чэн Айчжу ва Жин Юэ. Сичоу чжилу маойи ши (Ипак йўли савдо алоқалари тарихи). Ланчжоу, 1997. Б. 388.

келиб чиққан. Тахминан милоддан аввалги X асрларда сўғдийлар Амударёнинг ўрта қирғоқларида, Зарафшон дарёси ва Қашқадарё бўйларида яшаган. Милоддан аввал II асрда Хитой элчиси Чжанг Чян Кангкия (Кангжюй, Н.Я.Бичурин таржималарида Кангуй) давлатига борганда, Суйи, Канжюй (қадимий хитой тилида Сивокйиэк, Канггивок) каби мамлакатларда сўғдийлар кўп бўлганлигини кўрган. Улар Самарқанд, Афросиёб, Мароканд каби кўхна шаҳарларни барпо этишда қатнашган, Евроосиё савдо йўлларида фаол ҳаракат қилган, Қашғар, Антикэ, Қора денгиз бўйларидаги шаҳарлар ва Ҳиндистон шаҳарлари билан савдо алоқалар қилиб туришган. Улар хоразмликлар билан бирга милоддан аввалги IV аср Марказий Осиё маданиятининг юқори чўққиси бўлган Кангжюй маданиятини шакллантиришда қатнашган²⁹.

Хитойга бориб қолган сўғдликлар қайси жойда кўп бўлган деган саволга Дунгхуанг вилояти деб жавоб бериш мумкин. Зеро, сўнгги йилларда мазкур вилоят ҳудудида амалга оширилган археологик ишлар натижасида бунга исбот бўладиган кўпгина ашёвий далиллар топилган. Сўғд тилида ёзилган ҳужжатлар, савдо ишларига оид тизим дафтарлари (бу тарихий ҳужжат P3559 рақами билан ҳисобга олинган), музейларда қўйиб қўйилган экспонатлар ана шулар жумласидандир. Чунончи, Дунгхуанг вилоятида топилган бир тизимлаш дафтарыда қуйидаги сўзларни учратиш мумкин. Дунгхуанг сўғд тилида ёзилган ҳужжатларда Друан деб аталган³⁰. «Друан (Дунгхуанг) вилоятида жами 13 та қишлоқ мавжуд бўлиб, уларнинг бири Сунгхуа қишлоғи деб аталади. Унда яшовчилар орасида хўрлар³¹

²⁹ Ванг Чжэнгъя... Сичоу чжилу маойи ши. Б. 388.

³⁰ Ўзбекистон халқлари тарихи. т. 1. Тошкент., 1992. Б. 52.

³¹ Ғуз сўзини хитойлар ху деб талаффуз этишган. Ушбу сўз билан улар қадимий туркларни, жумладан хунларни ва Хитойнинг ғарбий томонидаги барча халқларни аташган. Шу боис хитойлар тилида суғдлар ҳам ху деб номланган.

нихоятда кўп. Цао давлатидан (Фарғона) келган Цао Сяосяо, Цао Туличжи, Канг (Самарқанд) давлатидан келган Канг Фу, Ан давлатидан (Бухоро) келган Ан Хаози, Ан Жяша, Ши (Шаш, Ташкент) давлатидан келган Ши Шўлўдан, Ши Мопў, Ми (Зарафшон дарёси жанубидаги Самарқанд давлатига қарашли кичик хонлик) давлатидан келган Ми Фўчжэнгьян, Ми Юйван... исм кишилар яшайди³².

Р3929 рақам билан ҳисобга олинган иккинчи бир ҳужжатда Дунгхуангда яшаган сўғдийларнинг оловга чўқинганлиги ва уларнинг катта жойни эгаллаган ибодатхонаси борлиги зикр этилган³³. Хитой тарихчиси Ли Мингвэйнинг ёзишича, Дунгхуанг вилоятининг Сунгхуа қишлоғи ва Анчэнг шаҳри сўғдийларнинг энг кўп йиғилган жойлари ҳисобланган³⁴. Лю Йиншэнгнинг ёзишича, 4 асрнинг биринчи ярмида Дунгхуангда яшаган «хушанг» (ғуз ёки хўр савдогарлари)нинг сони 100 кишидан ортиқ бўлган³⁵. Вэй (220-265) ва Жин (317-420) сулолалари даврида сўғдийлар ипак йўлидаги Увэй (Лянгжоу) шаҳрида кўпайган. Айниқса Шимолий Вэй сулоласи даврида (386-534) мазкур давлат Марказий Осиё билан яқин алоқада бўлган. Шунда Вэй хонадони сўғдийлардан фойдаланиш мақсадида уларга катта имтиёз яратиб берган. Шу боис Хитойга кўчиб келган сўғдийларнинг сони тезда кўпайган³⁶. Сўнгги йилларда Датанг вилоятида топилган Шимолий Вэй сулоласи даврига оид сўғд маданиятига хос буюмларнинг, жумладан кумуш ва тилладан ясалган идиш-товоқларнинг кўп топилиши бунга исбот бўлади³⁷.

³² Ли Мингвэй. Суй Танг сичоу чжилу. Б. 217.

³³ Ўша жойда. Б. 218.

³⁴ Ўша жойда.

³⁵ Лю Йиншэнгнинг. Силу вэнхуа - саюан жоан. (Ипак йўли маданияти - яйлов қисми). Чжэжянг 1995. Б. 137.

³⁶ Ли Мингвэй. Суй Танг сичоу чжилу. Б. 221-222.

³⁷ Ўша жойда. Б. 222.

Сўғдийлар нафақат савдо ишларида, балки маъмурий ва ҳарбий ишларга ҳам жалб этилган. Улар орасида Хучжифу, Кангжи каби 20 дан ортиқ самарқандлик сўғдийлар бўлганлиги қайд этилган³⁸. Шимолий Вэй сулоласи Лоянг шаҳрини пойтахт қилган эди. Шу боис, Марказий ва Жанубий Осиёдан келганларнинг кўпчилиги мазкур шаҳарда жойлаша бошлаган. Шулар қаторида сўғд савдогарлари ҳам Лоянгга кўчиб кела бошлаган. Натижада Лоянгда ҳам зардуштий ибодатхоналари барпо этилган.

Сўнгги 30 йил давомида ХХРда амалга оширилган археологик ишлар жараёнида Лоянг шаҳрида самарқандлик йирик амалдор қабри топилган, уни очишганда унинг исми Канг Можя бўлиб, у ҳарбий ишларда кўрсатган жасорати учун катта мукофотга сазовор бўлганлиги, унинг отаси Фада ҳам отлик кўшин кўмондони бўлганлиги маълум бўлган³⁹. Мазкур шаҳарда топилган 647 йилга оид яна бир қабрни очиб қараганда, дафн этилган одамнинг исми Канг Данунг эканлиги аниқланган⁴⁰.

Айтиб ўтиш жоизки, очилган қабрлар ичида тошга ёзиб қолдирилган ва яхши сақланган ёзувлар ҳам топилган. Дафн қилинганларнинг кимлиги, қайси юртдан келганлиги ва оламдан кўз юмган вақти ана шу ёзувлар асосида аниқланган. Шулардан маълумки, ўша даврдаги анъанага кўра, жасад эгаси қайси шаҳардан келган бўлса, ўша шаҳарнинг хитойча номи унинг исми олдига қўшилган. Масалан, Самарқанддан борганларнинг исми олдига Канг (Самарқанд), Бухородан борганлар исми олдига Ан (Бухоро), Тошкентдан борганлар исми олдига Ши (Шаш), Фарғона водийсидан борганлар исми олдига Тсао топонимларини қўшиш одат бўлган. Шунга қараганда, Лоянг шаҳрида амалдорлик қилган Канг Можянинг исми Можян-

³⁸ Ўша жойда. Б. 218.

³⁹ Ўша жойда

⁴⁰ Ўша жойда. Б. 223.

самарқандий, Канг Данунгнинг исми эса – Данунг-самарқандий бўлган.

Манбаларнинг кўрсатишига қараганда, қадимий Хитойнинг пойтахти Чангъан (Сиан) ҳам сўғдийлар кўп жойлашган шаҳар ҳисобланган. Уларнинг талайгина қисми йирик савдогарлар сифатида фаолият кўрсатишган. Чангъанда бир неча бозор бўлганлиги ва сўғдийлар одатда бозорга яқин жойларда яшашганлиги учун шаҳарнинг бир қатор жойларида зардуштийлар ибодатхонаси мавжуд бўлган.

Танг сулоласи даврида, яъни 618-907 йилларида Чангъаннинг аҳолиси 1 млн. дан иборат бўлиб, шундан 50 мингга яқин қисмини хорижликлар ташкил этган. Манбаларнинг гувоҳлигига кўра, шулар ичида сўғдийларнинг сони анча салмоқли бўлган. Афсуски, манбаларда уларнинг сонини аниқ кўрсатадиган маълумот келтирилмайди. Ҳар ҳолда ҳозирча учрагани йўқ.

VII асрнинг бошларида катта бир гуруҳ сарой тарихчилари томонидан битилган Суй сулоласи тарихининг (Суй шу) 83 бобида кўрсатилишича, Ўзбекистоннинг худудида жойлашган 9 шаҳардан борган савдогарларни "Чжаову жю шин ху" (9 исмли ғузлар) деб аталган. Баъзан ушбу ном қисқартирилган ҳолда "Чжаоу ху" деб ҳам айтилади. Ушбу 9 шаҳарлар доирасига Канг (Самарқанд), Ан (Бухоро), Тсао (Самарқанднинг ғарби-шимолида жойлашган Кабудан, Хебуд шаҳри), Ши (Чач, Шаш, Ташкент), Ми (Самарқанд ёнида ва Зарафшон дарёси жанубида жойлашган Маймарх шаҳри), Хэ (Самарқанд билан Бухоро оралиғида жойлашган Кошона шаҳри), Хуошюн (Хоразм), Фади (Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида жойлашган Бетик шаҳри), Ши (Кеш, Қарши) каби кичик давлатлар кирган⁴¹. Шу жойда айтиб ўтмоқ ўринлики, Ташкент ва Қарши шаҳарларининг номини ёзиш учун

⁴¹ Лю Йиншэнг. Силу вэнхуа. Цаоюан жюан. (Ипак йўли маданияти. Яйлов қисми). Чжэянг 1995. Б. 134.

ишлатилган ва бир хил талаффуз этиладиган икки иероглифнинг ёзилиши ҳар хилдир. Уларнинг бири тош, иккинчиси тарих маъносини ангълатади.

Уйғур хоқонлиги даврида (745-840) Танг империясининг ички вазияти кескинлашиши туфайли уруш алангаси ҳукмрон хонадоннинг ҳаётига қаттиқ хавф туғдирган эди. Шу боис Танг сулоласи мазкур хоқонликдан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Ушбу хонлик томонидан берилган ёрдам ҳисобига у Хитойда юз берган Аньлушан қўзғолонини (755-763) бостирди. Шундан сўнг ёрдам эвазига Танг сулоласи уйғурларга Хитойда эркин савдо қилиш бўйича катта имтиёзлар берди. Фурсатдан фойдаланиб, сўғдийлар ўзларини уйғур деб эълон қилиб, уларга ўхшаб кийиниб, вазиятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишган. Орадан кўп ўтмай, Чангъанда сўғдийлар ва уларга тобе ибодатхоналар сони яна ҳам кўпайган⁴².

Хитойга бориб ўтроклашиб қолган саклар ва сўғдийларнинг кейинги тақдири номаълум. Эҳтимол, улар маҳаллий халққа араллашиб кетгандир, балки айримлари узоқ вақт давомида Хитойда яшагандан сўнг ўз юртларига ёки бошқа мамлакатларга кетгандирлар. Бу ҳақда аниқ бир нарса айтиш қийин. Аммо, ҳозир ўзларини хитой миллатига мансуб деб юрган айрим кимсаларнинг фамилиясига айланган Канг (康), Ан (安), Ми (米) каби Туркистон шаҳарларининг хитойлар талаффузидаги номига «сай» (塞), «суо» (索) каби сўзларнинг қўшилиши эътиборни жалб этади. Зеро, ушбу сўзлар қадимги замонда «сек», «сак» деб талаффуз этилган бўлиб, уларни хитойлар саклар номини ёзиш учун ишлатишган.

Хитойча «ху» деб айтиладиган сўз аслида хитойлар томонидан милоддан аввалги туркларга, жумладан хунларга, ўғузларга нисбатан салбий маънодаги лақаб

⁴² Ли Мингвэй. Суй Танг сичоу чжилу. Б. 215-221.

сифатида ишлатилган⁴³. Кейинчалик хитойлар ушбу атама билан ўзларининг шимолий ва ғарбий томонида яшаган кўшни халқларни ва барча туркистонликларни, жумладан сўғдлар ва барча туркистонликларни аташган. Шу боис Хитойга бориб савдогарчилик қилган туркистонликлар маҳаллий халқ томонидан «хушанг» – «турк савдогарлари», «шангху» – «савдо билан шуғулланувчи турклар», «хукэ» – «турк меҳмонлар», «фанкэ» – «кўшни юртли меҳмонлар» деб аталганлар. Уларнинг отлари «хума» – «турк отлари», аравалари «хучэ» – «турклар араваси», кийимлари «хуфу» - «турклар кийими» дейилган. VII-VIII асрларда Хитойга келиб қолган араблар ҳам ху деб атала бошланган⁴⁴. Ушбу хабарлар бир томондан сўғдликларнинг ҳозирги Хитой худудида фаолият кўрсатганлигини билдирса, иккинчи томондан хитой тилида янги сўзларнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Ўз тиллари хусусияти ва исм қўйишда 1-2, фамилияси 1 иероглифдан ошмаслик анъанасидан келиб чиқиб, хитойлар Туркистондан борганларни суо (сак), ху (турк),

⁴³ Ху (胡) иероглифи *ху* ўқилиб, у хитой тилида илк бор пайдо бўлганда қора мол бўйнининг таги қисмида осилиб турган этсиз жойининг номи, ҳайвонларнинг пайи, маъносиз сўзлайдиган одам, кераксиз нарса маъноларида қўлланилган. Кейинчалик, хитойлар ўзларининг шимолий ва ғарбий томонидаги этносларни ху деб аташган [Ванг Гуовэй. Гуан Танг жилин (Гуан Танг тўплаган маълумотлар). Илова 2. Боб (Жюан) 13. Б. 583; Хўжаев А. Хитой манбаларидаги «ху» этнонимини қандай тушунмоқ керак // Марказий Осиё тарихи замонавий медиевистика талқинида (Профессор Розия Мукминова хотирасига бағишланди). Тошкент, 2013. Б. 242-256]. Н.Я.Бичурин ху этнонимини келиб чиқиши турк ва форсий бўлган қабилалар-ининг номидир деб изоҳлаган [Бичурин Н.Я. Собрание сведений... Алматы, 1998. Т. 1. С.44]. Л.Н. Гумилев ху этноними хитойлар томонидан «ёввойилар қабилалари» маъносида ишлатилганлиги айтган [Гумилев Л.Н. Хунны в Китае. Санкт-Петербург, 1994. С. 235].

⁴⁴ Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 51.

ма (от) деб аташган ва бу атамалар фамилияга айланган. Ма деб номланганларнинг исми Маҳмуд ёки Муҳаммад бўлган. Айрим ҳолларда хориждан Хитойга бориб маконлашиб қолганларни бир-биридан фарқ қилиш мақсадида маҳаллий халқ уларга фамилия қилиб туғилган юртлари номини берган. Бинобарин, Тошкентдан борганларнинг исми олдига Ши (石), Бухородан борганлар исми олдига - Ан (安) иероглифларини қўшиб аташган. Чунки қадимда Тошкент давлатини хитойлар Ши-гуо (石国), Бухоро давлатини эса Ангуо (安国) деб аташган. Самарқанддан борганларга хитой-лар Канг (康) иероглифини фамилия қилиб беришган.

Ислом дини Туркистонда ҳукмрон динга айлангандан сўнг Хитойга бориб узоқ яшаб фаолият кўрсатган машҳур одамларнинг исмида Саид ад-Дин тез-тез учраб турган. Бундай одамлар исмини хитойлар қисқартириб Сай Дин деб аташган. Юқори даражали амалларда хизмат қилган айримларга хоқоннинг амри билан ушбу қисқартирилган исмларни фамилия қилиб ҳам берилган. Шунинг учун хитой тилида сўзлашувчи ХХР мусулмонлари орасида Ма, Динг, Сай каби фамилияликлар кўп учраб туради.

ХIII асрда мўғуллар Хитойни забт этиб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан сўнг савдо ишларида, асосан туркистонликлардан фойдаланган. Шулар фаолияти ва улар томондан тўланган солиқлар ҳисобига ўз хазинасини тўлдиришга ҳаракат қилишган. Бинобарин, мўғулларнинг ўзлари савдо ишлари билан шуғулланишмаган. Давлатнинг молия ишларини бошқаришда ҳам мўғуллар туркистонликлардан кенг фойдаланишган. Шу боис мўғуллар уларнинг ислом динини тарғибот қилишига ҳам халақит

бермаганлар. Натижада ислом динининг Хитойга тарқалиши янги поғонага кўтарилган⁴⁵.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАН ХИТОЙГА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

Буюк Ипак йўли орқали Туркистондан Хитойга олиб кетилган турли ўсимлик ва таомларнинг рўйхати ҳам талайгина. Одатда одамлар бу ҳақда ўйлаб ўтирмайдилар. Хитойга борган одамлар у ерда ушбу минтақада ўсадиган ўсимликларни, айниқса мева дарахтларини кўриб, улар Хитойга олиб келинганми, йўқми деб ўйлаб ҳам ўтирмайдилар.

Хитойга Туркистондан олиб келинган ўсимликларнинг турлари кўп бўлиб, уларнинг айримлари юқорида тилга олинган Фарбий Хан империяси элчиси Чжанг Чяннинг Фарғонага ва атрофдаги қўшни мамлакатларга келиб кетиши билан боғлиқдир. Мош (худоу), ноннинг юзига сепиладиган седана (хумо), шолғом (хулуобу), ошқовоқ (хугуо), турп (хулуобу), кашнич (хусуй, сянгцай), бодом (хутао) каби ўсимликлар шулар жумласидандир. Одатда Туркистон халқини хитойлар «ху» (қадим. ўқ. 胡) деб умумлаштириб атаганлиги туфайли улар ушбу минтақадан олиб келинган ўсимликлар номи олдиға ана шу сўзни қўшганлар.

Туркистондан Хитойга олиб келинган ўсимликлар ичида бевосита Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган ўсимликларнинг бири узум бўлса, иккинчиси беда ҳисобланади. Қадим замонларда улар хитойлар учун нотаниш бўлган. Милоддан аввал 127 йилда Хитой элчиси Чанг Чян 11 йил давом этган ҳунлар асирлигидан қочиб қутилгандан сўнг, энг аввал Фарғона давлатига етиб келган. Фарғонада у узум

⁴⁵ Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао (Тунгонлар тарихига оид илмий мақолалар). Нинся, 1992. Б. 20 -21.

ва унинг сувидан тайёрланган ичимлик – мусаллас билан танишган. Хитой элчисига мусаллас ёқиб қолган бўлса керак, у милoddан аввал 126 йилда Чангъанга қайтиб борганида Хитой хоқони У-дига (м.ав. 140-85) узумнинг ширинлиги ва шифобахш эканлиги, ундан тайёрланган мусаллас ҳам инсон соғлиги учун фойдали эканлиги ҳақида катта мамнуният билан сўзлаб берган. Ўша даврда Хитойда ишлаб чиқари-ладиган спиртли ичимликнинг тез бузилиб қолишини ва қуввати пастлигини ҳисобга олиб, Чжанг Чян фарғоналик-ларнинг узумдан тайёрланган мусалласи бир неча ўн йил сақласа ҳам ачиб кетмаслигини ва узок сақлаган сари унинг қуввати ошиб боришини ҳам алоҳида таърифлаб берган. Шу билан бирга, у ўзи билан олиб келган қуритилган узумнинг мевасини У-дига тақдим этган⁴⁶. У-ди хоқон узумни татиб кўргандан сўнг уруғини дарҳол сарой ёнидаги боғда экишни буюрган. Шундан кейин Хитойда ток ўстирила бошлаган ва ток ўстириш санъати тарқалган. Шундан маълумки, токнинг Хитойда тарқалганига 21 асрдан кўпроқ вақт бўлди.

Чжанг Чян ватанига қайтиб келганида узумни «путоу» деб атаган. Элчи узумни нега бундай атаганлиги ҳанузгача мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Айрим хитой олимлари қадимий форсий тилда узум «буда», грек тилида «бутрувз» деб аталганлигини инобатга олиб, Чжанг Чян мана шу номларнинг биронтасидан олган бўлсак керак, деб тахмин қилишади.

Узум ўстириш санъати билан бирга Хитойда ундан мусаллас тайёрлаш узок йиллар давомида сақлаш технологияси ҳам тарқалди. Узумдан тайёрланган мусалласни хитойлар «путоу жю» («узум ароғи») деб аташди. Шу билан хитой тилида янги атама ҳам пайдо бўлди.

⁴⁶ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа. Цаюнь жюан (Ипак йўлидаги маданият. Яйлов йўлларига оид жилд). Чжэжянг, 1996. Б.150.

Орадан бир неча аср ўтгандан кейин Хитойда узумдан тайёрланган мусалласни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш кенг тарқалган. VII асрдан кейин Хитойда «форс услубида тайёрланган узум ароғи» деган тушунча кенг тарқалган эди. Мазкур услуб аслида қадим замондаги «Тошкент давлати» («Шигуо»)дан олиб келинган экан⁴⁷.

Беданинг Хитойда тарқалиши ҳам Чжанг Чяннинг Фарғонага келиши ва бу ерда тез чопар тулпор отларни кўриши билан боғлиқ бўлган. Бинобарин, шундан илгари хитойлар ишлатган отлар асосан Мўғилистон худудида боқиладиган отлардан иборат бўлган эди. Ушбу отлар кенг кўкракли, оёқлари нисбатан калтароқ, бўйи пастроқ келган бўлиб, чопганда уларнинг тезлиги нисбатан кам бўлган. Чжанг Чян Фарғонада кўрган тулпор отлар эса тезликда ва узоққа чопишда мазкур отлардан катта фарқ қилган. Шу боис элчи тулпорларнинг хусусиятлари ва уларни боқиш услуби билан яхши танишган. Чжанг Чянга фарғоналиклар тулпор отларни боқишда ишлатиладиган беда янгилик бўлиб кўринган. Ватанига қайтиб кетишда у ўзи билан беда уруғини олиб кетган. Элчи бу ўсумликни мусюй (musü 苜蓿) деб атаган.

Пойтахт Чангъанга қайтиб боргандан сўнг Чжанг Чян У-ди хоқонга тулпор отлар ва уларни боқиш учун муҳим аҳамият касб этадиган ўсимлик - беда ҳақида барча кўрган ва билганларини сўзлаб берган. Хитой хоқони элчининг гапини эшитиб, дарҳол шундай тезчопар тулпор отлар билан ўз қўшинларини тўла таъминлаб, уларнинг жанговарлигини ошириш режасини туза бошлаган. Шу боис У-ди тулпор отларни олиб келишдан олдин уларнинг асосий озукаси бўлган бедани ҳам сарой ёнидаги боғда экишга ва шундан кейин уни бошқа жойларда

⁴⁷ Шиефэй. Тангдай ди вайлай вэнминг (Танг даврида чет элдан келтирилган ғаройиб нарсалар). Инглиз тилидан У Юйгуй таржима қилган. Пекин, 1995. Б. 312.

кўпайтиришга фармон берган. Орадан кўп ўтмай Хитойда беда экиш кенг тарқала бошлаган.

Чжанг Чян Фарғонадан қайтиб келгандан сўнг У-ди тулпор отлар олиб келиш учун ушбу мамлакатга катта бойлик билан одам юборади. Аммо фарғоналиклар бириккита от совға қилиш билан чекланиб, кўп миқдорда от сотишга розилик бермайдилар.

Шундан кейин милоддан аввалги 104 йилда У-ди Фарғонага Ли Гуангли кўмондонлигида катта кўшин юбориб, маҳаллий ҳукуматни тулпор отларни беришга мажбур қилмоқчи бўлади. Лекин биринчи марта Фарғонага юборилган кўшин мақсадга эришолмай, Ўзган (Ўзкент)да бўлган қаттиқ жангдан кейин орқага қайтади. Мағлубиятга кўника олмаган Хитой хоқони бундан қаттиқ хафа бўлиб, Ли Гуанглини катта кўшин билан иккинчи марта Фарғонага юбориб уруш қилади. Бу уруш ҳам хитой хонига у кутган натижани бермайди. Милоддан аввал 102 йилда юз берган қаттиқ жанглардан сўнг Ли Гуангли, айрим маълумотларга қараганда 14 та, бошқа бир маълумотларга кўра, 30 дан ортиқ от олиб қайтиб кетишга мажбур бўлади⁴⁸. Шундан бошлаб Хитойда секин аста зотли отлар пайдо бўла бошлайди.

Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, беданинг Хитойда пайдо бўлганига 2100 йилдан ошган. Беданинг кенг тарқалиши билан бирга хитойларга беда экиш орқали ернинг ҳосилдорлигини ошириш услуби ҳам маълум бўлган. Беданинг ушбу хусусияти Хитой деҳқонларига кўп фойда келтирган⁴⁹.

Тошқовоқ (халқ орасида носвой қовоқ дейилган) ҳам Марказий Осиёдан Хитойга тарқалган ўсимликлардан ҳисобланади. У ушбу мамлакатда «жюбейтэнг»

⁴⁸ Ванг Чжилай. Чжунгъя шиганг (Марказий Осиёнинг қисқача тарихи). Чангша, 1986. Б. 105-106.

⁴⁹ Лю Ёитанг. Вэйвуэр янжю (Уйғурларга оид тадқиқот). Нашр этилган жойи ва йили кўрсатилмаган. Б. 150.

(jiubeiteng 酒杯藤 – палакда ўсадиган ароқ ичиш идиши маъно-сини англатади) деб номланди. Айни замонда ватанимизда учратиш қийин бўлган тошқовоқ шаклан тухумга, катталиги эса нокга ўхшаган, пўстлоғи қаттиқ ичи бўшлиқдан иборат бўлган. Ўтмишда Хитойда қуритилган тошқовоқдан ўткир ичимлик ичиладиган идиш (рюмка) ясалган.

II асрнинг охири III асрнинг бошларида яшаган хитой олими Цюй Бао (崔豹) ушбу ўсумликнинг уруғини Хитойга Чжанг Чян олиб келганлигини айтган. Шу билан бирга, олим «бу ўсимлик палагининг узунлиги бир қулоч, мевасининг катталиги нокга тенг, пўстлоғи тошдек қаттиқ, у ароқ ичиш учун ишлатилади ... дезинфекция қилиш хусусиятига эга» деб ёзган⁵⁰.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, пахта ва пахта экиш ва ундан мато тўқиш технологияси ҳам Хитойга Марказий Осиёдан илк ўрта асрларда олиб келинган. 551-554 йилларда битилган «Вэй сулоласи тарихи» («Вэйшу»)нинг Самарқанд давлати (Канг-гуо / Kang-guo 康國) тазкирасида ёзилишича, хитойлар бу ўсимликни *байдие* (白疊, қадим. ўқ. *беак-диен* / beak-dien – оқ толалар тугуни) деб аташган⁵¹. Пахтадан тўқилган мато *диэбу* (diebu 疊布 – толалар тугунидан тўқилган мато) деб номланган. Айни замонда пахта хитойча «мянхуа» (棉花 – «пахта гули»).

Тандир нони анча қадим замонда Хитойга Марказий Осиёдан тарқалган озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига киради. Ноннинг хитойча «нонг» ёки «хубинг» деб аталиши ва шу сўзларнинг хитой тилида пайдо бўлишининг ўзи буни аниқ кўрсатиб туради. Бинобарин, юқорида айтганимиздек, «хубинг» сўзидаги «ху»

⁵⁰ Чэнь Чао. Чжэнцюзэ цянъмин Синьцзян миныйцу ши (Шинжян тарихига тўғри ёндошиш). Урумчи, 2002. Б. 579.

⁵¹ Вэй Шоу. Вэйшу // Эршисы ши. Б. 9707(1325); Чэн Чао. Чжэнцюзэ цянъмин Синьцзян миныйцу ши. Б.569.

туркистонликларнинг умумий номидир. Илмий адабиётда мавжуд фикр-мулоҳазаларга кўра, «ху» (胡) сўзи Хитой томонидан туркий халқларга, жумладан хунлар, туркистонликларга нисбатан ишлатилган. «Бинг» сўзи «нон»нинг хитойча таржимаси ҳисобланади.

Хитой манбаларида мавжуд бўлган маълумотларга кўра, Танг сулоласи даврида (618-907) Хитойнинг пойтахти Чангъан халқаро савдо марказига айланганлиги сабабли, бу ерда туркистонликлар ниҳоятда кўп тўпланган эдилар. Улар асосан шаҳарнинг ғарбий дарвозасига яқин жойлашган ғарбий бозор атрофига жойлашган эдилар. Ана шу бозорда ва бозорга олиб келадиган асосий йўлларда сон-саноксиз катта-кичик ошхоналар, нонвойхоналар очилган. Чангъанда бир туркистонлик бой кишининг ошхонаси «Хужи жюси» («Турон маликаси ресторани») деб номланган. Ресторан-ларга ном қўйишда кўпинча аёллар исмидан фойдаланилган⁵².

Туркистонликлар ошхонаси ва таомлари шу қадар ҳурматга сазовор бўлган эканки, кўзга кўринган хитой зиёлилари ҳам шу ресторанларга бориб овқатланиш ва меҳмон кутишни маъқул кўришган. Бу ҳақда йирик хитой шоирлари шеърлар ҳам тўқишган. Танг сулоласи қўхна тарихининг (Жю Тангшу) «Юйфу жи» (Маиший хизмат маъносини англатади) бобида, Чангъан шаҳрида «хулар таомлари» севимли таомлар бўлиб қолган, «бойлар зиёфати хулар таомларисиз ўтмас эди», деб зикр этилади⁵³. Шимолий сулолалар (386-550) даврида ёзилган «Чимин яошу» (齐民要术 – «Халқ хунармандчилик санъати») номли асарда Хитой-нинг ғарбий томонидаги мамлакатлардан келган таомларни тайёрлаш ва меваларни сақлаш услублари баён этилган. Ана шу асарда «хулар таомларини

⁵² Лю Йитанг. Вэйвуэр янжю (Уйғурларга оид тадқиқот). Нашр этилган жойи ва йили кўрсатилмаган. Б. 132-133.

⁵³ Ўша асар. Б. 133.

тайёрлаш услуби», «хулар қовунини сақлаш услуби», «гўштан хулар шўрваларини тайёрлаш услуби» каби боблар мавжуд⁵⁴. Шундан маълумки, III-IV асрларда қатор Туркистон таомлари Хитойда кенг тарқалган.

«Хан сулоласи тарихи» («Ханшу»)да «хубинг» (胡饼 – туркистонликлар нони) сўзининг кўп учраши ва «нон сўзини ифода қилиш учун «нонг» деб ўқиладиган махсус иероглиф (饅) яратилганлигига қараганда, ноннинг Хитойга тарқалган вақти милоддан аввалги асрларга бориб тақалади. «Чжунггуо сичоу чжилу цидян» («Хитойча ипак йўли луғати»)да «ху бинг» ва унинг устига сепиладиган «хума» (кунжут) ҳам Чжан Чян томонидан Хитойга олиб келинганлиги айtilган⁵⁵.

«Чимин яошу» асарида «нонг» ёки «хубинг» ачитилган бир бўлак хамир (хитойча мантоу) олов ёқилган «ўчоқда» (тандир кўзда тутилган) пиширилиши, нонга кунжут сепилиши, тонг саҳарда нонвойхоналар олдидан ўтилганда атрофни иштаҳа очивчи хушбўй ҳид қамраб олиши ва бундай нонлар «хума бинг», яъни кунжутли нон деб аталиши айtilган.

Ноннинг таърифлари машҳур хитой шоири Бай Жюйи (Бо Жюйи деб ҳам айtilади, 772-846 й. яшаган) шеърларида ҳам ўз аксини топган⁵⁶. Кунжут сепилган нон пиширишни шоирнинг ўзи ҳам билган ва ўз қўли билан тайёрлаган нон билан дўстларини меҳмон қилишни яхши кўрган⁵⁷.

Хитойда нон билан бирга сомсани истеъмол қилиш ва пишириш услуби ҳам кенг тарқалган. Хитой тилига ушбу

⁵⁴ Ўша жойда.

⁵⁵ Чжунггуо сичоу чжилу цидян (Хитойча Буюк Ипак йўли луғати). Урумчи, 1994. Б. 568.

⁵⁶ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа. Цаюнь жюан (Ипак йўлидаги маданият. Яйлов йўлларида оид жилд). Чжэжянг, 1996. Б. 133].

⁵⁷ Сичоу чжилу моуйиши (Ипак йўлидаги савдо тарихи). Ланчжоу, 1997. Б. 568.

таом номи «каоянгроу шянбинг» (烤羊肉馅饼 — оловда пиширилган ва ичига қўй гўшти қиймаси солинган нон) шаклида кириб келган⁵⁸.

Юқорида тилга олинган «Чимин яошу» номли асарда «Хубинг бир бўлак хамир ичига икки қадоқ гўшт, оқ пиёз, доривор, туз кабилардан қилинган қийма солиб, олов ёқиб қиздирилган ўчоқда (тандирда) пиширилади, хамирнинг юз томони дархол шишиб чиқади», деб кўрсатилган⁵⁹. Мазкур «гўштли нон»нинг таърифланишидан кўриниб турибдики, у сомсанинг худди ўзи.

Туркистондан Хитойга тарқалган таомлар қаторида хоним ва ош (палов)ни ҳам тилга олиш мумкин. Хитой тилига хоним «тана» ёки «дана (tana, dana 搭納), палов эса «билуо» (bi-luo 饅饌) шаклида киритилган. Ушбу таомларнинг биринчисининг Хитойга тарқалган вақти III асрга, иккинчисининг — VII асрга тўғри келади⁶⁰. Танг сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитой пойтахти Чанъанда (ҳозирги Шиан) махсус палов пиширадиган ошхоналар кўпайган⁶¹.

Келтирилган маълумотлар Хитойга Марказий Осиёдан таомлар тайёрлаш услублари фақатгина Танг сулоласи даврида эмас, балки ундан бир неча аср аввал борганлигидан далолат беради.

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДАН ХИТОЙГА БОРИБ ҲОКИМЛИК ҚИЛГАНЛАР

Хитой манбаларини ва тарихий адабиётларини варақлаганимизда, кўпгина туркистонликларнинг ҳар хил сабаб-

⁵⁸ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа. Цаюнь жюан. Б. 113.

⁵⁹ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа. Цаюнь жюан (Ипак йўлидаги маданият. Яйлов йўлларига оид жилд). Чжэжянг, 1996. Б. 133.

⁶⁰ Сибэй лиши яньцзю (Шимоли-ғарб тарихига оид тадқиқот). Шиан, 1991. Б. 27; Цихай (Сўзлар денгизи). Шанхай, 1979. Б. 1504.

⁶¹ Сибэй лиши яньцзю. Б. 27

ларга кўра Хитойга бориб қолганлиги ва ушбу мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва этник ривож-ланишига катта ҳисса қўшганлиги ҳақида бизга номаълум бўлган қизиқарли ва чуқур тадқиқот этишни тақозо этадиган маълумотларни учратиш мумкин. Ушбу асаримизда бундай тадқиқотни ўзимининг мақсад қилиб олмаган ҳолда Хитойнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига салмоқли ҳисса қўшган айрим шахслар ва уларнинг фаолиятига қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Маҳмуд Ялавоч (Маҳмуд Хоразмий)

Хитой манбаларида Махама, Махама Ялавачи, Ялаваши, Махэмоди Хуалашими, Махаму Ялавочи деб аталади⁶². Унинг туғилган йили номаълум, вафот этган йили эса 1254 йил деб кўрсатилади. Маҳмуд Ялавочнинг катта амалдор бўлишига қарамай, Юан сулоласининг расмий тарихида, жумладан «Юан ши»⁶³ да унга бағишланган махсус боб ёзилмаган, аммо унинг амалдорлик қилган даврига оид қисқача маълумотлар мўғуллар хоқонлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бобларида учрайди. Нисбатан кўпроқ маълумот Юан сулоласининг махфий тарихида («Юанчао биши») келтирилган. Бироқ хитой манбаларидаги маълумотлар ҳам Маҳмуд Ялавочнинг аждод-авлодлари, ҳаёти ва фаолиятига оид барча масалаларни ўрганишда камлик қилади. Шундай бўлишига қарамай, улар Маҳмуд Ялавочнинг Пекин шаҳридаги фаолиятини ўрга-нишда ягона манба бўлиб қолмоқда.

Юан сулоласи тарихи (Юан ши)нинг «ғайри авлодлар шажараси» («сизубяо») қисмида Маҳмуд Ялавоч Шарқий

⁶² Чжунгъя шиганг. Б. 450-451.

⁶³ Юанши (Юан [сулоласи] тарихи). Қисм 2 // Эршиси ши (24 тарих). 21-жилд. Пекин-Шангхай, 1956. Б. 27404. Юан ши катта бир гуруҳ сарой тарихчилари томонидан 1368 йилда ёзиб битирилган. Ҳажми 210 бобдан иборат.

Туркистоннинг Ёркенд шаҳрида туғилганлиги кўрсатилади⁶⁴. Аммо хитой адабиётларида, жумладан этимологик ва энциклопедик луғатларда Маҳмуд Ялавоч хоразмлик савдогар деб таърифланади⁶⁵. Шунга қараганда, гарчи Маҳмуд Ялавоч Ёркендда туғилган бўлса ҳам, у кўп вақт давомида Хоразмда яшаган бўлиши ёки унинг ота ёки бобоси хоразмлик бўлиши мумкин.

Маҳаллий ва хитой манбаларида ҳамда тарихий адабиётларда учрайдиган Маҳмуд Ялавочга оид маълумотлар шуни кўрсатадики, 1218 йилдан олдин у савдогарлик ишлари билан Монголияга бориб келиб юрган ва Чингизхон билан таниш бўлган. Бинобарин, ўша замонда мўғуллар савдо ишлари билан шуғулланмаганлиги туфайли Чингизхон бу масалада туркистонликлардан фойдаланишни маъқул кўрган. Юан сулоласи тарихида кўрсатилишича, 1206 йилда мўғуллар Темурчин (Темужэн) раҳбарлигида давлат ташкил қилиб уни «Йеке Монгол улус» («Буюк мўғул хонлиги»), ўзини эса Чингизхон деб эълон қилганидан⁶⁶ сўнг, унинг салтанатини зиёрат қилувчи савдогарлар сони кун сайин кўпайди. Чунки мўғуллар орасида Туркистон ва Ҳиндистон молларига ва санъат буюмларига бўлган эҳтиёж оша бошлаган эди⁶⁷. Қолаверса, Чингизхон савдо ишларига катта эътибор бериб карвон йўлларининг беҳатарлигини таъминлаш билан бирга мусулмон савдогарларига катта ҳурмат билдирган. Бу ҳол мўғуллар орасида мусулмон савдогарларининг обрўси ошишига олиб келган эди⁶⁸. Шунинг учун Монголияга келиб савдо қилганлар орасида Бухоро, Самарқанд, Ўтрор, Хўжанд каби шаҳарлардан келганлар

⁶⁴ Хуэйзу ши лунгао. Б. 140.

⁶⁵ Чжунгуо хуэйзу дацидян. Б. 415.

⁶⁶ Юанши. Б. 25982; Шиюй тунгши. Б. 328.

⁶⁷ Чжунгъя шиганг. Б. 427.

⁶⁸ Чжунгъя гуожи гуанши ши.

кўпчилиқни ташкил қилган. Шулар орасида Маҳмуд Ялавоч ҳам бўлган.

Мавжуд маълумотларга кўра, Монголияга бориб келган савдогарлар орқали эшитганларни аниқлаш ва Чингизхон салтанатини батафсил билиш мақсадида 1215 йилда хоразмшоҳ Муҳаммад Баха ад-Дин Рози (Бахаудинг Лачи) бошчилигида Монголияга карвон юборган эди. Орадан кўп ўтмай, хоразмшоҳ Чингизхон олдиға яна бир карвон жўнатди. Мазкур карвонга Аҳмад Хўжандий, Аҳмад Балчилар (хитой манбаларида Аҳмад Балачи бин Имин Хусайин) етакчилик қилди⁶⁹. Чингизхон хоразмшоҳ давлатидан келганларга катта ҳурмат билдириб, улар билан икки марта учрашди. Учрашув даврида у ўзининг хоразмшоҳ давлати билан савдо алоқаларни ривожлантириш ва ушбу давлатга карвон юбориш истаги борлигини билдирган.

Биронта хитой манбасида Маҳмуд Ялавоч ҳам хоразмшоҳ карвонлари таркибида Монголияга борганлиги тилға олинмайди. Аммо ушбу манбаларда 1218 йилнинг бошида Маҳмуд Ялавоч Монголияда бўлганлиги ва Чингизхон билан кўпдан таниш эканлиги, ҳамда уни хоразмшоҳ Муҳаммад ҳузурига юборишни лозим топганлиги зикр этилади. Бинобарин, шу йили баҳорда Маҳмуд Ялавоч Чингизхоннинг фармониға биноан бухоролик Алихўжа (Али хочжэ), ўтрорлик Юсуф Жаҳонгир (Юсуфу-Жянкэ) ҳамроҳлигида мўғуллар номидан хоразмшоҳ саройиға элчи бўлиб келган⁷⁰. Манбаларнинг гувоҳлигиға кўра, элчи ўша замондаги туркий тилда Ялавоч деб аталганлиги туфайли Маҳмуд Хоразмийға «Ялавоч» деб ном берилган⁷¹.

⁶⁹ История народов Узбекистана. Тошкент, 1950. 1-жилд. Б. 308.

⁷⁰ Чжунгъя шиганг. Б. 427.

⁷¹ Чжунггуо хуэйзу дацидянь. Б. 415; Чжунгъя шиганг. Б. 427.

Элчилик вазифасини юклашдан олдин Чингизхон Махмуд Ялавочни ўз хузурига таклиф қилиб, унга ўзининг хоразмшоҳ давлати билан мунтазам ҳолда савдо алоқалар ўрнатиш ниятлари борлигини айтган. Сўнг унга бу масалани амалга ошириш учун элчи бўлиб хоразмшоҳ давлатига бориб келишни таклиф этган. Махмуд Ялавоч учун таклифни фармон деб қабул қилишдан бошқа иложи йўқ эди. Чингизхон унга ҳамроҳ бўлиб сафарга отланишни Али-хўжа ва Юсуфларга юклади. Сафар олдидан Чингизхон уларга катта миқдорда совға-саломлар ва бир парча мактубни олиб бориб, айна пайтда тахтда ўтирган хоразмшоҳ Муҳаммадга топширишни буюрди. Мактубда илиқ сўзлар ва яхши ниятлар билан бирга Чингизхон кўшинларининг қудратли эканлиги, унинг салтанати чексиз бойликка эгалиги ва кўп мамлакатлар унинг назорати остига ўтганлиги баён этилган. Шу билан бирга, мактубда Чингизхон хоразмшоҳни «ўғлимдек яхши кўраман» деб таъкидлаб хоразмшоҳни итоатга чақирган⁷².

Чингизхон элчилари Бухорода хоразмшоҳ Муҳаммад (Ша-Муохэмуо) учрашиб, унга мўғуллар хони бериб юборган кумуш қуймалари, хушбўй ҳидли шамлар (мускус), нефрит тошидан (қош тоши) ясалган буюмлар, Туркистон жун ипидан тўқилган кимхоб тўн каби нарсаларни топширдилар ва унинг сўзларини бирма бир баён айладилар. Мактубни ўқиб кўргандан сўнг, хоразмшоҳ Муҳаммад чехрасини очмасдан, мўғуллар кўшинларининг қуввати ҳақида биронта мақтовли сўз айтмади ва келган элчиларни кузатиб қўйишни буюрган.

Буйруққа биноан Махмуд Ялавоч бошчилигидаги Чингизхон элчилари ҳурмат ва иззат билан кузатиб қўйилган. Шундан кейин хоразмшоҳ Монголияга Умар-хўжа (ўтрорлик), Али Жамол, Фахриддин (бухоролик), Амин ад-Дин кабиларни элчи қилиб юборган. Орадан кўп

⁷² Шинжангдаги миллатларнинг тарихи. Б. 772-773.

ўтмай, Ўтрорда фожиали воқеа содир бўлган - мўғуллар номидан Хоразмга келиб кетаётган 450 кишидан иборат савдогарлар ўлдирилган. Ушбу воқеа Чингизхон қўшинларининг ғарбий юришига баҳона бўлган⁷³.

Чингизхон қўшинлари хоразмшоҳ давлатини забт этгандан кейин мўғуллар Маҳмуд Ялавочга ва унинг ўғли Масъуд (Масуху)га Моварауннахр аҳолисининг нуфусини аниқлаш, солиқлар ҳажмини белгилаш ва назорат қилиш вазифасини юклаган.

Хитой тарихчиси Ванг Чжилайнинг ёзишича, Маҳмуд Ялавочни Мовароуннахрни идора қилувчи амалдор этиб тайинланганида унга бевосита марказга ҳисобот бериш ҳуқуқи берилган. Шунга кўра, у йиғилган солиқларни Чиғатойхонга эмас, балки тўғридан-тўғри Чингизхон саройига юбориб турган. Шу асосда Маҳмуд Ялавоч маълум даражада Чиғатойдан мустақил иш тутиш имкониятига эга бўлган⁷⁴. Айни замонда Маҳмуд Ялавочнинг маҳкамаси ва турар жойи Хўжандда бўлган⁷⁵.

Маҳмуд Ялавочга берилган имтиёз Чиғатойга ёқмас эди. Чунки Чингизхоннинг иккинчи ўғли бўлмиш Чиғатойга инъом этиб (суюрғол қилиб) берилган ҳудуд доирасига Маҳмуд Ялавоч ҳокимлик қилган жойлар ҳам кирар эди. Қолаверса Чиғатой будда дини эътиқодчиси бўлганлиги туфайли Маҳмуд Ялавочнинг ислом динига қаттиқ амал қилиб, мактаб ва мадрасалар қуришга катта эътибор беришига ҳам қарши бўлган. Хитой манбаларида ёзилишича, Маҳмуд Ялавоч Мовароуннахрни идора қилиб турган даврида уруш жараёнида бузилган шаҳар ва уй-жойларни тиклаш, иқтисодий ва маданий ҳаётни ривожлантириш каби ишларига катта эътибор берган⁷⁶. Маҳмуд Ялавочнинг бу ишлари ҳам Чиғатойга маъқул

⁷³ Чжунггуо хуэйзу дацидян. Б. 415. Чжунгъя шиганг. Б. 427.

⁷⁴ Чжунгъя шиганг. Б. 451.

⁷⁵ Ўша асар. Б. 454.

⁷⁶ Ўша асар. Б. 455.

бўлмаган. Мазкур сабабларга кўра Чиғатой Маҳмуд Ялавочдан қутулишнинг йўлини ахтарар ва фурсат пойлар эди, аммо унинг Чингизхон олдидаги обрўсини эътиборга олиб, унга қарши очикдан-очик чора кўришга журъат қилолмаган.

Орадан бир неча йил ўтгандан сўнг Чиғатой кутган фурсат ҳам келди. 1227 йилда Маҳмуд Ялавочни кўллаб-қувватлаб турган Чингизхон касалликдан вафот этди, 1238 йилида эса Бухорода Маҳмуд Торобий етакчилигида катта кўзғолон юзага келди. Айни замонда қитон (рус адабиётида кидан, хитойча чидан) халқига тобе бўлган Елюй-амэй ва унинг ўғли Елюй-мянсигэ Самарқандда, Хазар-буқа (Хазала-буха) Қарши вилоятида, мўғул Бухатайши ва манчжуриялик Пучалар Бухорода ҳокимлик қилар эдилар⁷⁷. Гарчи кўзғилоннинг айбдорлари мазкур ҳокимлар бўлса ҳам, Чиғатойхон бунда Маҳмуд Ялавочни айбдор қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган ва шу йўл билан ундан қутилиш режасини тузган. Натижада Маҳмуд Ялавочни жавобгарликка тортиш учун Хитойга олиб кетилди⁷⁸. Мовароун-наҳрдаги Хоразм, Самарқанд ва Шарқий Туркистоннинг жанубий томонини, жумладан Қашғарни идора қилиш Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Масъудга топши-рилди⁷⁹. У мазкур лавозимни 1289 йилгача эгаллаб турган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Маҳмуд Ялавочнинг эгаллаб турган лавозимидан бўшатилишига Чиғатойнинг унга қарши қилган ҳаракатлари сабаб бўлган. Аммо маҳаллий манбаларда Маҳмуд Ялавочнинг Мовораун-наҳрдаги лавозимидан бўшатилишининг сабаби кўрсатил-маганлиги туфайли ушбу манбаларга асосланган тадқиқод-чилар орасида ҳар хил тахминлар пайдо бўлган. Бу тахминларга кўра, Чиғатой Маҳмуд Ялавочни марказ билан маслаҳатлашмаган ҳолда ўз лавозимидан озод қилди,

⁷⁷ Шиюй тунгши. Б. 334.

⁷⁸ Чжунгъя шиганг. Б. 459.

⁷⁹ Ўша асар. Б. 468; Шиюй тунгши. Б. 346.

эхтимол сабаби кўзғолонни бостиришда у етарли даражада қаттиққўллик қилолмаганидир, эҳтимол вайронагарчиликка йўл қўймаслик асосида марказга тўлаб туриладиган солиқ ҳажмини камайтирмаслик учун у шундай қилгандир деган тахминлар мавжуд⁸⁰.

Маҳаллий манбаларда Маҳмуд Ялавочнинг Чингизхон билан бўлган алоқаси ва Мовароуннаҳрдан Хитойга кетганидан кейинги фаолиятига оид маълумотлар деярли учрамайди. Шу боис тарихий адабиётда Маҳмуд Ялавоч ўз лавозимини сотиб олган қаттиққўл, бемеҳр, ўжар одам сифатида таърифланади⁸¹. Аммо хитой манбаларида бунинг акси зикр этилади. Шу билан бирга, унинг қобилиятли ва ишбилармон одам эканлиги таъкидланади.

Маҳмуд Ялавоч Туркистондан Монголияга олиб кетилгандан сўнг, у Торобий кўзғолонининг сабабчиси сифатида жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги номаълум. Бу ҳақда хитой манбаларида биронта маълумот йўқ. Юан сулоласи тарихида кўрсатилишича, Ўқтойхоннинг ҳукмронлик қилган сўнгги йилида, яъни «Ўқтой ҳокимиятининг 13-йили (1241 й.) ... 10-ойида [Маҳмуд Ялавочга] Хитой аҳолисининг маъмурий ишларини бошқариш вазифаси юкланди»⁸². Бу маълумот эса Маҳмуд Ялавочга мўғуллар хони томонидан катта ишонч билдирилганлигидан далолат беради.

Орадан ярим йил ўтгач Ўқтой (Тайзунг, Угэдэй, Ўғодай – 1229-1241) оламдан кўз юмиши муносабати билан Чингизхон авлодлари орасида ҳокимият учун кураш авж олди. Бинобарин, Чингизхоннинг ўрнига хон бўлган Ўқтой кўп хотинлик бўлиб, унинг хотинлари ичида мавқеи баландликда иккинчи ўринда турадигани 6-чи хотини Тўлегена эди. Зеро у *мачжэнси* номли мўғуллар авлодидан

⁸⁰ История народов Узбекистана. Ташкент, 1950. 1-жилд. Б. 333.

⁸¹ Ўша жойда.

⁸² Юанши. 1-жилд // Эршиси ши. 20-жилд. Б. 25990.

бўлиб, Ўқтойдан 5 та ўғил кўрган. Ўлими арафасида Ўқтой тахтни учинчи ўғли Ўчур (Ўчу)дан бўлган набираси Желеменга васият қилиб қолдирган. Ўқтой оламдан ўтгандан кейин Тўлегена эрининг фармони бажо келтирмасдан, 5 йил давомида ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб туради. Шунда Тўлегена Чингизхон ва Ўқтой ҳоконлар давридаги амалдорларга ишонч билдиришдан кўрқиб, уларни ҳокимиятдан узоқлаштирди⁸³. Шулар қаторида Маҳмуд Ялавоч ҳам бор эди.

Мазкур ишни Тўлегена марҳум эрининг яқинларидан бири бўлган туркистонлик Абдурахмоннинг (?-1247) қўли билан амалга оширган. Абдурахмон эса фурсатдан фойдаланган ҳолда амалий ҳокимиятни қўлга олиб, саройдаги барча амалдорлар устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб олган⁸⁴.

1246 йилда ҳокимият Ўқтойнинг катта ўғли Гуйюнинг қўлига ўтди. Шундан кейин Гуйю отаси ва буваси даврида содиқ хизмат қилган амалдорларга ишонч билдириб, уларнинг мавқеини қайта тиклади. Шу орада Маҳмуд Ялавоч ҳам ўз лавозимига қайтарилди⁸⁵. Абдурахмон эса ўлим жазосига маҳкум этилди⁸⁶. Аммо Гуйюнинг ҳокимияти ҳам узоққа чузилмади, у 1248 йилда сафар давомида касалликдан вафот этди⁸⁷.

1251 йилда ёзда мўғуллар тахти Менкэнинг қўлига ўтди. Шу йилнинг охирида унинг таъсири остидаги вилоятларни идора қилиш учун бир қатор янги маҳкамалар ташкил этилди. Янжинда (Пекин) шаҳар ижройи ҳокимият маҳкамаси (шангшушэнг) ана шулар жумласидан эди. Ушбу маҳкамага раҳбарлик қилиш вазифаси Маҳмуд Ялавоч, Бужир, Ганлубу ва Жутар кабиларга, уларга

⁸³ Чжунгъя шиганг. Б. 460.

⁸⁴ Чжунгуо хуэйзу дацидянь. Б. 188.

⁸⁵ Чжунгъя шиганг. Б. 460.

⁸⁶ Чжунгуо хуэйзу дацидянь. Б. 188.

⁸⁷ Чжунгъя шиганг. Б. 465.

ёрдамчилик қилиш эса Саидажжал (Сайдянчи Умар Шамс ад-Дин), Нимадинларга (Низам ад-Дин) юкланди⁸⁸. Шундай қилиб, Маҳмуд Ялавоч ҳозирги Пекин шаҳрига ҳоким этиб тайинланди.

Айтиб ўтиш жоизки, ўша пайтда Пекин ҳали пойтахт эмас эди. Мазкур шаҳар 1271 йилда мўғуллар томонидан Хитойда ташкил этилган Юан сулоласининг марказига айлантирилган. Менке 1259 йилда Хитойнинг Сичуан ўлкасидаги Хэчжоу вилоятидаги Дяоюйшан тоғи ишғол қилинаётганда ўқ тегиб ҳалок бўлган. Маҳмуд Ялавоч айна шу воқеалардан олдин оламдан кўз юмган. Аммо хитой манбаларида Маҳмуд Ялавочнинг ўлган йили кўрсатилмайди. Умуман олганда, Маҳмуд Ялавочга расмий тарихдаги йирик амалдорлар рўйхатида жой ажратилмаган. Эҳтимол бунинг сабаби у ҳокимлик қилган даврдаги Пекин вилоят маркази бўлганлиги ва шу туфайли унинг лавозими давлат миқёсида юқори табақали ҳисобланмаганлигидадир. Балки унинг ютуқларини кўролмайдиган одамларнинг расмий тарих битиш ишларига раҳбарлик қилувчиларга таъсир кўрсатиш натижасидир. Маҳмуд Ялавоч оламдан ўтгандан сўнг унинг ўрнини Умар ибн Камолиддин эгаллаган⁸⁹. Бу шахс ҳақида қуйида тўхтаб ўтилади.

1950 йилда нашр этилган «История народов Узбекистана» номли асарда Маҳмуд Ялавочнинг вафоти ва сабаблари аниқ кўрсатилмайди. Лекин ушбу тарихда у Хўжанддан Қора-қурумга кетганлиги, орадан кўп ўтмай Угэдэй даврида Пекинга губернатор этиб тайинлангани ва ўша жойда 1254 йилда вафот этганлиги айтилади⁹⁰.

Маҳмуд Ялавочнинг Пекинга ҳокимлик қилиш даври қисқа бўлишига қарамай у мазкур шаҳар ҳаётида ва

⁸⁸ Юанши. 1-жилд // Эршиси ши. 20-жилд. Б. 25993; Чжунгъя шиганг. Б. 468.

⁸⁹ Хуэйзуши лунгао. Б. 141.

⁹⁰ История народов Узбекистана. Ташкент. 1950. 1-жилд. Б. 333.

курулишида катта ишлар қилади. Бу ишларда тукистонликлар кўп жалб этилган. Шу жараён маълум даражада унинг номи билан боғлиқдир.

Маҳмуд Ялавочнинг авлодлари: Маҳмуд Ялавочнинг икки ўғли бўлиб, уларнинг каттаси Масуд (Масъуд), кичиги Алибек (Алибе – ?-1281) бўлганлиги кўрсатилади⁹¹.

Алибек аввалига Или хони (Шарқий Туркистоннинг Или вилояти ҳукмдори) этиб тайинланган. Хубилай мўғуллар ҳоқони этиб тайинланганда у марказий ўрдага чақиртирилиб, давлат ишларига жалб этилган. 1267 йилда маслаҳатчи, 1272 йилда эса ўнг қўл вазири этиб тайинланган. Шунда унга Хэнан ўлкасининг маъмурий ишлар бошлиғи вазифаси топширилган. 1276 йилда у Жянгуэй ўлкалари ҳокими этиб тайинланган. Аммо 1281 йилнинг бошида Алибек тухмат балосига учраб, ҳоқоннинг амрига хиёнат қилганликда айбланиб, қатл этилган⁹². «Мэнюаньэр шижи» («Мўғуллар тарихидан хотиралар») номли манбада келтирилган шажа-рада «Чингизхон Масъудга Бухоро (Бухээр) ва унинг атрофдаги шаҳарларни идора қилиш вазифасини топшир-ган», Мункехон даврида Бешбалиқ вилоятига ҳоким этиб тайинланган, кейин яна Бухоро каби шаҳарларни идора қилиш вазифаси юкланган», деб зикр этилган.

«Янги Юан сулоласи тарихи» («Шин Юанши») номли манбанинг «амалдорлар шажараси» бобида 1276 йилда 10 ойда Алибек Хуэйдунг вилоятига, кейинги йилда эса Жянгуэй вилоятига иш бошқарувчи этиб тайинланди, 1780 йилининг 12-ойида судлангандан сўнг оламдан ўтди, ундан қолган қиз фарзанднинг исми Сафали (Сафарли, Зафарли бўлиши ҳам мумкин) эди деб ёзилган⁹³.

⁹¹ Хуэйзу ши лунгао. Б. 140; Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 191.

⁹² Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 191.

⁹³ Ўша жойда.

«Ма Шитян асарлари тўплами» («Машитян чюанжи») номли манбада «Сафарли хоним [Маҳмуд] Ялавоч ҳокимнинг набираси, яъни Жянгуэй вилояти ҳокими Алибекнинг қизидир. У олий мукофот совриндори бўлган катта обрўли йирик амалдор Темур-буғанинг рафиқасидир, ҳозир сарой тарихчиларидан бири бўлмиш Алухутунинг онасидир.... Хоним Ёркендда туғилган» деб кўрсатилган⁹⁴. Алибекнинг Яқуббек исмли бир ўғли ҳам бўлиб, у Юннан вилоятида амалдорлик қилган⁹⁵.

Аҳмад Фанакатий

Хитойча Ахама (? - 1282) Сирдарёнинг ўнг томонида жойлашган Фанокат (хитойча Фэйнакэте)⁹⁶ номли вилоятда туғилган, миллати уйғур⁹⁷. Юан сулоласи тарихида (Юан шу) кўп марта тилга олинади. У 1261 йилда Шангду⁹⁸ шаҳрига ҳокимлик қилган. Шунга қараганда, Аҳмад Фанакатий ўз юртидан XIII асрнинг ўрталарида кетган бўлиши мумкин.

⁹⁴ Ўша жойда.

⁹⁵ Ўша жойда. Шиюй тунгши. Б. 334.

⁹⁶ Хитой манбаларида Фэйнакэте (Фэйнакэтуй) Сирдарё буйида, ҳозирги Тошкентнинг жануби-ғарбий томонида жойлашган, деб кўрсатилади (Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б.192). Аммо тарихда Фанокент деб аталадиган жой ҳам бўлиб, у Амир Темур даврида қайта қурилган ва Шахруҳия деб номланган (Каримова Н. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. Тошкент, 2005. Б. 122). Икки топоним ўртасида қандай алоқа борлиги ҳозирча номаълум.

⁹⁷ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б.192.

⁹⁸ Умаман олганда «Шангду» сўзи пойтахт маъносини англатади. Мўғуллар даврида, аниқроғи 1260 йилда ушбу атама билан 1256 йилда Хубилай томонидан қурдирилган Кайпингфу (Кайпин - Ички Монголиянинг шарқий вилоятида) шаҳари номланган. [Цихай. Шангхай 1979. Б. 170.]

1262 йилда Аҳмад Фанакатий молия ва транспорт вазири (чжунгшу цзоюу бу), 1264 йилда эса сиёсий ишлар вазири этиб тайинланган. Шу муносабат билан у Пекинга келган. Бу ерда Аҳмад Фанакатий 18 йил давомида ҳар хил лавозимларда ишлаб катта обрў қозонган. Металл эритиш, деҳқончилик учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, дори-дармон ишлаб чиқариш, аҳолини тизимлаш, молия ишларини, жумладан пул муомилаларини ва солиқ ишларини тартибга солиш каби соҳаларда янги қонун-қоидаларни тузиш, ҳамда уларни тўғри жорий этишда етакчилик қилиб, Хитойнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшган⁹⁹. Бундан Хубилай ғоят мамнун бўлган.

Манбаларда таъкидланишича, "Хубилай (Шизу) унинг маслаҳатсиз иш кўрмас эди". Қобилиятига тан бериб, сарой ахли олдида кўп марта мақтаган. Мақтов сўзларининг бирида у «қобилиятини инобатга олганда, мусулмонлар орасида фақат Ахама бош вазирлик лавозимига лойиқдир», деб айтган¹⁰⁰.

Манбаларда таъкидланишича, «Хубилай (Шизу) унинг маслаҳатсиз иш кўрмас эди»¹⁰¹

1282 йилнинг 3-чи ойида (хитой календари бўйича) Аҳмад Фанакатий мингбоши Ванг Чжу ва Гао Хэшанг томонидан Хубилайхон йўқ пайтида саройга таклиф

⁹⁹ Чжунггуо дабайкэ чюншу - Чжунггуо лиши. Пекин. 1997. Б. 1; Ян Хуэйчжун. Хуэйзу ши лунгао (Тунгонлар тарихига оид тадқиқотлар). Иккинчи нашр, Йингчуан шаҳри, 1992. Б. 136-137.

⁹⁹ Янг Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 137; Чжунгуо хуэйхуэй минзу ши (ХХРдаги тунгон халқи тарихи). 2 жилддан иборат. Пекин, 2003. 2-жилд. Б. 791.

¹⁰⁰ Янг Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 137.

¹⁰¹ Янг Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 137; Чжунгуо хуэйхуэй минзу ши (ХХРдаги тунгон халқи тарихи). 2 жилддан иборат. Пекин, 2003. 2-жилд. Б. 791.

этилиб, хуфиёна ўлдирилган¹⁰². Ушбу воқеанинг сабаби ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, Аҳмад Фанакатийнинг ўлдирилишига айрим амалдорлар томонидан кўролмаслик сабаб бўлган. Иккинчи маълумотларга кўра, унинг ўлимига ўз амалидан ва хоннинг ишончидан фойдаланиб, бошқаларга жабр қилганлиги сабаб бўлган. Аммо Аҳмад Фанакатийнинг тўғрилиги, ҳукуматга садоқатли бўлганлиги, давлат манфаатига хиёнат қилганларга бешафқат бўлганлиги, ўз атрофига ўзига ўхшаган одамларни йиғиб, шуларга суяниб иш тутганлиги ҳақидаги маълумотлар унинг тухмат ва кўролмаслик қурбони бўлганлигини кўрсатади.

Аҳмад Фанакатий ўлдирилгандан сўнг қотилликка бевосита алоқадор бўлган амалдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган¹⁰³. Шундан кейин Аҳмад Фанакатийга қарши бўлган сарой амалдорлари унинг оила аъзоларини ва яқинларини ҳам тинч қўймади. Аҳмад Фанакатийни ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилганликда, хиёнатда ва халққа жабр солганликда айблаб, улар унинг мол-мулкини мусодара этишган, давлат хизматида бўлган уруғ-аймоғини ва унга яқин бўлганларни ўз лавозимидан четлатган¹⁰⁴, 4 нафар ўғли ва жияни Зайниддинни ўлим жазосига маҳкум этишган¹⁰⁵. Буларнинг исми Хусун (Хусин), Мансур (Мосурен), Хасан (Асан), Синду, Бадриддин (Бадулуддин), Хусниддин (Кусидинг), Зайнуддин (Зайнудинг) эди. Ҳаммаси бўлиб Аҳмад Фанакатийнинг 25 та фарзандлари бўлган, лекин уларнинг исмлари сақланиб қолмаган¹⁰⁶.

¹⁰² Ўша жойда.

¹⁰³ Чжунггуо хуэйхуэй минзу ши. 2-жилд. Б. 799.

¹⁰⁴ Ўша жойда. Б. 800

¹⁰⁵ Чжунггуо дабайкэ чюншу - Чжунггуо лиши. Б. 1; Янг Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 137; Чжунггуо хуэйхуэй минзу ши. 2-жилд. Б. 800.

¹⁰⁶ Янг Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 137.

Умар ибн Камолиддин Бухорий

Мусулмон манбалардаги анъанага кўра, Умарнинг (1211-1279) исми Умар ибн Камол ад-Дин ибн Саъид Шамс ад-Дин шаклида ёзилади. Одатда бу исмлар Умар ибн Камолиддин ибн Саид Шамсиддин деб талаффуз этилади. Хитой манбаларида Умарнинг исми Умаэр (烏馬兒), отасининг исми Кумалудин (苦馬魯丁), бувасининг исми Сайдянчи Шансидинг (賽典赤 瞻思丁) шаклларида ёзилади. «Хитой мусулмонлари катта луғати» («Чжунггуо хуэйцзу дацидянь»)да кўрсатилишича, мазкур мисолдаги Сайдянчи сўзи исм эмас, балки «пайғамбар авлодлари» деган маънони англатади, деб кўрсатилган. Шу билан бирга, ушбу луғатда Сайдянчи Шансидинг Бухородаги катта амалдорлардан бири бўлганлиги таъкидланади¹⁰⁷. Хитойликлар ушбу зотнинг исмини ўзларига қулай бўлиши учун қисқартириб Сайдянчи (賽典赤) дейишган.

Умар ибн Камолиддин вафотидан кейин Хитойда яшайдиган мусулмонлар ҳурмат юзасидан уни бувасининг қисқартирилган исми билан Сайдянчи (Сайдиянчжи, Сайтянжи деб ҳам талаффуз этишган) деб атай бошлаган. Биз асарларимизда унинг исмига отасининг отини қўшиб Умар Камолиддин шаклида ишлатишни тўғри топдик.

Хитой Халқ Республикаси олимларининг таърифлашича, Умар Камолиддин ўрта асрлардаги Хитойнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига салмоқли ҳисса қўшган ўзбекистонликлар аждодларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга Юан сулоласининг (1279-1368) расмий тарихидан ўрин берилган¹⁰⁸.

¹⁰⁷ «Чжунггуо хуэйцзу дацидянь». Б. 190-191.

¹⁰⁸ Юан ши. 2- жилд // Эршиси ши. 21-жилд. Б. 27404 (1452) – 27408 (1456).

Умар ибн Камолиддиннинг авлодлари ҳам Хитой маданиятига катта ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқда. Чунончи, 2004 йилда Пекинга қилинган икки ойлик хизмат сафаримиз даврида Умар Камолиддиннинг авлоди бўлмиш йирик арабшунос ва сермахсул олим, профессор На Жунг ҳақида маълумотга эга бўлдик. Ёши 94 га бориб қолган ва айни пайтда бетоб бўлиб ётганлигига қарамай бизнинг Ўзбекистондан келганлигимизни эшитиб, олим учрашиш ниятини билдирди. Шу йил июнь ойининг бошида олимнинг Пекин шаҳрининг чеккасидаги янги барпо этилган мавзейида жойлашган уйида учрашув бўлиб ўтди. Сиртқи кўринишдан олимнинг ўзи ва ўғли туркистонликларга ўхшайди. Учрашиш пайтида профессор На Жунг ўзининг хитой тилида 1999 йилда нашр этилган ҳамда хитой олимлари томонидан юксак баҳоланган икки жилдли «Араблар тарихи» (Алабо тунгши) ва Умар ибн Камолиддинга бағишланган «Му шэнг хоуи» («Муҳаммад пайғамбар авлоди») ¹⁰⁹ номли китобларини совға қилди. Мазкур китобда ёзилишича, На Жунг Умар Камолиддиннинг катта ўғли Насир ад-Диннинг (қуйида алоҳида тўхталади) авлоди бўлиб, у 1940 Ислом тарихи бўйича Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетини битириб, Хитойга қайтиб келганидан сўнг Марказий университет (ҳозирги Нанжин дасюэ), Юннан университети, Дипломатия университети, Пекин чет тиллари университети каби олий ўқув юртларида ўқитувчилик ва кафедра мудири лавозимларида ишлаган ҳамда бир қатор ХХР ва халқаро илмий ташкилотларининг мукофотига сазовор бўлган.

Хитой тарихчиси Ян Хуэйчжун, Умар Камолиддин Саъид Шамсиддиннинг Хитойдаги фаолиятини юксак баҳолаб, қуйидагиларни ёзади.

¹⁰⁹ Гао Фаюан. Му шэнг хоуи (Муҳаммад пайғамбар авлоди). Юннан университети, 2000. Б. 1-180.

«Мамлакатимизда Юан сулоласи¹¹⁰ (1280-1367) ҳукмронлик қилганида, Умар Камолиддин машҳур сиёсатчи ва иқтисодчи сифатида танилган. Юан сулоласи ташкил топгандан кейинги йилларда у Хитойнинг вайрон қилинган ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнини қайта тиклашда ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган. Умар Камолиддин Саъйид Шамсиддин ва унинг болалари, набиралари Юннан ўлкасининг (ҳозирги ХХРнинг жанубида) сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантиришга, миллатлараро иттифокни мустаҳкамлашга, маҳаллий ҳокимият билан марказий ҳокимият ўртасидаги муносабатларни яхшилашга улкан ҳисса қўшган.

Хитойда ислом динининг ривожланишида ва тунгон (рус тили адабиётларида дунган)¹¹¹ миллати сонининг кўпайишида Умар Камолиддиннинг ва унинг авлодларининг тутган ўрни катта бўлган.

Хитой манбаларида келтириладиган маълумотларга кўра, Умар Камолиддин 1211 йилда Бухорода таваллуд топган. Ёшлигиданоқ у билимдонлик, фаросатлик ва серғайратликда тенгдошларидан фарқ қилган.

«Чжунго хуэйцзу дацидьян»да ёзилишича, 1219 йилда Чингизхон қўшинлари Бухорони қўлга киритиш учун

¹¹⁰ Хитойда Чингизхоннинг авлоди бошчилик қилган мўғуллар сулоласи кўзда тутилади. Ушбу сулола 1280 йили Юан (тўнғич, биринчи, бошланғич каби маъноларни англатади) деб аталган.

¹¹¹ Тунгон (қадимий хитой манбаларида хуэйхуэй, ҳозирги замон хитой тилида хуэйзу) миллати Хитойда исломнинг тарқалиши натижасида шаклланган. Тунгонлар туркий халқларнинг, арабларнинг ва форсийларнинг авлодлари ҳисобланади. Тили хитойча, дини ислом. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир ХХРдаги тунгон халқининг нуфуси 7 млн. дан ортиқ. Уларнинг асосий қисми мазкур мамлакатнинг жанубий ва шимоли-ғарбий ўлкаларида яшайди. Марказий Осиё республикаларида ҳам учраб туради. Ўзбекистонда яшайдиган айрим тунгонлар хитой тилини эсан чиқариб, ўзбекча сўзлашишни одат қилишган.

ҳаракат бошлаган бўлиб, 1220 йилда улар ўз мақсадига эришган. Бухороликлар халқни қирғиндан сақлаб қолиш мақсадида Умарнинг буваси Сайид Шамс ад-Дин бошчилигида мўғулларга таслим бўлишга мажбур бўлган. Шундан кейин Умарнинг отаси Камолиддин мўғуллар томонидан ҳарбий хизматга жалб этилган. Мўғулларнинг Туркистонга қилган ҳарбий юришлари якунлангандан сўнг Камолиддин ўғли билан бирга ҳозирги ХХРнинг шимолий вилоятларига олиб кетилган¹¹².

У ерда Умар ибн Камолиддиннинг отаси касалликдан вафот этади. Ушбу воқеа у Пекинда суд ва қонун ишлари бўйича бош амалдор этиб тайинланишидан олдин содир бўлган.

Мўғуллар Умар Камолиддин Саъйид Шамсиддиннинг қобилиятига эътибор бериб, уни ёшлик давридаёқ ҳарбий хизматга жалб этганлар. У вояга етганда мўғуллар унга «сарой соқчиси» («сувей») унвонини беришган. Шундан кейин Умар Камолиддин Монголияга олиб кетилган.

Ўктойхон (1229-1241, Чингизхоннинг биринчи хотинидан бўлган учинчи ўғли) мўғуллар ҳоқони қилиб тайинлангандан сўнг, у ҳозирги ХХРнинг шимоли-шарқий томонидаги Цзин хонлигига қарши вақтинча тўхтатилган урушни қайта бошлайди, 1232 йилда баҳорда эса мазкур хонликни батамом йўқ қилиб, унинг ҳудудини ўз назорати остига олади¹¹³.

Шундан кейин Ўктойхон Умар ибн Камолиддинни ёш бўлишига қарамай ҳозирги Ички Монголия ҳудудидаги Фэн, Цзин, Юн каби вилоятларга (ҳозирги Датун шаҳрининг шимоли-ғарбидаги Хух-Хото шаҳри атрофи), кейинроқ эса Тайюань ва Пинъян вилоятларига ҳоким (даруғачи) этиб тайинлайди. Айни замонда мавжуд бўлган

¹¹² Ян Хуэйчжун. Хуэйзу ши лунгао. Б. 176, 190.

¹¹³ Мэнгузу жиянши (Мўғул халқининг қисқача тарихи), Хух-Хото. 1985. Б. 53-54.

анъанага кўра, бундай лавозимларга мўғуллар ёки хитой бўлмаган халқлар вакиллари тайинланар эдилар.

Манкухон ¹¹⁴ тахтга ўтиргандан кейин (1251-1295) мўғуллар давлатида юзага келган ички вазиятнинг мураккаблигини ва Хитойнинг катта бир қисми улар қўлига ўтганлигини ҳисобга олиб, ушбу мамлакатнинг забт этилган вилоятларини идора қилиш ишларига эътибор берди. Мазкур ишни амалга оширишда у Умар ибн Камолиддиндан тўла фойдаланишга ҳаракат қилди.

Бинобарин, Манкухон Умар Камолиддин билан Талохун исмли бир амалдорга маъмурий ишлар билан шуғулланувчи «шибу», «хубу», «либу», «бингбу», «синбу», «гунгбу» каби 6 та вазирлик¹¹⁵ ташкил этишни буюради.

Юкланган вазифани бажариш жараёнида Умар ибн Камолиддин сиёсий ва давлат қурилиши ишларида юксак қобилият эгаси эканлигини кўрсатган. Шундан кейин у Пекиннинг ¹¹⁶ ҳокими этиб тайинланган ва кўрсатган

¹¹⁴ 1258 йили июль ойида мўғул қўшинлари ҳозирги ХХРнинг Сичуан ўлкасидаги Хэчуан ноҳиясини (Хэчжоу) қуршовга олиб турганда ҳалок бўлган [Мэнгузу жиянши». Б. 57].

¹¹⁵ Шибу (Фуқаролар ишлари вазирлиги) ер, сув, солиқ, аҳоли нufусинининг ўзгаришини назорат қилиш билан шуғулланган; хубу (молия вазирлиги) давлатнинг кирим, чиқим ва харажат масалаларини бошқарган; либу (ташриф ва маросимлар вазирлиги) меҳмон кутиш, маракалар ва ибодат маросимларини ўтказишни бошқарган; бингбу (ҳарбий ишлар вазирлиги) ҳарбий аҳамиятга эга бўлган барча ишларга раҳбарлик қилган; синбу (адлия вазирлиги) қонун, суд, ҳуқуқ ишларини назорат қилган; гунгбу (ишлаб чиқариш ва меҳнат вазирлиги) қурилиш, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш, меҳнат кучларини назорат этиш билан шуғулланган.

¹¹⁶ Пекин Цзин хонлигининг пойтахти бўлганда Чжунгду деб аталган. Мазкур хонлик мўғуллар томонидан йўқотилганидан сўнг унга Янцзин деб ном берилган. 1272 йилда Пекин мўғул хонлигининг пойтахти этиб белгилангандан сўнг унинг номи мўғулча Хонбалиқ, хитойча Даду (Катта ўрда) деб аталди.

хизмати учун «бош назоратчи» (тсайфангши) унвонини олишга муяссар бўлган¹¹⁷.

1258 йилда Хитойнинг жанубий вилоятларини истило қилиш мақсадида у ерда ҳукмронлик қилаётган Жанубий Сунг сулоласига қарши уруш бошлаганда, Манкухон Умар ибн Камолиддин Саъид Шамсиддинга ўз армиясининг таъминот масаласини топширган. Манбада кўрсатилишича, у хон томонидан юкланган вазифани бажаришда «бирорта камчиликка йўл қўймаган» ва унинг «олқишларига сазовор бўлган»¹¹⁸.

1262 йилдан Умар Камолиддин бутун мамлакатнинг молия ишларига раҳбарлик қила бошлади. Ана шунда унинг олдига қўйилган муаммоларнинг бири мамлакатда пул бирлигини таъминлаш ва инфляцияни жиловлашдан иборат бўлган эди. Уч йил давомида ушбу вазифани муваффақиятли бажарган. Умар ибн Камолиддин муомалага чиқарилган пулнинг ҳажмини чеклаш ва бу соҳада қаттиқ назорат ўрнатиш йўли билан пулнинг қийматини бир хил ушлаб туришга муяссар бўлган¹¹⁹.

1264 йилда жиддий тус олган ички курашлардан сўнг мўғуллар давлатининг тахти Чингизхоннинг набираси Хубилайнинг қўлига ўтди. Шундан сўнг хон ўрдаси Кайпингдан Пекинга кўчириб келинди. Натижада Пекиннинг сиёсий аҳамияти янада ошди.

Хубилай ҳам Умар ибн Камолиддиннинг қобилиятига иқрор бўлиб, ундан тўла фойдаланишга киришган эди. Чунончи, мазкур хоқон Хитойни 10 та «йўлга», яъни вилоятга бўлиб, унинг бири бўлган Пекин вилоятини маъмурий ва ҳарбий жиҳатдан бошқаришни Умар Камолиддинга юклаган. 1264 йилда Хубилай уни сиёсий

Шаҳарнинг Пекин (хитойча талаффузда Бэйжин) деб аталиши 1421 йилдан бошланган (Юан ши. 1-жилд. Б. 26982-27000).

¹¹⁷ Ян Хуэйчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 178

¹¹⁸ Чжунггуо хуэйцзу дацидьян. Б. 190.

¹¹⁹ Мэнгузу жиянши. Б. 59-60.

маслаҳатчи ўринбосари этиб тайинлаган. Анъанага кўра, айни замонда сиёсий маслаҳатчи лавозимини фақат хоннинг ўғиллари эгаллаши мумкин эди. Шунинг учун хон сулоласига мансуб бўлмаган бир Туркистон фарзанди учун хон ўғлининг ўринбосари сифатида хон саройида сиёсий маслаҳатчи бўлиш юксак ишонч ва олий мукофотнинг намоёниши этилиши эди¹²⁰.

Хубилай даврида у пойтахт ҳокими бўлиши билан бирга, амалдорлар, маросимлар ўтказиш ва молия ишлари билан шуғулланувчи учта вазирликка бошлиқ бўлиб ҳам хизмат қилган. Мамлакат доирасидаги вилоятлар устидан назорат қилувчи ва қишлоқ хўжалик ишларини бошқарувчи вазир лавозимларига ҳам тайинланган. Ян Хуэйчжуннинг ёзишича, Умар Камолиддин бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажарган. Чин дилидан қилган хизмати учун кўп марта Хубилайнинг мукофотиغا сазовор бўлган¹²¹.

1264 йилда Хитойда ўлка (шэнг - провинция) тузумини қайтадан йўлга қўйиб, уларни губернаторлар орқали идора қилиш бошланди. Ана шунда Умар Камолиддин Саъид Шамсиддин Хубилай томонидан Шэнши, Сичуан ўлкаларига бошлиқ (губернатор) этиб тайинланди. Унинг маҳкамаси Цзинчжао (ҳозирги Сиан, қадимги Хитойнинг пойтахти Чангъан) шаҳрида ташкил этилди. Мазкур лавозимда Умар Камолиддин 9 йил хизмат қилади. Ана шу давр ичида у Шэнси ва Сичуан ўлкаларида мактаблар очган, ариқлар қаздириб, дашт-биёбон жойларни боғларга ва экинзорларга айлантирган. Тоғлар орасида яшайдиганлар учун қулайлик яратиш мақсадида йўллар очган, жарлар устидан осма кўприклар қурган ва бу билан маҳаллий аҳолининг олқишларига сазовор бўлган.

¹²⁰ Ян Хуэйчжун. Хуэйзу ши лунъгао. Б. 180.

¹²¹ Чжунггуо дабайкэ цюаншу - Чжунггуо лиши. Б. 552.

1274 йилда у жанубий Хитойдаги Юннан ўлкасига бошлиқ қилиб тайинланган. Бинобарин, айти замонда мазкур ўлкада нотинчлик ва ҳокимият учун курашиш ҳукм сурган бўлиб, 1267 йилда ушбу ўлканинг кичик хони этиб тайинланган Хубилайнинг 5-чи ўғли Хугэчи мана шу курашларнинг қурбони бўлган (1271 йилда заҳарланган). Маҳаллий халқнинг мўғулларга қарши ҳаракатлари ҳам авж олган эди. Ўлкада тинчлик ўрнатиш ва маҳаллий аҳолини итоатга чақириш учун юборилган амалдорлар юкланган вазифани бажара олмаганлар. Хубилай мазкур мураккаб вазифани фақат Умар Камолиддин эплай олиши мумкин деб, ишонч билдириб, ёши улғайиб қолганлигига қарамай, уни узоқ юртларга юборишга қарор қилган эди.

Сафарга отланиш арафасида Хубилай Умар Камолиддинни ўз ҳузурига таклиф этиб, унга Юннан ўлкасида тинчлик ўрнатиш вазифасини юклашининг сабаби ундан бошқа муносиб одам топилмаганлигидан иборат-лигини айтади. Шунинг билан бирга Хубилай Умар Камолиддинга ўз ишончини яна бир бор изҳор қилиб, уни катта ҳурмат ва иззат билан кузатиб қўйган.

Юннан ўлкасига ҳоким этиб тайинлангандан сўнг, Умар Камолиддин ўз атрофига ушбу ўлкани яхши биладиган одамларни тўплаб, у ердаги шарт-шароитларни, халқ ҳаётини ва мавжуд анъаналарни, урф-одатларни чуқур ўрганиб чиқди. Ўлканинг географик шароитларини ўрганиб чиқиб, унинг ҳарбий харитасини ишлаб чиқартирди ва қайси жойларда қўшин жойлаштириш, ҳарбий истеҳкомлар қуриш мумкинлигини аниқлади. Шундан кейин у Юннан ўлкасига етиб боради.

Юннанликларни итоатга чорлашда Умар ибн Камолиддин масалани куч ишлатмасдан тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Атрофидаги кишилар у урушдан қўрқаётганмикин, деган шубҳа билан ундан «нега буларга раҳмдиллик қиласиз», деб сўраганларида, уларга «мен урушдан қўрқмайман, менинг қўрқадиганим халқнинг кўп

талофат кўришидир ... хоқон мени одам ўлдиришга эмас, халқни итоат қилдиришга юборган, қон тўкиш йўли билан халқ итоат қилдирилса, унда у халқ шундай услуб билан итоатдан бош тортиши мумкин», деб жавоб берган¹²².

Манбадаги маълумотлар Умар ибн Камолиддин юннанликларни ақл-идрок ва маҳорат билан итоат қилдирганлигини кўрсатади. Биринчи навбатда у Юннанда ўрнатилган маъмурий тузумни ислоҳ қилиб, амалдорлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб ўз лавозимларини суистеъмол қилишга йўл қўймаган. Дали шахрини ўлка маркази қилиб, унинг ривожланиши учун барча чоратадбирларни амалга оширган.

6 йил ичида Умар ибн Камолиддин Юннан ўлкасида тинчлик ўрнатиб, Хубилайнинг ишончини тўла оқлаган. Шунинг билан бирга, у маҳаллий халқ учун фойдали бўлган бир қатор ишларни амалга ошириб, катта ҳурматга сазовор бўлган. Қаровсиз қолган ерларни деҳқонларга бўлиб бериш, сувсиз жойларга сув чиқариш, мавжуд ирригацион иншоотларини таъмирлаш ва янгиларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий халқ зиммасидаги солиқни енгиллаштириш, пул муомалаларини тартибга солиш, халқнинг маданий савиясини кўтариш, мактаблар очиш, маҳаллий урф-одатларни ҳурмат қилиш ва амалдаги маъмурий тузумни такомиллаштириш ана шу ишлар жумласидандир.

Умар ибн Камолиддин Юннан ўлкасига келгунича бу ерда мактаб бўлмаган. 1276 йилда у илк бор Шанчан вилоятидаги Ухуашан деб аталган тоғлик жойда мактаб қурдириб, унга харажатларини қоплаш учун 2 гектардан ортиқ ер ажратиб берган. Ўқитувчилик қилиш учун марказий Хитой ўлкаларидан муаллимлар таклиф қилган. Шундан кейинги бир неча йил ичида Дали, Чушюн, Шючин каби жойларда ҳам мактаблар ташкил этган. Бир

¹²² Ян Хуэйчжун. Хуэйзу ши лунъгао. Б. 178.

қанча жойларда касалхона ва дорихоналар ташкил қилган. Камбағалларни бепул даволаш ва уларга дори-дармон бериш ишларини йўлга қўйган. Юннанда биринчи марта расадхона барпо этган. Хитойларнинг қадимий ва буюк файласуф олими Конфуцийни (милоддан аввал 551-479 йиллари яшаган) ва унинг эътиқодчиларини ҳурмат қилиб, «Конфуций ибодатхонаси»ни қайта қурдирган. Мана шундай ишлар натижасида «илм-фан, техника, астрономия, қонуншунослик, табобатнинг сўнгги натижалари Юннанда ҳам тарқалган»¹²³.

Умар ибн Камолиддин Юннанда қўл ҳунармандчилигини, савдо ишларини, қатнов воситаларини ривожлантиришга ва йўл ясашга, йўллар устида карвонсаройлар қуришга катта эътибор берган. Биргина қурғоқчил йўлларда қурилган карвон саройларнинг сони 74 тага етган. Сув йўлларига ҳам эътибор бериб, улардан тўла фойдаланиш мақсадида 4 та тўхтов бекати ва саройлар қурдирган. Натижада ўлкадаги айрим вилоятларнинг бир-бири билан боғлана олмаслик ҳолатини батамом йўқ қилган. Мазкур ишлар Юннаннинг иқтисодий ривожла-нишини олға сурган. Ушбу ўлкани бошқа ўлкалар ва марказ билан мустаҳкам боғлаган. Унинг келажаги, сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратган.

Бухоролик ҳоким Юннанда ислом динини тарғиб этишга ва диний ўқишларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берган. Масжидлар ва диний мактаблар қурдирган. Унинг авлоди нуфузли бўлиб, мазкур ўлкадаги тунгон деб аталган мусулмонларнинг катта бир қисмини ташкил этган¹²⁴.

Умар ибн Камолиддин 1279 йилда 69 ёшида касаллик туфайли Кунмин шаҳрида оламдан ўтган эди. Дафн маросимида халқ унга чуқур қайғу ва ҳурмат билдириб,

¹²³ Ўша жойда. Б. 189-191.

¹²⁴ Ўша жойда. Б. 149-195.

Хитойнинг марҳумларга исм қўйиш урф-одатига кўра, унга «Сянванг» (Камолотли хон маъносини билдиради) деб ном беришди ¹²⁵. Шундан кейин унинг Кунмин шаҳрининг шимолий дарвозасига жойлашган қабри юннанликлар учун ибодат масканига айланди. Марҳумнинг ўғиллари Насриддин (Насулудин) ва Хусайн (Хусин) лар ҳам отасининг изидан бориб, мазкур ўлкада катта амалдорлик лавозимларида ишлаган. Халқ уларга хурмат, ишонч ва эътиқод билдирган ¹²⁶.

Мазкур ўзбекистонлик амалдорнинг Юннан халқи орасида катта обрўга эга бўлганлигини унинг вафотидан чорак аср ўтгандан сўнг Минг сулоласи (明 – 1368-1644) хоқони Юнлэ (1404-1424) номидан Бирмага кетаётиб, мазкур ўлкада тўхтаб ўтган Хитой элчиси Чжан Хунг ўзининг хотира дафтарида қуйидагича акс эттирган: «Бир куни Умар ибн Камолиддин деҳқонлар билан суҳбат-лашаётганида «агар биз сизларнинг мушкулингизни осон қилиб, ер ҳайдаш учун мол, экиш учун уруғ ва бошқа нарсалар берсак, 1 мў ердан (15 мў 1 гектарга тенг) қанча ҳосил олишингиз мумкин?» деб сўрабди. Деҳқонлар «2 дандан (120 кг) ҳосил оламиз» деб жавоб қайтаришибди. Шундан кейин Умар Камолиддин «бизга қанча солиқ тўлайсизлар» деб яна сўраган экан, «деҳқонлар ҳосилнинг ярмини топширамиз» деб айтишибди. Умар Камолиддин буни эшитиб, «йўқ, унда сизлар қийналиб қоласизлар, биздан олган молларингиз ўлса, ўрнига мол сотиб олиш, асбоб-ускуна синса, уларни таъмирлаш лозим бўлади, буни ҳисобга олдингларми?», деб яна сўрабди. Деҳқонлар хурсанд бўлиб, «майли, ҳосилнинг учдан бир қисмини солиқ учун топширайлик», - дебди.

¹²⁵ Чжунггуо хуэйцзу дацидьян. Б. 190.

¹²⁶ Ўша жойда. Б. 179; «Чжунггуо дабайкэ цюаншу» - «Чжунггуо лиши». Б. 552.

Умар ибн Камолиддин буни ҳам деҳқонлар учун қийин кўриб, уларга «йўқ, бу ҳам оғир бўлади, агар шундай ҳажмда солиқ тўлаш анъанага айланиб қолса, сизлар рози бўлсангизлар ҳам, келажакда болаларингиз ва кейинги авлодларингиз норози бўлиб, ҳукуматга қарши чиқиши мумкин... Биз сизлардан ҳосилнинг 10 дан бир қисмини оламиз... Хоҳласанглар дон, ёки пул билан солиқ топширингиз ҳам мумкин», дебди ва у ўз сўзидан чиқибди... Шундан бери халқ Умар Камолиддин ушбу яхшилигини мамнуният билан оғиздан туширмайдиган ва учраган одамга бу ҳақда айтадиган бўлишибди»¹²⁷.

Кейинги йилларда Умар Камолиддиннинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш масаласи Хитой Халқ Республикасида жонланиб бормоқда. 2004 йил март ойининг 7-10 кунлари Юннаннинг маркази Кунминг шаҳрида ўтказилган «Саид Ажжал Умар Шамси ад-Дин – биринчи халқаро конференция» номли илмий анжуманнинг ўтказилиши ва ушбу конференция материалларининг махсус тўплам¹²⁸ сифатида нашр этилиши бунинг исботидир. Тўпламда келтирилган маълумотларга кўра, Умар Камолиддиннинг 5 ўғли ва 23 набираси бўлиб, шуларнинг авлодлари Сай, Ша, На (纳), Ха (哈), Ма (马), Су (速), Са (撒), Сай (赛), Бао (保), Шан (闪), Му (木), Ша (沙), Су (苏), Чжэнг (朕), Ху (忽) каби фамилияларга асос солган¹²⁹.

Баён этилган ва умумлаштирилган маълумотлар Умар Камолиддиннинг қобилиятли, серғайрат, иродали, халқпарвар ва узоқни кўзлаб иш тутадиган катта тажриба эгаси эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, у Хитойнинг ўрта асрдаги сиёсий ва иқтисодий ривожланишига, маданиятига,

¹²⁷ Ян Хуэйчжун. Хуэйзу ши лунъгао. Б. 183-184.

¹²⁸ Шоуци Сайдянчи янжю гожи хуэйи лунвэн жи (Саид Ажжалга оид тадқиқотларига бағишланган биринчи халқаро конференция материаллари тўплами). Кунминг, Юннан университети нашриёти, 2004. Б. 418.

¹²⁹ Ўша жойда. Б. 294.

ислом динининг кенг тарқалишига ва мазкур мамлакатнинг этник жараёнига катта таъсир кўрсатган-лигини англатади, Туркистон, жумладан Ўзбекистон ўз фарзандлари орқали Хитойнинг ҳар томонлама ривожланишига маълум даражада ҳисса қўшган деган хулоса асоссиз эмаслигини билдиради. Қолаверса, келтирилган фактлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги бевосита муносабатларнинг чуқур тарихга эга эканлигидан ва бу муносабатлар Буюк Ипак йўли бўлганлиги туфайли амалга ошганлигидан далолат беради.

Умар ибн Камолиддиннинг аждодлари ва авлодлари

Умар ибн Камолиддин аждодлари ва авлодлари ҳақидаги маълумотларни нафақат Хитойнинг расмий тарихларида, энциклопедияларида ва энциклопедик луғатларида, балки ҳар хил даврда ушбу сулола вакиллари томонидан ёзиб қолдирилган бир қатор шажараларда учратиш мумкин. «Сайид Ажжал шажараси» («Сайдянчи жяпу»), «Сяньянг сулоласи шажараси» («Сяньянг¹³⁰ сулоласи шажараси»), «Жэнг сулоласи шажараси» («Жэнгси жяпу»), «Ма суло-ласи шажараси» («Маси жяпу»), ана шулар жумласидандир. Мазкур шажараларда келтирилган маълумотларнинг асосий қисми 1985 йилда «Халқ қатнов нашриёти» («Ренмин жяотунг чубаншэ») томонидан чоп этилган «Жэнг Хэ сулоласи тарихи материаллари» («Чэнг Хэ жяши зиляо») номли китобда акс эттирилган.

Кўрсатилган асарларда келтирилган маълумотларга кўра, ибн Камолиддиннинг аждодларидан илк бор Хитойга

¹³⁰ Умар ибн Камолиддин вафотидан сўнг унга «Сяньянг ванг» («Сяньянг ҳокими») деб ном берилган. Шунинг учун бу ерда ҳурмат юзасидан унинг исми ана шу ном билан ҳоким сўзини қисқартган ҳолда айтилган.

келган киши Нажмиддин-сўфи (Нажимэндиэр-суфэйэр, 997-1093) ҳисобланади. У кишининг Хитойга бориб қолиши ҳақида «Ма сулоласи шажараси» («Маси жяпу») да қуйидаги маълумот келтирилади.

«Буюк ғарбий ҳудуддаги Бухоро хонининг қўшинлари қудратли, хоннинг ўзи эса диёнатли ва меҳрибонликда тенгги йўқ эди... Ляо¹³¹ ва Шя¹³² хонликлари қўшин тортиб Сунг сулоласига¹³³ хавф солди. Шунда Сунг сулоласи [Бухоро хонидан] ёрдам сўраш мақсадида унинг ҳузурига элчи юборди. Шундан сўнг [Нажмиддин-сўфи] жаноблари укаси Айсо (Айэрша) ва уч нафар ўғиллари билан 7 мингдан¹³⁴ ортиқ лашкарлар, 200 га яқин амалдорларга бош бўлиб, 7 мингдан ортиқ от ва туя билан Буюк Сунг хоқонининг 3-йилида (1070) пойтахтга етиб келди. Шэнгзун хурсанд бўлганидан ул зотдан ўз одамлари билан Хитойда қолишни сўради. Атроф тинчигандан кейин Али, Миршоҳ (Миэршиша) ва бошқалар жами 200 га яқин амалдорлар ва уларни кузатувчи 700 чавандоз пойтахтга совғалар билан етиб келдилар. Улар жанобларининг

¹³¹ 131 916 йилда ҳозирги Хитой Халқ Республикаси ҳудудида ва Манжурияда яшаган кидан (чидан) деб номланган халқ томонидан ташкил қилинган давлат. 947 йили у «Ляо» деб номланган. 983-1006 йиллари ушбу давлат қайтадан «Кидан» деб аталган. 1125 йилда Манжурияда янгидан ташкил топган Жинг давлати томонидан йўқотилган.

¹³² Хитой манбаларида «Шишя» («Ғарбий Шя») давлати деб аталади. Хитой Халқ Республикасининг Нинся, Гансу, Шэнши ўлкасининг шимолий қисми каби вилоятларда яшаган «чянг» (қадим. ўқ. кианг) халқи томонидан ташкил этилган давлат (1038-1227). «Чянг»лар тилида мазкур давлат «Дай-ғия» («Дашя» - «Буюк Шя») деб аталган.

¹³³ 960-1279 йиллари мавжуд бўлган хитой давлати бўлиб, унинг ҳудуди Ляо давлатининг жанубий, Шя давлатининг шарқий томонида жойлашган, марказий Кайфэнг шаҳри эди.

¹³⁴ Гао Фаюаннинг маълумотига кўра, Нажмиддин-сўфи Хитойга 5000 киши билан келган [Гао Фаюан. Му шэнг хоуи. Б. 4].

қайтиб кетишига ижозат сўрадилар. Аммо [Сунг хоқони] жанобларига «ниний чинггоу гунг» («ғалаба нишонига ва кутловга сазовор олий зот) унвонини бериш билан бирга 200 лянг¹³⁵ олтин, 5000 лянг кумуш, 1000 тўп ипак мато тақдим қилиш ва йилига 500 дан¹³⁶ дон бериш, ўз соқчиларидан 5300 кишини ажратиб олиб Шандунг, Шанси вилоятларида ва Сихэ¹³⁷ билан Хэйхэ¹³⁸ дарёлари оралиғидаги жойларда солиқсиз деҳқончилик қилиш, зарур бўлганда ҳарбий ҳаракатга қатнашишга шай бўлиб туриш ҳақида фармон берди. [Укаси] Айсо (Айэрша) га эса қолган одамларни олиб ватанига қайтишга ва Бухоронинг давлат ишларини ўз қўлига олиб, унинг ривожини учун ҳаракат қилишни буюрди. Чжэзунгнинг [тахтда ўтирганига] 8 йил бўлганида (1093) 97 ёшда олий зот оламдан кўз юмди»¹³⁹.

Хитой тарихчилари ушбу маълумот расмий тарихда учрамайди деб, унга шубҳа билан қарайдилар. Бизнинг фикримизча, Сунг сулоласи ўзини катта тутиш мақсадида Бухоро давлатидан ёрдам сўраганлигини расмий сулола тарихида кўрсатишни маъқул топмаган бўлиши, яъни ор қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун шажараларда учрайдиган маълумотни расмий тарихда йўқ эканлигига ишора қилиб, шубҳага олиш тўғри эмас.

Нажмиддин-сўфининг болалари ва улардан кейинги авлод Хитойда қолган ёки қолмаганлиги ҳақида ҳозирча қўлимизда маълумот йўқ. Шу боис бу ҳақда бирор нарса айтиш қийин.

¹³⁵ Ҳозирги ўлчўв мезони бўйича 1 лянг 16 грамга тенг.

¹³⁶ Қадима Хитойда донни оғирликда эмас, ҳажимда ўлчаш одат бўлган. Шу одатка кўра 1 дан 103,547 литрга тенг бўлган. Тахминан 100 килога яқин бир қоп донга тенг

¹³⁷ Шандунг вилоятидаги дарё номи.

¹³⁸ Янзи дарёсининг шарқий шимолидаги Хэнан ва Аньхуэй вилоятларидан ўтадиган бир ирмоғи.

¹³⁹ Чжунггуо хуэйзу дацидян (Хитой мусулмонлари катта луғати), Йингчуан (Жянгу), 1992. Б. 125.

Умар ибн Камолиддиннинг буваси Сайдянчи Шансидинг (賽典赤 瞻思丁) Бухорода «Сайид Ажжал» номи билан машхур бўлган сўфилардан бўлган. Мўғуллар ҳам у кишини Сайид Ажжал деб аташган.

Юан сулоласи тарихида (Юан ши) ёзилишича, «Сайид Ажжал» сўзи олий зот маъносини билдирадиган диний унвон бўлиб, у пайғамбар авлодларига мансуб бўлган йирик ислом олимларига берилган¹⁴⁰. Шунинг учун «Сайид Ажжал» сўзини Умар Камолиддин бувасининг исми деб қабул қилиб бўлмайди.

Бухорони Чингизхон қўшинлари қамал қилиб олгандан сўнг, халқнинг хаётини сақлаб қолиш мақсадида Сайид Ажжал бир қатор обрўли кишилар билан шаҳардан чиқиб, чингизийлар билан сулҳ тузишга ҳаракат қилган. У кишининг вафот этган вақти маълум эмас.

Умарнинг отаси Камолиддин хитой манбаларида Гумалудинг ёки Гумалудинг-Сайдянчи, деб тилга олинади. Гао Фаюаннинг ёзишича, унинг тўла исми Арслонхон Камолиддин бўлиб, у қорлуқларга етакчилик қилган¹⁴¹. Бухорони Чингизхон қўшинлари эгаллагандан сўнг, гаров тариқасида Камолиддин ҳарбий хизматга олиб кетилган. Шундан кейин у анча йиллар давомида мўғуллар қўлида «уй соқчиси» (сувэй) сифатида хизмат қилган. Шу сабабли у оиласи билан Монголияга олиб кетилган. Ўқтой (хитойча Дайзунг) даврида Камолиддин Фэнг, Жин, Юнней каби 3 вилоятга доруға (ҳоким) этиб тайинланган. Кейинроқ Тайюан ва Пингянг вилоятларига ҳоким бўлган. Касалга чалинганидан сўнг Камолиддиннинг ўрнини ўғли Умар Шамсиддин эгаллаган.

Манбаларнинг гувоҳлигига қараганда, Камолидин 1297 йилда узоқ касалликдан сўнг оламдан ўтган. Вафотидан сўнг мўғуллар унга ҳурмат билдириш мақсадида «юнжунг

¹⁴⁰ Юан ши // Эршиси ши. 21- китоб. Боб 125. Б. 27404.

¹⁴¹ Гао Фаюан. Му шэнг хоуи. Б. 4.

жюнгунг» («Юнжунг ҳокими») унвонини берган. Айни замонда «Юннжунг» ҳозирги Хитой Халқ Республикаси таркибидаги Ички Монголия ҳудудидаги бир вилоят эди. Ҳозир Датунг ноҳиясидаги бир кичик жой ҳисобланади.

Умар ибн Камолиддиннинг онаси Бибиҳоним (Бибуйха) бўлиб, у манбада ниҳоятда доно ва меҳрибон, болаларининг тарбиясига эътибор бериб, уларнинг истиқболлик бўлишига катта ҳисса қўшган, деб таърифланади. Айниқса Умар Камолиддиннинг йирик сиёсий арбоб бўлиб етилишида унинг ҳиссаси катта бўлган. Бибиҳонимнинг вафот этган йили ҳозирча маълум эмас. Аммо у эри оламдан кўз юмгандан сўнг анча яшаганлиги маълум. Бева бўлиб юрганда, Бибиҳоним «юнжунг жюнгунг фурен» («Юнжунг ҳокими рафиқаси») деб аталган. Шажараларда унинг вафотидан кейинги исми ҳам айнан шундай кўрсатилган. Бибиҳоним тахминан 1405 йилда вафот этган.

Умар Камолиддиннинг ака-укалари ёки бошқа яқин қариндошлари борлиги ҳақида ҳозирча қўлимизда маълумот йўқ. Улар қариндошлари бўлса ҳам, Бухорода қолиб кетган бўлиши мумкин. Аммо унинг 5 нафар ўғли, улардан бўлган набиралари ва кейинги авлодлари ҳақида хитой манбаларида кўп маълумотлар учрайди. Қуйида ана шулар ҳақида қисқача тўхтаб ўтиш фойдадан ҳоли эмас, деб ўйлаймиз.

Умар ибн Камолиддиннинг ўғиллари:

Катта ўғли Насир ад-Дин (Насусуладинг), Насриддин Сайид Ажжал (Насусуладинг Сайдянчи) деб ҳам аталади. У узоқ йиллар давомида отасининг ёрдамчиси бўлган. Манбаларда кўрсатилишича, 1277 йилда Бирма мамлакатидан катта бир гуруҳ жангарилар Юннанга бостириб киришган. Шунда уларга қарши курашга раҳбарлик қилиш Насриддинга юкланган эди. У зиммасига ортилган вазифани катта ғалаба билан амалга оширди. Шу мунасабат билан 1280 йилда Насриддин «Юннан ўлкаси ҳокимининг

чап кўл ёрдамчиси» («чжунг шушэнг зуочэнг») лавозими билан тақдирланди. Орадан кўп ўтмай, у ушбу вилоят ҳокимининг биринчи, яъни «ўнг кўл ёрдамчиси» этиб тайинланди. 1284 йилда Насриддин «давлат маслаҳатчиси» унвони билан мукофотланди.

Шу даврда Насриддин Юннан ўлкасининг ирригация, қурилиш ва ер сувдан фойдаланиш ишларига масъул эди. У ўз вазифасига жавобгарлик билан қаради, фуқороларга ғамхўрлик кўрсатиб, халқ ва ҳукумат олдида катта обрўга эга бўлди. Юннан халқи миннатдорчилик билдириш мақсадида унга олтиндан хайкал ясадиб тақдим этишган.

1291 йилда Насриддин Хитойнинг шимоли-ғарбдаги Шэнши ўлкасига ҳокимлик қилувчи давлат маслаҳатчиси этиб тайинланди. Шу муносабат билан у оиласи билан Шэнши вилоятига кўчиб кетди. 1292 йилда шу лавозимда туриб, Насриддин оламдан кўз юмган. Шунда ҳурмат белгиси сифатида унга «Янъан ҳокими» («Янъан ванг») унвони берилди. Янъан сўзи тинчликка чорловчи ёки тинчликни узоқ асровчи маъносини англатади. Ҳозир Шэнши ўлгасининг марказий қисмида Янъан номи билан аталадиган шаҳар ҳам мавжуд.

Иккинчи ўғли Ҳасан (Хасан) бўлиб, Хитойнинг шарқий жанубидаги Гуангдунг ўлкасига ҳокимлик ва бу ерда жойлаштирилган ҳарбий қисмларга бош кўмондонлик қилган.

Учинчи ўғли Ҳусайин (Хушин, туғилган вақти номаълум, ўлган йили 1310) бўлиб, унинг фаолияти ҳақида хитой манбаларида нисбатан кўпроқ маълумот учрайди. Айниқса, жамиятдаги айрим мураккаб муаммоларни ечишда ўзининг отасига ўхшаб ақл-идроққа суяниб иш тутганлиги ва бу борада ютуқларга эришганлиги ҳақидаги хабарлар кўп учрайди. Мазкур маълумотларга кўра, 1277 йилда Ҳусайин Юан сулоласи саройидаги ҳарбий вазирлигидаги бўлимларнинг бирига бошлиқ этиб, кейинги йилда эса Хэнан вилоятидаги ҳоким маҳкамасидаги

котибот бўлимининг бошлиғи лавозимига тайинланди. Ўша замонда ушбу вилоят нотинч бўлиб, ўғирлик, талон-тарож ва йўлтўсарлик ҳодисалари тез-тез юз бериб турар, айниқса ўлканинг ўрмонзор жойларида ўрнашиб олган ўғрилар тўдаси халқнинг тинчини бузар эди. Маҳаллий маъмурият томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар ва ҳарбий ҳаракатлар натижа бермас эди.

Ҳусайин ўз вазифасига киришгандан сўнг, ўғри ва қароқчилар тўдаларига мажбурий аралашиб қолганлар олдига одам юбориб, уларни тинч ҳаётга қайтишга даъват этди ва гуноҳидан кечишга кафолат берди. Орадан кўп ўтмай, шундай кишилардан иккитаси Ҳусайин ҳузурига келди. Шунда Ҳусайин уларни яхши кутиб олиб, уларга бошни ўраш учун рўмол совға қилди. Шу билан бирга Ҳусайин уларга «сизлар илгари ўғирлик қилган бўлсанглар ҳам, ҳузуримга келишни лозим топибсизларким, демак бундан кейин тинч яшовчи фуқоро бўлишни маъқул топибсизлар, биз сизларнинг гуноҳингизни кечиргаймиз», деб уларни кузатиб қўйди. Уларни қўйиб юбораётганда «бошқалар ҳам сизларга ўхшаб олдимизга келишса, биз уларни ҳам кечирамиз», деб қайд этди.

Орадан бироз авқт ўтгандан кейин ўғрилар тўдасидан яна 10 киши Ҳусайин ҳузурига келди. Шунда Ҳусайин ўз сўзи устидан чиқиб, уларни ҳам кечирди ва «тинч яшовчи фуқоролар» рўйхатига киритди. Шундан кейин Ҳусайин уларга кечалари йўлларнинг хавфсизлигини сақлаш ва йўловчиларни ўғрилардан ҳимоя қилиш вазифасини юклади. Вақти-вақти билан уларни ўз олдига таклиф этиб, улар билан бирга овқатланиб ва суҳбатлашиб турди. Бундан хурсанд бўлган ўғрилар Ҳусайинга ихлос қўйиб, тинч ҳаёт йўлига бутунлай ўтдилар. Бошқалар ҳам бунга эшитиб, ўз ҳаёт тарзларини ўзгартирдилар. Шундай қилиб, Ҳусайин куч ишлатмасдан Хэнан ўлкасидаги хавфли вазиятни яхши томонга ўзгартиришга муяссар бўлди ва бундан унинг обрўси кўтарилди.

1284-1304 йилларда Ҳусайин Юннан ва Чжэжян (Хитойнинг шарқий томонида) ўлкаларида турли мансабларда хизмат қилди. 1298-1300 йилларда Юннан ҳокимининг Лян Вангнинг биринчи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилди. Шунда у ҳокимга касал кишиларга нисбатан илгари жорий этилган қонун-қоидаларни ўзгартиришни таклиф этди. Аммо Лян Ванг унинг таклифини қабул қилмади. Шундан кейин Ҳусайин Пекинга бориб, ўз таклифини ҳоқонга айтди. Ҳоқон унинг таклифини яхши қабул қилиб, Ҳусайиннинг режаларини амалга ошириш ҳақида Лян Вангга махсус фармон юборди. Ушбу воқеа Юан сулоласи саройида ва Юннан халқи орасида Ҳусайиннинг обрўсини яна ҳам кўтарди.

1304 йил Ҳусайин «Сичуан ўлкасига ҳокимлик қилувчи давлат маслаҳатчиси», 1308 йилда эса Жянгси ўлкасининг ҳокими лавозимига тайинланди¹⁴². Орадан кўп ўтмай, Ҳусайин ўзининг ёши улғайиб, соғлиғи ёмонлашиб қолганлиги туфайли ишдан кетишга мажбур бўлди¹⁴³. 1310 йилда у оламдан ўтди.

Тўртинчи ўғли Хусниддин Умар (Кусудинг Юанмуоли) Жянгсу ўлкасидаги Жянчанг вилоятига бошлиқ бўлиб хизмат қилган.

Бешинчи ўғли Масъуд (Масуху, Муосуху, Масихути) бўлиб, у бир умр Юннан ўлкасида яшаган ва шу ерда турли лавозимларда хизмат қилиб, ўз истиқболини топган. Умрининг охирги йилларида Масъуд ушбу ўлканинг ҳокими лавозимини эгаллаган¹⁴⁴.

Катта ўғли Насриддин қолган фарзандлар:

Насир ад-Диннинг (Насриддин деб ҳам аталган, хитойча Насуладинг) ўғиллари кўп бўлган. Айрим манбаларда 7, бошқа бирларида 9 та ўғиллари борлиги

¹⁴² Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 205.

¹⁴³ Хуэйзу ши лунгао. Б.133.

¹⁴⁴ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 196.

айтилади ва уларнинг номлари келтирилади. Тартиб билан айтганда, улар қуйидагилардан иборатдир:

Абубакр (Абу-биекээр, 1307 йилда оламдан ўтган) Хубилай (1280-1294) уни «боян пинжчанг» (катта обрўга сазовор бўлган маслаҳатчи) деб атаганлар. Шундан сўнг сарой аҳли уни Боян деб атай бошлаган. Шу боис манбаларда унинг исми Боян (Байян деб ҳам талаффуз этилади) деб ёзилган.

Абубакрнинг амалдорлик фаолияти 1292 йилда Фужян ўлкасидаги Чюанжоу вилоятида бошланган. Кейинроқ у Хэнан ўлкасининг Жянбэй вилоятларида амалдорлик қилган. Ана шу даврда у ўз ихтиёридаги жойларда деҳқончилик ва молия ишларини яхши йўлга қўйиб, Юан сулоласининг эътиборига сазовор бўлган. 1293 йилнинг охирида у Пекинга Юан сулоласи саройига маслаҳатчи қилиб олиб кетилди. Шундан сўнг Юан сулоласи ҳокони унинг исмига «Сайид Ажжал»ни қўшиб айтиш ҳақида махсус фармон берган. Унинг Пекинга келганидан 11 йил ўтгач, Юан сулоласида ҳокимият учун кураш бошланди. Ана шу кураш жараёнида Абубакр уни кўролмай юрган ҳамкасблари томонидан ўлдирилган.

Умар (Умаэр) Насриддин ҳам узок йиллар давомида Фужян ўлкасида ҳокимлик қилди. Хизмат фаолияти даврида у ибодатхона, мактаб, йўл ва кўприк қуриш ишларига эътибор берган. Мактабларнинг молиявий муаммоларини ечиш мақсадида уларга солиқсиз ишлатиш учун ер ажратиб бериш, ерсиз деҳқонларга ер бериш ва уларга моддий ёрдам курсатиш ишларига алоҳида аҳамият берган. Натижада ўзининг ҳуқуқ доирасидаги ҳудудларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятини яхшилади, давлатга тўланадиган солиқ даромади ҳажмини мунтазам таъминлаб келди. Бунинг учун у Юан сулоласи мукофотига сазовор бўлди¹⁴⁵.

¹⁴⁵ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 204-205.

Хусан (Хушян, ўлган йили 1310) учинчи ўғил бўлиб, у ҳам катта лавозимларда хизмат қилган. Унинг амалдорлик фаолияти 1277 йилда бошланди. 34 йил давомида У Хэнан, Юннан, Шэнши, Чжэжянг, Сичуан Жянгши каби ўлкаларда турли лавозимларда ишлади. Умрининг сўнгги йилларида Жянгши ўлкасида ҳокимлик қилди. Хизмат жараёнида Хусан ҳам акаси Умардек маҳорат билан иш тутди.

Насриддиннинг қолган ўғиллари Зафар (Зафаэр), Ҳасан (Хашин), Шодий (Шадэ), Арун (Арунг), Боянчур (Боянтсаэр) ва Музаффар (Музатиеэр) қабилар Юннан ўлкасида турли лавозимларда хизмат қилишди. Шулардан фақат Ҳасан маълум бир давр давомида ушбу ўлканинг ҳокими бўлиб хизмат қилди.

Умар Насриддиннинг учинчи ўғлидан икки ўғил бўлганлиги маълум. Каттаси Бўканг, кичиги Шюлэ бўлиб, улар ҳам амалдор бўлиб ўтган. Аммо уларнинг мансаби унча катта бўлмаган.

Умар ибн Камолиддиннинг қолган фарзандлари ва улардан бўлган набиралари ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Аммо унинг кейинги авлодлари орасида Хитой дипломатиясига, иқтисодига ва маданиятига катта ҳисса қўшган шахслар ўтган. Уларнинг бири дипломатик ва савдо ишлари билан кўп марта Ҳинд ярим ароли, Форс кўрфази ва Африка қирғоқларига бориб келган Маҳму (Чжэнг Хэ), иккинчиси 1640-1711 йилларда яшаган йирик файласуф олим Ма Жудир. Булар ҳақида қуйида алоҳида тўхтаб ўтилади.

Умар ибн Камолиддиннинг авлоди бўлмиш йирик олим Юсуф (Ма Жу)¹⁴⁶

Хитой манба ва адабиётларида зикр этилишича, ушбу мамлакатда ислом дини тарқалгандан кейин 4 та йирик файласуф диний олим ўтган: келиб чиқиши араб бўлган Вай Дайюй (1570-1660), миллати тунгон (хуэйзу) деб ҳисоб-ланадиган Лю Чжи (1660-1730), Ма Жу (1640-1711), Ма Фучу (1794-1874). Уларнинг ҳаммаси Хитой энциклопедиясида ва йирик тарихий шахсларга оид луғатларда, исломга оид адабиётларда ўрин олганлар.

Йирик тунгон тарихчилари Бай Шоуйи ва Чин Хуэйбинларнинг ёзишича, Юсуф Чинг сулоласининг (1644-1911) дастлабки даврида ўтган машҳур ислом олимидир. Ўзларининг ҳисоб-китобига кўра, у 1640 йилда туғилган ва Умар Камолиддиннинг 15 авлод набираси ҳисобланади. Унинг болалик давридаги исми Вэнбин (билимдон ва нурли маъносини англатади) бўлган. Отасининг исми Ши Кун, 1647 йилда вафот этган. Юсуфнинг онаси у 17 ёшга кирганда оламдан ўтган, исми маълум эмас¹⁴⁷.

«Хитойда қадим замондан ҳозиргача ўтган буюк шахслар катта луғати» («Чжунггуо гужинг мингрэн дацидянь») номли луғатда «Минг сулоласининг охири ва Чинг сулоласининг дастлабки даврларида яшаган буюк ислом олими... Оилавий ҳисоб-китобга кўра Муҳаммад [пайғамбарнинг]нинг авлодидир»¹⁴⁸, деб ёзилган.

Юсуф Юннан ўлкасининг Бавшан вилоятида таваллуд топган. Отаси бевақт оламдан ўтганлиги сабабли, унинг болалиги ҳар жиҳатдан қийин кечган. Шу даврида Хитойда

¹⁴⁶ Чжунгуо хуэйхуэй минзу ши. 2-жилд. Б. 951.

¹⁴⁷ Чжунггуо ди исиланжяо. Б. 97; Чжунгуо хуэйхуэй минзу ши. 2-жилд. Б. 951.

¹⁴⁸ Чжунггуо гужинг мингрэн дацидянь («Хитойда қадим замондан ҳозиргача ўтган буюк шахслар катта луғати»), Пекин, 1991. Б. 19.

Минг хоқонлиги Манчжурия (ҳозирги Хитой Халқ Республикасиининг шимоли-шарқий қисми)да ташкил топган манчжурлар давлати томонидан йўқотилиб, унинг ўрнига «Чин» (清) деб ном олган янги (1644-1911) хонлик хукмронлик қила бошлаган эди. Хитойнинг бир қатор вилоятларида, жумладан жанубий ўлкаларда манчжурларга қарши ҳаракат давом этаётган эди. 1657 йилда, Юсуф эндигина 17 ёшга қадам қўйганда, манчжурлар зарбасига бардош бера олмай қочиб юрган Минг сулоласининг (1368-1644) тахт ворисларидан бири унинг юртига бориб қолган. Шу боис Юсуф унга хизматкор ва соқчи сифатида хизматга жалб қилинган. Шундан кейин анча вақт давомида Юсуф будда дини эътиқодчилари орасида яшаганлиги туфайли, у фурсат топиб буддизмга оид асарларни ўқиш билан банд бўлган.

Манчжурларга қарши курашлар батамом бостирилгандан сўнг Юсуф ўқитувчилик қилиб кун кечира бошлаган. Шунда унинг ёши 30 га бориб қолган эди. Ўқитувчилик қилиш даврида Юсуф ислом динини чуқур ўрганишга киришган ва бу дин асослари ҳақида асарлар ёза бошлаган. 20 ёшга тўлганида у ўзининг «Шуцяо лу» («Заҳмат хотиралари») номли биринчи асарини ёзиб битирган эди, лекин бу асар кенг тарқалмаганлиги туфайли сақланиб қолмаган¹⁴⁹.

Ислом илмини чуқур ўрганиш мақсадида Юсуф Хитойнинг Шандунг, Шэнши, Шанши, Хубей, Сичуан, Гуангдунг, Фужян каби вилоятларидаги ислом марказларини зиёрат қилиб, 1669 йилда Пекинга келиб тўхтаган.

1983 йилда узоқ йиллар давомида қилинган меҳнат натижасида Юсуф «Чингчжэн чжинан» («Ислом кўрсатмалари»)¹⁵⁰ номли яхлит асар ёзиб битирган. Шунда у 44

¹⁴⁹ Чжунгуо хуэйхуэй минзу ши. 2-жилд. Б. 951.

¹⁵⁰ Асар номини таржима қилишда «чжинан» («кўрсатмалар») сўзини исломни тарғиб қилиш, уни нотўғри талқин этишга қарши

ёшга тўлган эди. Асарнинг ҳажми 10 бобдан ёки 100 минг сўздан иборат бўлган ¹⁵¹. Мазмунан ушбу асар ислом тарихи ва қонун-қоидалари, суралар таҳлили, фалсафий, фалакиёт, афсоновий ҳикоялардан таркиб топган. Асрлар давомида ушбу асар қўлёзма шаклида Хитойдаги барча ислом ўқув юртларида фойдаланилган, айниқса Юсуфнинг ватани бўлмиш Юннан вилоятида катта ҳурматга сазовор бўлган ¹⁵².

1684 йилда хотини Фатима (Фатумо) ва Шичи, Шишюн исмли ўғиллари ҳамроҳлигида Пекинни тарк этиб яна сафарга отланган. Бу навбат у 4 йил давомида Хитойнинг шарқий томонидаги Цзянгу, Чжэцзян ўлкаларидаги йирик шаҳарларни ва қадимги Хитой пойтахти Сиань (Чангъан)ни зиёрат қилиб ватанига қайтиб кетган. Сафар давомида ўзининг асарини тарқатиш ва исломни тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб олган. Ватанига қайтиб келганидан сўнг то умрининг охиригача «Ислом кўрсатмалари» асрини тўлатиш ва чуқурлаштириш билан шуғулланган.

Юсуфнинг ўлган вақти аниқ эмас, лекин ислом аҳли орасида у 71 ёшда оламдан ўтганлиги айтилади ¹⁵³.

Умар ибн Камолиддин авлоди бўлмиш буюк элчи ва денгизчи Маҳмуд (Чжэнг Хэ)

Умар Камолиддин бир қатор авлодлари амалдор бўлибгина қолмасдан, балки Хитой ҳаётининг ҳар хил соҳаларида катта хизмат кўрсатган. Шулар ичида биринчи

туриш, исломни инсон қалбига сингдириш маъносида билмоқ лозим. Чжунггуо ди исиланжяо. Б. 97.

¹⁵¹ Хитойда асарнинг ҳажмини ўлчашда иероглифлар, яъни сўзлар сони ҳисоблаш одати мавжуд.

¹⁵² Чжунггуо ди исиланжяо. Б. 97.

¹⁵³ Чжунггуо хуэйхуэй минзу ши. 2-жилд. Б. 953-954.

навбатда Хитой номидан илк бор араб ва Африка мамлакатларига денгиз йўли билан бир неча марта бориб келган Маҳмудни (1369-1433) тилга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, жаҳон адабиётида, жумладан рус адабиётларида Чжэн Хэ буюк элчи ва денгиз саёҳатчиси сифатида маълум бўлса ҳам, унинг ўзбекистонликлар авлодидан эканлиги ҳанузгача эътибордан четда қолиб келмоқда.

Хитойда мўғуллар сулоласи ағдарилгандан сўнг ташкил топган Минг сулоласи (1368-1644) нинг дастлабки даврида ўтган машҳур денгизчи Чжэнг Хэ ҳам Умар Камолиддин Саъид Шамсиддиннинг 6 авлод набирасидир¹⁵⁴. Манбада унинг фамилияси Ма, мусулмонча исми Махэ деб кўрсатилади¹⁵⁵. Ушбу исм эса Маҳмуднинг хитойча қисқартирилган талаффузи эди. Айтиб ўтиш жоизки, ўша замонларда хитойлар Маҳмудни Махэ, Муҳаммадни Махэма деб қисқартириб ёзишган.

Маҳмуднинг ота боболари ҳожи бўлиб ўтганлар. Шу боис маҳаллий халқ уларни Ҳожим деб аташган. Уларнинг мунтазам яшаган жойи ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг жанубий ҳудудида жойлашган Юннан ўлкасининг Кунъянг (ҳозир Жиннинг) вилоятидир. «Чжэнг Хэ сулоласи шажараси»да ёзилишича, Маҳмуднинг отаси Милижин деб аталган бўлиб, у Умар Шамсиддиннинг 5-чи бўғин набираси ҳисобланган. Милижиннинг фамилияси эса Ма деб номланган. Шу ерда қайд қилиб ўтиш мумкинки, тунгон миллати орасида Ма фамилияликлари ниҳоятда кўп учрайди. Бинобарин, Маҳмуд, Муҳаммад, Маъсуд, Мансур каби исмлик мусулмонлар ўзларининг фамиласини Ма деб аташган. Ма фамилияни ёзиш учун буюк, от маъносини англатувчи иероглифдан фойдаланиш одатга кирган.

¹⁵⁴ Чжунгуо хуэйзу дацидянь. Б. 1018.

¹⁵⁵ Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао (Тунгонлар тарихига оид мақолалар тўплами). Йингчуан, 1992. Б. 230.

Маҳмуднинг онаси Вэн фамилиялик авлоддан бўлган, исми номаълум. Маҳмуд оиласида 6 та фарзанд бўлиб, шундан 4 таси қиз бўлган. Акасининг исми Вэнмин деб аталган. Унинг мусулмонча исми номаълум. Болалик даврида Маҳмудни ота-оналари «Санбао» (3-чи бойлик, ёки қимматбаҳо нарса маъносини англатади) деб аташган¹⁵⁶. Шунга қараганда, Маҳмуд 3-чи фарзанд бўлган.

1381 йилда Маҳмуднинг отаси 39 ёшида касаллик туфайли оламдан ўтади. Шунда Маҳмуд 12 ёшда эди. Ўша замонда Минг сулоласи Юннанда мўғуллар ҳокимиятини ағдариб, ўз назоратини ўрнатган эди. Ушбу воқеа албатта Умар Камолиддин авлодининг ижтимоий аҳволига таъсир кўрсатди. Янги ҳокимият мўғуллар даврида юқори лавозимларни эгаллаганларга ишончсизлик билан қарайди. Шу боис юзага келган жиддий вазият тақозоси билан Маҳмуд Пекинга бориб қолади.

У ерда у Чжу Ли исмли Пекин ҳокимининг хизматида бўлади. Шу пайтда замонда мазкур ҳоким жияни Жиян Вэндига қарши тахт учун юриш қилишга тайёргарлик кўриб турган эди. Шунда у ўз рақибининг мўғуллар даврида амалдор бўлганларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганини ҳисобга олиб, вайрон бўлган аввалги ҳокимият тарафдорларини ўз атрофида тўплашга киришади. Маҳмуднинг гавдали, серғайрат, зийрак, фаросатли ва кучли йигит бўлганлиги, ҳамда у мўғуллар даврида катта обрўга эга бўлган Умар ибн Камолиддин Саъйид Шамсиддиннинг авлоди эканлиги Чжу Лининг эътиборидан четда қолмайди.

Чжу Ли ва унинг тарафдорлари ҳокимият учун олиб борган курашлар жараёнида Маҳмуд катта хизмат кўрсатади. Шу билан бирга мазкур курашда ўзининг уруғ-аймоқларини ва ёру-биродарларини ҳам ўз томонига жалб қилади. У ўзининг амалий ҳаракатлари билан Чжу Лининг ишонган таянчларидан бирига айланади.

¹⁵⁶ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 126.

1403 йилда узоқ давом этган курашда Чжу Ли ҳокимиятни қўлга олиб, Минг сулоласининг 3-чи хоқони сифатида ўзини Чэнгу (1403-1424) деб атади. 1404 йилнинг бошланиш куни Чжу Ли барча хизмат кўрсатганларни мукофотлади. Шунда у ўз қўли билан "Чжэнг" (тантанали, жиддий маъносини англатади) иероглифини ёзиб, уни Маҳмудга фамилия бўлсин, деб фармон беради. Хитой урф-одатларига кўра, хоқон томонидан фамилия олиш катта ҳурмат белгиси эди. Шундан кейин Маҳмуднинг фамилияси Чжэнг, исми Хэ деб айтиладиган бўлди¹⁵⁷. Маҳмуднинг болалари ва авлодлари ҳам Чжэнг иероглифини фамилия сифатида ишлатишди. Ўша замонда фамилиядан воз кечиш император амрига итоат қилмаслик деб қабул қилинар, бу эса кечириб бўлмайдиган оғир жиноят ҳисобланар эди. Шу боис Маҳмуднинг ўғли Чжэнг Янг (болалик давридаги исми Энлай) деб аталган ва кўпроқ Нанкин шаҳрида яшаган. Ҳазир унинг 20-чи бўғин авлоди мавжуд¹⁵⁸.

Минг сулоласи хоқони Чэнзу денгиз йўли билан савдо ишларини ривожлантиришга катта эътибор берган. Шунда у мазкур ишни Маҳмудга топширган. Зеро, Маҳмуд уруш даврида кемаларни бошқариш ишларида ҳам билимли ва қобилиятли эканлигини намойиш этган. Маҳмуд 7 марта денгиз сафарида бўлиб, ҳар гал кемаларни қимматбаҳо молларга тўлдириб, йўлга чиққан. Маҳмуднинг сафарлари Минг хонадонига катта бойлик келтирган.

Маҳмуднинг биринчи сафари 1405 йил 6-ойнинг 15-куни (Хитойнинг кўхна ой календари бўйича) бошланиб, у 1407 йил 9-ойигача давом этган. Шунда унинг ихтиёрига 63 та кема ва 27 минг киши берилган эди. Маҳмудга берилган кемалар ичида энг катта деб ҳисобланганларининг узунлиги 145 м, эни 59,5 м бўлган¹⁵⁹.

¹⁵⁷ Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 231.

¹⁵⁸ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 127-128.

¹⁵⁹ Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 232.

Маҳмуднинг иккинчи сафари 1407 йил 9-чи ойнинг 13 кунидан бошланиб 1409 йилининг ёзигача амалга оширилди. Ушбу сафарга у 249 та кема билан йўлга чиққан. Кемаларнинг сони жиҳатдан Маҳмуднинг иккинчи сафари энг катта бўлган эди. Ушбу сафар Люжияганг номли портдан бошланган. Қайтишда Нанкин портига келди. Биринчи марта сафарга чиққанда Маҳмуд Индонезия ороллариғача борган бўлса, иккинчи сафарда у Ҳинд ярим оролининг жанубий қирғоқлариғача етиб борди.

Маҳмуднинг учинчи денгиз сафари 1409 йилнинг 9-чи ойидан 1411 йилнинг 6-чи ойигача давом этган. У йўлга 48 та кема билан отланади. Шу пайтда ватанига қайтиб кетаётган хорижлик элчилар ҳам унинг кемаларида йўлга чиқдилар. Бу сафар Маҳмуднинг кемалари Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий қирғоқларидаги портларгача етиб боради.

Маҳмуднинг тўртинчи узоқ денгиз сафари 1413 йилнинг 11-ойида бошланиб, 1415 йилнинг 7-ойигача давом этади. Бу гал у Форс кўрфазидаги йирик халқаро савдо маркази Хўрмуз (Hormoz, хитойча Хулумоси) портигача етиб борди.

Маҳмуднинг бешинчи денгиз сафари 1416 йил 12-ойининг 10-куни бошланиб, 1419 йилнинг 7-ойигача давом этди. Бу сафарда у Африка қитъасининг шарқий қирғоқлариғача етиб борган.

1420 йилда Минг хоқонлигининг пойтахти Нанкин (Нанжин) Пекин шаҳрига кўчирилган эди. Шу муносабат билан Чэнгзу хоқон Маҳмудни яна сафарга юбориб, алоқа ўрнатилган барча давлатларни пойтахт кўчирилганлиги ҳақида хабардор қилиб чиқишни буюрди. Бу Маҳмуднинг олтинчи денгиз сафари эди.

Икки йил давомида Маҳмуд Африканинг шарқий қирғоқларида жойлашган қатор давлатларни айланиб чиқди. 1422 йилнинг 8-чи ойида Хитойга эсон-омон қайтиб келди.

Орадан икки йил ўтгач, Минг хонадонида кетма-кет ўлим юз берди. Чэнгзу хоқон оламдан ўтиб, унинг ўрнига ўғли Чжугао хоқон этиб тайинланган эди. Шу муносабат билан унга Рэнзунг деб ном берилди. Аммо у бир йилгина тахтда ўтириб, оламдан ўтди. 1426 йилда унинг ўрнини ўғли Сюанзунг (исми Чжу Чжан, тахтда атига 10 йил ўтирган) эгаллади.

Ушбу император бобоси каби денгиз йўли орқали савдо алоқаларни ривожлантиришга катта ихлос билан қаради. 1430 йил 6-чи ойнинг 9-куни у Маҳмудга 61 та кема ва 27550 киши бериб, уни яна узоқ сафарга юборди. Бу Маҳмуднинг сўнги сафари эди. Нанкин шаҳрининг портидан бошланган ушбу сафар тарихда «Макка сафари» деб ҳам аталади. Чунки Маҳмуднинг кемалари Саудия Арабистонига яқинлашганда, унга ҳамроҳлик қилган 7 нафар кишини Маккага ҳаж қилиш учун юборган эди.

Маҳмуд йўл бўйлаб аввалги сафарларида босиб ўтган жойларни бирма бир кўздан кечириб ёзиб қолдиради. 1433 йилда қайтиб келаётганда, у хасталикка дуч келади. 4-чи ойнинг бошларида унинг кемалари Ҳинд ярим оролининг жануби-ғарби қирғоқлари бўйлаб сузиб келаётганда у оламдан кўз юмади¹⁶⁰.

Маҳмуднинг ўлими ҳақида ҳар хил маълумотлар мавжуд. Айрим манбаларда зикр этилишича, кемалар Нанкинга 1433 йилнинг 7-ойида қайтиб келади. Шундан сўнг унинг жасади Нанкинда дафн этилади¹⁶¹.

Халқ орасида сақланиб қолган айрим маълумотларга кўра, Маҳмуд қайтиб келгандан сўнг бир йил ўтгач, 64 ёшида касаллик туфайли Нанкин шаҳрида оламни тарк этган. Унинг жасади Нанкиндаги Ньюшоушан деб номланган баландликка дафн этилган. Аммо халқ орасида

¹⁶⁰ Чжунггуо хуэйзу дацидьян. Йингчуан, 1992. Б. 638. Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Йингчуан, 1992. Б. 230 -246

¹⁶¹ Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Йингчуан, 1992. Б. 230 -246.

Маҳмуд охирги сафардан қайтиб келаётганда ярим йўлда вафот этган, деган гап бор. Унинг ҳамроҳлари марҳумнинг сочини у кийган оёқ кийимига солиб келиб, Ньюшоушан тепалигига кўмган, деган тахмин ҳам мавжуд¹⁶². 1985 йилда Маҳмуднинг биринчи денгиз сафарига 580 йил тўлиши муносабати билан унинг Нанкиндаги қабри қайта қурилган.

Хитой олимлари Маҳмуднинг фаолиятини юксак баҳолайдилар. Чунончи, Чин Хуэйбин "Чжэнхэ 7 марта океан кезиб, дунёга танилган сиёсатчи, дипломат ва денгизчи бўлган. Минг сулоласи даврида Хитойда исломнинг ривожланиши учун катта ҳисса қўшган", деб таърифланган¹⁶³.

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДАН ХИТОЙГА БОРИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ОЛИМЛАР

Ўрта асрларда Туркистондан, Арабистондан ва Эрондан Хитойга бир қатор йирик мунажжимлар, фалакиёт-шунослар, географлар ва табиблар таклиф этилган. Шулар қаторида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан борганлар ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Ушбу рисоламизда уларнинг айримлари ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Жамолиддин Бухорий (хитойча Чжамолудинг, Чжамаладинг) – фалакиётшунос ва географ олим. Чингисхоннинг набираси ва 1251-1259 йилларида тахтда ўтирган Мунка-каан (Мэнкэ-1208-1259) даврида Хитойга келган. У Хитойда мўғуллар ташкил этган Юан империя-сининг (1227-1368) биринчи императори Хубилай (Шизу) даврида

¹⁶² Янг Хуайчжунг. Хуэйзу ши лунгао. Йингчуан, 1992. Б. 246.

¹⁶³ Чин Хуэйбин. Чжунггуо ди исиланжяо (Хитойдаги ислом). Пекин, 1997. Б. 49.

(1279-1294) ўз илми билан юксак обрў-эътиборга эга бўлган.

1267 йилда Жамолиддин Бухорий Хубилайга хитой манбаларида «ваньянли» деб аталадиган («10 минг йил календари» маъносини англатади) мусулмон календарини ва астрономик ўлчагичларни тақдим этган. 1271 йилда у мўғуллар хоқонининг ижозати билан Пекинда расадхона қурган ва унга масъул ходим этиб тайинланган. Бу билан олим Туркистон фалакиёт илмига таянган илм даргоҳининг Пекинда ташкил топишига асос солган. 1282 йилга қадар бўлган вақт давомида Жамолиддин Бухорий тўплаган фалакиётшунослик, география, математика фанларининг машҳур вакиллари асарларини Пекинга олдириб келган ва уларни жамлаш, Хитой олимларининг асарлари билан таққослаш асосида янги асар ёзишга киришган. Олим шогирдлари ва унга ихлос қўйган илм вакиллари ёрдамида бу ишнинг муваффақиятли яқунлаган. Янги асар хитой ва туркий тилларда битилган. Хитойча асарнинг номи «Чжи Юан йитунгчжи» («Юан даврида умумлаштирилган баён ёки асар» маъносини англатади). Асарнинг туркий тилдаги номи манбаларда келтирилмаган. Мазмунан ушбу асарда Хитой, Марказий ва Ғарбий Осиё худудлари ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган. Хитой олимларининг тили билан айтганда, ушбу асар «Хитойнинг заминшунослик тарихида мисли кўринмаган воқеа бўлган»¹⁶⁴.

Жамолиддин (Жамаладин) ибн Жамолиддин Бухорий билан бирга замондош бўлган ва бирга ижод қилган фалакиётшунос олимдир. 1278 йилда Пекинда Жамолиддин Бухорий томонидан барпо этилган расадхонанинг бошлиғи ёридамчиси этиб тайинланган. Анъси вилоятининг ҳокими Ананда талабига биноан, олим ҳар йилдага иккита мусулмон календари битиб, унга юбориб

¹⁶⁴ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 671.

турган. Битилган календарларга хитойчада «хуэйхуэй лири» деб номланган бўлиб, уларга Туркистон қоғози ишлатилган¹⁶⁵.

Муҳаммад Бухорий (хитойча Махама Бухаларен) - фалакиёт илми билан шуғулланган олим. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Аммо унинг Пекинда фаолият кўрсатган вақти XIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Мўғул қўшинлари Бухорони эгаллагандан сўнг бу ердан қобилиятли ҳунармандларни танлаб, Пекинга олиб кетганда, Муҳаммад Бухорий олиб кетилганлар орасида бўлган. Ўзининг билимдонлиги билан Юан сулоласи саройида кўзга кўринган. Ҳарбий юришларда ҳам мўғуллар унинг билимидан яхши фойдаланишган.

Муҳаммад Бухорийнинг 3 нафар ўғли бўлган. Уларнинг каттаси Саид-миш (хитойча Сади-миши) Даду (Хонбалиқ, ҳозирги Пекин шаҳридаги хон ўрдасининг номи бўлиб, унга мазкур ном 1272 йилда берилган) да давлат хизматида бўлган, 1280 йилда намунали хизмати учун мукофотланган. Иккинчиси Ҳасан юзбоши лавозимида ишлаган. Учинчи ўғли Умар ёшлигида оламдан ўтган.

Саид-мишдан бўлган набираси Аҳмад (Ахама) 30 ёшида оламдан ўтган. Ундан 2 ўғил қолган бўлиб, каттасининг исми Мансур-аддин (Машудинг) эди. 1334 йилдан бошлаб у давлат арбоби бўлиб хизмат қилди. Унинг Юан саройида кўрсатган хизматлари учун Саид-миш ва ўғли Аҳмад «сяньянг жюнгунг» деб аталмиш беклик унвони билан мукофотланган¹⁶⁶.

¹⁶⁵ Ўша жойда; Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 671.

¹⁶⁶ Янг Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 141; Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 671.

Пекиндаги Ньюже масжиди фаолият олиб борган мударрислар

Шайх Али Имом-аддин Бухорий (Шайхай Али Йимамутундин Бухорен) ва **Шайх Мухаммад бин Аҳмад Буртан Косоний** (Шайхай Айхэмайдэ Бурэртани Жосайни)лар Пекинда ислом динини тарғиб қилиш, ислом динини қабул қилганларнинг диний саводини чиқариш ва диний олимлар етиштириш ишлари билан шуғулланган ва бу соҳада юксак обрўга эга бўлган олимлардир.

Хитойда мўғуллар ҳокимиятга келиб, Юан сулоласи (1279-1368) ташкил этилгандан сўнг пойтахт Даду (мўғулча Хонбалик) шаҳрига, яъни ҳозирги Пекин шаҳрига кўчирилган эди. Аммо Пекин бундан анча олдин мўғуллар кўлига ўтган бўлиб, унда катта ҳажмда шаҳар қурилиш ишлари амалга оширилади. Қурилишда ишлатиш учун Туркистондан, жумладан Ўзбекистондан сон-саноксиз ҳар хил соҳаларнинг усталари мўғуллар томонидан Пекинга олиб кетилган. Усталар билан бирга олимлар, рассомлар, раққосалар, ислом дини вакиллари ва савдогарлар ҳам келишган.

1263 йилда давлатнинг солиқ тизимини такомиллаштириш мақсадида аҳолининг нуфусини аниқлаш ҳаракати натижаларига кўра, ўша пайтда Пекинда 3000 хонадондан иборат бўлган туркистонликлар яшаган бўлиб, улардан катта бир қисми ўзбекистонликлар эди. Айниқса Самарқанддан олиб кетилганлар кўпчиликини ташкил қилган¹⁶⁷.

Туркистондан олиб келинганлар деярли бир жойда жойлаштирилган. Чунки уларнинг ҳаммаси мусулмон эканлиги ва урф-одатлари, тили бир хил бўлганлиги айнан

¹⁶⁷ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа - тсаоуюан жоан– Цаоюан жоан (Ипак йўли маданияти- яйлов йўлига оид жилд). Чжэжянг, 1996. Б. 276-277; Юан сулоласи тарихининг «Ҳасан тазкираси» бобида бу ҳақда тўла маълумот келтирилади.

шундай қилишни тақозо этар эди. Ушбу омилларни ҳисобга олмаганда ҳам, улар учун биринчи навбатда масжид қуриш ва истеъмол қилиш учун «ҳалол» деб ҳисобланадиган озиқ-овқат таъминоти масалаларини ҳал қилиш учун туркистонликларнинг бир жойга йиғилиб яшаши лозим эди.

Пекинда яшовчи туркистонликларнинг ҳаммаси мусулмон бўлганлиги учун, уларнинг ички ишларини тартибга солиш ислом қонун-қоидаларига асосланишига рухсат этилган. Шу боис уларни идора қилиш учун махсус амалдор «қози» тайинланиб, унинг учун маҳкама ҳам ташкил қилинган. Қозига нафақат уларни бошқариш, балки суд ишларини шариат асосида ечиш ҳам топширилган¹⁶⁸.

Ўша замонда хон саройида хоразмлик Маҳмуд Ялавочнинг молия ишлари бўйича катта хизматда бўлганлиги Туркистонликларнинг Пекинда ҳар қаёққа сочилиб кетмасдан, бир жойда маҳалла бўлиб яшашига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатган эди.

Туркистонликларнинг кўпайиши натижасида Пекинда бир қатор маҳаллалар ташкил топган. Шулар ичида шаҳар марказидан четроқ ва нисбатан каттароқ иккита маҳалла бўлиб, улардан бири Ньюже, иккинчиси «Вэйгун цун» деб аталган.

Хитойда хизмат сафаридида бўлганимизда, ушбу маҳаллалар билан танишиш ва улар ҳақидаги маълумотлар тўплаш имкониятига эга бўлган эдик. Уларга кўра, Ньюже маҳалласи шаҳарнинг жануби-ғарбий қисмидаги «Юнгъдингхэ» дарёсининг қирғоғида шаклланган. Зеро, маҳалла ўрни ва унинг атрофидан мазкур дарёнинг бир ирмоғи ўтганлиги туфайли, бу ер серсув, деҳқончилик ва боғбончиликка қулай бўлган.

Илгари Ньюже маҳалласи ўрнида мажнунтол дарахти кўп ўсганлиги туфайли, уни пекинликлар «Люшу цун»

¹⁶⁸ Лю Йингшэнг. Силу вэнхуа. Цаюан жюан. Б. 276.

(Толзор қишлоғи маъносини билдиради) деб атаганлар. Х асрда ушбу қишлоқда илк бор ҳар хил мамлакатлардан келган денгиз йўллари ва Буюк Ипак йўли орқали келган мусулмонлар жойлашганлар. Шундан кейин бу ерда яшовчи мусулмонлар сони секин-аста кўпайиб борган. Мўғуллар томонидан олиб келинган туркистонликларнинг кўпчилиги ҳам Толзор қишлоғида яшаганлар.

Ҳозирги даврда Ньюже маҳаласида яшовчилар сони 30 минг кишидан ортиқ¹⁶⁹. Улар орасида сиртки қиёфаси ўзбекларга ва бошқа туркий халқларга ўхшаб кетадиганлари кўп учраб туради, аммо улар ўзларининг узок ўтмишдаги аجدодларини билмайдилар. Бу ҳақда аниқ ёзма маълумотлар ҳам сақланмаган. Ньюже маҳаласига келиб жойлашиб қолган туркистонликлар боғбонлик ишларини кенг қанот ёйдирганлар ва маҳаллий шароитга мослаша оладиган Туркистон меваларини, жумладан анорни кўпроқ экканлар. Шундан кейин пекинликлар «Толзор қишлоғи»)ни «Шилю же» («Анорзор маҳалласи») деб аташган.

Кейинги асрлар давомида пекинликлар мазкур атаманинг бошидаги биринчи қисм «ши» ни тушириб қолдириб қисқартган ҳолда «Лю же» деб аташга одатланган. Бинобарин, хитой тилида икки сўздан иборат бўлган «шилю» (тош анор маъносини билдиради) сўзининг асосий қисми «лю» сўзини қолдириб, сифатни билдирувчи биринчи сўзни қисқартириб ташласа, маъно жиҳатидан ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Ньюже маҳалласида яшовчилар сут, қаймоқ билан ўзларини таъминлаш мақсадида сигирларни кўп боқишган. Ушбу анъана хитойлар учун ғайри одат бўлганлиги туфайли, улар бунга бошқача қараб, «Люже» атамасини Ньюже (Сигир маҳалласи) деб аташган. Ушбу ном ўтган асрнинг охиригача сақланиб қолган.

¹⁶⁹ Чжунгуо хуэйзу дацидьян. Б. 112.

Нюже маҳалласидаги кўчалар тор ва бир қаватли уйлар зич жойлашаган эди. Яқинда ушбу маҳалладаги эски уйлар бузилиб, улар ўрнига кўп қаватли янги иморатлар қурилган. Баланд уйлар орасида биргина кўҳна масжид сақланиб қолган.

Пекинда сақланиб қолган ашъвий далиллар орасида эътиборга сазовори Нюже масжиди ҳовлисида сақланиб қолган икки зотнинг қабрларидир. Улар масжидга келган хорижий зиёратчилар эътиборини жалб этмай қўймайди. Ёнма-ён жойлашган қабрлар устидаги қора тошлардаги арабча ёзувларнинг мазмунига қараганда, қабрларнинг бири Шайх Али Имом-аддин Бухорий (маҳаллий халқ талаффузида Шайхай Али Йимаму тундин Бухорен) га, иккинчиси эса Шайх Муҳаммад бин Аҳмад Буртан Косонийга (Шайхай Айхмайдэ Бурэртани Жосайни) тегишлидир.

Шайх Али Имом-аддин Бухорий 1280 (ҳижрий бўйича 679) йилда, Шайх Аҳмад Буртан Косоний эса 1283 (ҳижрий бўйича 682) йилда касаллик оқибатида вафот этганлар. Ҳаёт пайтида марҳумлар масжидда ўқитувчилик ва ислом динини тарғиб қилиш ишлари билан шуғулланиб, катта обрўга ва баланд мартабага эга бўлган экан. Шу боис жамоат уларни ҳурмат юзасидан масжид ҳовлисида дафн этишга қарор қилган эканлар. Масжид ҳодимларининг сўзларига қараганда, уларнинг обрўси ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Мусулмон давлатларидан келганлар зиёрат қилиб, улар руҳига тиловат қилиб турадилар¹⁷⁰.

Нюже масжиди ҳозирги замонда Пекинда мавжуд бўлган 34 та масжид орасида энг қадимийси ҳисобланади. Унинг қурилган вақти 996 йилга тўғри келади. Масжиднинг асосчиси туркистонлик Насриддин (Насулудин)¹⁷¹,

¹⁷⁰ Бэйжин Нюже либайши (Пекиндаги Нюже масжиди). Пекин. 1996. Б. 2-3, 22.

¹⁷¹ Янг Цзунгшан. Бэйжин Нюже либайши (Пекиндаги Нюже масжиди) // Чжунггуо исиланцзяо вэнхуа (Хитойдаги ислом маданияти). Пекин, 1996. Б. 175; Бэйжин Нюже либайши. Б. 3.

деб ҳисобланади. Аммо адабиётларда унинг асосчиси Қавомаддин (Канмадинг) эканлигини ҳам айтилади¹⁷². Айрим маълумотларга кўра, у араб миллатига мансуб бўлган.

Қавомаддиннинг Пекинга бориб қолган вақти Шимолий Сунг сулоласи (960-1127) хоқони Тайзунг (976-998) нинг сўнгги тахтда ўтирган йилларига тўғри келади. Шунда Тайзунг Қавомаддиннинг билимдонлигидан хабар топиб, уни Пекинга ўқитувчилик қилиш учун таклиф қилган. Ўша вақтда Пекин мазкур сулоланинг шимолий пойтахти (Бэйжин) эди. Пекинда ул зотни одамлар шайх деб атаганлар. Кейинчалик Қавомаддиннинг 3 ўғли ҳам ислом динининг йирик арбоблари бўлиб етишган.

XI асрнинг иккинчи ярмида Ньюже масжиди Пекинга келиб жойлашиб қолган бухоролик сўфилар томонидан обод қилинади. Бинобарин, вафотидан кейин «Шяньянганг» деб аталган Сайид Шамс-аддин (Сайдянчи Шансидин) нинг аждоди бўлган бухоролик сўфи ва унинг акаси Айсо болалари билан Хитойга, хон саройига совғалар билан келишган. Эҳтимол улар элчилар қаторида бўлишгандир. Сунг сулоласи хоқони Шэнгзунг (1068-1092) сўфига катта илтифот кўрсатиб, бошқарувчилик лавозимини таклиф этган. Бир оз вақт ўтгандан сўнг, унга ҳокимлик мансабини тақдим қилган. Мазкур сўфининг чевараси Камоладдин (Канмадинг) нинг ўғли Маҳмуд (Махамоу) ҳам Хитой хоқони илтифотига сазовор бўлиб, кўп йиллар давомида юқори лавозимларда, жумладан ҳарбий кумондонлик мансабида хизмат қилган. Шу даврда у Ньюже масжидининг обод бўлишига катта ҳисса қўшган. Унинг хайрия йўлида қилган ишларидан бири масжиддаги намоз ўқиладиган катта залнинг орқа томонига азон айтиш минорасини қурдирган.

¹⁷² Бэйжин Ньюже либайши. Б. 2.

1127 йилда Сунг сулоласи пойтахтни Пекиндан ҳозирги Шангхайнинг ёнидаги Нанжин шаҳрига кўчирди. Шундан сўнг Ньюже масжидига икки нафар шайх таклиф этилган. Буларнинг бири косонлик Аҳмад Буртанининг ўғли Муҳаммад, иккинчиси бухоролик Имомаддиннинг (Мадундинг) ўғли Али эди. У Пекин мусулмонлари орасида Шайх Али Имомаддин Бухорий деб танилган. Мавжуд маълумотларга кўра, улар Пекинга 1127-1279 йиллари келган. Ньюже масжидининг яна бир ривож топган вақти мазкур шайхнинг Пекинда фаолият кўрсатган вақтига тўғри келади¹⁷³.

Шайх Аҳмад Буртон Косонийни маҳаллий мусулмонлар эронлик деб билишади. Қабр ёнидаги хитойча ёзувда марҳумнинг исм-шарифи «Жосайнирен» деб ёзиб қўйилган. Ҳозирги замон талаффузида биринчи иероглиф ҳақиқатдан «Жо» деб ўқилади, лекин қадимда у «Ко» деб ўқилган. Шунга кўра ўз замонасида «Жосайни» сўзи «Косайни» деб талаффуз этилган бўлиши керак. Ҳозирги Ўзбекистонда Косон деб аталадиган жой мавжуд, қолаверса, ўтмишда Косондан анча йирик олимлар чиққан, уларнинг исмига Косоний сўзи қўшилган, деган фикрни масжид ходимларига айтдик. Улар ушбу фикрга қизиқиш билдирдилар.

1967-1976 йиллари ХХРда юз берган «маданий инқилоб» даврида маҳаллий мусулмонлар ниҳоятда катта қийинчиликлар билан қабртошларни ерга кўмиб ташлаб, уларни вайронагарчиликдан зўрға асраб қолган. 1979 йилдан бошлаб ХХРда иқтисодий ислоҳот ҳаракати бошланиши муносабати билан мамлакатда динга, жумладан, ислом динига бўлган сиёсат ва муносабат ижобий ўзгарди. Айниқса тарихий обидаларга эътибор бериш кучайди. Шундан кейин Ньюже масжидидаги икки нафар ўзбекис-

¹⁷³ Ибулашин. Чжанг Хуэйченг Исилян вэнхуа зай Чжунггуо (Хитойдаги ислом маданияти). Пекин, 1993. Б. 86.

тонликлар қабрлари аслига келтирилди ва зиёрат масканига айлантирилди.

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турадики, XIII асрдан бошлаб Буюк Ипак йўлининг шарқий нуқтасига айланиб қолган Пекин шаҳрида ислом дини ва маданияти ривожланишига ҳамда мусулмон жамоасининг юксалишига ўзбекистонликлар катта ҳисса қўшган. Бу эса Буюк Ипак йўли нафақат савдо алоқалари, балки маданий алоқалар йўли бўлганлигининг ҳам бир мисоли эканлигидан далолат беради.

ИБН СИНО ТИБ ИЛМИНИНГ ХИТОЙГА ТАРҚАЛИШИ

Одатда ислом дунёси табобатининг Хитойга тарқалиши 618-907 йиллари хукмронлик қилган Танг сулоласи даврида бошланган деб ҳисобланади¹⁷⁴. Хитой манбаларида бунинг исботи кўп учрайди. Аммо ундан олдин Буюк Ипак йўлида иқтисодий-маданий алоқаларнинг ривожланиши билан бирга, Марказий Осиё ва Ғарб табобати Хитойга етиб келган ёки келмаганлиги ҳозирча ноаниқ масала бўлиб қолмоқда. Айтилган замонда «Пекин кутубхонаси» («Бэйжин тушугуан» 北京图书馆)да сақланаётган ўрта асрларда Хитойда кенг тарқалган ва ислом дунёси, жумладан Туркистон табобати умумлаштирилган ҳолда акс эттирилган йирик асар «Хуэйхуэй яофанг» (Мусулмонлар табобати) ҳисобланади. Мазкур асар туркий, араб ва форсий тилларида ёзилган табобат илмига оид асарларнинг умумлаштирилган хитойча таржимаси деб баҳоланади. Афсуски, асар давримизга тўла ҳолда етиб келмаган бўлиб, унинг мукамал сақланиб қолган қисми ички ва ташқи касалликлар, болалар ва аёллар касаллик-

¹⁷⁴ Чжунгуо исиланжяо вэнхуа (Хитойда ислам маданияти). Пекин, 1996. Б. 94.

лари, тери касалликларига оид бобларидир. Асарнинг хитой тилида битилган вақти XIV асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Пекинда жойлашган ХХР Ижтимоий фанлар академияси қошидаги «Дунё тарихи тадқиқотлари институти» («Шижие лиши янжюсу»)нинг йирик олими – арабшунос Сунг Шян (рус транскрипциясида Сун Сянь) томондан 2000 йилда Пекинда нашр этилган икки жилдли «Хуэйхуэй яофанг каоши» («Мусулмонлар табобати тадқиқоти ва таржимаси») ва 2001 йилда чоп этилган «Гудай Поси йишюэ юй Чжунггуо» («Қадимги Форс табобати ва Хитой») номли фундаментал асарлари алоҳида эътиборга сазовордир. «Хуэйхуэй яофанг каоши» олимнинг 10 йиллик тадқиқот фаолияти натижаси ҳисобланади. Асарнинг биринчи жилди (460 бет) тадқиқотдан иборат бўлиб, унда атамалар ва дориворлар номларининг арабча-хитойча луғати берилган. Асарнинг иккинчи жилдида «Хуэйхуэй яофанг»нинг сақланиб қолган матнининг факсимил нусхаси келтирилган. Сунг Шяннинг мазкур тадқиқоти хитой олимлари томонидан юксак баҳоланган ва ҳозиргача Хитойда юқори савияда амалга оширилган ягона илмий асар деб тан олинган.

Сунг Шян тадқиқотининг кириш қисмида баён этилишича, «Хуэйхуэй яофанг» йирик хитой тарихчиси Чэн Юаннинг (1880-1971) «Юан сулоласи даврида хитойлик бўлиб кетган ғарбий мамлакатларга оид тадқиқот» («Юан Шиюй рен хуахуа као») номли асарда илк бор таништирилган. Ҳозир «Хуэйхуэй яофанг»нинг мундарижа қисмининг иккинчи бўлими, 12, 30, 34 боблари сақланиб қолган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 486 бетдан иборат. Булар Пекин кутубхонасининг ноёб асарлар бўлимида сақланмоқда. Асарнинг сақланиб қолган қисмида унинг 19-36 боблари номи келтирилган. Шу асосда «Хуэйхуэй яофанг» жаъми 36 бобдан иборат бўлган деб қаралмоқда. Сунг Шян томонидан «Хуэйхуэй яофанг»нинг сақланиб

қолган қисми факсимили 3000 нусхада чоп этилиши унга абадийлик ато этди ва дунё олимлари эътиборини бунга жалб этишда муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Хитой олимларининг фикрига кўра, «Хуэйхуэй яофанг» ўз давридаги «инсоният тафаккурининг табобат соҳасидаги йиғиндиси» ҳисобланади. Асар муаллифлари номаълум. Ҳозиргача у қайси асарлардан таржима қилинганлиги ҳам сир бўлиб келмоқда. Аммо шуниси аниқки, ўрта асрларда хитойчага таржима қилинган асарлар ичида Лачи (860-932) қаламига мансуб «Китаб ал-Ҳави» («Kitab al-Hawi»), Маъжушийнинг (? - 994) «Комил ал-Тиббия» («Kamil al-Tibbiyah») ва Ибн Синонинг «Тиб қонуни» («Qanun fi al-Tibbi») катта эътиборга сазовор бўлган. Хитойчага ўгирилган асарлар ичида Ибн Синонинг «Тиб қонуни» Хитойда катта обрўга эга бўлганлиги таърифланади. Бинобарин, Хитой олимларининг баҳолашича, «Ибн Синонинг табобат илми Хитойдаги мусулмонлар табобатига катта таъсир кўрсатган»¹⁷⁵, «Ибн Синонинг тиббиёт қонуни (Йидян) мўғуллар даврида Хитойга олиб келинган, унинг бир қисми «Хуэйхуэй яофанг» номли асарга киритилган»¹⁷⁶. Буни юқорида тилга олинган Су Шяннинг тадқиқоти ҳам тўла тасдиқлайди. Унинг ёзишича, «Хуэйхуэй яофанг»нинг 19 боби, яъни ярмидан кўп қисми «Тиб қонун» мазмунидан фарқ қилмайди. Шунинг учун у Ибн Синонинг «Тиб қонуни Хуэйхуэй яофангнинг асоси бўлган», деб ҳисоблайди¹⁷⁷.

«Хуэйхуэй яофанг»да доривор ўсимликлар номини қайд этиш билан бирга, юқорида тилга олинган олимлардан ташқари яна кўп табибларнинг исмлари келтирилган. Хусайн ибн Исҳақ (810-873), Яхъё бин Масуъи (857 йилда

¹⁷⁵ Чжунггуо хуэйзу дацидьян. Б. 500, 669.

¹⁷⁶ Ўша жойда. Б. 497.

¹⁷⁷ Сунг Шян. Гудай Поси йишюэ юй Чжунггуо (Қадимги Персия табобати ва Хитой). Пекин, 2001. Б. 123.

вафот этган), Сабур бин Сайхал (869 йилда вафот этган), Сахар Бахт (Сакихаэр, IX аср), Марварзий (IX аср), Салабийин (930 йилда вафот этган) шулар жумласидандир¹⁷⁸.

Мазкур асар билан танишиб чиққан Хитой олимлари унинг мазмунидан келиб чиқиб, мўғуллар давридаги мусулмонлар табобати ўша замондаги ғарб ва хитой табобатига нисбатан анча устун бўлганлигини таъкидлайдилар. Чунончи, Ян Хуайчжунг бу ҳақда шундай ёзади:

«Юан сулоласи давридаги тарихий вазиятдан келиб чиқиб «Хуэйхуэй яофан» асарига ёндошилса, ҳамда уни шу даврдаги ғарб ва хитой табобати билан солиштирилса, ҳеч шубҳаланмасдан мазкур асарда баён этилган билимнинг айрим томонлари, айниқса касални даволаш услублари ниҳоятда замонавий бўлган деб ҳисоблаш мумкин»¹⁷⁹.

Хитой табобатининг йирик маҳсулоти ҳисобланган асар «Бэнцао гангму» («Ўсимлик дориворлар») ҳисобланади. Барча ўқув қўлланмаларида ва луғатларда ушбу асар Хитой миллий табобатининг дурдонасидир деб таърифланади. Чунончи, «Цихай» («Сўзлар денгизи») номли энциклопедик луғатда «Бэнцао гангму... 52 бобдан иборат бўлиб, у Ванлининг¹⁸⁰ 6-чи йилида (1578) китоб шаклига келтирилган... Унда мамлакатимизнинг XVI асрдан олдинги миллий формакология тажрибалари жамланган», деб ёзилган¹⁸¹.

«Бэнцао гангму» XVI асрнинг 3-чи чорагида Ли Шичжэнг томонидан ёзилган. Асарнинг катта бир қисми Ибн Синонининг асарларига ва «Хуэйхуэй яофанг»га асосланган¹⁸². Бу ҳақда «Чжунггуо хуэйзу дацидянь» номли ислом луғатида «Бэнцао гангму... Хитойдаги доришунос-

¹⁷⁸ Ўша жойда. Б. 499.

¹⁷⁹ Ян Хуайжунг. Хуэйзу ши лунгао. Б. 227.

¹⁸⁰ Ванли – Минг сулоласи (1368-1644) императори Шэн-цзунг тахтда ўтирган давр (1573-1620) номи.

¹⁸¹ Циюан («Сўзлар денгизи»). Шанхай, 1985. Б. 1246.

¹⁸² 182 Чжунггуо хуэйзу дацидянь. Б. 500.

лик соҳасига оид йирик асар ҳисобланади... Асар Хитой миллий табобатининг намояндасидир. Унда қадимги араб, форс, Жанубий ва Марказий Осиё минтақаларига хос бўлган доривор ўсимликлар таништирилади... «Дўтия» номли қисмида кўз касаллигини даволашга оид 3 боб мавжуд. Шуларнинг 2 таси Ибн Сино (Айвэй Сэнгна)нинг Тиб қонунидан фарқ қилмайди», деб зикр этилган¹⁸³. Бу ҳол ҳам Туркистон тиббиёт маданиятининг Хитой табобат маданиятига кўрсатган таъсири улкан эканлигини кўрсатади.

Хитойда бундай йирик асарларнинг айна мўғуллар сулоласи даврида юзага келиши тасодиф эмас эди. Муғуллар Хитойда 5 асрга тенг давр давомида мавжуд бўлган нотинч вазиятни тугатиб, ушбу мамлакатда марказлашган давлат тузиши, илм-фанга, айниқса мусулмонлар табобатига эътибор бериб, ушбу заминни идора қилиш учун махсус девон ташкил этганлиги билан бевосита боғлиқдир.

ХИТОЙДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН ТУРКИСТОНЛИК ТАБИБЛАР

Минг сулоласи (1368-1644) ташкил топгандан кейин Хитойда мўғуллар ҳукмронлиги даврида шаклланган маданиятга, жорий этилган маъмурий тузумга, амалдорларга танқидий муносабатда бўлиш, йўқолган анъаналарни тиклаш сиёсати амалга оширилган. Ушбу сиёсат натижасида давлатнинг мусулмонлар табобатини бошқарувчи девони йўқ қилиниб, унга илгаригидек эътибор берилмаган. Давлат томонидан эътиборсиз қолдирилган тиббиёт олимлари ва табиблар халқ орасида фаолият кўрсатиш ҳисобига яшашга мажбур бўлган.

¹⁸³ Ўша жойда.

Кейинги бир неча аср давомида мусулмон табиблари орасида суяк ва сиртки касалликларни даволовчиларнинг кўп сақланиб қолиши кузатилган. Шунга қараганда, бу соҳаларда улар ўз устунлигини бермаган.

Ўрта асрларда Хитойда туркистонлик машҳур табиблар сифатида намоён бўлганлар рўйхати ҳам анча катта бўлганлиги ҳам Туркистоннинг Хитойга катта таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Бинобарин, Хитойда Бай Жингюй (мусулмонча исми маълум эмас) кўз касалликларини даволаган туркистонлик машҳур табиб ўтган. У XIII асрнинг 10-20 йиллари Хитойга келиб шимоли-шарқий Хитойнинг Хэбэй ўлкасидаги Дингсян вилоятида ўтроқлашиб қолган ва шу ерда катта обрў-эътиборга эга бўлган. Даволаш учун зарур бўлган дориларни ўзи тайёрлаши билан у доришунос сифатида ҳам машҳур бўлган. Унинг кейинги авлодлари ҳам кўз касалликларини даволаш ва кўз дориларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишган. Ҳозирги давргача Хитой табобатида кенг қўлланилиб келинаётган «Байжинюй яньяо» (Бай Жинюй кўз дориси) мазкур табиб сулоласи томондан ихтиро этилган¹⁸⁴.

Синикчи Лянг Чжу (1068-1107) деб ном олган туркистонлик табиб ўтган. У Марказий Хитойдаги Хэнан ўлкасининг Кайфэнг шаҳрида мунтазам яшаган ва сарой табиби сифатида хизмат қилган. Табибнинг касби унинг авлодлари томонидан давом эттирилган. Лянг Чжу аслида Шимолий Сунг (960-1127) давлатининг ҳукмдори Шэнгзунг (1068-1085) даврда Арабистондан келган бўлиб, уни одамлар «Лянжиегу» (синган суякларни аслига келтирувчи маъносини англатади) деб аташган. Шу сабабли Шэнгзунг унга Лянг деб фамилия ва Чжу деб исм берган. Унинг катта ўғлига Ай (Айсо бўлиши мумкин), иккинчи ўғлига Ин (фамилияси билан қўшиб айтганда

¹⁸⁴ Ўша жойда. Б. 670.

Лянг Ин) деб исм қўйган. Ота-болаларнинг арабча исмлари қўлимиздаги маълумот-ларда келтирилмаган.

Лянг Чжу билан бирга икки укаси ҳам Хитойга келганлар ва саройда табиблик қилганлар. Кейинроқ улар саройни тарк этиб, халқ орасида касалларни даволаш билан шуғулланишган ва катта обрўга сазовор бўлганлар.

XIV асрнинг ўртасида Лянг Чжу сулоласининг бир қисми Нанкин (Нанжин) шаҳрига кўчиб бориб шифохона очишган. Мазкур сулоланинг барча авлодлари синиқчи ортопед бўлиб фаолият кўрсатганлар. Уларнинг замонамизгача етиб келган 27-чи ва 28-чи бўғин авлодларидан бўлмиш Лянг Чжунгтинг Кайфэнг, Лян Шюантинг хоним Нанкин шаҳридаги темир йўл шифохонасида, Лян Сюйтинг мазкур шаҳардаги «Удингчияо» шифохонасида хизмат қилишиб, бирин-кейин нафақага чиқишган. Одамларнинг синган ва чиққан суякларини тузатиш ва ортопедлик фаолиятида ушбу сулола авлодларининг барчаси анъанавий миллий услубдан фойдаланишган¹⁸⁵.

Лян Гуй (1068 - 1077) номи билан Хитойда машҳур бўлган туркистонлик табиб синиқчи (травматолог – ортопед) ўтган. У асосан Марказий Хитойнинг Хэнан ўлкасидаги Кайфэнг шаҳрида яшаган. У йиқилиш ва урилиш натижасида юзага келадиган суякларнинг синиши, чиқиши, эт қисмининг жароҳатланиши ва шулар туфайли юзага келган касалликларни тузатиш билан шуғулланган¹⁸⁶. Шу соҳада Лян Гуй тенги йўқ табиб деб шуҳрат қозонган.

¹⁸⁵ Чжунггуо хуэйзу дацидянь. Б. 498.

¹⁸⁶ Ўша жойда. Б. 669.

ТУРКИСТОН ҚЎЛЁЗМА КИТОБЛАРНИНГ ХИТОЙГА ТАРҚАЛИШИ

1995 йилда Ўзбекистон-Хитой алоқаларининг ривожланиши истикболини ўрганиш мақсадида Пекинга қилган сафаримиз даврида мезбонлар «Пекин кутубхонаси»га («Бэйжин тушугуан») таклиф этдилар ва у ерда 500 тадан ортиқ араб, форсий ва туркий тилларда битилган қўлёзмалар ва босма китоблар сақланаётганлигини айтиб, уларнинг ҳар биридан бир нусхасини кўрсатдилар. Суҳбат даврида шундай манбалар университетлар ва Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ижтимоий фанлар Академияси қошидаги турли илмий тадқиқот марказлари кутубхоналарида ҳам борлиги маълум бўлди. Аммо ушбу манбалар ҳали ўрганилмаган, хаттоки уларнинг каталоги ҳам тузилган эмас. Шу боис Пекин кутубхоналаридаги мазкур қўлёзмаларни ва босма китобларини ўрганиш ва тавсифлашда Ўзбекистон олимлари билан хитой олимлари ҳамкорлик қилиши мумкин экан, деган фикр бизга ва Хитой томонига маъқул бўлган эди.

Ушбу маълумотларни эшитганда қандай қилиб шунча қўлёзма ва босма китоблар Пекинга бориб қолган экан, деган савол пайдо бўлди. 1996 йилининг августи – 1999 йилининг январь ойи давомида Пекиндаги Ўзбекистон элчихонасида ишлаган вақтимизда бу саволга жавоб топишга ҳаракат қилдик. Олимлар билан учрашилди, мавжуд адабиётлар билан танишилди. Натижада маълум бўлдики, ҳар хил даврларда, айниқса мўғуллар Хитойда Юан сулоласини ўрнатгандан кейинги бир асрдан ортиқ вақт давомида ҳозирги Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрига Марказий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларидан кўп олимлар олиб келинган.

Юқорида биз уларнинг айримларини тилга олиб ўтдик. Ушбу олимлар Хитойга боришда ўзлари учун зарур бўлган

китобларни ҳам олиб келганлар. Чунончи, юқорида тилга олинган фалакиётшунос олим Жамолиддин Хитойга келганида ўзи билан 23 та илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма китобларни олиб келган¹⁸⁷. Шу боис бу ерда туркий, араб ва форс тиллардаги қўлёзма китоблар тўпланиб қолган. Иккинчи бир мисол 1368 йилда Минг сулоласи (1368-1644) мўғуллар сулоласини ағдариб, Пекинни қўлга киритганида, ғарбий мамлакатлардан, жумладан Туркистон-дан келтирилган китоблар ва қўлёзмалар топилган. Манбаларнинг тили билан айтганда «бир неча юз жилддан иборат китоблар ўлжа олинди, улар ғайри тил ва ёзувда битилганлиги туфайли, китобларни ўқишни биладиган одам топилмади»¹⁸⁸.

Бошқа бир маълумотларга кўра, Пекинда мусулмон халқлар тилларидаги китоблар ҳақидаги ушбу хабардан воқиф бўлгандан сўнг Минг сулоласининг асосчиси Тайзу «Мусулмонлар кутубхонаси» (Хуэйхуэйси тянжян) ходимларидан Хайдар (Хайжаэр), Атойиддин (Атаюандинг), Машойихий (Машайихэй), Муҳаммад (Махама) каби олимларни таклиф этиб, шу китоблар орасидан фалакиёт илмига оидларини танлаб олишни ва улар асосида китоб ёзишни буюрган¹⁸⁹.

Ҳозирги даврда Пекин мусулмонлари (тунгонлари) ичида «Чинтянжян Мажя» («Ҳазрати олийлари қарамоғида осмон кузатувчи Ма сулоласи») ва «Чинтянжян Янгжя» («Ҳазрати олийлари қарамоғида осмон кузатувчи Янг сулоласи») деб аташлар сақланиб қолган. Нанкин (Нанжин) шаҳрида эса Уси, Вангси каби мунажжимлар сулолалари мавжуд бўлган. Ушбу сулола аъзолари авлоддан авлодга

¹⁸⁷ Чжунггуо мусилин (Хитой мусулмонлари). 1994. № 5. Б. 19.

¹⁸⁸ Юан мишу жянжи (Юан сулоласи махпи тарихи билан танишиш). Боб 1. Б. 11. Хуэйзу ши лунгав. Б. 222.

¹⁸⁹ Хуэйзу ши лунгав. Б. 222.

саройда мунажжимлик қилганлар. Буларнинг аждодлари Жамолиддин мактабига қарашли бўлган¹⁹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, узок асрлар давомида Хитойда фаолият кўрсатган аждодларимизнинг ҳаракати туфайли Туркистон маданияти, жумладан Ўзбекистон маданияти Хитойнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшган ва таъсир кўрсатган. Бунга эса, албатта, Буюк Ипак йўлининг мавжудлиги асос бўлган деб айтилса хато бўлмайди. Қолаверса, Пекинда йиғилиб қолган қўлёмалар ва босма китоблар ўрганилса, Хитойда фаолият кўрсатган кўп олимларнинг исми, ҳаёти ва фаолияти аниқланиши мумкин. Эҳтимол Ўзбекистонда йўқ ноёб асарлар ҳам топилиб қолар. Бу соҳада Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон – Хитой маданий алоқаларининг истиқбол йўналишларининг бир қиррасидир.

КЎККЎЛ (ЦИНХАЙ) ЎЛКАСИГА КЎЧИБ БОРГАН САМАРҚАНДЛИКЛАР

Солор (хитойча солозу – солор миллати, солорхуэй – солор тунгонлари) ҳозирги Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ҳудудида яшовчи ва ислом динига эътиқод қилувчи миллатларнинг бири ҳисобланади. Улар алоҳида миллат сифатида 1954 йилда тан олинган. 1958 йилги маълумотларга кўра, уларнинг сони 56 минг кишига яқин бўлган. 1983 йилда эълон қилинган хабарларга кўра, ушбу рақам 69102 га кўпайган. 1990 йилда Пекинда нашр этилган «Чжунггуо ди исиланцзяо» («ХХРдаги ислом дини») номли асарда ёзилишича, шу йилда солорлар нуфузи 87 минг кишидан ортиқ бўлган¹⁹¹. Ушбу рақамлардан маълумки, 1958 йилдан 1990 йилгача бўлган 32 йил

¹⁹⁰ Ўша жойда. Б. 223.

¹⁹¹ Чжунггуо ди исиланцзяо (ХХРдаги ислом дини). Пекин, 1997. 19-б.

давомида солорларнинг сони озроғи кам 18 минг кишига кўпайган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сўнгги 30 йил давомида солорлар сони 100 мингдан ошган бўлиши керак.

Солорлар асосан ХХРнинг Кўккўл (Кукунор, хитойча Чингхай) ўлкаси Шюнхуа (итоаткорлик маъносини билдиради) туманида яшайди. 1954 йилда ушбу туманга мухторият статуси берилган. Солорларнинг кам қисми Гансу ва ҳозирги Шингжонг-Уйғур мухтор ўлкаларида ҳам истиқомат қиладилар.

Хитой халқи орасида (тарихдан беҳабар бўлганлар) кўпинча буларни тунгонлар қаторига қўшадилар. Шунинг учун ҳам хитой тилида «солорхуэй» (солор тунгонлари) атамаси пайдо бўлган.

Солорларнинг тили туркий бўлиб, у ўзбек-уйғур тилига яқинроқ, кўпроқ ўғуз шеvasига тўғри келади. Масалан, улар тилида кел - гел, хотин - гадин, кўриш - гўриш, темир - демур, кеч ёки кечқурун - геч, куён - дўшан, яхна сув - донг сув, тур - дур, гул - чечек, қорин - курсоқ, доривор - ем, юриш - жиривар, ҳайвон - мол, яшаш - жасаш деб талаффуз этишади. Ҳозирги солор тилида хитойча сўзлар кўп учрайди. Замонавий атамалар деярли хитойча айтилади. Солорлар хитой тилини яхши биладилар. Ҳозир улар асосан хитой ёзуви билан иш юритадилар. Ўзларининг Самарқанддаги даврида қўлланган араб алифбоси асосидаги ёзуви фақат диний ўқиш жараёнида қўлланилади.

Чингхай ўлкасига кўчиб борганда солорларнинг диний эътиқодида бирлик мавжуд эди. Аммо вақт ўтиши билан улар сафига кейинроқ Туркистондан ва қўшни вилоятлардан борган мусулмонларнинг қўшилиши туфайли солорлар орасида исломнинг ҳар хил йўналишлари тарафдорлари пайдо бўлди. Улар орасидаги асосий фарқ Қуръоннинг айрим сураларини ҳар хил қилиб шарҳлашдан иборатдир. Сураларни янги талқин қилиш тарафдорлари «шинжяо» («янги эътиқодчилар»), эскича талқин этиш тарафдорлари

эса «лаожяо» («кўҳна эътиқодчилар, яъни фундамен-
талистлар») деб атала бошлади.

Ҳозир Хитой Халқ Республикаси ҳудудида яшайдиган солорларнинг ҳаётида туркистонликларнинг, айниқса ўзбекистонликлар урф-одати сақланиб қолган. Масалан, улар уйларининг атрофини, айниқса кўчаларини ва ҳовлиларини мевали дарахтлар экиб, боққа айлантиришни одат қилганлар. Улар ўтроқлашган жойларда масжид солишга алоҳида эътибор беришган.

Биргина Шунхау ноҳиясида катта-кичик бўлиб 79 та масжид мавжуд. Солорлар ислом динига қаттиқ риоя қилиш билан бирга, унинг барча талабларини, яъни бешта фарзни тўла бажаришга ҳаракат қилиб келганлар. Рўза ва Қурбон ҳайитларини катта тантана билан ўтказишган. Хитой халқи билан яқин яшашига қарамай ислом бўйича ҳаром ва макруҳ деб кўрсатилган нарсалар ейилмайди. Эркаклар оқ ёки қора дўппи киядилар. Ёш йигитлар оқ кўйлак, унинг устидан нимча кийишади, белларига қизил белбоғ бойлашади. Катта ёшдагилар устига тўн (уларнинг тилида дўн дейилади) кийишади. Қизлари қизил кўйлак, унинг устидан қора нимча, бошига дўппи кийишади, қулоғига бир неча халқадан иборат бўлган зирак тақишади. Ўрта ёшли аёллар бошига рўмол тортиб, юзидан бошқа жойларни у билан ўраб олади. Ёш аёллар яшил, ўрта ёшдагилар қора, катта ёшликлар (асосан эллик ёшдан бошлаб) оқ рангли рўмол ўрайдилар. Уйланиш маросимини ўтказганда икки марта (катта ва кичик) унаштириш қилишади. Ҳозирги замонда ҳам тўй никоҳсиз бўлмайди, аммо никоҳ бир марта «талоқ» дейилса бузилади. Одам вафот этганда дафн қилиш маросими ўзбек ва уйғурларнинг одатларига ўхшайди.

Солорлар қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Савдогарлик, ўрмончилик, боғбончилик, олтин қазииш каби касблар улар ҳаётида катта ўрин тутди. Қўл ҳунармандчилиги билан шуғулланадиганлар кўп

топилади. Сўнги даврда солорлар ҳаётида, айниқса кийинишида анча ўзгаришлар пайдо бўлган бўлсада, миллийлик қаттиқ сақланиб қолган.

Юан сулоласи даврида (1280-1367), яъни Хитойда мўғуллар ҳукмронлик қилган вақтда солорлар Самарқанддан, унинг атрофидаги жойлардан ва Шарқий Туркистондан қадимдан туркий халқлар макони бўлган ҳозирги Хитой Халқ Республикаси тасарруфидаги Кўккўл (Чингхай) ўлкасининг шарқий қисмига солорлар кўчириб боришган. Хитой манбаларининг кўрсатишича, ўша даврда булар шундай катта масофани пиёда босиб ўтишган. Демак, у ерга кўчиб борганлар асосан ўрта ёшликлар ва ёшлар бўлган. Шундан кейинги асрлар давомида улар ўтроқлашиб яшаганлар. Бир неча асрлар давомида солорларнинг аجدодлари маҳаллий тунгонлар, тибетликлар, сарик уйғурлар ва хитойлар билан бевосита муносабатда бўлсада, ўзлигини ва ислом динига бўлган эътиқодини йўқотмай сақлаб қолганлар.

Солорлар қачон ва қандай қилиб ХХРнинг Кўккўл (Чингхай) ўлкасига бориб қолган деган савол ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак деб ўйлаймиз. Ушбу масала юзасидан тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, солор халқи орасида асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтиб сақланиб келинаётган оғзаки ҳикоялар мавжуд. Мазкур ҳикояларнинг бирига кўра, бундан 600 700 йил муқаддам Самарқандда 6 та ака-ука (8 та ака-ука деб ҳам айтишади) бўлган экан. Улар билан маҳаллий дин пешволари ўртасида низо чиқиб қолган. Шу сабабли улар шарқ томонга қараб кўчиб кетишга мажбур бўлишган¹⁹². Иккинчи бир ҳикояга кўра, Самарқандда 2 та ака-ука бўлиб, уларнинг бири Галиман (Ҳалим бўлса керак), иккинчиси Ахаман (Раҳмон бўлса керак) деб аталган экан. Уларнинг

¹⁹² Ибраҳим, Чжан Хэйчэнг. Исилан вэнхуа зай Чжунггуо (Хитойдаги ислом маданияти). Пекин, 1993. Б. 51.

ҳар иккаласи обрўли кишилар бўлган. Аммо улар маҳаллий ҳукуматга маъқул келмаган. Шу боис улар биронта кўнгилсиз воқеа юз бериб қолишидан қўрқиб, 18 нафар яқин қариндош-уруғлари билан бирга озиқ-овқат, сув, бир сиқим тупроқ ва битта Қуръон каби нарсаларини битта оқ туяга ортиб, Самарқандни тарк этишган. Орадан кўп ўтмай улар кетидан яна 45 киши йўлга чиққан.

Ака-укалар Тангри тоғнинг шимолий этаклари орқали ўтадиган йўл билан шарққа қараб юриб Жяюйгуан, Лянгчжоу, Нинся каби жойлар орқали Шэнши ўлкасига етиб боради. Сўнг орқага қайтиб, Гансу ўлкасининг Ганжятан деб аталган бир жойда тўхтайтиди. Шунда улар кетидан келаётган 45 кишидан 35 таси уларга келиб қўшилган. Қолган 10 киши йўлда қолиб кетган бўлади.

Учрашувдан кейин ака-укалар бошқалар билан маслаҳатлашиб, ўзларининг ватанига ўхшайдиган бир жой топиб, ўша жойни макон тутишга қарор қилишади. Шундан кейин улар Кўккўл (Чинхай) ўлкасига йўл олиб, ушбу ўлканинг шарқий томонида жойлашган Шюнхуа ноҳиясига бориб Жези (Кўча маъносини англатади) деб номланган жойда тўхташади¹⁹³.

Мазкур ҳикояларда айрим фарқ бўлса ҳам, улар самарқандлик бир оиланинг мажбуран ўз ватанини ташлаб, ўзга юртда маконлашганлигини кўрсатади.

Географик жиҳатдан олганда, Шюнхуа ноҳияси тўрт томони тоғ билан ўралган, узунлиги (шарқдан ғарбга) 90, эни 40 километрдан иборат кўкаламзор жой бўлган. Унинг умумий майдони 2100 квадрат километрга тенг. Ноҳиянинг ўртасидан Хуангхэ дарёсининг юқори қисми ирмоқларидан бири оқиб ўтади. Иқлим жиҳатидан Шюнхуанинг худуди деҳқончилик ва чорвачилик ишларига қулай

¹⁹³ Шюнхуа салазу зичжисян гай куонг (Шюнхуа солор мухтор ноҳиясининг умумий аҳволи). Шинин, 1984. Б. 22-24.

бўлган ¹⁹⁴. Хитой манбаларининг кўрсатишича, Жезига (Катта кўчага) келганда солорлар ўзларини «солур» деб аташган экан. Маълумки, ушбу атама ўғуз қабилаларининг таркибидаги бир қабила номидан иборат. Мазкур атаманинг келиб чиқиши ўғузлар хони Дагехоннинг 6-чи ўғлининг исми билан боғлиқдир.

Солорларнинг қиёфаси ҳақида хитой манбаларида уларнинг баланд бўйли, серсоч, қирра бурунли ва чуқур кўзлилиги билан хитойлар ва тибетликлардан фарқ қилганлиги, ҳамда улар ўзбекларга ўхшаб кетиши зикр этилади.

Солорлар Жезига 1370 йил 5-ойнинг 13-куни келганлигини эслайдилар. 2928 бобдан иборат бўлган «Минг шилу» («Минг сулоласининг ҳаққоний тарихи») ¹⁹⁵ номланадиган катта ҳажмли солномада кўрсатилишича, айнан шу куни Хитой хоқони Тайзу (1368-1398) солорларни ўз фуқоролигига олганлиги ҳақида фармон берган. Галиманнинг набираси Шэнбао-Дедуни солорларнинг бошлиғи қилиб тайинланади. Шундан кўриниб турибдики, уларнинг Жезига келган вақти 1370 йилдан бир оз олдин бўлган.

Янги жойга келиб, солорлар боғдорчилик ишларини ривожлантиришган. Уларнинг ҳовлилари ҳам мева дарахтлари экилганлиги билан фарқ қилган.

Хитой олимлари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижаларига қараганда, солорлар ўғузлар авлоди бўлиб, улар милодий I - IV асрларда тўрк (хитойча теле, тэлэ) номи билан аталган 44 туркий қабилаларнинг бири ҳисобланади. Бу даврда ўғузлар Шарқий Туркистон ҳудудида, аниқроғи Тангри тоғ (Тянь-Шань) бўйлаб яшаган. Кейинги даврлар давомида

¹⁹⁴ Ўша асар. Б. 24-25.

¹⁹⁵ «Минг шилу» (明实录)да баён этилган кундалик воқеаларнинг хиронологик доираси 1368–1628 йилларга тўғри келади. Ёзилиш услуби ва тузилиши жиҳатдан ушбу манба сулолалар тарихидан фарқ қилади.

буларнинг турган жойи муқим бўлмаган. ХХРда нашр этилган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» номли луғатида қадимги солур (силгур) ўғузлар таркибига кирган бир қабиланинг номидир, деб кўрсатган. Ушбу фикр «Ислом қомуси»да ҳам учрайди. Бундан ташқари мазкур қомусда солур атамаси Ўғузхоннинг 6 ўғилларидан бирининг исми билан боғлиқ бўлганлиги ва бу атама билан аталган қabila қадимги даврларда Сайхун дарёси (Сирдарё), Иссиқкўл атрофидаги жойларда ва унинг шимолидаги Или дарёси бўйларида яшаганлигини ҳам кўрсатади. Кейин улар Хоразм ва Хуросон каби жойларга кўчиб борган. Сўнг улар бўлиниб, ҳар тарафга тарқалган. Шундан кейин солорларнинг бир қисми ўзларини туркман ҳам деб атаган. Яна бир қисми 1370-1424-йиллари Самарқанд ва Шарқий Туркистон орқали ҳозирги Хитойнинг ғарбий ўлкалари Гансу ва Чинхайга бориб ўтроқлашган.

Йирик туркшунос олим Э.Р.Тенишев солорлар ғарбга кўчганда уларнинг бир қисми Самарқандда ўтроқлашиб қолганлигини ва яна бир қисми Туркманистон ҳудудига бориб жойлашиб, туркман миллати таркибига кирганлигини кўрсатади. Ҳозирги даврда Чоржўй атрофида яшайдиган халқлар ичида солур (солор) уруғи учрайди. Ўз даврида ғарбга кўчиб кетган солорлар Туркия турклари билан аралашиб кетган. Ҳозир мазкур мамлакат ҳудудида фақат ушбу атама билан аталадиган ер номлари учрайди. Солор атамаси билан номланган жойлар ва сувлар Ўзбекистонда, жумладан Тошкентда ҳам учрайди. Шаҳримиздаги Пушкин майдони атрофи ва у ердан ўтган каналнинг Солор деб аталиши ҳам ана шулар жумласидандир.

Мўғуллар Хитойда Юан хоқонлигини ташкил этгандан ва пойтахтни Пекин шаҳрига кўчиргандан сўнг, давлатнинг маъмурий ва молиявий ишларида ҳамда шаҳар қуришда туркистонликлар жалб этилади. Шу боис Хитойга бориб фаолият кўрсатган эмигрантлар сезиларли даражада

кўпая бошлаган. Пекинга бориб фаолият кўрсатган бухоролик Шайх Али Имомаддин Бухорий мўғул сулоласининг иқтисодий ва молия масаласи бўйича маслаҳатчи ва Хитойнинг бир қанча ўлкаларида, жумладан Пекинда ҳокимлик қилган бухоролик Умар Камолиддин Саъид Шамсиддин ана шулар жумласидандир. Улар ва уларнинг авлодлари Хитой маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Аммо улар ҳақидаги маълумотлар ўзбекистонликлар учун номаълум эди. Хитой манбаларида ва тарихий адабиётида булар ҳақида хабарлар кўп. Ўзбек китобхонларини ушбу маълумотлар билан таништириб ўтишни лозим топдик. Мазкур шахслар ва уларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти Буюк Ипак йўли билан боғлиқдир.



2- Қ И С М

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИК ВА МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ АЙРИМ САҲИФАЛАР.

Мил. ав. II – мил. V асрларда Марказий Осиё ва
Хитой савдо – дипломатик алоқлари

Марказий Осиё давлатлари ва қадимги Хитой ўртасидаги иқтисодий дипломатик алоқалар бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Ғарб ва Шарқ ўртасида неча минг йиллар давомида савдо муносабатларида Марказий Осиё минтақаси кўприк вазифасини ўтаган.

Қадимги хитой ёзма ёдгорликларида кўрсатилишича, Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги муносабатлар мил. ав. учинчи минг йилликнинг охирида мавжуд бўлган. Бунинг мисоли сифатида бундан икки ярим минг йил олдин ёзилган манбалардан бири бўлмиш «Чжушу жинян» (竹書紀年 – «Қамиш китоб хотиралари»)да мил. ав. 2342 йилда Чюйсоу (渠搜 қад.ўқ. Гиашиэу / gǐa jǐu) давлатидан Марказий текисликка (Чжунгюан)¹⁹⁶, яъни қадимги хитойлар яшаган ҳудудга меҳмонлар келганлиги ва улар

¹⁹⁶ Чжунгюан – айни замондаги Хитойнинг шарқий қисмидаги Хуангхэ ва Янзи каби икки йирик дарё оралиғидаги тексликнинг қадимги номи. «Чжунгту» (中土 – «Марказий замин») деб ҳам аталган.

ўзлар билан бақувват отлар¹⁹⁷, сурикат ва итлар олиб келганлиги айтилган¹⁹⁸. Ушбу Чюйсоу давлати ҳозирги Фарғона водийсида жойлашган¹⁹⁹.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи яримида ёзилган «Му-Тянзи чжуан» («穆天子传 – Тангри фарзанди Му хақида баён») номли сафарномасида келтирилишича, 989-988 йилларда Чжоу сулоласи (мл.ав. 1046/1022 - 256 йй.) бешинчи хукмдори Муман (Му-Тянзи – Тангри ўғли Му, Му-ванг 穆王 – хукумдор Му) ғарб томондаги Шивангму²⁰⁰ мамлакатига бориб қайтган. Сафар жараёнида кўп жойларда зиёфатда бўлиб мезбонларга совғалар ҳадя қилган. У ҳадя этган совғаларининг кўпчилигини олтин ва кумушдан қилинган буюмлар ташкил этган. Маҳаллий аҳоли томонидан эса уларга от, қўй, қорамол, дон, мусаллас ва бошқа буюмлар совға қилинган²⁰¹.

Йирик Хитой олими Гуо Муожо раҳбарлигида тузилган қадимги Хитой тарихий хариталари тўпламида кўрсатилишича, Му замонасида Ўрдоснинг шимолида *гуй-фанг* (қадимги ўқилишда *куэй пиванг* 鬼方 – кюн мамлакати одамлари), марказий қисмида *чюан-рунг* (қадимги

¹⁹⁷ Хитойчада мазкур от номи Тоату (騊駼) деб номланган. Айнан Чжоу сулоласи даврида шимол ва шимоли-ғарбий худудлардан келтирилган. Одатда чўл ёввойи отлари ҳам дейилади.

¹⁹⁸ Ли Мингвей. Сичжоу чжилу маойиши (李明伟. 丝绸之路贸易史 – Ипак йўли савдо тарихи). Ланчжоу, 1997. Б.7, 48.

¹⁹⁹ Шиюй диминг каолу (Ғарбий юртлар топонимикасига оид тадқиқотларнинг қисқача мазмуни). Пекин, 2008. Б. 751.

²⁰⁰ Шивангму (西王母) – Хитойдан ғарб томондаги хукумдор она маъносини англатади. Адабиётларда «Олтин она» (жинму 金母), ғарб момоси (шилао 西姥) тарзда учрайди. Шивангму мамлакати Марказий Осиёнинг айнан қаерда жойлашганлиги хақида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар Каспий ва Орол денгизи атрофида, айримлар эса Помир тоғи атрофида дейилади.

²⁰¹ Чжунгуо шигао диту жи (中国史稿地图集 – Хитой тарихи хариталари тўплами). Шангхай, 1996. Б.11.

Ўқилишда кюн-ривем 犬戎, яни отлик ҳунлар) яшаган²⁰². Демак, Му даврида Марказий Осиё ва қадимги Хитой ўртасидаги иқтисодий алоқалар Ўрдос аҳолиси орқали амалга оширилган. Дастлабки савдо алоқалари товар айирбошлаш асосида бўлган. Кейинчалик танга пуллар асосида савдо қилина бошланди. Ўша давр Марказий Осиё давлатларида турли хил маҳаллий буюмлар ишлаб чиқарилган. Тарихий асарларда қайд этилишича, «Буюк Ипак йўли» тарихида саклардан ташқари, ҳунлар [Буюк] ипак йўлида дастлабки савдо-сотикда воситачи сифатида катта таъсир этган халқ ҳисобланади²⁰³. Ҳунларда асосан чорвачилик Хитойга қараганда анча ривожланган. Жумладан от, қорамол, қўй, туя, эшак ва хачир Хитойнинг туз, безакли буюмларига айирбошланган. Ҳатто яйлов отлари Хитой ҳарбий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Кундалик транспорт воситаси сифатида кенг қўлланилган.

Қадимги Хитой мил. ав. I асрларга келиб Марказий Осиёдаги улкан Қанғ (Кангкия / Кангжюй) давлати билан иқтисодий муносабатларини кенгайтиради. Сабаби, Қанғ давлати Ипак йўлининг шимолий ва марказий қисмида жойлашган эди. Қолаверса, Хитой маҳсулотлари Марказий Осиё орқали ўтган йўлларда Кангкия давлати савдо хавфсизлигини таъминлаб берган. Шу муносабат билан Хан императори Чен-ди (мил. ав. 36-бйй.) даврида Қанғ ҳукмдор-лари билан савдо-элчилик алоқалари олиб борилган²⁰⁴.

²⁰² Чжунгуо шигао диту жи (中国史稿地图集 – Хитой тарихи хариталари тўплами). Шангхай, 1996. Б.11.

²⁰³ Ли Мингвей. Сичжоучжилу маойиши (李明伟.丝绸之路贸易史 – Ипак йўли савдо тарихи). Ланчжоу, 1997. Б.21.

²⁰⁴ Боровкова Л.А. Царства «западного края» во II–I веках до н. э. (Восточный Туркестан и Средняя Азия по сведениям из «Ши цзи» и «Хань шу»). Москва, 2001. С. 307-309.

Хан давридан бошлаб Марказий Осиё билан савдотик алоқаларида элчилар муҳим аҳамият касб этган. Сабаби сарой томонидан ғарбга жўнатилган элчи сиёсий вазифалардан ташқари маҳаллий маҳсулотларни айрбошлаш учун ўзи билан бир қанча савдо буюмларини олиб йўлга чиққан. Элчи гуруҳига бириктирилган савдо қарвонлари турли мақсадларга жўнатилган. Мил. ав. 119 йил Чжанг Чян 300 кишига бошчилик қилиб Усун давлатига йўлга чиққанда ўзи билан олтин, кумуш, қимматбаҳо ипак матолар, бир неча ўн минг бош мол, қўй ва жамоанинг ҳар бир кишиси иккитадан от олган эди. Бу 300 кишилик жамоа ичида турли тоифадаги шахслар бўлган. Чжанг Чяннинг бу сафаргиси Марказий Осиёдаги иккинчи миссияси ҳисобланади. Элчи Усун давлатидан туриб ҳатто ўзига ёрдамчи элчиларни Қанғ (Кангкия, Кангжюй), Фарғона (Дайюан), Улуғ Ўғузия (Дай Роузиё), Шенду (Шимолий Ҳиндистон) давлатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириш учун жўнатади. Айни шу даврда Марказий Осиёга юборилган савдо элчилар гуруҳи ниҳоятда кўпайган. Шу билан бир қаторда Марказий Осиё қадимги давлатларидан ҳам элчилар маҳаллий буюмларни Хитой саройига олиб борган. Чжанг Чян биринчи марта Марказий Осиёга элчи бўлиб борганида, унинг элчилик жамоаси бир неча юз кишидан иборат бўлиб, савдо хусусиятига эга бўлган ўзлари билан ипак ва ипак матолар, темир буюмлар, лак буюмлар ва бошқа Хитойнинг маҳаллий буюмларини айирбошлаш қилган. У савдо қилган ҳудудлардан бир неча бош қўй, мол, от, узум ва бошқа маҳаллий маҳсулотларни ўша пайтдаги Хитой пойтахти Чангъанга (ҳоз. Шиан 西安) олиб кетишган. Охириги йиллардаги хитой тарихий асарларида худоу (胡豆 – мош), хутао (胡桃 – шафтоли), хума (胡麻 – кунжут), хуцонг

(胡葱 пиёз) каби ўсимликлар Чжанг Чян ўзи билан бирга Хитойга олиб келган деган маълумотлар учрайди²⁰⁵.

Хитой саройига элчиларнинг берган ҳисоботида борган мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи, маҳаллий буюмлар кўпроқ қизиқтирган. Чунки Хитой ғарб билан савдо сотиқни жонлантиришда бу муҳим аҳамият касб этган. Сулолалар тарихининг дастлабкиси «Тарихий хотиралар» (Шижи)да қадимги Марказий Осиё давлатларида маҳаллий буюмлар ҳақида маълумотлар батафсил келтирилади. Жумладан, Буюк Фарғона (Дай-юан)ликлар деҳқончилик билан шуғулланиши, шоли ва буғдой экиши, узумдан шароб тайёрлаши, зотли отлар кўплиги ва Парфия (Ансиек / зам. ўқ. Анши)ликларда ҳам ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган. Асуэн (Усун) ва Кангкия давлатида эса чорвачилик маҳсулотлари, Бактрия (Дайғиа / Дашя)да деҳқончилик маҳсулотлари, у ерликлар савдо ишларига чакқонлиги, ундаги бозорларда ҳар хил моллар сотилиши ҳақида батафсил маълумот бор²⁰⁶. Юечжилар (қадим. ўқ. дайроузиё, дайнгоузиё – ўғузияликлар) Амударё бўйларида келиб мазкур худудни эгаллагандан сўнг, ўзлари ишлаб чиқорадиган буюмлар билан маҳаллий маҳсулотларни бойитади. Уларда чорвачилик маҳсулотлари анча ривожланган бўлиб, ҳатто ўзлари учун жундан зич ва қалин матолар ишлаб чиқарган²⁰⁷. Кейинчалик юечжиларнинг авлоди Кушон давлати даврида Хитой саройига кўпроқ хунармандчилик буюмлари олиб боришган. Кушон империяси даврида Хитой билан савдо муносабатлар анча ривожланди. Мазкур давлат шарқ ва ғарб савдо йўлларининг ўртасида жойлашганлиги боис, халқаро савдо алоқаларидан жудда катта манфаатга эга бўлган. Хитой манбаларида Кушон империяси Да юечжи (Улуғ ўғузия,

²⁰⁵ Фанг Хао. Чжунгши жяотунгши (方豪.中西交通史 – Хитой ва Ғарб алоқалари тарихи). 1-жилд. Шангхай, 2008. Б. 77.

²⁰⁶ Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (大宛, 宛城). Фарғона: Фарғона, 2013. Б. 28-40.

²⁰⁷ Ходжаев А. Из истории древних тюрок. Алматы, 2011. С. 180.

Дай Роузиё куэж / Да Юечжи-гуо 大月氏國) давлати номи билан тилга олиниб, ҳатто у ердан ҳунармандлар Хитой саройида хизмат қилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Жумладан, «Вэйшу» («Вэй [сулоласи] тарихи») 102-боб, Ғарбий мамлакатлар тазкираси, Дай юечжи гуо)да «...[Вэй ҳукмдори] Ши-зу даврида (408-452 йй.), мазкур давлат савдогарларининг қадами [Вэй сулоласининг] пойтахти-гача²⁰⁸ етган. Улар тош эритиб рангли ойна шиша ясаймиз деган. Шунинг билан тоғда руда қазиб келиб, Вэй пойтахтига олиб келган, ясалган ойнани шиша ғарбдан олиб келгандан ҳам чиройли ялтираган экан. Ҳукмдор ёрлик тушуриб, вақтинча сарой қурди. Ушбу

²⁰⁸ Шимолий Вэй (Бэй-Вэй 北魏) давлати 386-534 йилларда мавжуд бўлган. Ўша пайтда унинг пойтахти Дай (代) бўлган. Дай – Шимолий Вэй хонлигининг дастлабки номи ҳисобланади, лекин ушбу атама аслида ҳозирги ХХРнинг Шанши (山西) ўлкасидаги бир вилоят номи бўлган. Давлат ташкил топган йилнинг ўзидаёқ унинг номи Вэйга ўзгартирилган. Бу ўзгариш 398 йилда хонлик пойтахти Пингчэнг (Pingcheng – ҳозирги Ички Монголиядаги Датунг) шаҳри унинг пойтахти қилиб белгиланган. Ҳозир ушбу шаҳар ХХРнинг Шанши (Шанси) ўлкасида жойлашган Шундан кейин хонликнинг номи Вэй сўзига ўзгартирилди. Ундан олдин, аниқроғи мил. ав. 475-221 ва милодий 220-280 йилларда ушбу сўз билан аталган хонликлар мавжуд эди. Шунинг ҳисобга олиб шянбилар томонидан ташкил этилган охири Вэй давлати Шимолий Вэй (Бэй-Вэй) деб номланган. Ушбу хонликнинг мавжуд бўлган даври 386-534 йилларга тўғри келади. Шу давр ичида 14 та ҳукмдор тахтада ўтирган. Н.Я.Бичурин таржимасида «дай» сўзи таржима қилинмасдан топоним сифатида ишлатилган. Натижада ушбу таржимадан фойдаланувчилар учун «Дай» сўзини билиб олиш қийин бўлиб қолган. Вэй иероглифининг луғавий маъноси, қобилият, катта, баланд ва йирик демакдир. У кўпроқ ҳозирги ХХРнинг Хэбэй ўлкасидаги вилоят номи сифатида ишлатилган. Хитойда Вэй иероглифи фамилия сифатида ҳам кенг тарқалган. [Қаранг: Хўжаев А., Айтбаев А., Қўлдашев Ш., Джуманиёзова Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. Тошкент, 2016. Б. 58.]

сарой тиниқ ва ялтираб турганлиги учун кўрганлар хайратда қолган. Кўрганларнинг ҳаммаси буни илоҳлар қилган деб билди. Шундан эътиборан Хитойда (Чжунггуо) ойна ва шиша буюмлар арзонлашиб кетган бўлиб, кишилар уларни қадрламайдиган бўлган»²⁰⁹. Европалик олим Ж.Недҳам тадқиқотларида «шиша» деган сўз хитой тилига «буоли» (boli 玻璃) шаклида мўғул ва марказий осиеликлар тили орқали ўзлашган деган хулосага келган. Дарҳақиқат, хитой тилидаги ушбу сўз ўзбек тилидаги «биллур»ни эслатади. Олимнинг фикрича шиша маҳсулот сифатида Хитойга мўғул ва марказий осиеликларнинг тилидан ўзлашган деган таҳлилий далилларни келтириб ўтган²¹⁰.

Дастлаб Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги савдода Хан саройи Турон давлатларидан отлар импорт қилган. Бироқ импорт қилинган отлар сони нисбатан кам бўлган. Сабаби мил. ав. II – мил. II асрнинг ўрталаригача Хитойнинг атрофида от боқиладиган жойлар хунлар назорати остида бўлган. Отнинг импорти Хитойнинг ҳарбий соҳасида муҳим аҳамият касб этган. Ўша даврда битта тез чопар зотли отининг нархи 100 тилла, юк ташиш учун фойдаланиладиган отнинг нархи 5 минг танга, мил. ав. 93 йилда мириладиган отнинг нархи эса 150 минг танга бўлган²¹¹. Хан даврда хитойликлар уч давлатнинг отларига кўпроқ қизиқишган. Булар қадимги Фарғона, Асуэн (Усун) ва Улуғ Ўғузиё (Дай-юечжи)лик отлари ҳисобланган. Хитой саройи томонидан мил. ав. 114 йилдан то мил. ав. 104 йилга қадар отлар масаласида Фарғонага (Дайюан) бир неча марта элчилар жўнатилган. Лекин манбаларда саноклигина хитой элчиларинг исмлари қайд этилган.

²⁰⁹ Вэй Шоу. Вэйшу // Эршиси ши. 10-жилд. Пекин, 1974. Б. 2275.

²¹⁰ Needham Joseph. Science and civilisation in China (Volume 4, Physics and Physical technology, Part I: Physics). Cambridge, 1962. pp.106.

²¹¹ Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. Б. 180-181.

Ушбу йиллар оралиғида Хан саройи томонидан Че Линг (車令) ва Яо Дингхан (姚定漢) исмли элчилар Фарғона (Дайюан / Даван) отларини олиб келиш мақсадида Марказий Осиёга жўнатилади. Қадимги Хитойда мил. III асрнинг сўнги чорақларида Хан давлати таназзулга юз тутиб парчаланиб кетади. Айнан шу даврларда ҳам Фарғона ва Хитой ўрта-сида дипломатик савдо алоқалари давом этди. Масалан, «Вэйшу» («Вэй [сулоласи] тарихи»)нинг «Ғарбий мамлакатлар тазкираси» номли 102-бобида Луона-гуо (洛那國, қад.ўқ. Lakna – Фарғона давлати)да «Тайхэ (太和 – 227-233)нинг учинчи йили (мил. 229 йил) [ушбу мамлакат ҳукмдори] элчи юбориб, [Вэй императорига] танасидан консимон тер оқадиган от совға қилган»²¹². Вэй сулоласи ҳукмдори Чен Люванг (Юан-ди 260-265) даври 265 йилда, Ғарбий Жин (265-317) сулоласи ҳукмдори У-ди (265-290) даври 270 ва 285 йилларда, Хоу Чжао (后赵 – Кейинги Чжао давлати – 319-351) ҳукмдори Шилэ (石勒 – 319-333 йилларда тахтга ўтирган) даври 331 йилда, Чян Чин (前秦 – Илк Чин давлати – 350-394) учинчи ҳукмдори Фужян (357-385 йилларда тахтга ўтирган) даври 381 йилда, Шимолий Вэй (386-534) сулоласи учинчи ҳукмдори Тай У-ди (424-451) даври 437, 439, 449 ва 451 йилларда, айнан шу сулолланинг бешинчи ҳукмдори Вен Ченг-ди (452-466) даври 465 йилда Фарғонадан Луоянг, Чангъан ва Пингченг шаҳарларига элчилар келган. Улар ўзлари билан баданидан тер қондек оқадиган қимматбаҳо отлар, сопол сири (лак), маржон (денгиз тошлари), пахта²¹³ ва бошқа буюмлар олиб

²¹² Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (қадимий ва илк ўрта аср хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). Фарғона, 2013. Б. 79. Вэй Шоу. Вэйшу // Эршиси ши. Пекин, 1974. Б. 2270.

²¹³ Пахта ўсимлиги хитой тилидаги тарихий луғатларда «байдиэ» (白叠), «байдиэзи» (白叠子), «байда» (白苔), «бодиэ» (帛叠), «бочжа» (钵吒) шаклларида келтирилади. Дастлаб Африкада етиштирилган. Милодий 2 асрда ҳоз. Шинжянг ҳудудларига кириб келади.

келиб саройга ҳадя этган ²¹⁴. Хитой томонидан ҳам Фарғонага элчилар жўнатилади. Жумладан, Вей сулоласи томонидан Дунг Ван (董琬), Гао Минг (高明) исмли элчилар жўнатилади. Бу иккиси дастлаб Усун давлатига бориб, у ердан Дунг Ван ўзи Пуолуона (Фарғона)га йўл олади, [Гао] Минг эса Чочга элчи бўлиб боради.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг бозорларида катта миқдоридаги ипак савдосидан ташқари Хитойнинг олтин, кумуш, мато, туз, Марказий Осиё давлатларининг маҳаллий хунармандчилик буюмлари, мева ва ўсимликлар, от, қорамол ва бошқа чорва ҳайвонлар қўплаб сотилган. Қадимги фарғоналик савдогарлар Хитойдан кумуш ва олтин олиб келиб ундан қимматбаҳо буюмлар яшашган²¹⁵. Ўша даврда Хитойга борган марказий осийлик савдогарлар икки турга бўлинган. Биринчи турдаги савдогарлар фақатгина Такламакон чўлининг шарқий томонидаги энг катта бозорлардан бири Дунхуангга (Даштотага) молларини олиб бориб савдо қилиб қайтган. Иккинчи турдагилар қадимги Хитойнинг пойтахтлари бўлмиш Лоянг ва Чангъан шаҳарларига элчилар билан бирга бориб саройдагилар билан тўғридан-тўғри савдо муносабатларини олиб бориб ўз юртларига қайтишган. Фарғонанинг олтин кумуш буюмлари ғарб томондаги мамлакатларда ҳам бозори чаққон бўлган. Фарғонадан эса Хитойга отлар, қимматбаҳо тошлар,

Жанубий ва шимолий сулолалар давридан бошлаб пахта ўсимлигини экиш оммалашади. [Қаранг: Чжунггуо лиши дацидянь (中国历史大辞典 – Хитой тарихининг катта луғати). 1-жилд. Шангхай, 2007. Б. 58-59].

²¹⁴ Мо Женнан. Вейжин нанбейчао шичиде чжунгши жяотунг (莫任南. 魏晋南北朝时期的中西交通 – Вей, Жин, Жанубий ва Шимолий сулолалар даврида Хитой ва ғарб алоқалари) // Хунан педагогика университети жамият ва фан № 4. Хунан, 1989. Б. 70-74.

²¹⁵ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Ташкент, 2005. С. 121.

курутилган мевалар, дориворлар, таом тайёрлашда ишлатиладиган зираворлар, беда, узум, ток, анор, сабзи, турп, қовоқ, зира каби ўсимлик уруғи олиб борилган. Айнан бу ўсимликлар қадимдан Хитой жамиятида кенг оммалашади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мил. ав. биринчи минг йиллик бошларида қадимги Хитой Марказий Осиё билан савдо муносабатлари олиб борилганлиги ҳақидаги ёзма манбаларда маълумотлар мавжуд. Савдо-сотик алоқлари мил. ав. II асрга қадар атрофдаги ҳунлар, юечжилар орқали амалга оширилган. Хан даврига келиб Туркистон билан савдо алоқалари кенг кўламда амалга оширилди. Бунда икки минтақа элчилари борди-келдиси анча қизғин бўлган. Айнан ушбу савдо ва элчилик муносабатларида Марказий Осиёдан Хитой бозорларига бир қанча савдо буюмлари, мева ва сабзавотлар олиб борилганлиги ва қадимги Хитой жамиятида кенг оммалашганлигини кўриш мумкин.

ТЎХОРИСТОН ЯБҒУЛИГИ – ХИТОЙ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ

Илк ўрта асрларда Амударёнинг юқори оқимида, хусусан жанубий Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик анъаналари ривож топганлигини ушбу минтақада салкам бир ярим аср фаолият кўрсатган Тўхористон²¹⁶ ябғулиги

²¹⁶ Манбаларда Тўхористон номи милодий 383 йилларга тегишли бўлган *Vibhāsa śāstra* деб номланган буддавий асарнинг хитойча матнида биринчи марта эслатилган бўлиб, унда Будда *Tou-k'üile* (Тохаристон) мамлакатининг тилини бу ерда яшовчи аҳолидан ҳам яхшироқ тушунади дейилган [Қаралсин. Литвинский Б.А, Соловьев Б.С. Средневековая культура Тохаристана. – Москва: Наука, 1985. С. 119; Пугаченкова Г. А, Ртвеладзе Э.В. Северная

(тахминан 620 ? – 750 й.) мисолида кўриш мумкин. Шу ўринда қисқача Тўхористон ябғулиги тарихи ҳақида тўхталиб ўтсак. Балх, Термиз, Чағониён, Хуттал, Кумед, Вохон, Шуғнон, Қубодиён, Вахш, Шуман, Ахарун, Каррон, Руб, Самингон, Шибурғон, Гузгон, Гарчистон, Бадғис каби ярим мустақил ҳукмдорликлардан ташкил топган Тўхорис-

Бактрия – Тохарис-тан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). Тошкент: Фан, 1990. С.123; Аннаев Т.Д. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. Ташкент: Фан, 1988. С. 3]. Бошқа бир буддавий асар *Māhāmauṛi* (асарнинг хитой тилига қилинган дастлабки таржима парчалари IV аср, тўлиқ таржимаси эса VI аср бошларига тааллуқли) жижида якшалар (буддавийлик ва ҳиндуийлик динларида серҳосиллик ва мўл-кўлчилик кучларининг вакиллари) рўйхатида Тухаранинг *Vaiśravaṇa* исми яқшаси зикр этилади. Тадқиқотчилар «Тухара» номи остида «Тўхористон халқи ва унинг Окс дарёси» деб тушуниш керак, деб ҳисоблайдилар. Шунга қарамай, мазкур атаманинг тарихий жараёнларда пайдо бўлиши бироз олдинроқ, яъни мил. ав. II асрга бориб тақалади. Бу атама антик муаллифлар маълумот берган «тохарлар» номи билан боғлиқ. Тохаристон топоними қадимги этноним «тохар» – кўчманчи юечжилар (мил. ав. 176-175 йилларда юечжилар хунлар томонидан мағлуб этилгандан кейин, аввалига Или водисига сўнгра Амударё бўларига ва қадимги Бактрияга келиб жойлашган. Юнон-Бактрия давлати ерларини забт этиб, эрамизда олдинги 129-128 йилларда янги подшоҳлик ташкил этган. Бир асрга яқин яшаган ушбу хонлик хитой манбаларида Даюечжи-гуо (қадим. ўқ. Дайрузие куэк) давлати деб намланади. Мил. 26-36 йиллар оралиғида унинг асосда Кушон давлати пайдо бўлган [Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алмаы, 2011. С. 188, 201]. Сўғд тилидаги манбаларда ушбу тарихий вилоятнинг номи *tyw'r* (*tuxār*) – ёки *twhr* (*tuxar*) шаклида келтирилади. Хитой манбаларида Тохаристон номи Ту-хо-ло / Ду-хо-ло (*Tu-huo-luo*) шаклида берилган.

тонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади²¹⁷.

Тахминан 590-йиллар атрофида Тўхористон бошқарувига Тарду хоқон (576-603) *тегин* унвонли ўғлини юборган бўлса, 620-йилларда Тун ябғу-хоқон ўз ўғли Тарду шадни жўнатади. 620-йиллардан то 750-йилларга қадар Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари *Тарду шад* (620? - 630), *Тегин-шад* (630-645), *Ишбара ябғу* (645-650), *Ашина Учжебо* (653-660), *Гунн Ишбара ябғу* (660-700), *Надунили* (700-720), *Қутлуг Тун Тарду* (720-730), *Сулаймон, Қора* (Шилимань Гяло; 750 й.) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга бўлиб, улар *Ябғулар* сулоласи номи остида қарийб 130 йил ҳукм суришади. Жумладан, хитой йилномаларида Ту-хо-ло (Тўхористон) давлати 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи Хо (Қундуз)да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб *шеху* (туркийча *ябғу*) унвонли ҳукмдорга бўйсунганлиги айтилган²¹⁸. Бир асрдан зиёд ҳукм сурган ушбу ябғуликнинг дипломатик фаолияти асосан хитой манбаларидаги маълумотлар орқали бизгача етиб келган. Шунингдек, бу иккала давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида мамлакатимиз ва жаҳон тарихшунос-лигида афсуски ўрганилмаган. Масалан, 2003 йилда нашр қилинган «Ўзбек дипломатияси тарихи (Тарихий очерклар ва лавҳалар)» номли китобда «Ўрта Осиёнинг араб

²¹⁷ «История» ат-Табари. Избранные отрывки. Пер.с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г.Большакова и А.Б.Халидова. – Ташкент, Фан. 1987. С. 124.

²¹⁸ Harmatta J., Litvinsky V.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris, 1996. – P.373; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi. Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003. S.138-139; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. №4. Б.10-11.

истилоси давридаги дипломатик алоқалари» деб номланган алоҳида боб бўлишига қарамай, унда араб истилосига қарши курашишда ҳарбий ёрдам олиш мақсадида олиб борилган Тўхористон – Хитой дипломатик алоқалари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ²¹⁹. Зеро, Тўхористон хукмдорлари Мовароуннаҳрда араб истилочиларига қарши ҳарбий иттифоқ ва ёрдам олиш мақсадида элчилик алоқалари олиб борган асосий лидерлар бўлган. Мавзунинг ўрганилмаганини ҳисобга олиб, бугунги кунда 3 минг йилдан ортиқ тарихга эга ўзбек давлатчилиги ҳамда дипломатиясининг негизини очиб беришда бу масалани тадқиқ қилиш долзарбдир.

Умуман олганда, бу масала хусусида манбалардаги маълумотлар кўлами кам. Шунга қарамай улар Тўхористон ябғулигининг нафақат ташқи дипломатик сиёсати, балки минтақадаги ижтимоий-сиёсий мавқеи ва ҳарбий қудрати акс этган тарихий манзарани тиклашда катта ёрдам кўрсатади. Тўхористон ябғулигининг катта империялардан асосан Хитой, қисман Тибет билан дипломатик фаолият олиб борганлигини биламиз, холос. Биз қуйида ябғуликнинг Хитой билан олиб борган элчилик алоқалари хусусида алоҳида тўхталмоқчимиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нега Тўхористон Хитой билан элчилик муносабатлари ўрнатган ва бундан нима мақсад кўзланган? Айниқса, VIII асрдан бошлаб Тўхористондан Хитойга юборилган элчиликлар шу даврда Марказий Осиёда арабларга қарши тура оладиган йирик сиёсий куч йўқлиги сабабли Хитойдан ҳарбий мадад олишга мажбур бўлганлигини кўрсатади. Тўхористон – Хитой муносабатлари тарихини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. **Биринчи босқич** – ябғулик ташкил

²¹⁹ Ўзбек дипломатияси тарихидан (Тарихий очерк ва лавҳалар). Жахон иқтисодиёти ва дипломатияси университети. Тошкент, 2003. Б. 38-53.

топганидан, яъни VII асрнинг биринчи чорагидан то VIII асрнинг биринчи чорагига қадар бўлган давр бўлиб, Хитой билан алоқалар фақат ўзаро ҳадялар алмашиш тарзида бўлган, холос. Хитой манбаларида биринчи босқичга тегишли бўлган даврнинг дастлабки йилларида ҳали Тўхористон Хитойга тобе мамлакатлар қаторида эслатилмайди. Тахминан 660 йиллардан бошлаб эса Хитой ҳукмдор-ларининг анъанавий фалсафий қарашларига кўра, Тўхорис-тон ябғулиги аста-секин Танг империясининг вассаллари қаторида тилга олина бошланган. Том маънодаги сиёсий аҳамиятга эга бўлган дипломатик алоқалар эса **иккинчи босқичда** яъни VIII асрнинг биринчи чорагидан бошланади. Маълумки, бу даврда Тўхористон ябғулиги мураккаб сиёсий вазият, яъни иккита йирик сиёсий куч – Араб халифалиги ва Тибет империясининг ҳарбий ҳужумлари остида қолган эди. Ябғулар араблар ва тибетликларга қарши курашиш мақсадида ҳарбий ёрдам излаб Хитойга элчи жўнатган. Шуниси эътиборга моликки, ҳар иккала босқичда ҳам Хитой ушбу дипломатик муносабатларни ўз «ташқи сиёсий доктринаси» га кўра «Осмон ўғлига тобелик изҳори» сифатида қабул қилган. Бу ҳақда хитойшунос олим А. Хўжаевнинг монографияларида ҳам шундай жумлалар мавжуд. «...бизгача етиб келган хитой манбалари, айниқса сулолалар тарихи ва сарой тарихчилари томонидан битилган асарларда Хитойнинг қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлари ўзига хос тарзда таърифланган. Масалан, ҳукмдорлар ихтиёри билан сарой солномачилари томонидан битилган тарихларда императорлар «Тангри ўғли» (Тянзи) деб қайд этилиб, уларнинг фаолияти «қонуният» (дао), ахлоқ ва одамийлик (дэ), «ғамхўрлик ва ҳиммат кўрсатиш, «Тангри амри» (тянминг) каби тушунчаларга асосланган ҳолда баён қилинган. Бу тушунчалар Хитойнинг ўзга мамлакатлар ўртасидаги муносабатларини белгилашнинг асосий мезони бўлган. Чунончи, уларга кўра,

Хитой ҳукмдорлари Тангрининг ер юзидаги ўғилларидир; улар Осмон остидаги барча мамлакат ва халқларга нисбатан эгадорлик ҳуқуқига эгадир; уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари Тангрининг буйруқларидир; ўзга мамлакатларнинг Хитойга юборган совғалари Тангри ўғилларига билдирган итоаткорлик белгисидир; бу совғалар эвазига Хитой ҳукмдорлари томонидан берилган нарсалар уларнинг ўзга давлат ва халқларга нисбатан кўрсатган ҳиммати ва ғамхўрлигидан далолатдир»²²⁰. Шунингдек, хитой йилномаларида ва саёҳатномларида «kung» ва «kung hsien» сингари «хирож», «ҳадя такдим этиш» маъносини англатувчи атамалар тез-тез учрайди. Бу атамалар хитой манбаларида бошқа давлатдан келган элчилар ҳайъатининг Хитой императори ҳузурига чиқиб, ўз ўлкасидан олиб келган ҳадяларни топширишини билдиради. Асосан «kung» муносабатлари икки тарафли бўлган. Бу тарафлардан бириси доимо Хитой императори бўлган. Бунинг сабаби Хитой у билан алоқа олиб борган бошқа давлатлардан юксак бир маданиятга эга бўлганлиги тушунчасидир. Императорлар янада мадҳ этилиб, «Осмон ўғли» дея улуғланган. Хитой ҳукмдори-нинг бошқа ўлкаларга жўнатган нарсалари учун доимо «эхсон» ёки «ҳадя» сўзлари ишлатилган. Бу ҳолатнинг тизимли шаклда Хитойда амалда қилиши, яъни Хитой императорига ҳадя жўнатишни унинг буюклигини тан олиш ва унга вассал эканлигини билдириш сифатида тушунилиши Хан

²²⁰ Батафсил қаранг: Ходжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). Тошкент, 2015. Б.5; *Ўша муаллиф*. Фарғона тарихига оид маълумотлар. (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). Тошкент: Фарғона, 2013. Б. 6

сулоласи ҳукмронлиги давридан эътиборан то XIX аср ўрталарига қадар давом этган²²¹.

«Тангшу» даги маълумотга кўра, илк Тўхористон – Хитой элчилик муносабатларининг бошланиши 618-626 йилларга, яъни Танг сулорласининг биринчи императори Гаозу ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ушбу сулоланинг иккинчи императори даврида (627-649) Тўхористондан Хитойга яна бир марта элчи борган²²².

Ду Ю қаламига мансуб ва 766-801 йилларда ёзилган «Тунгдян» номли асарда Танг сулоласи ҳокимиятга келишидан (618 й.) олдин Тўхористон мамлакати аллақачон ғарбий туркларга тобе эканлиги айтилган²²³. Шу билан бирга ушбу асарда Суй сулоласи (581-618) ҳукмронлигининг Дайе (Daye) номланган даврида (605-617) Тохарийлар Хитой пойтахти Чанъанга элчи юборганлиги таъкидланган²²⁴. Шунга асосланганда, ушбу даврдаги Тўхористон ябғулиги билан Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар Танг сулосининг ҳокимиятга келишидан олдин бошланган деган хулоса келиб чиқади.

Кейинги элчиликлар ҳақида маълумотлар хитойча «Це-фу-юан-гуй» («Император кутубхонасининг бошлан-ич тошбақаси») номли тарихий энциклопедияда ёзилишича, Чжэнгуан номли даврнинг тўққизинчи йили (635 й.) бешинчи ойида бир Тўхористон элчиси Танг сулоласи саройига ташриф буюрган эди²²⁵. Шунингдек, ушбу асарда

²²¹ Han hanedanlığı tarihi (Açıklamalı Metin Neşri). Hsiung-nu (Hun) monografisi. Hazırlayan Onat A., Orsoy S., Konuralp Ercilasun. Ankara: Turk tarih kurumu basimevi, 2004. S.102-103.

²²² Chavannes E. Çin kaynaklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. – İstanbul: Selenge Yayınları, 2007. S. 211.

²²³ Ду Ю. Тунгдян (Қонун қоидалар ва урф-одатлар қомуси). 3 жилтли. Чангша, 1995. 3-жилд. Б. 2754; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 139.

²²⁴ Ду Ю. Тунгдян. 3-жилд. Б. 2754.

²²⁵ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 211.

шу даврининг ўн тўққизинчи йили (645 й.) биринчи ойида Шаболо исмли (*Ишбара ябғу* – 645-650) Тўхористон ябғусининг Хўтан (Yu-ti'en), Тунггуо (T'ung-go)²²⁶ ва Самарқанд (Kang) каби давлатлар билан бирга хитой саройига тортиқлар билан элчи жўнатгани айтилади²²⁷. Илк ўрта асрларда битилган хитой манбаларида кейинги ўзаро элчилик алоқаларига оид қизиқ бир маълумотни учратиш мумкин. Уларнинг мазмунига кўра, Юнхуэй даврининг биринчи йилида (650 й.) тўхористонликлар Хитой саройига элчилар орқали «баландлиги етти *чи* (тахминан 70 см) келадиган қора рангли, оёқлари туя оёғига ўхшаган, қанотларини очиб юривчи, бир кунда уч юз *ли* (1 *ли* 0.576 метрга тенг) йўл юрадиган ва темир ҳам юта оладиган катта қушлар ҳада қилишган. Хорижликлар уларни *туя қуш* дейишар экан»²²⁸.

Э. Шефер фикрича, Хитойга ташқаридан келтирилган ҳеч бир жонзот Тўхористон туяқушларидек хитойликларни ҳайратлантирмаган эди²²⁹. Тўхористон туяқушларининг Хитойда қадр-қиммати шу даражада юксак бўлганки, ҳатто Танг сулоласининг иккинчи императори Гао-зунг ўзининг аждоди Тай-зунгга атаб унинг мазор-қўрғонида ушбу қушлардан бирини қурбонлик келтирган²³⁰. Хуллас,

²²⁶ Э.Шаванн фикрича, бу ерда келтирилган Тунго номи Ғарбий туркларнинг бир ҳоқонига тегишли бўлса керак. Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 211.

²²⁷ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre. S. 211.

²²⁸ Ду Ю. Тунгдян. 3-жилд. Б. 2754; Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 211; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. С. 69; Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – Москва: Вост. Лит., 1981. С. 144; Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент: Фан, 1975. С. 56.

²²⁹ Шефер Э. Золотые персики Самарканда... С. 144.

²³⁰ Ўша жойда.

туяқушлар Тўхористоннинг нафақат Хитой, балки бошқа қўшни давлатларга жўнатган тортиқлари орасида асосий ўринни эгаллаган. Масалан, бу фикрнинг тасдиғи сифатида Самарқанддан топилган машхур Афросиёб деворий суратларининг жанубий деворида тасвирланган Чағониён (шу даврда Чағониён Тўхористон конфедерацияси таркибида эди) элчиси Дапирпатнинг Самарқанд ҳукмдорига ҳадя сифатида келтирган тўртта оқ рангли туяқушни мисол қилиб келтириш мумкин²³¹.

Юқорида таъкидланганидек, Тўхористон ябғулари Хитой саройига ўз элчиларини жўната бошлагач, «Осмон ўғиллари» бу ҳолатни итоаткорлик белгиси деб тушуниб, саройда туриб барча Ғарбий ўлкалар қатори Тўхористон «тақдирини ҳал қила бошлаган». Дастлабки Тўхористон ябғулари (*Тарду шад* (620?-630), *Тегин-шад* (630-645), *Ишбара ябғу* (645-650)лар Танг империяси «ҳомийлиги»дан мустасно шахслар бўлиб, Танг сулоласи йилномаларида улар вассал ҳукмдорлар сифатида эслатилмаган эди. Аммо VII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан вазият бошқа томонга ўзгаради. Хитой йилномаларида Тўхористон ябғулари «Осмон ўғиллари»нинг таъсири остидаги ҳукмдорлар, унинг ҳудуди эса вассал ўлка сифатида келтирила бошлайди. Чунки дастлабки даврларда Тўхористон ябғулиги чегараларида ҳали араблар босқинидан дарак йўқ эди, табиийки, улар душманга қарши иттифоқчи излашга ҳам шошмаган эдилар. 650 йиллардан бошлаб вазият бошқа томонга ўзгаради, ҳудуд арабларнинг босқини марказига айланади. 652-653 йилларда Амир Абдуллоҳ ибн Амирнинг ҳаракат гвардияси қўмондони ал-Даҳҳак ибн Қайс (ал-Аҳнаф) Мервирудни босиб олиб, бутун Тўхористонни эгаллайди ва тенгсиз шартномага Балх аҳолисини рози қилдиради. Афтидан, Тўхористон

²³¹ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба... С. 56.

ябғулари арабларга қарши курашиш мақсадида Хитой император-ларига мурожаат қила бошлаган.

Хитой императорлари ва сарой амалдорлари дарҳол бу ҳолатни вассалликни тан олиш сифатида баҳолаган бўлса керак ва юқоридан туриб Тўхористон ябғулиги «такдирини ўзларича ҳал қила бошлаган». Масалан, Сянь-цин эраси даврида (656-661 йй.) А'хуан шаҳри (Тўхористон ябғулиги-нинг пойтахти бўлган Қундуз)даюечжи *тутуқ* (*дуду*) бошқаруви таъсис этилиб, Танг императори томонидан унинг ҳукмдори Ашина (*Ашина Учжебо* (653--660)) Ябғу этиб тайинлангани айтилади²³². Хуллас, хитой императори томонидан тасдиқ-ланган Тўхористоннинг биринчи турк ёбғуси Ашина сулоласидан бўлган *Ашина Учжебо* (*Wu-shih-po*) бўлган²³³. У бизга ёзма манбалар орқали маълум бўлган учинчи Тўхористон ябғуси эди²³⁴. Шунингдек, гўёки Тўхористонда яшаётган қабилалар орасида 24 округ ташкил этилиб, уларнинг бошқаруви тутуқлар ихтиёрига топширилган ва ўлка бутунлай Хитой императорининг вассали сифатида кўрсатилган²³⁵. Аммо мазкур ҳолат ўша даврдаги тарихий воқеълик билан мос келмайди. Яъни, ушбу бўлиниш ва унвонлар бериш тартиби Тўхористон билан ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, Хитой саройидаги амалдорларнинг саройдан чиқмасдан туриб, девонхонада ўйлаб топган «уйдирмалари» бўлган, холос. Тадқиқотчи А.Г. Малявкин фикрича, «Шин Тангшу»да келтирилган мазкур тутуқ бошқарувлари ва округлар амалда мавжуд бўлмасдан, империянинг олий девонларида яратилган²³⁶. Шунингдек, *Ашина Учжебо* икки йилдан кейин Танг сулоласи билан

²³² Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 211-212.

²³³ Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara ... P. 372.

²³⁴ Esin E. Tös and Moncuk. Notes on Turkish flag-pole finials//Central Asiatic Journal. Wiesbaden: 1972. T.16/1. P. 18.

²³⁵ Малявкин А.Г. Танские хроники... С. 75.

²³⁶ Ўша асар. С. 6.

дўстаона муносаатда бўлиш истагини билдириш учун Хитой саройига ўғлини жўнатган. Лекин айрим муаллифлар унинг амалини тобилик деб баҳолаган²³⁷. «Тангшу» йилномасида у ўз ўғлини Хитойга тобелигини изҳор қилиш мақсадида жўнатгани айтилади. А.Г. Малявкиннинг хитой йилномасидан қилинган таржима-сига кўра, *Ашина Учжебо* шу билан бирга ҳадя сифатида ақиқ тошидан ишланган ва кўп миқдордаги шамлар билан безатилган 3 чи (1 чи 0.33 метрга тенг) баландликдаги чирокни бериб юборган²³⁸. Француз хитойшуноси Э.Шаванн эса бу соғани «уч кадам узунликдаги *та-пао-тeng* дарахти ёки ақиқлар ҳамда бир *teng* дарахти» деб таржима қилган²³⁹.

670-692 йилларда Тарим ҳавзасига тибетликлар бостириб киргач, Тўхористон ябғуларининг, аниқроғи Ишбара ябғунинг (Гунн Ишбара ябғу; 660-700 й. Назарда тутиляпти) Хитой билан дипломатик муносабатлари бир муддат тўхтагандек бўлиб кўринади. Муносабатларнинг тўхташи 705 йилгача давом этади. Чунки эндиликда Тўхористон ябғуси арабларга қарши курашда ўзига бошқа бир янги иттифоқчи, яъни Тибет империясини топган эди. Масалан 704 йилда Тўхористон ябғулигининг стратегик шаҳарларидан бири бўлган Термизда арабларга қарши турклар ва тибетликларнинг иттифоқчиликда ҳаракат қилганини кўриш мумкин²⁴⁰. Шунингдек, араб ҳокимларидан бири бўлган Абдуллоҳ ибн Ҳазимнинг ўғли Мусага қарши курашган Трансоксиана ва Тўхористон шаҳзодаларидан иборат иттифоқчилар таркиби турклар ва

²³⁷ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 212.

²³⁸ Малявкин А.Г. Танские хроники... С. 69.

²³⁹ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 212.

²⁴⁰ Beckwith C.I. Tibetan Empire in Central Asia: A history of the struggle for great power among tibetans, turks, arabs, and chinese during the Early Middle Ages. – New Jersey: Princeton University Press, 1993. – P.66.

тибетликлардан иборат бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд²⁴¹. Бироқ тибетликлар билан иттифоқ узок давом этмади ва қайтадан Тўхористон – Хитой муносабатлари ривожлана бошлади. Кейинги Тўхористон ябғуси На-ду-ни-ли даврида келиб (700-720 й.) навбатдаги элчилик Хитой императори саройига жўнатилади²⁴². Манбаларда айтилишича, биринчи Шен-лунг йилида (705 й.) у ўз укаси Ашина Дэле Пуло (Ашина Тегин Бўғра) орқали Хитойга тобелигини изҳор қилади, қайтаётганда Ашина Дэле Пуло (Ашина Тегин Бўғра) Хитой саройдан кузатувчилар билан бирга қайтариб юборилади²⁴³. Бу шахс императорнинг шахсий кўриқлов хизматига жўнатилгани айтилган. Ашина Дэле Пуло (Ашина Тегин Бўғра) шахси билан боғлиқ хитой манбаларида яна бир муҳим аҳамиятга эга маълумот учрайди. Унга кўра, Тўхористон ябғусининг иниси бўлган бу шахс 718/719 йилда Хитой императорига тақдим қилган мурожаатномасида ўз оғасига Темир дарвозадан (Бойсун) Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлардаги 212 та катта-кичик ҳокимлик бўйсунилини айтган: «Тўхористон ябғуси [акамнинг] амри остида турли давлатлар, хусусан волий ва волийлардан ташкил топган икки юз ўн икки раислик бир мажлис бор. *Си-юй* (Зобулистон) ҳукмдори икки юз минг суворий ва аскарларга саркардалиқ қилади. *Гу-ду* (Хуттал) ҳукмдори, *Ше-хан-на* (Чағониён) ҳукмдори, *Кие-су* (Шуман) ҳукмдори, *Ше-ни* (Сифнон) ҳукмдори, *И-да* (Эфталий) ҳукмдори, *Ху-ми* (Вохон) ҳукмдори, *Ху-ше-киен* (Жузжон) ҳукмдори, *Фан-йен* (Бомийён) ҳукмдори, *Кие-ю-то-киен* (Кубодиён) ҳукмдори ва *Пу-ту-шан* (Бадахшон) ҳукмдори, буларнинг ҳар бирида эллик минг жангчи бор. Бобомдан ва отамдан то ҳозирги ҳукмдорларга қадар

²⁴¹ Beckwith C.I. Tibetan Empire in Central Asia... С. 69.

²⁴² Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 212; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara ... P. 372.

²⁴³ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S.212; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V-XI асрлар. Тошкент, 2014. Б. 46.

[бутун] [Тўхористон ҳукмдорлари] бу фарқли ўлкаларнинг ҳукмдор-лари эдилар. Атрофдаги халқлар уни жуда ҳурмат қилишади. Акам Надунили (Пантунили / Бандунили) акбар фарзанд бўлиш ҳаққини сақлаган ҳолда шаръий ҳукмдор бўлди. Бироз аввал бир ҳайъат билан биргаликда келган элчининг келтирган бир туғро (герб)си ва уни ҳукмдор деб атаган императорлик буйруғи билан бир халқни бошқарди. Зотан, Тўхористон ябғулари бир қанча авлоддан ҳозирги кунга қадар Буюк Танг давлатига самимий сифатда тобе бўлганлар; тобеликларини кўрсатишни ва солиқ-тўловлар тўлашни ҳеч қанда қилмаганлар. Араблар ва тибетликларга чегарадош бўлган давлатимизнинг шарқ томони асосан Хитойнинг кучли бир ғарб қалъаси кабидир. Акам доимий равиша ўз амридаги аскар ва суворийларни сафарбарлик ҳолатида тутиб, қароқчиларга қарши курашиш учун тадбир олган; Хитой генераллари билан маълумот алмашган; қарашлари ва сўзлари маъқул келган; шундай қилиб чегара ҳудудлардаги ишғол ва босқин-ларнинг олди олинган.

Акам, бир неча марта императорликнинг ҳимматига лойиқ бўлиб, Хитойнинг лутфлари қаршисида ҳис қилган мажбуриятдан келиб чиқиб, император саройига ҳурмат бажо қилайлик ва уларнинг тахти зинапоялари остида хизмат қилайлик деб, мен Пулони жўнатди. Энг катта орзуим садоқатимни бажо келтириш ва бир хизматкор сифатида ҳаётимни сизга фидо қилишдир.

Бу ерга келганимда Хитой урф-одатларини билмаганим учун Хунглу-се²⁴⁴ тўхористонликларга унча кўп эътибор бермасдан анча паст ва анча юқори мавқелар орасидаги фарқни кўз ўнгига келтирмасдан, менга тақдим этиладиган расмий унвонни аниқлаш учун бир ҳисобот тайёрлади. Шахсан мен, Ши (Тошкент) ва Куча ҳукмдорликларининг икковини ҳам меникидан анча кичкина

²⁴⁴ Ушбу унвонга эга бўлган шахсга чет эллик меҳмонларни қабул қилиш вазифаси юклатилган.

хукмдорликлар қаторида кўраман. Холбуки, бу хукмдорликларнинг тепасида турган раислар ва хукмдорларнинг ўғиллари саройга келганларида кўзга тушган ҳеч бир хизмати йўқлигига қарамай, атрофдаги халқлар наздида соҳиб бўлган эътибор сабаби билан уларга учинчи даражали генерал унвони берилди. Аммо мен Пуло бир тегинман, халқим наздида мавқеим хукмдор оиласига мансуб бир кишиники билан бирга қабул қилинади. Бошқа хукмдорликлардаги хукмдор фарзандларидан жуда устунман. Шунга қарамай, менга тўртинчи даражали чунгланг унвони берилди. Шу онда По-ло-мен Ку-тан Кин-канг ва Кю-це хукмдорининг ўғли Пе Сяо шун каби хукмдорларнинг ўғил ва укалари бир неча марта юксалиб, хос муҳофазачи генераллари даражасигача чиқдилар. Ёлғиз мен катта бир қабила раиси бўлган Пуло императорнинг лутфи билан менга сўл аскарый муҳофазачилар кўмондони унвонини маъқул кўрган биринчи Шенлун йилидан бери (705), яъни ўн тўрт йилдан бери, узоқ бир муддат бу ҳақсизликнинг азоби билан яшадим ва ўзимга лойиқ бир рутба ололмадим. Бу ҳақсизликдан чеккан изтиробни енголмаяпман»²⁴⁵. Бу матн нафақат Тўхористон – Хитой муносабатлари, балки VIII аср бошларида Тўхористон ябғулигининг сиёсий ва ҳарбий қудратини кўрсатишда ҳам аҳамиятлидир.

«Це-фу-юань-гуй»да яна бир муҳим элчилик ҳақида шундай маълумот келтирилади: «Кайюан даврининг еттинчи йили (719 й.) олтинчи ойида Таши (араблар), Тухоло (Тўхористон) давлати ва Жанубий Ҳиндистон хукмдорлик-лари Хитойга тобелигини билдириш ва хирож тўлаш мақсадида элчилар жўнатади. Тухоло (Тўхористон) Шеханна (Чағониён) хукмдори Ти-ше (Тиш) астрономия

²⁴⁵ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 259.

фани билимдони саналган Та-му-ше²⁴⁶ исмли бир кишини хузурига келишини илтимос қилди. Бу одам ғоят даражада билимдон бўлиб, у жавоб беролмайдиган савол йўқ эди. Хукмдор императорга ҳурматини изҳор этган ҳолда Та-му-шени унинг хузурига жўнатиб, шахсан ўзининг ва қўл остидагиларнинг нима қилишларини, нималар ўйлаётганларини сўрашини, барча диний таълимотлар билан боғлиқ маълумотларни билишни исташини билдирди. Император бу кишининг ҳақиқатдан гапирилгандек бўлиши ёки бўлмаслигини билмоқчи эди. Хукмдор императорга Та-му-ше билан кўришиш ва диний амалларни бажариш учун бир саждагоҳ қуришини илтимос қилди»²⁴⁷. Тухоло (Тўхористон) Шеханна (Чағониён) хукмдори Ти-ше (Тиш)нинг Хитойга Та-му-шени юборишдан мақсади аслида моний динини у ерда ёйишдан иборат бўлган²⁴⁸. Шу билан бирга, биринчи Кайюань (713-741 й.) йилида элчиликлар жўнатилгани маълум²⁴⁹. Шунингдек, «Це-фу-юань-гуй»да ўн еттинчи Кайюань йилининг (729 й.) биринчи ойида бир нома билан Тўхористон ябғуси Ку-ту-лу (Қутлуғ) та-ту (тарду) га Тўхористон ябғуси ва эфталийларнинг хукмдори унвони берилди, деган маълумот бор²⁵⁰. Яна ушбу манбада Кайюан даврининг ўн саккизинчи йили (730 й.) беш ёки олтинчи ойида Нан-чи (Нан-то) исмли тўхористонлик бир одамнинг хитой саройига элчи бўлиб келганлиги айтилади. Шунингдек, йигирма олтинчи Кайюань йилида (738 й.) Тўхористон давлати уч марта юксак давлат арбоби И-нан-чу тархон Ло-ти-ченни ҳадялар билан хитой саройига

²⁴⁶ Француз синологи Э. Шаванн фикрича, бу шахс моний динига мансуб олим бўлган.

²⁴⁷ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213.

²⁴⁸ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 139.

²⁴⁹ Малявкин А.Г. Танские хроники... С. 69.

²⁵⁰ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S.139; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия... Б. 46.

жўнатган. Манбаларда бошқа Тўхористон элчиларининг 720, 724, 726, 735, 744, 745, 749, 753 ва 759 йилларда хитой саройга келгани, энг сўнгги санада келган элчининг исми Ву-ли-то бўлгани ҳақида маълумотлар учрайди²⁵¹. Хусусан, Тяньбао йили (742-755 й.)да Тўхористондан Хитойга отлар, хачирлар, 200 турдаги дорилар, хушбўй ҳидли ёғоч, турли қирмизи тошлар жўнатилган²⁵².

Баъзан Хитой билан Тўхористон муносабатлари ҳарбий ёрдам кўрсатиш сифатида намоён бўлган. Масалан, «Тангшу»да «Кейинроқ Киеше(Кашмир)да яшайдиган Ху (Ғарбий ўлкалардаги ўтроқ халқлардан бири) Тубо (Тибет)ликларни Тухоло (Тўхористон)га хужум қилишга гиж-гижлади. Бунинг оқибатида ябғу Шэлиман Гэло Анси (Куча) қўшинининг унга ёрдамга юборилишини илтимос қилди. Император душманни мағлуб қилишлари учун унга жангчилар жўнатди»²⁵³.

Бу хусусда ўн бешинчи Кайюань йили, яъни 727 йилда бир Тўхористон ябғусининг императорга жўнатган мактуби «Це-фу-юань-гуй»да келтирилган. Унинг мазмуни шундай эди: «Бандангиз, шу онда фарзанд севгисидан маҳрум бўлганлиги сабабли шахсан ўзини айбдор сезмоқда. Падари бузрукворим ҳатти-ҳаракатлари туфайли Та-ши (араблар) тарафидан қамоққа олинган эди... Осмон императоридан «агар араблар (да-ши) сизни чиқиштирмасдан, зарар етказса, сизга ўз ёрдамимни жўнатаман», деган ёзувли бир буйруқ олган эдим. Шу онда араблар менинг гарданимга оғир бир солиқ юкладилар. Агар император жаноблари мени қутқармасалар, қулингиз ўзича қутула олмас ва давлатим барбод бўлажак. Гарчи ҳаддим сиғмасада, император жанобларининг менга ҳиммат

²⁵¹ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213.

²⁵² Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 139.

²⁵³ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия... Б. 46.

кўрсатиб, кутулишим учун озгина ёрдам кўрсатишига интиқман. Император жанобларининг Тургаш хоқонига «Узоқ Ғарбнинг ишларини сизга ҳавола қиламан. Арабларни даф қилмоқ учун тезда қўшинларингизни жўнатасиз» дея амр берганини эшитдим. Бу агар ҳақиқатан тўғри бўлса, император жанобларининг менинг ташвишим билан алоқали бир қарорга келишига умидворман. Араблар гарданимга оғир тўловларни юклаганлиги учун сизга ҳадя қиладиган қийматли бир совға тополмадим, ишончим комилки, император жаноблари мени тушунар. Қўлимдан келадиган бир хизмат ва ғарбий ўлка-лардан эҳтиёжингиз бўлган бир нарса бўлса, билдири-шигизни хоҳлайман»²⁵⁴. Яна шунингдек, ушбу манбада «Киен-юань даври (758-759 й.) бошларида Тухоло (Тўхо-ристон) ва бошқа тўққиз Ғарб хукмдорлиги исёнкорларни жазолаш учун Осмон ўғли (Хитой императори)га қўшинлар жўнатишди. Император фармон чиқариб ушбу жангчилар-нинг Шофанг қўшинига бириктирилишини буюрди»²⁵⁵. Демак, юқоридаги маълумот Тўхористоннинг нафақат Хитой ҳарбий мадад олгани, балки кези келганда Хитойга қўшин жўнатиш орқали кўзғолонни бостиришда ёрдам берганлигини кўрсатади. Шу ўринда дипломатик алоқалар-дан икки томон ҳам манфаатдор бўлганини яққол кўриш мумкин.

Сўнги Тўхористон ябғулари хитой манбаларида фақат Танг императори ҳузурига ўз элчилик миссияларини 729 йилда Ку-ту-лу Тун Та-ту (Қутлуғ Тун Тарду; 720-730 й.)нинг арабларга қарши, ушбу воқеадан 20 йил кейинроқ эса Ши-ли-ман-ге-ло (Сулаймон? Қора; тахминан 750 йилдан кейин) тибетликларга қарши ёрдам сўрагани ва ёрдам олгани, шунингдек, 758 йилда Танг императори

²⁵⁴ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213, 265-266; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 139.

²⁵⁵ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия... Б.46.

хузурига Ву-ли-тонинг шахсан ўзи келгани ва исёнчи Ан-Лушанга қарши курашда иштирок этганлиги ҳақида эслатилади²⁵⁶.

«Тангшу»да шунингдек, Тўхористон ябғуларидан ташқари унинг таркибига кирган воҳа ҳукмдорликларининг бошқарувчилари ҳам Хитойга элчилар жўнатганлиги айтилади. Масалан, Хутгал ҳукмдори сифатида *гйелифа* (элтабар) эса 730-йилларда Хитойга элчи юборгани қайд этилади²⁵⁷. 747 йилда эса Та-ман (Термиз) мамлакати ҳукмдори кўшни мамлакатлар ҳукмдорлари билан биргаликда Танг императорини зиёрат қилиш учун саройга ташриф буюради²⁵⁸. Кумед ҳам 642 йилда Танг сулоласига элчи жўнатган. Кайюань даврининг (713-741 й.) ўрталарида Танг сулоласига раққоса ҳадя қилгани ҳам айтилади. Ҳукмдор доимо арабларга оғир тўлов тўлашга мажбур қилинганлиги сабабли унга Хитойдан ёрдам беришларини сўраган. Фақат Танг сулоласи императори тасалли бериш билангина чекланган. Тянь-бао (742-755 й.) ҳукмдор Арслон эркин Танг сулоласига от ҳадя қилади. Кумед вилояти араблар хужумларига дучор бўлгач, 719 йилда Кумед ҳукмдори Нараяна Танг сулоласидан ёрдам истаб мактуб жўнатади²⁵⁹. Унинг қисқача мазмуни куйидагилардан иборат: «Бобом, отам, амаким ва акаларим соф юрак билан бу буюк ўлкага (Танг сулоласига) содиқ бўлганлар. Шу онда арабларнинг хужуми остида қолдик ва Тўхористон, Бухоро, Шош ва Фарғона мамлакатлари араблар ҳокимияти остига ўтди. Ўлкамдаги қимматбаҳо буюмлар ва халқимнинг мулклари араблар томонидан ўлпон сифатида тортиб олинди. Катта умид билан сизнинг

²⁵⁶ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 213.

²⁵⁷ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.- Л.: Изд. АН СССР. Том II. 1950. С. 324, 326.

²⁵⁸ Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... S. 141.

²⁵⁹ Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... S. 262.

бу иш билан шуғулланишингизни хохлаймиз. Шу онда мени солиқдан озод қилсангиз мен катта ўлканинг ғарб эшигини чексизликка тенглигини кўраман ва сажда қилиш билан биргаликда орзуларимни билдираман»²⁶⁰.

Тўхористон ябғуларининг келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб бўлганлиги сабабли улар элчилик алоқаларида қадимги турк давлатчилиқ анъаналарига амал қилганини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолатнинг яққол мисоли Турк хоқонлиги каби Хитойга юборган элчилик ҳайъатлари бошида олий бошқарувда турган хонадоннинг кичик вакиллари «тегин» унвонли шаҳзодаларни кўйганлигида кўриш мумкин. Шунингдек, Турк хоқонлиги каби «тархон» унвонли амалдорларни ҳам Хитой саройига жўнатганлигини кўришимиз мумкин. Демак, тархонлар дипломатик аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳам бажарган ва халқаро алоқаларда элчи сифатида иштирок этган ²⁶¹. Айниқса, VIII асрнинг биринчи чорагида Тўхористондаги ҳукмдорликлардан Хитойга юборилган ўнлаб элчиларнинг ушбу унвон билан тилга олиниши бу фикрни тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрлардаги Тўхористон – Хитой муносабатлари чуқур ва ҳар томонлама тадқиқотни талаб қилади. Албатта, кичик бир мақола кўринишидаги тадқиқот доирасида бу масалани ёритиш қийин. Кўриш мумкинки, Хитой Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Тўхористон ябғулиги билан дипломатик алоқалар ўрнатишдан манфаатдор бўлган. Тўхористон ябғулиги ҳам ташқи душманга қарши курашда Хитойдан ёрдам олишга мажбур бўлган. Аслида, ўзаро алоқаларнинг иккинчи босқичида хитой манбаларида тасвирланган «ожиз ва кўмакка муҳтож» Тўхористон

²⁶⁰ Ўша асар. S. 262-263.

²⁶¹ Кубатин А.В. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. Тошкент: Янги нашр, 2016. Б. 120.

ябғулари шу даврда Марказий Осиёда араб босқинига қарши курашган асосий куч бўлганлигини ҳам унутмаслик керак.

ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ ВА ХИТОЙ АЛОҚАЛАРИ

Қорахонийлар хонлигининг (840-1212 йй.) ташқи сиёсатида ўша даврдаги Хитой билан амалга оширилган савдо-дипломатик алоқалар муҳим ўрин эгаллаган. Шу мавзуга оид ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган адабиётларни ўрганиб чиққанимизда, бу алоқалар етарлича ёритилмаганлиги маълум бўлди. Шунга кўра, бизни қизиқтираётган масала доирасида Хитой олимларининг нашр қилинган асарларини ²⁶² ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Қорахонийлар хонлигининг савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларининг дастлабки ривожланиши Хитойда ҳукмронлик қилган Танг сулоласи (618-907)нинг охириги даврига тўғри келади. Бу давр Хитойдаги ички қарама-қаршилиқларнинг кучайиши ва шунга кўра иқтисодиётининг пасайиши билан изоҳланади. 907-йилда Танг империясининг таназзули натижасида²⁶³ мамлакат парчала-ниш ҳолатига келиб қолган. Бу эса ўз ўрнида Хитой ва Қорахонийлар хонлиги ўртасидаги савдо-дипломатик алоқаларининг йўлга қўйилишига тўсқинлик қилган.

²⁶² Вэй Лянгао. Қорахонийлар тарихидин баён. 111-113, 367-б.; Ванг Чжилай. Ўрта Осиё тарихи. 2 жилдли. Хитой тилидан таржима. Урумчи, 2000; Хожи Нурхожи. Қадимги уйғурлар ва қорахонийлар. Урумчи, 2001; Ли Жиншин. Шинжонгда ўтган ислом хонлиқлар-ининг қисқача тарихи. Хитой тилидан таржима. Урумчи, 2003 ва б.

²⁶³ Қаранг: *Ходжаев А.* Китайский фактор в Центральной Азии. Ташкент, 2007. 29-30-б.

960 йилда Хитойда янги давлат пайдо бўлди. Тарихда у Сунг (宋, Бей-Сунг 北宋 – Шимолий Сунг деб ҳам аталади) номини олди ва 1279 йилгача фаолият кўрсатди. Ушбу давлат ўзидан ғарбда жойлашган давлатлар билан савдо алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор берган²⁶⁴.

Шу вақтда қорахонийлар давлати ҳам Сунг сулоласи билан савдо ва дипломатик алоқаларини йўлга қўйишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилган. Бу даврда ҳокимият Аҳмад Туғонхон (998-1018) қўлида эди. Шу мақсадда 1009 йилда Аҳмад Туғонхон ўз элчиларини қимматбаҳо совғалар билан Сунг империясига жўнатди. Улар орқали Хитой билан савдо алоқаларини ривожлантиришга кизиқишини билдирди.

Аҳмад Туғонхон элчисининг Сунг императори қабулида бўлганлиги ҳақида «Сунг [сулоласи] тарихи» («Сунг-шу»)нинг «Хўтан тазкираси» («Юйтян чжуан»)да маълумот келтирилади. Ушбу тазкирада қорахонийлар эличисининг пойтахт Чанъан шаҳрига етиб келган санасини Дачжунг-сянгу даврининг²⁶⁵ иккинчи йили (1009) деб кўрсатилган, элчининг миллати уйғур (*хуэйгу* 回鶻), исми эса Луосивен (Luosiwen 罗斯温) дейилган. Назаримизда бу Ризвон бўлса керак.

Император Чжэнзунг (Zhenzong) қабулида бўлганда элчи қуйидаги сўзларни айтган:

«Мен узокдан келдим ва сиз билан учрашиш мен учун катта шараф, сиз жаноби олийларига узок умр тилайман.

Император сўради:

Йўлга қанча вақт сарфладинглар, кайтишда қанча *ли*

²⁶⁴ Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 173-б.

²⁶⁵ Дачжунгсянгу (dazhong-xiangfu 大中祥符) – Сунг сулоласининг учинчи императори Чжэнзунг (Zhenzong 眞宗 – 998-1023) ҳукмронлигининг 1008-1016 йиллардан иборат бўлган 9 йиллик давр номи ҳисобланади.

йўл юрилади? ²⁶⁶

[Бу саволга элчи жавоб бериб] айтди:

Бир йил давомида манзил томон йўл босдик, кундузи юрдик, кечаси дам олдик. Қанча йўл босганимизни аниқ айта олмайман. Илгари йўлларда босмачилар бор эди. Хозир Гуа[чжоу] ва Ша[чжоу] ²⁶⁷ орқали (Хўтан)гача йўллар хавфсиз ва уларни ҳеч қандай саргузаштсиз ўтиш мумкин. Элчи юбориш истаги бўлса хурсанд бўлар эдик ²⁶⁸.

Император айтди: элчи юборишга йўл олислик қилади. Қолаверса давлатингда қийналиб қолади. Олиб кетишинг учун мактуб ёзиб беришни буюраман. Шу [мактуб] элчи юборганим билан тенг бўлади» ²⁶⁹.

Сунг императори эса ўз мактубини Қашғардан келган элчи орқали бериб юборишдан ташқари, унда қорахонийлар хоқонига «хэйхан ванг» (黑韩王) деб мурожаат қилган. Маълумки, бу даврда «ванг» унвони Хитой императорига қарашли бирорта вилоят ҳукмдорига ёки унинг қўл остидаги сарой амалдорларига берилар эди. Бундан ташқари юборилган мактубда *Буюк хонлар, Буюк*

²⁶⁶ Ли (里) сўзи Хитойда анъанавий бўлган масофа ўлчов бирлиги ҳисобланади. Милоддан аввалга III асргача 1 ли 300-360 қадамга, ўрта асрларда 576 метрга тенг бўлган. Ҳозир 500 м тенг.

²⁶⁷ Дунхуанг вилоятидаги жойлар кўзда тутилган. Гуа топоними Гуачжоу (瓜洲 – *Қовун-тарвуз водийси*)нинг, Ша – Шачжоу (沙洲 – *Қумли вилоят ёки воҳа*)нинг қисқартирилган шакли. Гуачжоу ҳозир Анши ноҳияси (рус тиллик адабиётларда Аньси сянь)га қарашли. Хитойнинг анъанавий бошқарув тузимига кўра, ноҳия (шян 县) вилоят билан туман ўртасида турадиган маъмурий birlik ҳисобланади). Айрим сайёҳлар асарларида Гуачжоу ва Шачжоу топонимларини Дунхуанг (туркий номи Дашт-ота)нинг синоними сифатида қўлланилади [Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 71-б.].

²⁶⁸ *Вэй Лянгтао*. Калахан вангчао шигао (Қорахонилар сулоласининг қиқача тарихи). 138-б. *Шу муаллиф*. Қорахонийлар тарихидин баён. 225-226-б.

²⁶⁹ *Вэй Лянгтао*. Қорахонийлар тарихидин баён. 225-226-б.

хоқонлар маъносига эга сўзни транскрипция қилиб ёзишда *қора ранг, қоронгулик* маъноларини билдирувчи *хэй* (hei 黑) иероглифини ишлатган. Қорахонийлар хоқони бу ҳолатни албатта камситиш деб билганлиги муқаррар.

Шундан кейин қорахонийлар саройи Сунг сулоласи императори ҳузурига давлат номидан эмас, балки унинг ихтиёри остидаги Хўтан вилояти ҳукмдори номидан элчилар юборилган. Шу усул билан қорахонийлар хоқони ўзининг мавқеини Сунг императоридан устун қўйишини билдирган.

Вэй Лянгтаонинг фикрича, Сунг сулоласи Қорахонийлар хоқонлиги саройига элчи юбормаганлигини куйидаги учта сабаб билан изоҳлаш мумкин:

1) Қорахонийлар давлатига элчи борса, уларнинг шимол томондаги қорахитойлар²⁷⁰ ва шарқий томонидаги танғитлар давлати²⁷¹ буни нотўғри тушуниб қолишидан

²⁷⁰ Хитой манбаларида *чидан* (qidan 契丹), рус тили адабиётларда *кидань*, деб номлади.

²⁷¹ Танғитлар давлати (рус тили адабиётларда Государство тангутов, хитой манбаларида Шя, Шишя (夏, 西夏, русча транскрипцияда Ся, Сися) 1032-1234 йилларда Кукунор минтақаси (ҳозирги ХХРнинг Цинхай 青海 ўлкаси) ҳудудида мавжуд бўлган. Ушбу давлат қадимги Помирдан Ўрдўсгача (Ордос) бўлган жойларда яшаган ва хитой манбаларида *кянг* (чянг 羌) деб номланганларнинг авлодлари ҳисобланган *дангшия* қабиласи томонидан ташкил этилган. Пойтахт шаҳри Харо-хота деб номланган бўлиб, у ҳозирги Цинхай ўлкасининг маркази бўлмиш Шининг (Xining 西宁) шаҳрининг шимолида жойлашган. 1068-1085 йилларда Сунг давлати Шишя хонлиги билан уруш ҳолатида бўлган. Шунинг учун ушбу хонликка қарши чиқувчи кучлар билан иттифоқлашиш Сунг сулоласи учун ниҳоятда муҳим бўлган. Қадимги *кянг* (чянг)лар ҳақида илгари нашр этилган асарларимизда тўхтаб ўтилган [Қаранг: Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар... 162-201-б.; Ходжаев А. Сведения древнекитайских источников по этнической истории Центральной Азии. 71-115-б.].

кўрққан; 2) ўзининг молиявий имкониятларини ҳисобга олиб, бунга қизиқиш билдирмаган; 3) Қорахонийлар ҳукмдори Кулбилге Қодирхоннинг мавқеини ўзидан паст даражада кўриши ва уни ўзига тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида тан олмаган²⁷².

Сунг сулоласи Қашғарга элчи юбормаганидан кейин Аҳмад Туғонхон кейинги элчилар гуруҳларини ўзининг бир вилояти бўлган Хўтан ҳукмдори номидан юборган. Бу анъана кейинги ярим аср давомида сақланиб қолган. Шу даврда Хўтандан Хитойга 36 марта элчилар юборилди²⁷³.

Вэй Лянгтаонинг юқорида тилга олинган «Калахан вангчао шигао» номли асарида хитой манбалардан, жумладан «Сунг [сулоласи] тарихи» («Сунгшу»)дан келтирилган маълумотларда айтилишича, Хўтандан шу замондаги Хитой пойтахти Чангъанга (ҳозирги Шиан шаҳри) биринчи элчилар гуруҳи 1025 йилда борган. Шундан кейин Хўтандан Хитойга элчилар тез-тез борганлиги ва уларга ҳамроҳ бўлиб борган савдогарлар сони ҳам кўпайгани кузатилган. Натижада Хитойга борадиган Хўтан элчилари ҳамроҳларининг сони 50 кишидан ошмаслиги ҳақида император фармони чиқарилган²⁷⁴.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1041 йилда қорахонийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетган. Қашғар шарқий қорахонийлар давлати, пойтахти сифатида сақланиб қолди. 1057-1058 йилларда содир булган сиёсий кураш натижасида Қашғар тахтига Муҳаммад Буғрохоннинг укаси Муҳаммадхон (Туғрул Қорахон, Маҳмуд ибн Юсуф – 1058/59 - 1074/75) ўтирди. 1063 йилда ушбу ҳукмдор Хитойга элчи ва у орқали мактуб юбориб, ўзининг

²⁷² Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 145-б.

²⁷³ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидин баён. 214-231-б.

²⁷⁴ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 145, 147-б.

савдо алоқаларни давом эттириш истагини билдирган²⁷⁵.

Сунг сулоласи саройида бу галги Қашғар элчиси Хитойга келган тенг ҳуқуқли давлатлар элчилари қаторида қабул қилинган²⁷⁶. Лекин Сунг сулоласи Қашғарга жавобан элчи жўнатмади. Шундан кейин шарқий қорахонийлар ҳукумати ҳам ўз элчиларини Хитойга илгаригидек Хўтан ҳукмдори номидан юбориб турди.

1072-йилда янги йил арафасида Хўтан ҳукмдори ўзининг элчиси Луоасинансавэн (Luo-a-si-nan-sa-wen 罗阿斯难撒温) орқали Сунг императорига қимматбаҳо тошлар, олтин буюмлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг матолари, отлар учун нефрит тоши билан безатилган эгар, доривор ўсимликлар ва бошқа нарсалардан иборат совғалар юборган²⁷⁷. Сунг сулоласи саройида ўтмишдан сақланиб келаётган анъанага кўра, бу элчилар тақдим этган совғаларни «олиб келинган ўлпон» («лайгунг» / lay-gong 来贡) деб ҳисоблаган²⁷⁸.

Қорахонийлар ҳукмдорлари Сунг хонадонининг бундай хатти-ҳаракатларини Сунг сулоласи қорахонийлар билан тенг ҳуқуқли алоқа олиб бориш истаги йўқ, деб қабул қилиб, Хитой билан савдо-содик алоқаларини Қашғардаги бош ҳукмрон Қорахон номидан эмас, балки Қорахонга тобе хонлик Хўтан ҳукмдори (Юйтян ванг) номидан амалга оширишни ўзига лозим кўрганлигидан далолат беради.

Вэй Лянгтао асарларида келтирилган маълумотларга кўра, Сунг сулоласи саройига Хўтандан 1071-йилнинг 2-ойи 14-кунида, 1072-йилнинг 12-ойи 26-кунида, 1074-йилнинг 2-ойи 3-кунида, 1077-йилнинг 4-ойинг 8-куни,

²⁷⁵ Ўша асар. 138-145, 247-б.; *Вэй Лянгтао*. Қорахонийлар тарихидин баён. 226-227-б.

²⁷⁶ Ўша жойда.

²⁷⁷ *Вэй Лянгтао*. Калахан вангчао шигао. 138-145, 247-б.; *Шу муаллиф*. Қорахонийлар тарихидин баён. 226-227-б.

²⁷⁸ *Вэй Лянгтао*. Калахан вангчао шигао. Б. 147.

1084-йилни 12-ойи 2-кунларида ҳам элчилар гуруҳлари келган²⁷⁹. Шуларнинг бирида Линди исмли зодагон совғалар билан Чанъанга келган²⁸⁰.

Хитой манбаларидаги Хўтандан 1071-йилгача Хитойга борган элчилар ҳақидаги барча маълумотларда улар «Хўтан ҳукмдори» («Юйтян-ванг») номидан келганлиги айтилган. Шу йилдан кейин келган элчилар ҳақидаги маълумотларда элчи жўнатувчи Хўтан ҳукмдорининг унвони «Хэйхан-ванг» («ҳукмдор Қорахон») ёки «Юйтян Хэйхан ванг» («Хўтан ҳукмдори Қорахон») шаклида тилга олинган.

1087 йилда Сунг хонадони Хўтандан келган элчиларига мислсиз эҳтиром билдиришади. Қорахонийлар ҳукмдорига аталган совғаларни топшириш вақтида қабул қилинган меъёрлардан ташқари уч юз минг танга, олтин камар, қимматбаҳо тошлар қадалган тўнлар, кийим-кечак ва мис тангалар тақдим этилди. Сунг императори зарур бўлганда қорахонийларга ёрдам курсатиш ҳақида фармон эълон қилди. Баъзи амалдорлар элчиларга нисбатан керакли даражада дўстона муносабатда бўлмаганликлари учун жазоландилар²⁸¹.

1078 йил 6-ойнинг 4-кунида чой савдоси билан шуғулланувчи идорага йўлланган император фармонида Хўтандан келган элчилар чойни солиқсиз сотиб олишмоқда, бу ҳолат туфайли йил давомида олинмай қолинган тушум ҳукумат ғазнаси ҳисобидан қопланиши айтилган²⁸². «Си чоу чжилу маойи ши» («Ипак йўлидаги савдо тарихи») номли асарда ёзилишича, Сунг сулоласи ҳукмронлиги (960-1279) даврида чой Хитойнинг кўп миқдорда экспорт қиладиган маҳсулотига айланган²⁸³.

²⁷⁹ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидин баён. Б. 223-224.

²⁸⁰ Ўша жойда. Б. 223.

²⁸¹ Ўша асар. 227-б.

²⁸² Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 147-б.

²⁸³ Сичоу чжилу маойи ши. 487-б.

Шундан маълумки, қорахонийлар савдогарлари Хитойдан олиб кетадиган моллар орасида чой ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Шу жойда қуйидаги икки масалани таъкидлаб ўтиш жоизки, 1079 йилда Сунг сулоласи саройига ғарб томондаги савдо йўллари нозорат қилиш идораси бошлиғининг мурожаатномаси келиб тушган. Унда Хитойга қорахонийлар ҳукмдорининг мактубисиз қарвонлар келаётганлиги айтилиб, уларга нисбатан қандай муомала қилиш кераклиги сўралган. Бу ҳақда Сунг императорининг берган фармонида «келганлар ўлпон олиб келдик» дейишса, уларнинг гапи инобатга олинсин дейилган²⁸⁴. Шундан маълумки, Хитойга Хўтандан савдогарлар элчиларга қўшилмасдан бориш ҳоллари ҳам кузатилган.

1081 йилда Қашғардаги қорахонийлар ҳукмдори Абул Ҳасан Табғоч Буғрохон (Ҳарун буғрохон-II, Ҳасан ибн Сулаймон – 1074-1103) Сунг сулоласи императорига мактуб юборган. Ўз мактубида у Сунг императори Шэнзунг (Shen zong 神宗 – 1068-1085)га «Шарқдаги, [яъни] кунчиқар томондаги буюк дунё ерларининг эгаси» (东方日出大世界田地主)²⁸⁵ деб мурожаат қилган. Шу билан ушбу ҳукмдор Хитой императорига мен ғарб томондаги ерлар эгасиман, сиз эса шарқ томондаги ерлар эгаси, ҳуқуқимиз ва мавқеимиз бир хил деган фикрни билдирган. Эхтимол бу Сунг хонадонига таъсир кўрсатган.

Вэй Лянгтао асарида бирламчи хитой манбалардан келтирилган бир маълумотда айтилишича, 1085 йилда Хўтандан Хитойга келган элчилар от олиб келишган. Улар эвазига аввалига 200 минг танга тўланган. Кейин унга яна 100 минг танга (чян 錢 / 钱) қўшиб берилган²⁸⁶. Шундан

²⁸⁴ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 139-б.

²⁸⁵ Ўша асар. 146-б.

²⁸⁶ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 141-б.

маълумки, Сунг сулоси учун от обрўли ва қимматбаҳо совға ҳисобланган²⁸⁷.

1089 йилнинг 6 оyi 4 кунida Сунг сулоласи саройидаги Маросимлар палатаси (Либу 禮部 / 礼部)нинг император учун тайёрлаган маърузасида Хўтан қорахони ўзининг вассал ҳукмдорларининг рўйхатини кўрсатиб, императордан уларни Хитойга бориш ва император билан учрашишга рухсат беришни сўрайди. Мазкур илтимос қондирилди деб айтилган²⁸⁸.

Хитой манбаларда Хўтандан пойтахт Чангъан шахрига 1090, 1094, 1096 (шу йили икки марта – 5- ва 11-ойда), 1097, 1098, 1103, 1117-йилларда элчилар келганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Уларда Хўтандан элчилар юборувчи «Юйтян» («Хўтан») ёки «Юйтян-гуо» («Хўтан давлати») деб номланган²⁸⁹. Шунга қараганда, XI асрнинг сўнги чорагидан бошлаб Сунг сулоласи Хўтанга алоҳида давлат сифатида қараган.

Манбада Жаошэн (Shaosheng 绍圣)²⁹⁰ даврининг 3 йили (1096 й.) 7-ойининг 14-кунida Хўтан ҳукмдори турли хил совғалар билан ўз вакилини жўнатганлиги ҳақида ҳам маълумот келтирилади. Кейинги йилнинг 2 оyi 8 кунida Хўтандан яна элчи келади. Элчи билан бирга келган

²⁸⁷ Хитойга келган элчилар ва карвон эгалари маҳаллий хонларга ва амалдорларга от совға қилишса, уларнинг бу совғалари юксак баҳоланган. Албатта, отнинг баҳоси ҳар доим бир хил бўлмаган. Аммо ўртача олганда, VII-VIII асрларда Хитойга олиб келинган ҳар бир отга 40-50 бўлак (ҳар бир бўлаги 13.3 метрдан) ипак мато алмаштириб олиш мумкин бўлган. 827-835 йилларда уйғурлар томонидан Хитойга сотилган отлар эвазига ҳукумат 230 минг бўлак ипак мато тўлаган. [Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 179-182-б.].

²⁸⁸ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидин баён. Б. 223-224.

²⁸⁹ Ўша асар. 225-б.

²⁹⁰ Чжаошэн – Сунг сулоласи еттинчи авлод императори Чжэ-зуннинг (Zahezong 哲宗 – 1086-1101) ҳукмронлигининг 1094-1098 йиллардан иборат бўлган 5 йиллик даври номи.

Лохудулумай Қорахонийлар ҳукмдори ўғлининг сўзларини таржима қилиб, «бизнинг отлик жангчиларимиз тангутлар томонидан эгаллаб олинган Ганчжоу, Шаджоу, Суджоу каби вилоятларни ишғол қилишга жўнатилган» дейди. Бунга император «Агарда улар шу 3та шаҳарни озод қила олсалар, етарли микдорда мукофатланадилар» дейди²⁹¹. Бу қисқа маълумот Сунг хонадони Қора-хонийлар ҳукумати билан сиёсий ҳамкорлик қилибгина қолмасдан улар кўли билан ўз рақибига қарши курашишдан ҳам манфаатдор бўлган-лигидан далолат беради. Сунг сулоласининг бу нияти амалда қандай бўлганлиги қуйидаги маълумотга эътибор қаратиш мумкин.

Хитойнинг расмий тарихлари, энциклопедиялари ва энциклопедик луғатларидан ташқари, ҳар хил даврда ёзиб қолдирилган шажаралар ҳам мавжуд²⁹². Шуларда келтирилган маълумотларнинг асосий қисми 1985 йилда «Халқ қатнов вазирлиги нашриёти» («Ренмин жяотунг чубаншэ») томонидан чоп этилган «Чжэнг Хэ сулоласи тарихи материаллари» («Чжэнг Хэ²⁹³ жяши зияю» 郑和家世资料) номли китобда акс эттирилган.

Мазкур шажаралардаги маълумотларга кўра, Сунг сулоласи таклифига биноан, Бухородан Хитойга Нажмиддин сўфи (Нажимэндиэр-суфэйэр – 997-1093) исмли бир зодагон катта кўшин бошлаб келган. Бу ҳақда «Ма

²⁹¹ Вэй Лянгтао. Қорахонийлар тарихидин баён. 222-б.

²⁹² Ушбу шажаралар ҳақида қаранг: Ходжаев А. Великий шелковый путь: ... 2018. 370-371-б.

²⁹³ Чжэнг Хэ (мусулмонча исми Маҳмуд – 1369-1433) мўғуллар даврида Хитойда йирик лавозимларда ишлаган бухоролик Умар ибн Камолиддин (1211-1279) авлодига мансуб бўлган ҳамда дипломатик ва савдо ишлари билан 7 марта денгиз сафарига чиқиб Ҳинд ярим ароли, Форс кўрфази ва Африка қирғоқларига бориб қайтган тарихий шахс ҳисобланади. [Қаранг: Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. 250-254-б.

сулоласи шажараси» («Ма ши жяпу» 马氏家谱)²⁹⁴ номли асарда қуйидагича ёзилган.

«Буюк ғарбий ҳудуддаги Бухоро хонининг қўшинлари қудратли, хоннинг ўзи эса диёнатли ва меҳрибонликда тенгги йўқ ... Ляо ва Шя²⁹⁵ хонликлари қўшин тортиб Сунг сулоласига хавф солди. Шунда Сунг сулоласи [Бухоро хукмдоридан] ёрдам сўраш мақсадида унинг ҳузурига элчи юборди. Шундан сўнг [Нажмиддин сўфи] жаноблари укаси Айсо (Айэрша) ва уч нафар ўғиллари билан 7 мингдан ортиқ лашкарлар, 200 га яқин лашкар бошлиқлари ва амалдорларга бош бўлиб, 7 мингдан ортиқ от ва туя билан Буюк Сунг хоқонининг 3-йилида (1070) пойтахтга етиб келди. Шэнзунг (神宗) хурсанд бўлганидан ул зотдан ўз одамлари билан Хитойда қолишни сўради. Атроф тинчигандан кейин Али, Миршоҳ (Миэршиша) ва бошқалар жами 200 га яқин амалдорлар ва уларни кузатувчи 700 нафар чавандоз пойтахтга совғалар билан етиб келдилар. Улар [Нажмиддин сўфи] жанобларининг қайтиб кетишига ижозат сўрадилар. Аммо [Сунг хоқони] жанобларига «нинйи чинггоу гунг» («ғалаба нишонига ва қутловга сазовор олий зот») унвонини бериш билан бирга 200 *лянг*²⁹⁶ олтин, 5000 *лянг* кумуш, 1000 *тўп* ипак мато тақдим қилиш ва йилига 500 *дан*²⁹⁷ дон бериш, ўз соқчиларидан 5300 кишини ажратиб олиб Шандунг,

²⁹⁴ Уруғ, авлод ҳақида гап кетганда *чжи* (zhi 氏) иероглифи *ши* (shi) деб ўқилади.

²⁹⁵ Ушбу давлат ҳақида 171 рақамли изоҳга қаранг.

²⁹⁶ Ҳозирги ўлчов мезони бўйича 1 *лянг* 16 грамга тенг.

²⁹⁷ Қадимги Хитойда донни оғирликда эмас, ҳажмда ўлчалган. Шу даврда 1 *дан* 103,547 литрга тенг бўлиб, у тахминан 100 килоли бир қоп донга тенг эди.

Шанши вилоятларида ва Шихэ²⁹⁸ билан Хэйхэ²⁹⁹ дарёлари оралиғидаги жойларда солиқсиз деҳқончилик қилиш, зарур бўлганда ҳарбий ҳаракатга қатнашишга шай бўлиб туриш ҳақида фармон берди. [Укаси] Айсо (Айэрша)га эса қолган одамларни олиб ватанига қайтишга ва Бухоронинг давлат ишларини ўз қўлига олиб, унинг ривожини учун ҳаракат қилишни буюрди. Чжэзунг (哲宗)нинг [тахтда ўтирганига] 8 йил бўлганида (1093) олий зот 97 ёшда оламдан кўз юмди»³⁰⁰.

Ушбу мактубда тилга олинган Шя хонлиги ҳақида 133 рақамли изоҳда тилга олинган ва 960-1279 йиллари мавжуд бўлган хитой давлатидир. Лекин Ляо номланган хонлик ҳақида тушунтириш қилмасликнинг иложи йўқ. Чунки ушбу давлат асосчиларининг авлодлари бўлмиш қорахитойлар Қорахонилар сулоласи ҳукмронлиги ҳаётига чек қўйган. Ляо сўзи (遼 / 辽 – олис, узоқ, кенглик маъносини англатади) атамаси 907 йилда Манчжурияда Елюй Абожи етакчилигида қитонлар (хитойча чидан 契丹, русчада кидань) томонидан ташкил этилган давлат (907-1125) номи хисобланади. Унинг ҳудуди ҳозирги Шарқий Монголия ва Ички Монголия ҳисобига кенгайтирилган. 916 йилда Елюй Абожи ўзини император деб эълон қилди. Шунинг учун кўп ҳолларда қитонлар давлатининг ташкил топган вақтини 916 йил, деб кўрсатилади. Айрим маълумотларга кўра, қитонлар хунлардан келиб чиққан. Иккинчи маълумотларга кўра, уларнинг келиб чиқиши сянбиларга бориб тақалади. Аммо хунлар ва сянбиларнинг келиб чиқиши қадимги турклар (тиук, замонавий ўқилишда ди) билан боғлиқдир. Шунинг учун, қитонларнинг келиб чиқиши қадимий туркларга бориб тақалади дейиш хато бўлмайди.

²⁹⁸ Шандунг вилоятидаги дарё номи.

²⁹⁹ Янзи дарёсининг шарқий шимолидаги Хэнан ва Аньхуэй вилоятларидан ўтадиган бир ирмоғи.

³⁰⁰ Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: ... 242-243

«Ма сулоласи шажараси»да кетирилган маълумот инобатга олинса, Ғарбий Қорахонийлар давлати билан Сунг хонадони ўртасида сиёсий ва ҳарбий муносабат мавжуд бўлган деган хулоса келиб чиқади. Бироқ Хитой тарихчилари ушбу маълумот расмий тарихда учрамайди деб, унга шубҳа билан қарайдилар. Бизнинг фикримизча, Сунг сулоласи ўзини катта тутиш мақсадида Бухоро давлатидан ёрдам сўраганлигини расмий сулола тарихида кўрсатишни маъқул топмаган бўлиши, яъни ор қилган бўлиши мумкин. Шунинг учун шажараларда учрайдиган маълумотни расмий тарихда йўқ эканлигига ишора қилиб, шубҳага олиш тўғри бўлмайди.

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлилидан хотима қилиш мумкинки, Қорахонийлар хонлиги ва Хитой орасидаги савдо ва дипломатик алоқалар 960 йилда Хитойда Сунг сулоласи (шажараси)нинг ҳокимиятга келишидан сўнг амалга оширилган. Бу муносабатларнинг дастлабки босқичида алоқалар асосан Хўтан орқали олиб борилган, зеро Сунг империяси Қорахонийлар давлатига ўзининг тенг ҳуқуқли ҳамкори сифатида қарамаган, хонлик эса бундай тенгсизликни қабул қилишни истамаган ва элчиларини ўз итоатидаги Хўтан хонлиги орқали юбориш билан чекланган. Кейинчалик вазият Қорахонийлар фойдасига ўзгариб, Сунг империяси уларни тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида тан олишга мажбур бўлган.

Қорахонийлар хоқонлиги Сунг сулоласи ҳукмронлиги давридаги Хитойга биринчи марта 1009 йилда элчи юборган ва ушбу мамлакат ҳукмдори номидан бунга жавобан элчи юборишини кутган. Лекин Сунг императори келган элчи орқали ўз мактубини юбориш билан чекланган. Бундан ташқари, ўз мактубида Сунг императори қорахонийлар хоқонига «хэйхан ванг» (黑韩王) деб мурожаат қилган. Маълумки, бу даврда «ванг» унвони Хитой императорига қарашли биронта вилоят ҳукмдориға ёки

унинг кўл остидаги сарой амалдорларига берилар эди. Бундан ташқари *Буюк хонлар*, *Буюк ҳоқонлар* маъносига эга сўзни транскрипция қилиб ёзишда *қора ранг* маъносини билдирувчи *хэй* иероглифини ишлатган. Қорахонийлар хоқони бу ҳолатни албатта камситиш деб билганлиги муқаррар. Қашғар ҳукмдори Сунг сулоласи императорига «Шарқдаги, [яъни] кунчиқар томондаги буюк дунё ерларининг эгаси» деб мурожаат қилганлиги бунинг далилидир.

Шундан кейин қорахонийлар саройи Сунг сулоласи императори ҳузурига давлат номидан эмас, балки унинг ихтиёри остидаги Хўтан вилояти ҳукмдори номидан элчилар юборган. Шу усул билан қорахонийлар хоқони ўзининг мавқеини Сунг императоридан устун қўйишини билдирган.

Хитойга Хўтан ҳукмдори номидан жами 36 марта элчи жўнатилган. Улар орқали савдо алоқалари товар алмашуви йўлга қўйилган. Хўтандан Хитойга биринчи элчи 971 йилда, охириги элчи эса 1117 йилда келган.

Хитойдан қорахонийлар савдогарлари асосан ипак матолар ва кийим-кечаклар, чой, санъат маҳсулоти, турли металлдан қилинган тангалар олиб кетган. Натижада Хитойда муомалада ишлатиладиган тангалар ҳажмининг камайиб кетиши кузатилган. Шу боис Сунг сулоласи хорижлик савдогарларнинг Хитой тангаларини олиб кетишини ман этган³⁰¹.

Қорахонийлар элчилари ва савдогарлари Хитойга олиб борган моллар ичида пахтадан, ипакдан ва жундан тўқилган гулли ва гулсиз матолар, гиламлар ҳам салмоқли ўрин эгаллаган³⁰².

Вэй Лянгтао ўзининг юқорида кўрсатилган «Калахан вангчао шигао» («Қорахонийлар сулоласининг қисқача

³⁰¹ Вэй Лянгтао. Калахан вангчао шигао. 192-б.

³⁰² Ўша асар. 183-184-б

тарихи») номли асарида Қорахонийлар давлати билан Хитой муносабатларига оид яна бир қизиқарли масалага эътибор бериб кайд этганки, Хитой императорлари канизакларидан туғилган маликалардан бирортасини ғарб томондаги давлатлар ҳукмдорларига келин қилиб бериш услуби билан уларнинг ички ишларига аралашиш ва Хитойга нисбатан муносабатларини ўз фойдасига юмшатишга ҳаракат қилишган. Лекин қорахонийлар ҳукмронлиги даврида бу каби алоқалар юз бермаган. Ушбу хоқонликни ташкил этишда қатнашган қарлуқ (гэлуолу 葛邏祿), ёғма (янгмуо 样磨) ва чигил (чуюэ 处月) қабилалари сардорларининг Хитой хоқонларига куёв бўлган ҳолатлари кузатилмаган³⁰³.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ

1368 йилда Хитойда 1271 йилдан буён ҳукмронлик қилаётган Юан аталмиш мўғул сулоласи ағдарилиб унинг ўрнини Минг деб номланган хитойлар сулоласи эгаллайди. Ушбу янги сулола ҳукмронлик қилган даврда (1368-1664) содир бўлган воқеалар хитой манбаларида батафсил баён этилган. Шу қаторда Туркистон давлат-ларининг Хитой билан муносабатларига оид маълумотлар ҳам кам эмас.

Мин даврида яшаган машҳур сайёҳ Чэн Чэнг (русча Чэнь Чэн) «Ғарб мамлакатларига саёҳат хотиралари» («Сиюй синчэн цзи») ва «Ғарбий заминдаги тобе мамлакатлар тавсифи» («Сиюй фаньго чжи») номли асарларида кўрсатилишича, 1413 йилда у элчи сифатида Самарқандда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлган. Икки йиллик саёҳатидан сўнг ватанига қайтиб келгач, мазкур икки асарда ўз таассуротларини баён қилган.

³⁰³ Ўша жойд.

Бундан сал илгари Самарқандга Хитой императорининг сарой аёни Фу Ан борган. Ўзининг биринчи саёҳатини у 1395 йилда бошлаб, [Амир] Темур мамлакатада қарийб 13 йил юрганидан сўнг 1407 йилда Хитойга қайтиб келган. Фу Анни Темурнинг ўзи саройда ушлаб турган, шунинг учун у фақат Темур вафотидан кейингина ватанига қайтган ва тез орада «Фу Аннинг Фарб мамлакатларига саёҳати вақтида кўрган гўзал жойларга бағишланган шеърлар» («Сиюй шэнлань ши») номли асарини ёзган.

Мин сулоласи тарихига оид хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, Темурийлар давлати билан Хитой ўртасидаги савдо-элчилик алоқалар фаол бўлган. 1395 йилда (айрим манбаларда 1387 йил зикр этилган) Минг хукмдори томонидан Темур саройига мансабдор Фу Ан бошчилигидаги биринчи элчилар юборилган³⁰⁴.

Туркистон ерларига йўл олган Минг элчилари император мактублари билан бирга маҳаллий ҳокимларга совга қилиш ва шунинг билан уларнинг кўллаб-қувватлашига сазовор бўлиш учун ўзлари билан кўплаб кимматбаҳо буюмлар (олтин ва кумуш идишлар, чинни ва бошқалар) олиб келганлар. Ундан ташқари, уларга кўп миқдорда пул (*цайби* ва *хоби*) ва унвонлар ҳам инъом этганлар. Хитой манбаларида айирбошлашнинг бу тури *гунси*, яъни *совга-мукофотлар* деб аталган.

Хитойга келган Туркистон элчилари эса Минг сулоласи императорларига *маҳаллий молларни (фанъу)*, яъни ўз ерларида ишлаб чиқарилган молларни тақдим этганлар. Дастлаб, Минг императорлари Туркистон мамлакатларига нисбатан ўз *томонига оғдирувчи (хуай коу)* сиёсатини юритганлар. Вақт ўтиши билан Туркистон

³⁰⁴ Enoki K. Fu An's missions to Central Asia // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko (The Oriental Library). #35. – Tokyo, 1977. – P.219-231.

хокимларига нисбатан Минг сулоласининг олиб борган дастлабки *совга-мукофотлар* тақдим қилиш услуби билан уларнинг ишончига кириш сиёсати ўзгара бошлади.

Туркистонлик элчилар томонидан Минг императорига олиб келган совғалардан ташқари сотиш учун турли моллар ҳам олиб келишган. Бу молларни Хитой ичкарасидаги шаҳарлар аҳолисига сотиш ёки зарур нарсарга айирбошлаш имкониятларига эга бўлишган. Хитой аҳолисига сотиш учун олиб келинган молларнинг аксарият қисми Кенгсув (Гансу) ва Шэнши шлкаларининг турли шаҳарларидаги бозорларга йўналтирилган³⁰⁵.

Туркистоннинг турли шаҳарларидаги ҳукмдорлар Хитойга юбориладиган элчиларга қўшиб савдогар юборишган ва уларни кўп микдорда *совғалар* шаклида моллар билан таъминлаган. Элчиларга қўшилиб сафарга отланган савдогарлар бу *совғаларни* Хитой пойтахтига етгунча йўлда, колганини эса пойтахтда карвонсаройларда сотар эдилар.

Баъзида савдо-элчилик карвонлари бир неча давлат вакилларидан тузиларди. Бундай бирлашган элчилар ҳақида хитой манбаларида етарли маълумотлар мавжуд. Самарқанд ва Бешбалиқдан борган ана шундай элчилар ҳақида «Мин сулоласи тарихи» («Минг ши») да қуйидагилар ёзилган:

«Хун-у даврининг ³⁰⁶ ўрталарида [тахминан 1380 йилда] Самарқанддан Бешбалиққа бир неча юз одам келди. (Бешбалиқ) ҳукмдори (*ванг*)³⁰⁷ Хэйдиэр хўжа (Хидир хўжахон) Ҳамалидин (Камолиддин) *мингбошини* (*цяньху*)

³⁰⁵ Шинжяннинг тарихига оид материаллари тўплами. Пекин, 1987. Б. 233.

³⁰⁶ Хун-у (*hongwu* 洪武) – 1368-1398 йиллардан иборат бўлган даври номи ҳисобланади.

³⁰⁷ Ванг (*wang* 王) – хоқим, ҳукмдор.

совғалар билан [пойтахт Пекингга] жўнатди. 1391 йилда улар биргалашиб пойтахтга келишди, отлар тортик қилишди»³⁰⁸.

Кўпинча Туркистон ҳукмдорлари савдо-элчилик карвонларини мустақил ҳолда тузардилар. «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар сараси»)да 1420 йилда Хитой пойтахтига Самарқанд, Тошкент, Мўғулистон, Турфан ва Кумулдан ўтиб келган Ҳирот элчилари ҳақида маълумот келтирилган³⁰⁹.

Мин императорга совғалар олиб борувчилар кўринишидаги элчи ва савдогарлар олди-сотди ишлари билан овора бўлиб, Хитойда йиллаб қолиб кетардилар. «Мин сулоласининг императори Шицзун³¹⁰ ҳақидаги ҳаққоний хотиралар» 3-бобида «1529 йилда Кумул (Хами) ва бошқа ерлардан элчилар совғалар билан келдилар, йўлларда тўхтаб, фойда кўриш мақсадида савдо қилиб, йил ўтса ҳам (уйларига) қайтмаяптилар»³¹¹ дейилган.

Мин саройи имтиёз тариқасида Туркистон мамлакатлари элчиларига аҳоли билан солиқдан озод ҳолда савдо қилишга рухсат берган эди. Минг императорларидан бўлмиш Чэнцзу³¹² Туркистондан элчиларнинг келишини

³⁰⁸ Шинжяннинг тарихига оид материаллар тўплами (Xinjiang difang lishi ziliao xuanji) ... Б. 222.

³⁰⁹ Буриев А.Б., Колганов А. Об одном участке Великого шелкового пути // На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. Тошкент, «Фан», 1990. Б.106-116.

³¹⁰ Шицзун – 1522-1567 йилларда ҳукмдорлик қилган 12-авлод императорнинг вафот этганидан кейин берилган унвони.

³¹¹ Хэ Ян. Минг давридаги ғарбий мамлакатлар ва Марказий текислик ўртасидаги савға-салом алмашиш ҳамда савдо алоқалар (和 奄. 明代西域与中原的通贡互市贸易. He Yan. Mingdai Xiyu yu Zhongyuande tonggong hushi maoyi) // Шинжян тарихига оид тадқиқотлар (新疆历史研究). Урумчи, 1986. № 2. Б. 43.

³¹² Чэнцзу – 1403-1425 йилларда ҳукмдорлик қилган учинчи авлод императори Чжулига вафот этганидан кейин ҳурмат юзасидан берилган унвон номи.

фаоллаш-тирувчи сиёсат юргизиб, у ердаги сиёсий ҳокимиятдан шимолдаги жуда катта мўғул кучларини ҳоли қилмоқ учун фойдаланган. Минг сулоласи тарихи»-нинг «Ғарбий мамлакатлар ҳақида кисса» («Сиюй чжуан») номли бобида кўрсатилишича, 1403 йилда олий фармон чиқаради. Унда «Бундай буён барча ажнабийлар Хитойга ўтказила-верилсин»³¹³ деб таъкидланган. Ушбу фармон эса сўзсиз амалга оширилган.

Шундай қилиб, Чэнцзунинг ҳукмронлиги пайтида Минг давридаги Хитой билан Туркистон ўртасидаги савдо алоқалари ўз ривожининг юқори чўққисига етган эди. Бу вақтда Амир Темур томонидан юборилган самарқандлик элчилар Хитойга 9 марта келдилар. 1403-1449 йиллар оралиғида эса Хитойга Самарқанддан 33 марта ва Ҳиротдан 14 марта элчилар келиб кетдилар³¹⁴.

Хитойга улар от, туя, нефрит, нўшодир ва бошқа маҳаллий молларни олиб келганлар. Туркистон давлатларининг Хитой билан бўлган савдо муносабатларида отлар алоҳида ўрин тутган. Хитой императорлари тез чопар зоддор Фарғона отларини жуда қадрлаганлар ва уларни *самовий отлар* деб атаганлар.

Ғарбий давлатлардан келган элчи ва савдогарлар Хитойдан шойи, чинни ва шиша идишлар, чой, равоч ва мушк олиб кетганлар. Баъзи молларни четга чиқариш чегараланган, баъзилари эса умуман тақиқланган. Масалан, «Инцзун ³¹⁵ ҳақидаги ҳаққоний хотиралар» номли

³¹³ Хэ Ян. Минг давридаги ғарбий мамлакатлар ва Марказий тексилик ўртасидаги совға-салом алмашиш ҳамда савдо алоқалар (He Yan. Mingdai Xiyu yu Zhongyuande tonggong hushi maoyi). Б. 42-43.

³¹⁴ Буриев А.Б., Колганов А. Об одном участке Великого шелкового пути. С. 107.

³¹⁵ Инцзун – 1457-1465 йилларда ҳукмронлик қилган императори Чжу Чичжэнга вафот этганидан кейин ҳурмат юзасидан берилган унвон номи.

солноманинг 71-бобида шундай дейилган: «Чой Хитойдан олиб чиқилиши ман этилган махсулотдир»³¹⁶. Шу асарнинг 113-бобида эса: «... чой ва металл қуролларни молга айирбошлаш [асосида сотиш] мумкин эмас. Уларни фақат махсус рухсат билан Хитойдан олиб кетиш мумкин», деб ёзилган³¹⁷.

Шу каби ва бошқа маълумотлар «Хаққоний хотиралар» («Минг шилу») да келтирилади, лекин афсуски, бу манба қўлимизда бўлмагани учун биз фақат Японияда «Тойо Бунко илмий-текшириш институти ахборотлари» да чоп этилган айрим парчаларда келтирилади³¹⁸.

«Тойо Бунко» ҳақида икки оғиз сўз. «Тойо Бунко» икки вазифани бажаради, кутубхона ва илмий-тадқиқот институти. Кутубхона сифатида у 1917 йилда ташкил топган. Бу вақтида Ивасаки Хисайя (1865-1955) Хитой республикаси президентининг маслаҳатчиси бўлган Жорж Эрнест Моррисондан (1865-1920) 24 минг жилддан иборат китоблар коллекциясини сотиб олади. Уларнинг аксарияти европа тилларида ёзилган Хитой ҳақидаги китоблар эди.

«Тойо Бунко»даги китоблар икки асосий тоифага бўлинади: *гарбий китоблар ёки европа тилларидаги ёзилган китоблар* ва бошқа тиллардаги, шу жумладан, хитой тилидаги китоблар. Хитой китоблари, айниқса эски нашрлар ва қўлёзмаларга келсак, бу борада кутубхона машҳур Империял Хаусхоулд лайбрари, Кэбинет Лайбрари ёки Сеикадо Бункодан кейин туради. Лекин китобларни

³¹⁶ Шинжянг тарихий материаллари тўплами (Xinjiang difang lishi ziliao xuanji). Б.236.

³¹⁷ Ўша ерда.

³¹⁸ Watanabe Hiroshi. An Index of Embassies and Tribute Missions from Islamic Countries to Ming China as Recorded in the Ming Shih In Classified According to Geographic Area // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko. – Tokyo, 1975. – #33. – P.285-347.

тартибга солиш ва аннотация килиш ишларида улардан қолишмайди.

«Тойо Бунко» кутубхонасида Хитойнинг 60 минг махсус сонли 3000 та газетаси, 800 га яқин шажаралар, 1500 дан ортиқ турли тўпламлар, қарийб 6000 та тўпламлардан парчалар (*вэнцзи*), Цин даври (1644-1911) *урушлар тавсифи (фанлюэ)* нинг тўлиқ тўплами. Цин даврининг «Who is who?» («Ким аслида ким?») тўлиқ мажмуаси, башоратчиларнинг 800 га яқин суяк қолдиқлари ва ҳоказолар мавжуд.

САМАРҚАНД ВА ТУРКИСТОННИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИДАН ХИТОЙГА КЕЛГАН ЭЛЧИЛАР

Йиллар	Элчи юборган шахс	Элчиларнинг исми	Олиб келинган моллар
1388	Тэмуэр (Темур) Кулайгань (Кўрагон)	Маньяла Хафэйсы (Мавлоно Хофизий) ва бошқалар	отлар – 15 туялар – 2
1389	Темур Кўрагон	Мавлоно Хофизий 8 киши	отлар – 205
1392	Темур Кўрагон	Шэхали (Шай Али) ва яна бошқалар	отлар, туялар ва бошқа маҳаллий моллар
1393	Темур Кўрагон	Ваньху ницзюбудин ва бошқалар	
1395	„	Қурбоши Далимиши ва бошқалар	отлар – 200
1396	„	Далимиши ва бошқалар	отлар – 212
1397	„	Алемадань ва бошқалар 20 киши, мусульмон Чжалула ва яна 191 киши	отлар – 1095

1407	Хали(Халил)	Элчи Хусида ва бошқалар	маҳаллий моллар
1408	Халил	Шахэй Нуэрдин(Шайх) Нуриддин ва бошқалар	
1409	бошқа жойдан	Махэйма (Муҳаммад) Далимиши ва бошқалар	отлар
„	бошқа жойдан	Хэйман ва бошқа 8 киши	маҳаллий моллар
1410	бошқа жойдан	мусульмон Хочжамаэр (Хўжа Умар) ва бошқалар	нефрит,нашат ир
1411	бошқа жойдан	Инду ва бошқалар	маҳаллий моллар
1413	бошқа жойдан	Хочжэдин ва бошқа 150 киши элчи	маҳаллий моллар
„	„	элчи	отлар
1415	„	далахань (тархан) Чжэмалидин (Жамолиддин) ва бошқалар	отлар
„	Улубо (Улуғбек)	элчи Бобохуа Махэйму (Бобохон Махмуд)	ғарб отлари , қоплонлар, маҳаллий моллар
1416	„	мусульмон Фахуэрдин (Фахриддин) ва бошқалар	отлар – 170 , маҳаллий моллар
1417	„	Элчи (исми номаълум)	отлар , маҳаллий моллар
1418	Улуғбек	элчи Аэрдуша (Ардашер) ва бошқалар	машхур отлар, қоплонлар

1419	„	Далимиши ва бошқалар	отлар , маҳаллий моллар
1420	„	элчи(исми номаълум)	Отлар
1424	„	Далим (Далими)	қўйлар, отлар
1426	„	байху (юзбоши) Махэйма (Махмуд) ва бошқалар	отлар, маҳаллий моллар
1427	„	тархан Махмуд Далимиши ва бошқалар	отлар, кумуш идишлар (буюмлар), маҳаллий моллар
„	„	тархан Хочжэ Сала (Хожа Сала) ва бошқалар	отлар
„	„	Хасань (Ҳасан) ва бошқалар	отлар, маҳаллий моллар
1428	„	тархан Ису (Исо) ва бошқалар	отлар
1429	„	Алиша (Алишер) ва бошқалар	отлар, олтин ва кумуш идишлар
„	„	тархан Адула (Абдулла) ва бошқа 40 киши	отлар
1430	Улуғбек Мирзо ва бошқалар	Буяньхоли (Буёнкули) ва бошқалар	маҳаллий моллар
„	Улуғбек Мирзо ва бошқалар	элчи Буянь Чжофаэр (Баён Жаъфар) ва бошқалар	маҳаллий моллар
1433	бошқа жойдан	элчи	Зиёфат (банкет)
„	„	элчи тархан Исо ва бошқалар	Отлар

1435	„	„	Отлар
1437	Улуғбек Мирзо ва бошкалар	элчи Махэйму Туминь (Махмуд Туман)	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
„	„	Кучу-далахань (Кучи тархан) ва бошкалар	отлар, туялар ва бошқа моллар
1439	бошқа жойдан, Улуғбек Кўрагон	элчи Жаъфар	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
1440	„	Махмуд ва бошкалар	отлар, туялар ва бошқа моллар
„	бошқа жойдан	элчи Туэрту Боянь баши	отлар, туялар ва бошқалар
1445	„	Боянь Таба (Баён Тобон)	отлар, туялар, олтин, иплар, қоплонлар, нефрит ва бошқалар
1446	„	„	совғалар
1447	„	Шайх Махейма (Шайх Махмуд), Тото Бухуа ва бошкалар	отлар – 63, туялар – 27 ,, нефрит – 200 цзин ва бошқа моллар
1448	„	Шайх Махмуд, Тумайту Начжимудин (Нажмиддин), Али, Ахэй ма Махайма (Ахмад Махмуд) ва бошкалар	совғалар
1449	„	„	совғалар

1457	бошқа жойдан	элчи элчи Махмуд Шэлибань ва бошкалар	отлар, туялар, маҳаллий моллар
„	Бусаинь-ван	элчи	совғалар, маҳаллий моллар
1476	„	элчи Махмуд Шэлибан ва бошкалар	отлар, туялар
1478	Солутань Махэйван (Султон Муҳаммадхон)	элчи Сеимасуэр (Саид Мансур) ва бошкалар	отлар
1480	„	элчи Маньла Махеймамуды (Мавлоно Махмуд) ва бошкалар	отлар
1481	„	элчи	арслон(шер)лар
„	Султон Аҳмад	„	отлар ва бошқа моллар
„	Султон Аҳмад	Палювань (Паҳлавон) Махама Хачжи (Махмуд Хужа), Эрсинь ва бошкалар	арслон(шер)лар
„	„	элчи	арслон(шер)лар
1488	Султон Аҳмад ва бошкалар	элчи Алаодаолабо (Алоуддавла) ва бошкалар	нефрит, отлар ва бошқа моллар
1489	Ахэйма-ван Аҳмад-хон)	элчи	Арслон (шер)лар ва бошқа моллар
1490	Махэйма-ван (Махмуд-хон)	элчи	отлар, туялар, нефрит ва

			бошқа моллар
1490	Султон Аҳмад ва бошкалар	элчи	арслон ва бошқа
„	бошка жойдан	Баба (Бобо) ва бошкалар	моллар
„	Бошка жойдан, Султон Аҳмадхон	элчи	совғалар
1492	бошка жойдан	қўрбоши	совғалар
1500	бошка жойдан, Кулигань (Кулихон) ва бошкалар	Цзайнаабидин (Зайнобиддин)	совғалар
1504	бошка жойдан	элчи Махэйму (Махмуд) ва бошкалар	совғалар
1505	бошка жойдан	элчи Хочжэ Хафэй (Хўжа Фаҳриддин)	совғалар
1508	Шанбо-ван (Шайбо нийхон)	элчи Махэйма Хочжа (Махмуд Хужа)	отлар, туялар ва бошқа маҳаллий моллар
1509	„	Сутань Маньсуэр (Султон Мансур) ва бошкалар	отлар, туялар
1510	бошка жойдан, Шайбо-ван (Шайбо нийхон)	элчи Мавлоно Вэньдусы	совғалар
„	бошка жойдан, Палювань Сутань Маньсуэр (Паҳлавон Султон Мансур) ва бошкалар	„	отлар, туялар, маҳаллий моллар

„	бошка жойдан, Пахлавон Султон Мансур	Халаяды ва бошкалар	отлар, туялар, махаллий моллар
1514	бошка жойдан	Шайбонийхон ва бошкалар	отлар, туялар ва бошка моллар
1515	бошка жойдан	элчи Хочжэ Хасинь (Хўжа Ҳасан) ва бошкалар	совғалар
„	бошка жойдан, Сутань Бабуэр (Султон Бобур) ва бошқалар	Хўжа Ҳасан	отлар ва махаллий моллар
1519	Кэчжун (Кучкунчихон) ва бошқалар	элчи Бахаодин (Баҳоуддин) ва бошқалар	отлар, махаллий моллар
1521	„	элчи Баҳоуддин ва бошқалар	махаллий моллар
1523	„	элчи Тулусунь ва бошқалар	совғалар
„	бошка жойдан, Пахлавон Цзайна (Зайниддинхон)	элчи Тулусунь, элчи Мавлоно Нешэнь ва бошқалар	совғалар, отлар, махаллий моллар
1529	бошка жойдан, Сулайми-ван (Сулай монхон) ва бошқалар	элчи Хочжэ Хачжи (Хўжа Ҳожи) ва бошқалар	отлар, махаллий моллар
1532	Султон Абусеи (Абу саид) ва бошқалар	элчи	совғалар
1537	„	„	совғалар
1543	бошка жойдан, Султон Мансур ва бошқалар	қўрбоши Миле Адусеминь (Мели Абдуссамад) ва бошқалар	отлар ва махаллий моллар

1548	5 жойдан , Султон Мушафаэр (Музаф фар) ва бошқалар	элчи „	отлар ва маҳаллий моллар
1554	4 жойдан, Паҳлавон Султон Шамушафаэр Шайх Музаффар) ва бошқалар	элчи „	маҳаллий моллар
1559	бошка жойдан, Султон Шайх Музаффар ва бошқалар	элчи „	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
1575	бошка 5 жойдан, Паҳлавон Махэйма Али Бубадуэр (Муҳаммад Али Ба ҳодир) ва бошқалар	элчи Хожа Ҳасан ва бошқалар	отлар ва маҳаллий моллар
„	бошка 5 жойдан	элчи	отлар ва маҳаллий моллар
1618	„	„	отлар ва маҳаллий моллар
Хуросондан (1405 йилда тахтга Темурнинг 4-ўғли Шохрух ўтирди)			
1409	бошка жойдан	элчи Малай ва бошқалар	ғарб отлар – 550
1410	Шахалу Бадуэр (Шох Малик Баҳодир)	Қўрбоши Миэрцзила ва бошқалар	маҳаллий моллар

1413	Шоҳ Малик Баҳодир	элчи амалдор Махама (Маҳмуд) ва бошқалар	отлар, шерлар, қоплонлар ва маҳаллий моллар
1415	Шоҳ Малик Баҳодир	Чжабухуа ва бошқалар	қоплонлар, ғарб отлар, маҳаллий моллар
1417	„	элчи „	отлар, маҳаллий моллар
1418	Шоҳ Малик Баҳодир	бошқалар элчи Аэрдуша (Ардашер) ва бошқалар	машхур отлар, қоплонлар
1419	„	мусулмон Алихоши Амань (Али Хўжа Омон) ва бошқалар	отлар
1420	„	элчи „	отлар
1422	ҳамма давлатлар	элчилар „	отлар
1427	„	тархан Ибулацзинь (Иброҳим) ва бошқалар	Отлар
1432	„	элчи Фахуэрдин (Фахриддин) ва бошқалар	Ишлар хусусида
„	бошка жойдан, Шайх Малик Мирзо	элчи Масу (Мансур) ва бошқалар	туялар, отлар, нефрит
1433	бошка жойдан	элчи „	саройга келдилар
„	Шайх Малик Султон ва бошқалар	элчи Али Шашаньен	отлар
Шероз (Шиласы) дан			
1413	бошка жойдан	элчи „	отлар, ғарб отлар

			қоплонлар ва бошқа моллар
1415	бошқа жойдан, Иброҳим	элчи „	отлар, ғарб отлар, маҳаллий моллар
1419	бошқа жойдан	элчи „	ғарб отлар, қоплонлар, шерлар ва бошқа моллар
1423	„	элчи Али ва бошқалар	отлар
1427	„	Али	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
1431	„	мусульмон тархан Маҳмуд ва бошқалар	маҳаллий моллар
Ҳирот (Хэйлоу) дан			
1437	бошқа жойдан, Шайх Малик Султон ва бошқалар	Элчи Хачжи махама (Хўжа Муҳаммад)	отлар, туялар ва маҳаллий моллар
„	бошқа жойдан (31 жой)	ҳаммаси 101 киши	туялар – 7, отлар – 247, мул – 12, эшак – 10, нефрит – 341, бўлак, нашатир – 76 қоп, (яшик)
1455	32 жойдан, Бабуэр-ван (Абул Қосим) ва бошқалар	элчи „	отлар ва маҳаллий моллар
1459	бошқа жойдан	„	совғалар
1463	бошқа жойдан	элчи Машэбань	„

„	Маҳаллий Мусайиван	элчи Маҳмуд	маҳаллий моллар
1481	„	элчи „	Шерлар
Исфохон (Исыфохань)дан			
1419	бошка жойдан	элчи Махаму (Муҳаммад)	Ғарб отлари
1431	бошка жойдан	элчи Миэр Али (Мир Али)	отлар ва маҳаллий моллар
1434	„	мусульмон Мир Али ва бошқалар	отлар ва туялар
1491	„	элчи „	шерлар
„	Маҳаллий Султон Аҳмад ва бошқалар	„	ғарб отлари ва юрттан келтирилган пичоқлар ва бошқалар
Тошкент (Ташихань)дан			
1500	бошка жойдан	элчи Мавлоно Аликэ ва Насуэрдин (Насриддин) ва бошқалар	совғалар

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ЧИН (МАНЧЖУР) ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР

Бухоро амирлиги (1753-1920) ва Хитой (Чин империяси) ўртасидаги сиёсий-дипломатик, иқтисодий алоқалар олиб борилган. Ушбу алоқалар икки давлатга чегарадош бўлган Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлган. Чунки, Бухоро ва Хитойни боғлайдиган карвон йўллари Қўқон хонлиги худудидан ўтган эди. Икки давлат ўртасидаги сиёсий-дипломатик, иқтисодий алоқаларни икки босқичга ажратиб олиш мумкин: 1753-1868 йиллар бўлиб, бу даврда Бухоро амирлиги ташкил топиши, мустақил давлат сифатида ташқи алоқаларни, жумладан, Хитой билан элчилик, савдо муносабатларини йўлга қўйилиши. 1868-1920 йиллар давомида амирлик ташқи сиёсатда Россия империяси таъсири остида бўлса ҳам, иқтисодий алоқалар олиб борилган.

1753 йилда Бухоро хонлигидаги сиёсий, иқтисодий инқироз туфайли ҳокимият тепасига манғитлар келган. Ушбу инқироздан чиқиш ва қўшни давлатлар билан дипломатик, савдо алоқаларини ўрнатишга интиланлар. 1760 йилда Бухоро амири Дониёлбий оталиқ (1758-1785) хузурига элчилар юборилган. Манчжур императори Цяньлун (1736-1796) Бухоро амирлиги ҳақида маълумотлар тўплаш ва ушбу давлат билан билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш учун Соному Чэлин (索诺木车凌) ва Удаи (伍代)³¹⁹ ни юборган. Император элчилари Соному Чэлин ва Удаилар қирғиз ерлари, Қўқон хонлиги худудларига келиб, Эрдона хузурида бўлганлар. Цяньлуннинг

³¹⁹ Соному Чэлин 1770 йилда Урумчи ҳокими, Или ҳарбий губернатори бўлган. Удаи эса Тарбағатой амбони лавозимида фаолият олиб борган.

Соному Чэлин ва Удаини Қўқон хонлигига юборишдан мақсади Бухоро амирлиги ва унинг Қўқон хонлиги билан муносабатлари ҳақида ҳам маълумотлар тўплаш бўлган. Улар Бухорога бормоқчи бўлишган, бироқ, Эрдона бунга розилик бермаган. Эрдона Бухоро қалъаси Қўқондан анча узоқда жойлашганлиги, Қўқон ва Бухоро ўртасида Ўратепа, Хўжанд, Жиззах ва Самарқанд каби шаҳарлар мавжуд бўлиб, бу шаҳарларда нотинч вазият ҳукмронлигини элчиларга тушунтирган. Ҳақиқатдан ҳам бу вақтда Бухоро амирлигида сиёсий нотинчлик мавжуд эди.

Бухоро тахтида Амир Дониёлбий оталиққа ҳам эски сиёсий муаммолар – айрим амирларнинг итоатсизлиги мерос бўлиб ўтган эди. Бухоро тарихчиси Абдулазиз Сомийнинг ёзишича: «Бир йилдан кейин узоқ вилоятлар – Ўратепа ва Ҳисордаги айрим исёнкор ва ғалаёнчилар итоаткорлик йўлидан чиқдилар»³²⁰. Марказлаштириш сиёсатидан норози бўлган кенегес, юз, баҳрин, баркут ва сарой каби уруғлар бошлиқлари тез-тез исён кўтаришган. Исёнлар ва ўзаро курашлар, кўпгина амалдорларнинг ўзбошимчалиги маданиятига катта зарар келтирди. Аҳмад Донишнинг кўрсатишича, Дониёлбий ҳукмронлиги даврида Бухорода «давлат ва дин»нинг ўзаро келишмовчилиги юзага келди. «Кўпгина мадраса ва масжидларда машғулотлар ва намоз ўқиш тўхтаб қолди. Мадраса хужралари сув ташувчи эшаклар учун оғилхона ва баққолнинг буғдойи сақланадиган ерга айланди», – деб ёзган муаллиф³²¹. Шунингдек, Цяньлуннинг қариндоши, Шарқий Туркистондаги манчжур қўшин қўмондони, генерал Чжао Хуэй³²²га

³²⁰ Мирза Абдал Азим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (История Мангытских государей) / Изд. текста, предисл., пер. Л.М. Епифановой. М.: Наука, 1962. С. 49.

³²¹ Трактат Ахмада Дониша «История мангытской династии/ Пер., предисл., примеч. И.Н. Наджафовой. Душанбе: Дониш, 1967. С. 97.

³²² Чжао Хуэй (兆惠, 1708-1764 йил 10 декабрида Пекинда вафот этган) – манжур империяси генерали. Император Цяньлуннинг

қоратоғлик хўжалардан бўлган Хожа Куш Кефакбек бу борада ўз маслаҳатини берган:

«Илгари, Марказий Осиёда мусулмонлари ва бурутлар (қирғизлар) орасида Бухоро хонлиги кучли давлат хисобланган. Бухоро тахтига хоннинг амакиси³²³ келиши билан мусулмонлар ва қирғизлар у билан алоқа қилмай кўйди. Катта кучга эга ва нуфузли шахслар ўзлари хон деб ихтиёрий равишда атай бошладилар. Бурутлар (қирғизлар – Ш.Қ.) орасида эса бундай шахслар чиқмади. Чунки бурутлар кўчманчи халқ бўлиб, бир жойдан иккинчи жой кўчиб юради. Бир жойда муқим турмайди. Агар улар орасида кимдир ўзини хон ёки хукмдор атаса унга бўйсиниб, бир жойда муқим қолишига тўғри келарди. Қўқонлик Эрдона бир неча шаҳарларни бошқаради. Чунки у катта кучга эга, унинг қирғизлар орасида ҳам таъсири катта. Ҳозир саяк, сарибағиш, кушчи ва қорабағиш қирғиз қабилалари Эрдона билан алоқа ўрнатмаган. Шунга қарамай, Эрдонанинг атрофидаги бурутларнинг ичкилик қабиласи унинг фуқаролари хисоб-ланади. Мен Куш Кефакбек узоқ вақт Андижон атрофидаги тоғларда яшадим. Шу боис, бу ҳудудлардаги маҳаллий шароитлар билан танишман. Ҳозирда Эрдона қирғизларни бошқариш ҳуқуқи бўлган «сарик ёрлик»ни қўлга киритмоқчи. Ҳар бир қирғиз буюк императорга ишонч билдирган. Агар улар у ёки ўзлари томонидан бошқарилмаса, Эрдона «сарик ёрлик» орқали бошқариш ҳуқуқини қўлга киритмоқчи. Бу унинг

қариндоши, отаси будда рухонийси бўлган. 1731 йилдан Манжурияда ҳарбий хизматга чақирилган. 1748 йилдан Цяньлун саройида тан соқчи бўлиб хизмат қилган. 1750 йилда ҳарбий вазирликка ишга ўтган. 1755 йилдан Жунғорияга ҳарбий юришда иштирок этган. 1759-1760 йилларда Или генерали бўлган. 1761 йилда Пекинга саройга қайтган. 1764 йилда вафот этган. 1796 йилда унинг қабри устига мақбара қурилган

³²³ Бу ерда Бухоро амири Амир Дониёлбий оталиқ кўзда тутилмоқда.

асосий мақсади бўлиши керак. Гарчи бурутлар (кирғизлар) ўз хукмдори бўлмаса ҳам яхши бўлиши мумкин. (Бурутлар) улардан бир вакилини белгилаш ва уни бошқариши ишидан Чинга фойда йўқ»³²⁴. Шу билан бирга, Қашғарга келган Бухоро элчилари асли бухоролик бўлган, Ёркенд хонлиги ворислари хўжаларнинг тақдири масаласи билан қизиққанлар. Шу боис, манчжур маъмурияти элчиларни император хузурига юбормасдан, орқасига қайтарган. Бухоро амирлиги 1761-1764 йилларда Афғонистон амири Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1773) бошчилигидаги Чинг империясига қарши тузилган ҳарбий иттифоққа қўшилган.

Хитой манбаларида, 1763 йилнинг бошида Аҳмадшоҳ Дурроний элчиси Хожа Мирза билан бирга, Бухоро амири Дониёлбий оталиқнинг элчиси Абдул-Амучи, Қўқон хони Эрдонанинг элчиси Бобошер ёки Бобобек, Хива хони Темурғозийхон (1757-1764)нинг элчиси Сайиид Қори, қозоқларини кичик жуз уруғи оқсоқоли Абдулмеметнинг элчиси Оқбош-бўлатлар Пекинга юборилганлиги ёзилган³²⁵. Манчжур императорига юборилган қилич, тўртта от олиб келинган, аммо император билан учрашув маросими бўлмаган. Бунинг иккита сабаби бўлган. Биринчиси, Аҳмадшоҳ манчжур императоридан Шарқий Туркистондан асир қилиб олиб кетилган пайғамбар авлодлари бўлмиш хўжаларни топшириш талаби император маъмуриятига ёқмаганлигидир. Иккинчиси эса, хитой дипломатиясидаги элчиларни император қабулидаги «коутоу» маросимини бажаришдан бош тортганлиги бўлган. Чунки бу маросимда элчи императорга «уч марта тиззага чўкиб, тўққиз марта пешонасини ерга теккизиб сажда қилиши»

³²⁴ Хитойнинг Биринчи ижтимоий архивидаги хужжатлар ... 1793. 27, 55: 94–96, QL 24. 10. 13 [1759/12/2].

³²⁵ Дай Цин Гаоцзун. Чунхуанди шилу (Буюк Чин хукмдори Гаоцзуна Чунхуанди бошқаруви тазкираси). Токио, 1937-1938. Б. 670.

лозим эди³²⁶. Ислом шаръий хукмларига биноан, одамга сажда қилинмаслиги боис, элчилар бу маросимни бажаришдан бош тортганлар. Ушбу таъзим маросими фақатгина император ўзига эмас, балки унинг номи ёзилган тахтага ҳам амалга оширилган. Шундай бўлсада, манчжур императорининг маъмурияти Аҳмад-шоҳга аждарҳо тасвири туширилган парча мато (байроқ), ипак ва анжомлар юборган. Афғон элчиси Хўжа Мирза ва унинг йўлбошловчиларини император саҳийлик билан мукофотлаган ва ўз ватанларига кузатиб қўйилган. 1764 йилда амир Дониёлбий оталиқ Носирбек ва Диёрбек исмли элчиларини Ёркендга юборган, аммо, улар ҳам орқасига қайтарилган. Бу элчилик асосан Бадахшон масаласида бўлиб, Бухоронинг азалдан таркибий қисми бўлиб келган бу худудни Бухоро қайта босиб олмоқчи бўлган. Аҳмадшоҳ бошчилиги-даги ушбу ҳарбий иттифоқнинг аҳамиятли томонларидан бири ака-ука хўжаларни ўлдирган Бадахшон хукмдори Султоншоҳга қарши ҳарбий ҳаракат бошланган.

1759 йил 15 октябрида Султоншоҳ нафақат ака-ука хўжаларини ўлдирган, балки бутун мусулмон оламида азиз бўлган пайғамбар авлодини ўлдирганликда айбланган эди. 1765 йилда афғон қўшини қўмондони Шоҳ Валихон бошчилигидаги Бухоро ва афғон бирлашган қўшини Бадахшонга бостириб кирган ва Султоншоҳ асир олинган³²⁷. Форс тарихчиси Мирза маълумот беришича, Султоншоҳни асир олиб, ака-ука хўжаларнинг вориси Муҳаммад Имин, яъни Саримсоқ-хўжа қўлига топши-

³²⁶ Кузнецов В.С. Империя Цин и мусульманский мир // Центральная Азия и соседние территории в средние века. История и культура Восточной Азии. Новосибирск: Наука, 1990. С. 162.

³²⁷ История Бадахшана. Тарих-и Бадахшан / Фотографическая репродукция рукописного текста, введение, указатели. Подготовил к изданию А. Н. Болдырев. Л.: Изд-во ЛГУ, 1959. С. 32.

ришган. У Султоншоҳни қатл қилдирган ³²⁸. Ёркенд хўжалари вакиллари Бухоро амирлигининг Бухоро, Самарқанд, Дахбедда яшаганлар. Уларни топшириш бўйича Чин империяси талабини Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳукмдорлари томонидан доимо рад қилган. Шу боис, Қўқон хонлиги томонидан савдо масаласида ўз талабларини биринчи бўлиб қўйганлиги боис, икки давлат ўртасида ўзаро келишувга эришиб келган. Бухоро амирлиги билан эса дипломатик алоқалар Амир Ҳайдар (1800-1826) даврига қадар тўхтатилган. Бадахшон Бухоро таркибига қўшиб олинган бўлса-да, икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари тўхтаб қолмаган. Хитой манбаларида таъкид-ланишича, Чин империяси Бухоро хонлигига ҳам худди Қўқон хонлиги каби вассал сифатида қаралган. Бадахшон ҳукмдорлари ўз элчиларини Бухоро амирлигидаги вилоят ҳокими сифатида элчи юборганда, император Цяньлун мактубида «Вассалимнинг вассали менинг вассалим» деб мурожаат қилган.

Бухоро амири Амир Ҳайдар (1800-1826) икки мамлакат ўртасидаги ўзаро сиёсий ва савдо ишларини йўлга қўйиш мақсадида 1816 йили Қашғардаги манчжур расмий идорасига элчи юборган.

Марказий Осиё давлатларининг дипломатик муносабатлари қоидаларига кўра, бу элчи билан бирга амирнинг мактуби ва совға-саломлари ҳам жўнатилган эди. Аммо бу элчиликка Қашғардаги Хитойнинг манчжур идораси вакиллари томонидан расмий жавоб берилмаган. Бу ҳақда, япон олими Торо Согучи 1821 йилда манчжур ноиб Хсиу-кун (Hsiu-kun) томонидан ёзилган ҳисоботида:

«Саид амир Ҳайдар (Se-i-te e-mi-erh-ai-ta-erh) Бухоро беги (амир – Ш.Қ.) Қашғар беги Ҳақимга мактуб жўнатиб, бундан аввалроқ, 1816 йили Бухоро беги Қашғардаги

³²⁸ Материалы по истории туркмен и Туркмении. Ашхабад: Илим, 1967. С. 209-210.

Хитой ҳукуматига ўлпон (хирож) жўнатган, аммо ҳалигача Хитой императори аъло ҳазратларини расмий ҳукумат мактуби ёки совғалар қабул қилган ҳақидаги хабарни олмадик», – деб маълумот беради³²⁹. Ҳисоботда Хитойга юборилган нарса аслида ўлпон (хирож) эмас, совға-салом бўлиб, Хитойнинг қадимий ва ўрта аср дипломатик муносабатларида кўшни давлатлардан келган ҳар қандай совға-салом ўлпон ёки хирож тарзида қабул қилинган. Амир Ҳайдарнинг элчи ва мактубига Хитой томонининг расмий жавоб бермаганини турлича баҳолаш мумкин. Биринчидан, Бухорода яшаётган Ёркенд хонлиги (1514 – 1759) ворислари ҳисобланган хўжаларни топшириш ҳақидаги манчжур императорининг мурожаат-номасига Бухоро амири томонидан жавоб ёзилмаганлиги³³⁰. Иккинчидан, Ёркенд хўжаларини Шарқий Туркистонга киритмаслик борасида Қўқон хонлиги ва Хитой ўртасида имзоланган махфий битим ҳам сабаб бўлган.

Амир Ҳайдарнинг Хитойга юборилган иккита мактуби ҳозирга қадар сақланиб келмоқда. Улардан бири Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими кўлөзмалари фонди А212 рақам остида сақланаётган «Мактубот ва муншаот» номли кўлөзмасининг 115б-116а варақларида берилган. Унда шундай сатрлар берилган:

«Ва ин мактубро ба ҳокимони Қошғар навиштанд. ...ҳукумат ва иморатпаноҳлар, шавкат ва маноатдастгоҳлар, рафъат ва манзилат интибоҳлар, олийжоҳлар Қошғар мамлакатининг мансаб тавоман ва ҳокимлари вафури инояти подшоҳона васнуфи истиноати ҳисраво-

³²⁹ Пан Чжипинг. Чжунгъя Хуохан-гуо юй Циндай Шинжянг (Марказий Осиёдаги Қўқон хонлиги ва Чин империяси даврида Синцзян). Урумчи, 1991. Б. 107.

³³⁰ Кутлуков М. Взаимоотношения цинского Китая с Кокандским ханством // Китай и соседи в новое и новейшее время. Москва., 1982. Б. 203.

намиздин муфтаҳир ва мубоҳи бўлиб билсунларким, подшоҳи олиймақом ва ҳикомии зуйи ал-ихтишимнинг вужуди шарифлари, фуқаро ва масокин, тужжор ва мутараддиннинг бо аъш ва оромиш ва фароғат ва осойиш, беҳбудчилигидир. Қўқоннинг беги ўзини ҳолини билмай беадаблик жодасида қадам қўйиб, аҳли туғён фасод бўлди. Қўқон йўлидан амният кўтарилди. Бу йўлдан келатурғон мусофир бечораларнинг ҳолига зарар ва заҳмат етса онинг уволи у ён ҳоқонга, бу ён бизнинг зиммамизда бўлур. Бадахшон (1166) йўли амният тўғри йўл, ҳокими бўлса бизнинг қуйи аънод давлатимизнинг итоат ва он қиёдиға тужжор ва мутараддимизга ёр. Қўқон йўлини ташлаб, Бадахшон йўлидан бориш келиш қилсунлар»³³¹.

Амир Ҳайдарнинг иккинчи мактуби Хитойда, Пекиндаги Биринчи ижтимоий архиви № 03-0211-4593-017 рақам остида сақланади. Мактубда қуйидагилар ёзилган: «...Ҳукуматпаноҳ ва шавкат, маноатдастгоҳ, рафъат ва манзилат интибоҳ, Улуғ ҳоқоннинг эсонлигин сўраб, бир улуғ уч оёғлик бир улуғ шабкали коса бир қулоғлик коса бир оқ кашти бир зумрадлик кашти, бир улуғ сарфушлик қути бир улуғ уч оёғлик яшил коса бир оқ тўрт уйли қути бир бодоми қути бир икки уйли оқ қути бир икки қулоғлик оқ туфдон бир оқ луҳ поя, бир оқ шабкали кўзгу, бир зумрадлик таҳси бир думчали барг, бир жуҳрадор қилич, икки тўққуз адрас, уч йўрға от бир қаторлик нарсани берсами ҳадя юбордук.

Ҳаёл қилсақ, улуғ подшоҳ олий ақом ва ҳаккимзуй илахташомни кўланкаларида фуқаро ва райя ва баройя ва мискин ва мутаффин ва тужжор митриддин оройиш ва осойиш ва фароғотда бўлса керак. Бу биргазида халқнинг вужуди шарифлари боис оломон ва оломон турур. Бизнинг

³³¹ Мактубот ва муншаот. Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими қўлғезмалар фонди, инв. № А212.

савдогар халқнинг ўзига ва молига зарар бўлса, они ва боли у ёқ, улуғ ҳоқонга бу ёқ бизни зиммамизга бўлғусидур. Шу ажур [...] Қўқондни беги бизни еримизнинг савдога борардурғон халқ шу ернинг еридин бизни савдогар халқга озор бериб, ўтказмадур. Мундин кейин бизни еримиздин борадурғон савдогар халқ бу йўл билан юрмай, бу ердин Кошғарга савдога борадурғон Бадахшон тарафи билан йўл бор. Бадахшонни ҳокими бўлса бизни кучлук давлатимизга итоат қилиб йуланиб турур. Бу ҳам бўлса мундин кейин юрадурғон халқ Бадахшон йўли билан борса яхши бўладур. Қолғон сўз оғзимиз бизнинг ихлослик ақидатлу Мир Олим мутавалли эшитиб борадур. Айтса инонсунлар. Жумадул аввалнинг йигирмасида битилди сана 1221»³³².

Ҳар икки мактубнинг мазмуни бир ҳил ҳисобланади. Бироқ биринчи мактуб қўлёзмага қайта кўчирилганлиги боис, тўлиқ эмас ҳамда нусха ҳисобланади. Иккинчи мактуб асл нусха ҳисобланади. Шу боис, ундаги маълумотларда амирнинг совғалари рўйҳати, императорга табриги ҳамда элчининг исми ҳам берилган. Санаси ҳам аниқ қилиб ёзилган.

Мактубларда икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларга Қўқон хонлигининг таъсири ёзилган. Айниқса, савдо алоқаларида Қўқон хонлари тўсиқ бўлаётганлигини, бухоро-лик савдогарлар хавфсизлигини таъминлай олмаётган-лигидан шикоят қилган. Шу боис, икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларини Бадахшон йўли орқали давом эттиришни таклиф қилган.

Ўрта Осиё хонликлари, жумладан, Бухоро амирлиги билан Хитой ўртасидаги боғланадиган карвон йўллари Қўқон хонлиги, Шарқий Туркистон орқали ўтиб, асосан учта йўналишга эга эди.

³³² Амир Ҳайдар мактуби. Пекин, Биринчи ижтимоий архив. № 03-0211-4593-017 рақам

Биринчи йўналиш: Бухоро–Тошкент–Гулжа–Урумчи – Кумул –Пекин.

Иккинчи йўналиш: Бухоро–Самарқанд–Бадахшон–Қоратегин–Ёркенд–Хўтон–Хэши йўлаги.

Учинчи йўналиш: Фарғона олтин халқа йўли орқали Помир ва Ғарбий Тангри тоғ довлонлар орқали Қашғарга ундан Кучор, Турфон орқали Хитойнинг ички вилоятларига олиб борган.

Ушбу савдо йўлларининг барчасидан туркистонлик савдогарлари ҳам унумли фойдаланганлар.

Қўқон хонлигининг марказий қисми ҳисобланган Фарғона водийси ва Бухоро амирлигини боғлаган кўплаб сўқмоқ йўллар билан бирга, икки йирик карвон йўли мавжуд бўлган. Уларнинг биринчисида, Қўқондан чиққан карвон Бешариқ, Маҳрам, Хўжанд, Ўратепа, Зомин, Жиззах, Янгиқўрғон ва Самарқанд орқали ўтиб Бухорога борган, иккинчисида, Қўқондан чиққан карвон Бешариқ, Маҳрам, Хўжанд, Ўратепа, Жом, Равот, Жиззах, Янгиқўрғон ва Самарқанд орқали Бухорога келган. Биринчи карвон йўли 526 верст масофадан иборат бўлган бўлса, иккинчи карвон йўли 615 верст эди³³³. Қўқон – Бухоро орасида карвонлар 20 – 23 кун атрофида манзилга етиб борган ва бу йўлларда туя, отлар билан бирга Қўқон араваларидан ҳам кенг фойдаланилган.

XIX аср 20-йилларида Бухорода бўлган Е. К. Мейендорф, – «.....қўқонлик савдогарлар Бухорога ўз молларини аравада келтирадилар» – деб ёзган эди³³⁴. Бухоро-Қўқон карвонидаги асосий юк ташувчи ҳисобланган туя учун об-ҳаво ва сиёсий вазиятга қараб, 2 тиллодан 3,75 тиллогача хизмат ҳақи берилган³³⁵. Бухоро

³³³ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией. СПб. 1856. С. 176.

³³⁴ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Москва. 1975. С. 108.

³³⁵ Кокан // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. С.142.

амирлигидан Тошкент орқали ҳам Хитойга борилган. Бухородан Тошкентга бориш учун Арабхона орқали Янгиқўрғон, Жиззах, Ровот, Чиноз ва Тошкентга етиб олса бўлади. Бу карвон йўли 498 верст масофадан иборат бўлган. Шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Оққўрғон, Янгиқўрғон, Жиззах, Чиноз ва Тошкент орқали борадиган 518 верстли карвон йўли ҳам мавжуд эди. П. И. Небольсин маълумотларига кўра, юқоридаги икки йирик карвон йўлидан ташқари Бухородан Тошкентга Қўқон орқали келувчи 711 верстли Бухоро, Ғиждувон, Янгиқўрғон, Хатирчи, Пайшамби, Жиззах, Зомин, Ўратепа, Хўжанд, Маҳрам, Башариқ, Қўқон, Шайдон, Тўйтепа, Тошкент карвон йўли ҳам мавжуд бўлган³³⁶.

Тошкентдан эса Хитойга учта йўналишда бориш мумкин: бири қозоқ ерлари орқали Сибирь ва Хитой, иккинчиси қирғиз ерлари, Ғулжа, Урумчи орқали ва учинчи йўналиш Фарғона водийси, Шарқий Туркистон йўналишлари мавжуд. Бухоро амирлиги билан Хитойга олиб борувчи карвон йўлларидан бири Қозоғистон орқали, Ғарбий Сибирь орқали олиб борувчи тармоғи хисобланади. Қўқон хонлигидан худудидан ўтмасдан борадиган йўллардан асосан бухоролик, хивалик, рус савдогарлари фойдаланишган. XVII асрнинг ўрталарида бу йўллардан тинимсиз карвонлар ўтишган. Ушбу йўлларни тармоғини икки гуруҳга ажратиб олиш мумкин. Биринчи тармоғи Туркистон йўли деб аталиб, Бухоро, Туркистон, Тоболск, Сучжоу, Пекин орқали жами 4,5 ой йўл юрилган³³⁷. Иккинчи тармоғи Ямишевский йўли бўлиб, Бухоро, Туркистон, Иртиш орқали Ямиш кўли, ундан сўнг Семипалатинск, Чорқурбон дарёси орқали Халма дараси

³³⁶ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией. СПб. 1856. С. 188 – 189.

³³⁷ Вилков О.Н. Очерки социально-экономического развития Сибири конца XVI – начала XVII в. Новосибирск., 1990. С. 132.

борилади, кейин эса Бекон дарёси орқали Чегуляка, кейин Кабарга дарёси, Тарбағатой орқали, Хамар-Табан, Илгель дарёси, Шари-Хулусан, Халаргаш кўли, Урга орқали Хитой худудига ўтади. Жами 60 кун йўл юрилади³³⁸. Яна бир йўналиш Томск тармоғи бўлиб, Бухоро, Туркистон, Тоболск, Томск, Шори, Абакан даралари орқали Фарбий Саян довонидан ўтиб, Хангая ҳамда Болнай даралари билан Қорақурумга кириб борган. Ушбу йўл 1618 йилда очилган бўлиб, савдо карвонлари жами 9-10 хафта йўл юрилган³³⁹. Тўртинчи тармоқ Селенга йўли бўлиб, Селенга, Кяхта, Угра орқали Мўғулистон орқали Пекинга борилган. Ушбу йўл 1666 йилда очилган бўлиб, 4-8 ой юрилган. Бешинчи тармоқ Нарчинск йўли Пекинга борилган.

Амир Ҳайдар мактубида берилган яна бир карвон йўли Бадахшон орқали бўлиб, асосан Помир тоғларидан ўтган. Амир Ҳайдар мактублар ниҳоясида берилган тоғли ва хавфли бўлган Бадахшон йўли аслида Бухоро амирлиги таркибига кирган. Шу боис, 1829 йил ноябрь ойида Бухородан Ёркендга йирик савдо карвонлари тоғли Бадахшон йўли орқали борган³⁴⁰. Ўз навбатида, шу йўл орқали 900 та отга ортилган ёки 200.000 фут³⁴¹ атрофидаги чой Ёркенддан Бухорога олиб келинган³⁴². Аммо бу йўл жуда хавфли бўлиб, айниқса куз ва қиш ойларида тоғни қор

³³⁸ Бакланова Н.А. Привозные товары в Московском государстве во второй половине XVII в. // Очерки по истории торговли и промышленности России в XVII и в начале XVIII столетия. – Москва., 1928. С.54.

³³⁹ Полякова Е.О. Бухарские купцы в русско-китайских торговых отношениях XVII в. // Россия в системе евро-азиатских взаимодействий. 2011. С. 89.

³⁴⁰ Мирзо Содик Мунши. Муншиот ва Мунширот. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 397. - 8б-варақ; № 299/1. 121б варақ.

³⁴¹ 1 фут – 0,3048 м.

³⁴² Бёрнс А. Путешествие в Бухару (1831-1834). Ч. III. Москва, 1849. С. 432.

қоплагандан сўнг савдо карвонлари Бадахшон йўлидан умуман ўтолмаганлар.

Ушбу карвон йўллари орқали бухоролик савдогарлар Шарқий Туркистон ва Хитойда ўз савдо фаолиятларини олиб борганлар.

Бухоролик савдогарлар Хитойда Хан империяси (милоддан аввалги 206 - милодий 220 й.) давридан машҳур бўлган. Уларнинг Пекинда ўз карвонсаройлари бўлган³⁴³. Шарқий Туркистон ҳудудига кўплаб бухороликлар кўчиб келганлиги боис, бу ўлкани «Кичик Бухоро» номи билан атала бошланган.

Ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш анъана сифатида Хитойнинг Хўтан шаҳридан кириб келган ва ҳар ҳолда бутун Ўрта Осиё кенгликларига тарқалган. Бироқ, Тошкент, Хўжанд ва Самарқандда қарийб йўқолиб кетиш даражасига келиб қолган. 1785 йилда Шоҳмурод (1741-1800) томонидан Марв эгаллангач, бу соҳа яна жонланган. У мазкур шаҳарнинг барча аҳолисини Бухорога кўчириб, бу ерда улар машҳур машғулоти саналган пиллачиликни давом эттиришган³⁴⁴. Амир Насрулло замонида уларнинг авлодларига Самарқандда яшашига рухсат берилди ва ўша пайдан пилла етиштириш гуллаб-яшнаб, ҳозирда Зарафшон, Хўжанд ва Қурама туманлари кўплаб қишлоқларининг асосий машғулоти саналади.

Бухоро амирлиги билан Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатлар расман йўлга қўйилмаган бўлсада, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-сотик ишлари тўхтаб қолмаган³⁴⁵. Бу ҳақда, 1820 йилда Бухорога келган Россия империяси элчиларидан С.Негри эсдаликларида

³⁴³ Русско-китайский отношения в XVII в., 169, том 1. С. 290, 414.

³⁴⁴ Южин Скайлер. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. Тошкент: Ўзбекистон, 2019. Б. 143.

³⁴⁵ Пан Чжипинг. Чжунгъя Хуохан-гуо юй Циндай Шинжянг (Марказий Осиёдаги Қўқон хонлиги ва Чин империяси даврида Шинжянг). Урумчи, 1991. Б.104.

қуйидаги маълумот берилган: «Бухоро амирлигининг Хитой билан савдо алоқалари Россиядан сўнг иккинчи ўринда туради ва рус молларини Шарқий Туркистон бозорларига олиб бориб сотишда Бухоро савдогарларининг ўрни муҳим ҳисобланади». Бухоронинг савдо алоқалари ҳақида яна бир россиялик саёҳатчи Е.К. Мейендорфнинг 1820-1821 йилларда Ўрта Осиёга қилган саёҳатидаги маълумотларидан ҳам билиш мумкин. Егор Казимирович ўзининг «Оренбургдан Бухорога саёҳати» асарида шундай ёзган: «Бухоронинг Қашғар билан савдоси Россия билан савдо алоқаларидан кейинги ўринда туради. Бухородан ҳар йили май охири - июнь бошлари оралиғида Терак довоидаги қор кўчкилардан сўнг 700-800 та туядан иборат карвонлар жўнаган»³⁴⁶. Муаллифнинг таъкидлашича, бухороликлар Қашғарга рус моллари (мато, маржонлар, майда марваридлар, тилла парчалар, бахмал, тилла ва кумуш иплар, немис қундуз ёқали пўстини, мўйна, тери, шакар, ойна, асал, жез, игна ва майда темир буюмлар, ойнали буюмлар, рус нанкаси) олиб келинган³⁴⁷.

Қашғарда бухоролик савдогарлар паст навли чой, чинни идишлар, хитой ипаги, хом ипак, равоч, хитой қуйма кумуши ва бошқа молларни сотиб олганлар. Шунингдек, Россия амалдори Г.Спасскийнинг 1825 йилда «Азиатский вестник» журналида чоп эттирган «Новейшее описание Великой Бухарии» мақоласида ёзилишича, Бухородан Қашғарга кўзичоқ териси (қоракўл тери – Ш.Қ.) маҳсулоти олиб бориб сотилган бўлса, у ерда бухоролик савдогарлар ипак ва шойи матолар, хитой чинни идишлари, чой, равоч ва бошқа маҳсулотларни сотиб олганлар³⁴⁸.

³⁴⁶ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Москва. 1975. С. 128.

³⁴⁷ Ўша асар. С. 129.

³⁴⁸ Новейшее описание Бухарии / Составлено Г.Спасским // Азиатский вестник, апрел-май. 1825. С. 3.

1826 йилда Шарқий Туркистонга ўз қўшини билан кириб келган Ёркенд хонлиги вориси Жаҳонгирхўжа манчжур ҳукуматига қарши қўзғолон кўтарган. Ушбу қўзғолон туфайли Қўқон – Хитой махфий шартномаси бузилган. 1828 йили қўзғолон бостирилгач, манчжур ҳукумати Қўқон – Хитой чегарасини ёпди ҳамда Шарқий Туркистонда фаолият олиб бораётган Қўқон савдогарлари ва ҳунармандларининг мол-мулкларини тортиб олиб, чегарадан чиқариб юборган³⁴⁹. Қувиб юборилган Қўқон фуқаролари орасида 200 дан ортиқ бухоролик савдогарлар ҳам бўлган³⁵⁰.

Россия фуқаролари Шарқий Туркистондан моллар сотиб олиш учун Бухоро орқали ҳам боришган. Бу шаҳар Бухоро хонлиги пойтахти бўлиб, шаҳардаги Барра карвонсаройида Шарқий Туркистондан келган савдогарлар тўхташган. Улар бу шаҳарга бир неча хитой моллари: чой (ғиштли ва кўк чой), қуйма кумуш, чинни идишлар ва бошқа моллар олиб келганлар³⁵¹. Бошқа элчи И.В. Виткевич ўзининг хисоботида шундай маълумот берган: «Кумуш Бухорога Қашғардан рус моллари учун келтирилган»³⁵². XIX асрнинг 30 йилларидаги Россия-Қашғар савдо алоқалари ҳақида Буюк Британиянинг Бомбейдаги консулхонаси котиби У.Уатен қуйидагиларни ёзган: «Ёркенднинг яқин шаҳарлар, ҳамда Кашмир, Бадахшон, Хитой ва унинг шимоли-ғарбий қисмида

³⁴⁹ Лю Чжисяо. Уйғур тарихи. Бейжинг, 1987. Б. 1184.

³⁵⁰ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи (Қўқон давлати ва Ғарбий мамлакатлар сиёсати. Пекин, 2006. Б. 200.

³⁵¹ Демезон П.И. Записки о Бухарском ханстве. М.: Наука, 1983. С. 80-81.

³⁵² Ўша асар. С. 105.

жойлашган рус худудлари билан савдо қизғин давом этарди»³⁵³.

Ўрта Осиё хонликлариغا Хитойдан олиб келинадиган молларнинг ичида чой энг асосий ҳисобланган. Ч.Валихонов Шарқий Туркистон савдоси асосан Қўқон ва бухоролик савдогарлар қўлида бўлганлигини қайд этган³⁵⁴. Хитойдан олиб келинадиган чой миқдори ҳақида хитой адабиётларида қуйидаги маълумотлар учрайди:

«XIX асрнинг биринчи ярмида Хитой ичкарасидан Шарқий Туркистон шаҳарларига ҳар йили 4 млн 500 минг фэн³⁵⁵ миқдорида чой олиб келинган. Шундан 200 минг фэн миқдоридаги чой Шарқий Туркистондаги хитой, манчжур ҳарбийлари ва амалдорлари ҳамда маҳаллий мусулмон аҳоли истеъмолига кетган. Қолган 4 млн 300 минг фэн миқдоридаги чой Туркистон шаҳарларидан келган савдогарларига сотилган»³⁵⁶.

Чой маҳсулотларидан ташқари, Шарқий Туркистондан Бухорога турли Хитой матолари, чинни идишлар, Хўтон гиламлари ва кигизлари, шиша тақинчоқлар келтирилган³⁵⁷. Қўқонлик савдогарлар Шарқий Туркистондан Бухорога бўялмаган оқ мато келтирганлар³⁵⁸.

Бухоро амирлигидан Хитойга эса Европа ва Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган матолар, жумладан,

³⁵³ Малоизвестный английский источник по истории Восточного Туркестана / пер. А. Анварова // Известия АН Республики Казахстан: серия общественных наук. 1994. №6. С. 13.

³⁵⁴ Қаранг: Федоров М.Н. Отчет Чокана Валихонова о путешествии в Кашгар как источник по ценам и торговле в Восточном Туркестане, Киргизии и Казахстане // Известия АН Р Киргизистан. Фрунзе, 1991. № 1. С. 61.

³⁵⁵ 1 фэн – 0,373 г.

³⁵⁶ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи. Б. 218.

³⁵⁷ Хорошхин А.П. Заметки о Кокане. «Русский инвалид». Москва., 1869. № 75. С.14.

³⁵⁸ Агзамова Г. XVI-XIX аср бошларида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти. Тарих. фан. докт. ...дисс. Тошкент, 2000. Б. 139.

қизил швейцария чити, француз ва инглиз читлари, Англия ва Американинг қалин сурплари олиб келиб сотилган³⁵⁹. XIX аср бошларида Шарқий Туркистон, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги орқали саёҳат қилган ҳинд савдогари Мир Иззатулла ўз эсдаликларида шундай ёзган: «Ўзбек ва тожик савдогарлари Бухородан Ёркендга маржонлар, феруза, қоракўл терилари, тулки мўйнаси олиб борганлар»³⁶⁰.

Бугунги кунда Бухоро шаҳридаги Ф. Хўжаев уй музейи ташкил қилинган «XIX аср Бухоро савдогарларининг турмуши» кўрғазмасида сақланаётган нафис хитой шоҳқосаси ва чинни идишлари, пиёла ва чойнаклар, товоқ ҳамда япон вазалари ўз вақтида маҳаллий ҳукмдорлар ва савдогарларнинг сарой ва уйларини безаган. Бухоро савдогарлари Шарқий Туркистон шаҳарларида савдо қилиш билан чекланмай, азалий Хитойнинг турли ўлкалари ва Тибетгача етиб борганлар. Тибетдан харид қилинган эчки тивитини (жуннининг энг майин толасини) Кашмирга келтириб, машҳур кашмир шойи рўмоли тўқийдиган ҳунармандларга сотишган.

Шуниси эътиборга лойиқки, 1860 йилларнинг ўрталарига қадар Бухоро ва Хитой ўртасидаги савдо алоқаларида Хитой чойи асосий ўринни ташкил этган. 1862 йилда Ғарбий Хитойда Шарқий Туркистон мусулмонларининг Хитой мустамлакачиларига қарши кўзғолони бошланганига қадар бу мол Янцзи дарёси бўйидаги чой плантацияларидан шу дарёнинг юқори оқими бўйлаб Ёркенд, Қашғар, у ердан Қўқон орқали Бухорога

³⁵⁹ Валихонов Ч.Ч. О состоянии Алтишаар или шести восточных городов Китайской провинции Нан-лу (Малая Бухара) в 1858-1859 гг // Собрание сочинений в пяти томах. Т. 2. Алма-Ата, 1987. С. 52.

³⁶⁰ Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство 1812 году // Труды САГУ. Новая серия. Вып. LXXVIII. Исторические науки. Кн. 11. Ташкент, 1956. С. 72.

келтирилган. Хитой чойининг Ўрта Осиёга келтирилишида бу йўл тўғри ва қисқа йўл бўлган³⁶¹.

А. Вамбери Бухорода Қашғардан 40 бекат узоқликдаги Қумул деган жойдан келган хитойлик чойфуруш дўконида қирқма, ахбар, оққуйруқ, сепет чой, гулбўйи, лўнка каби 16 хил чой турини кўрганлигини, уларни ичида энг сифатлиси лўнка чойи эканлигини қайд этган³⁶².

Россия империяси Ўрта Осиёни мол сотиш бозори, хом ашё манбаи деб билар эди. 1866 йил рус қўшинлари Бухоро амирлиги чегараларига бостириб кирган ва Хўжанд (24 май), Ўратепа (2 октябр), Жиззах (18 октябр) шаҳарларини ишғол қилган. Истило этилган ерларни бошқариш учун 1867 йил Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил этилган. 1868 йил 2 май куни генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари Самарқандни ишғол қилган. Июнь ойида Бухоро амири Музаффар қўшинларига Зирабулоқ яқинида сўнгги қатъий зарба берилган. Амир генерал – губернаторга мурожаат қилиб, сулҳ тузишни сўраган. 1868 йилнинг 23 июнида икки ўртада шартнома имзоланган. Рус қўшинлари босиб олган ерлар подшо Россияси ихтиёрига ўтди; Бухоро амири мустақил ташқи сиёсат юргизиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди; амир рус подшосига 500 минг сўм товон тўлади. 1873 йил 28 сентябрда мазкур шартномага қўшимчалар киритилиб, амирликнинг Россияга қарамлиги янада кучайди. Натижада амирлик ерларининг учдан бир қисми подшо Россияси ихтиёрига ўтган эди; Хўжанд, Ўратепа, Панжикент. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидан тортиб Зирабулоққача бўлган ерлар, Шарқий Бухорода эса Шуғнон, Воҳон, Рўшон вилоятлари, айниқса Зарафшон дарёси юқори ҳавзасининг қўлдан кетиши амирликдаги халқларни асосий ҳаёт манбаи – сувдан маҳрум этилган, бу

³⁶¹ Туркестанский сборник. Т. 26. С. 101.

³⁶² Ўша жойда.

ҳол Бухоро амирлигини Россияга иқтисодий жиҳатдан қарамлигини янада оширган.

Бухоро амирлигининг ташқи сиёсати бевосита Россия империяси таъсир доирасига тушиб қолган эди. Амирликнинг Россия империяси билан дипломатик алоқалари давом этган бўлиб, бошқа хорижий давлатлар, жумладан, Хитой билан сиёсий-дипломатик муносабатлар Россия ҳукумати орқали амалга оширилган. Жумладан, Хитойда савдо қилаётган Бухоро амирлиги фуқароларини ҳуқуқларини Россиянинг Қашғардаги консулхонаси орқали ёрдам олиши мумкин-лигини эътироф этган куйидаги мактубдан ҳам билиш мумкин: «Жаноби олий амири Бухоро. Баъдаз облоғ пиём мухаббаталмуаззам Сиз жаноби олийни муккашшуф хотир қиламан қабул изн Туркистон генерал-губернаторини лавозимларини адо айлаб турғон генерал-майор Курдикуф ўн саккизинчи май ойи ушбу санада мактуби билан Сиз жаноби олийни матлуъ айлаб эканки, Сизни райяларингиздин Кошғар вилоятларида азбаройи тижорат мувақатан истиқомат қилиб турганлар билан баногоҳ Хитой райяларини ўрталарида заву (эгаси) жанжаллари воқеъ бўлса, Сизни райяларингиз бу тўғридин Россия консулини ҳимоятига бўлмоқлари тўғрисидин манъ қилғон. Бул таклифимни Сиз жаноби олийға итлоъ бериб, илтимос айлаб эканлар. Агар муни Сиз жаноб олийлари ўз рағбатингиз ила агар қабул кўрсангиз ғоят бизни муттали воқиф айлангиз деб. Аммо, ул сабиқон юборилғон мактубни жавоби ҳануз Сиздин келмаб экан ва лекин мен Сизни райяларингизни манофиға ҳайриятларига рағбат айлаб би алоқа дўстлик ҳар навъ иложлари билан Бухоро риоялари биз савдолари обод ва ривожлик бўлишиға ёри ва иомат (ёрдам) еткурмоқни хошиш айлаб, Сиз жаноби олийға илтимос қиламан. Бу юборилғон мактубимни мазмуниға мувофиқ дафаъ (бекор қилса) бу тўғридин хат бўйинча менга итмоъ бериб меним эҳтиром айлағайсиз. Боқи бениҳояти илоҳи азбаройи бахт-

саодат фақир кўп йиллар эсон-омон бўлингиз ёзилди. Тошкент шаҳридин йигирма иккинчи июнда 1884 йилда мутаб ўн Рамазон муборак 1351 санада муни аслига Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант Розенбах кўл муҳрлари қўймишлар ва мусулмонча нусҳасига конциляр делага Несторов тўра кўллари кўйди.

Бухоро амирлари ўз фуқароларини Россия империясининг Қашғардаги консулхонасига мурожаат қилишига рухсат берган. Бухоро амирлигининг Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари Россия империяси божхона чизиғига киритилгандан кейин, 1894 йилга келиб ўзининг бурилиш палласига кирди³⁶³. Оқибатда, Ўрта Осиёга қўшни давлатлардан келтириладиган товарлардан олинадиган бож солиғи миқдори оширилади. Бухоро бозорларига рус молларини олиб келиш кўпайди. Бухоро амирлиги билан Хитой ўртасидаги савдо алоқалари асосан Қашғар орқали бўлган. Бухородан Қашғарга фабрика моллари, озиқ-овқат, чорва молларидан отлар олиб борилган. 1894 йилдан сўнг рус моллари Қашғарга кўпроқ Бухоро орқали олиб кириш кўпайган. Хитойдан Бухорога чой ва чой маҳсулотлари кўпроқ олиб келиб сотилган. Ҳар йили Бухорога 150 минг пуд чой, жумладан 125,5 минг пуд кўк чой олиб келинган. Божхона тизимидаги ўзгаришлар оқибатида, хатто амирликка Хитойдан денгиз йўли орқали ҳам мол олиб келиш имконияти юзага келган эди. 1894 йилда Шанхайдан Қора денгиздаги Батум портига чой олиб келинган. Катта миқдордаги бу чой темир йўли орқали Боку, Красноводск, Бухоро ва Самарқандга олиб

³⁶³ Соколов А.Я. Включение Хивы и Бухары в русскую таможенную черту и развитие русско-афганских торговых отношений // Научные труды ТашГУ. Вып. 404. Ташкент, 1971. С. 63-79; Он же. Торговая политика России в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Ташкент: Фан, 1971.

келинган ³⁶⁴. Бу каби транзит ташишлар Ўрта Осиёга, жумладан, Бухорога Британия Ҳиндистон-дан кириб келадиган инглиз маҳсулотларини сотилишини олдини олиш мақсад қилинган.

Хитойдан Ҳиндистон орқали Бухорога келтири-лаётган кўк чой инглизчада «hyssan», Бухорода эса «лўнка чой» дейилар, унинг 1894 – 1900 йилларда келтирилган ҳажми 70-80 минг пудни ташкил этар эди. «Hyssan» (Хайсан) чойи «си-чунь», яъни «гуллаган баҳор» сўзининг инглизчада бузиб айтилган шакли бўлиб, Бухорода «лўнка» дейилса-да аслида хитой тилидаги «лючи» (кўк чой) сўзининг нотўғри талаффузидан келиб чиққан эди.

Лўнка чой Хитойнинг бошқа чойларига нисбатан 5 баравар кўпроқ келтирилар эди ³⁶⁵. Ҳиндистонда етиш-тирилиб, Бухорога келтирилган 20-30 % чой паст сортли чой бўлиб, Бухорода «наузгур», «патта» деб ҳам аталар ҳамда камбағал аҳолининг эрталабки овқати ширчой тайёрланарди.

Бухоро амирлиги ва Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар Шарқий Туркистон орқали бўлган. XX асрнинг 20-30 йилларда ушбу ўлкадаги сиёсий беқарорлик туфайли икки давлат ўртасидаги муносабатларга кескин таъсир қилган.

Юқорида зикр этилганлар асосида қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин.

1) XVIII аср ўрталарида Бухоро амирлиги ва Хитой (Чинг империяси) ўртасидаги дипломатик алоқалар бошланган бўлсада, манфаатлар тўқнашуви, йўлларнинг узоклиги ва учинчи томоннинг воситачилиги сабаб ривожланмаган.

³⁶⁴ Қаранг: Алимжанов Б. Экономическая политика Российской империи в Туркестанском генерал-губернаторстве (вторая половина XIX – начало XX вв.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. СПб, 2016. С. 130.

³⁶⁵ Зелёный чай в Средней Азии / Туркестанский сборник. Т. 511. С. 28.

2) Чинг империяси учун муҳим бўлган хўжалар масаласи оқибатида Бухоро амирлигига ишонч билдира олмаслиги юзага келган. Шу боис, Чин империяси бу давлат билан дипломатик алоқаларни очик қолдирган. Бироқ, иккинчи томондан Марказий Осиёда ўз таъсири кенгайтириб бораётган амирлик билан савдо алоқаларини олиб борган.

3) Икки давлат ўртасидаги савдо ва дипломатик муносабатлар XVIII асрнинг 60 йиллари ва XIX асрнинг 20-30 йиллар оралиғида юз берган. Элчилик миссиялари ва ўзаро ёзишмалар бу муносабатларни ёрқин далили хисобланади.

4) Асосан учта йўналишдаги карвон йўлларида савдо алоқалар қизғин бўлган. Айниқса, бухоролик савдогарларнинг Шарқий Туркистондаги савдо фаолияти тинчлик даврда кескин ортган. Карвон йўлларидаги қийинчиликлар бунга таъсир кўрсатмаган.

5) 1868 йилдаги Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги ўзаро шартномага мувофиқ, амирлик ташқи сиёсатда Россия империясига қарам бўлиб келган. Тўғридан-тўғри олиб бориладиган элчилик алоқалари тўхтаган. Ўзаро дипломатик муносабатлар Туркестон генерал-губернаторлиги орқали амалга оширилган.

6) 1894 йилда амирликнинг Россия бож тизимида ўтиши оқибатида Хитой билан савдо алоқалари ривож топган. Бу эса амирликнинг иқтисодий ҳаётида хитой моллари, жумладан, чой, ипак, кумуш каби маҳсулотлар сотилиши кўпайган.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА ЧИН (МАНЧЖУР) ИМПЕРИЯСИ МУНОСАБАТЛАРИ

Қўқон хонлиги (1709-1876) билан Чин империяси империяси ўртасидаги алоқалар ҳам ўзига хос эди. Ушбу икки давлат ўртасидаги дастлабки элчилик алоқалар 1759 йилнинг ўрталаридан бошланган. Чин империясидан 1759 йилда Қўқон ҳукмдори Эрдона (1758-1763) ҳузурига «шивея» (室韋 элчи) Дакэтана³⁶⁶ исмли зобит келган³⁶⁷.

Эрдона манчжурлар билан музокара олиб боришга мажбур бўлган. Шу мақсадда у манчжур генерали ҳузурига 1759 йилнинг 30 ноябрида Тўхта Муҳаммад ва Боймуҳаммадни юборган. Унинг элчилари 1760 йилнинг 26 феврилида генерал Чжоу Хуяй рухсати билан Цяньлун ҳузурига – Пекинга юборилган. Сўнгги ўрта асрларга хос бўлган дипломатик алоқалар элчилар алмашиш ва расмий мактублар юбориш орқали амалга оширилган, дипломат-

³⁶⁶ Дакэтананинг асл исми, тахминларга кўра, Гуэржиа Вудай (瓜尔佳·五岱) бўлиб, Хэйлунгжян ўлкасида туғилган. Туғилган йили номаълум. 1754 йили у манчжур армиясига қабул қилинган. Кейинчалик ҳарбий жасоратлари туфайли «шевэй», яъни «юз кишига раҳбарлик қилувчи император тансоқчиси» бўлган. Дастлаб 1755 – 1757 йилларда жунғорлар (1635 – 1757)га қарши жангларда қатнашиб, 3-даражали ҳарбий зобит унвонини олган. 1758 – 1759 йилларда Ёркенд хонлиги (1514 – 1758)даги жангларда иштирок этиб, 2-даражали ҳарбий зобит унвонини олган. Унга император томонидан «Мерган ботир» номи ҳадя қилинган. 1759 йилда у генерал Чжао Хуэйнинг ёрдамчиси бўлган. Дакэтана 1784 йилда Манжурияда вафот этган.

³⁶⁷ Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate.... P.66; А.З.Валидов фикрича, бу вақтда Андижонда Ирисқулибий, Наманганда Абдурахимбийниг ўғли Ҳақимбий, Марғилонда Сулаймон ибн Шодибий ҳокимлик қилган [Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // ПТКЛА. Год двадцатый. 1916. Вып. 2. С. 12].

ларнинг таркибий қисми савдогарлардан иборат бўлиб, дипломатик почта савдо карвонлари орқали кўзланган манзилга етказиб берилган. Қўқон элчилари Қашғарда қабул қилиниб, элчи шахсини аниқлаб, унга таржимон ва ҳарбий кўриқчилар, отлар, аравалар, йўлдаги таъминот учун эса озиқ-овқат ва маълум миқдорда пул берилган. Қашғардан Ёркендгача келган элчилар Торим водийси орқали Қумулга етиб олган, Қумулда ҳам улар яхши кутиб олинган ва от-улов, озиқ-овқат билан таъминланиб, Пекинга – император ҳузурига юборилган. Хитой амалдори На Янчэннинг маълумот беришича, Қўқон элчилари гуруҳи ҳар уч ва беш йилда бир марта келиши керак эди³⁶⁸. Аммо улар йилда икки-уч марта, тўхтовсиз, тинимсиз, танаффуссиз келган. Қумул расмий доиралари қозоқ элчиларини ҳам шу тарзда қабул қилиб, Пекинга жўнатган. Пекинда Қўқон билан манчжурлар ҳукумати ўртасида расмий учрашув ва элчи шарафига зиёфат уюштирилган.

Эрдона ҳукмронлиги даврида Пекинга жами саккиз мартадан ортиқ элчи юборган. Иккинчи элчилик 1760 йилнинг сентябрида Пекинда бўлиб, элчилар Эрдонанинг императорга совғаси сифатида чопқир от олиб борганлар³⁶⁹. Шу йили Хитой императорининг Ёркенддаги иш бошқарувчиси Шангуй Эрдонага Синисумини элчи қилиб юборган³⁷⁰.

Қўқон хонлигининг манчжурлар ҳукумати билан олиб борган элчилик алоқалари билан бирга икки давлат ўртасида имзоланган битимлар тарихчилар томонидан турлича шарҳланган. Хусусан, Ш.Х.Воҳидов Эрдонабий даврида Хитой (манчжурлар – Ш.Қ.) билан музокара олиб

³⁶⁸ Хафизова К. Китайская дипломатия в Центральной Азии... С. 117.

³⁶⁹ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи. Б. 26.

³⁷⁰ Лю Чжисяо. Уйғур тарихи... Б. 11.

борилиб, Хитойнинг Қўқон хонлигига, ўз навбатида, Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон – Қашғарга дахл қилмаслиги ҳақида шартнома тузилганлиги ва анча муддат хонликда тинчлик ўрнатилганлигини қайд этади ³⁷¹. Ч.Валихоновнинг фикрича, бу битим 1756 йилда имзоланиб, унга мувофиқ, Қўқон давлати хўжалар бошчилигида уйғурларнинг манчжурларга қарши қўзғолон кўтаришига йўл қўймаслиги керак эди³⁷². Унинг фикрини тасдиқлаб Д.Исиев манчжурлар ҳукумати бу мақсад учун Қўқонга ҳар йили 20 кумуш ёмби бериб турганлигини ёзган³⁷³. Рус манбаларида эса манчжур томони 20 кумуш ёмби эмас, балки 1000 кумуш ёмби тўлаб турганлиги қайд этилган ³⁷⁴. Эрдона даврида Қўқон билан манчжурлар ҳукумати ўртасидаги ўзаро тинчлик ва дўстона алоқалардан кўринадики, Қўқон муаррихлари асарларини таҳлил этган Ш.Х.Воҳидовнинг фикрларида асос бор.

Эрдона ўрнига тахтга ўтирган Норбўта 1770 йили император Цяньлун ҳузурига Боймат исмли киши бошчилигидаги элчилар гуруҳини жўнатган. Улар орқали императорга юборилган мактубда Қўқон тахтига янги ҳукмдор келгани, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар бундан кейин тинчлик ва дўстлик асосида бўлиши таъкидланган³⁷⁵. Норбўта манчжурлар ҳукумати билан эҳтиёткор муносабатда бўлган. Хўжалар масаласидан узоқлашган ҳолда ўзаро савдо-сотик ишларига кўпроқ эътибор берган. Бундай сиёсат манчжурлар учун ҳам маъқул эди. Чунки хўжалар масаласи Қўқон хонлиги ва

³⁷¹ Воҳидов Ш. XIX – XX асрларда Қўқон тарих... Б. 19.

³⁷² Валиханов Ч.Ч. Соб. соч. В 5 томах. Т. 1. Алма-Ата, 1987. С. 11.

³⁷³ Исиев Д.А. Ўттишлар уйғур давлати... Б.75.

³⁷⁴ Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки Императорского Русского географического общества. СПб., 1849. Кн. III. С. 195.

³⁷⁵ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... С. 57.

Чин империяси ҳукуматлари ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушишига олиб келган. Шу боис «Асар ул-футух»да Норбўта манчжурлар ҳукумати билан хўжалар масаласида махфий равишда музокаралар олиб борганлиги таъкидланган³⁷⁶. Ушбу махфий келишувни Олимхон ва Умархон давом эттирган. Шу билан бирга, Норбўта, Эрдонадан фарқли равишда, Пекинга кам, яъни уч марта элчи юборган, холос. Унинг фаол ташқи сиёсати туфайли манчжурлар ҳукумати Қўқонни мустақил давлат сифатида тан олишга мажбур бўлган³⁷⁷.

Норбўта Шарқий Туркистонда Қўқон савдоси ва кўқонлик савдогарларнинг ўлка бозорларидаги фаолиятини эркинлаштириш учун 1782 – 1783 йилларда Абдулқосим бошчилигидаги элчилар гуруҳини Пекинга жўнатган³⁷⁸. Ўзаро музокаралардан сўнг манчжурлар томонидан қўлга олинган кўқонлик савдогар Абдулла Ёркенд қамоқхонасидан озод этилган³⁷⁹. Норбўта томонидан 1792 – 1793 йилларда Мирза Маим Раим (Муҳаммад Раҳим) ва Силибу (Муҳаммад Шариф), 1796 – 1797 йилларда юборилган Бобожон ва Силибу элчилиги ҳам Шарқий Туркистондаги кўқонлик савдогарларни назорат қиладиган Қўқоннинг расмий вакили – худойдод мансабини жорий этиш масаласини ҳал қилган³⁸⁰.

Норбўтанинг ички ва ташқи сиёсати давомчиси сифатида Олимхон ўз ҳукмронлигини Тошкент воҳаси ва

³⁷⁶ Муҳаммад Содик Қашқарий. Асар ул-футух. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма №753. 9-в.

³⁷⁷ Ефремов Ф.С. Десятилетнее странствование... С. 40; Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи... Б. 25.

³⁷⁸ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи. Б. 28.

³⁷⁹ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... С. 53.

³⁸⁰ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи. Б. 28; Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... С. 59.

Жанубий Қозоғистон ҳудудларигача кенгайтирган. У ўзининг сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида «хон» унвонини таъсис этган³⁸¹. Унинг ички ва ташқи сиёсати билан узоқ ва яқин мамлакатлар ҳам ҳисоблашишга мажбур бўлган. Улардан бири бўлган манчжурлар императори Цяньлун 1809 йили Қўқон элчиси Охунжон бошчилигидаги элчилар гуруҳи билан учрашувида «Қашғарга келган Қўқон молларини солиқ ва бождан бутунлай озод қилиш»га ваъда берган. Олимхон 1810 йили Муҳаммад Нажжор ва Дукар (Муҳаммад Абдукаримбой)ни шу масалани узил-кесил ҳал этиш учун яна Пекинга жўнатган. Музокаралар натижасида император томонидан ваъда қилинганидек Қўқон савдогарлари бутунлай солиқдан озод этилмасада, унинг ҳажми икки фоизга пасайтирилган.

Олимхондан сўнг тахтга чиққан укаси Умархон (1810 – 1822) ўздан аввалги ҳукмдорлар каби Қўқон хонлиги мустақил давлат эканлигини манчжурлар ҳукуматига билдирган. У олтин суви юритилган ҳарфлар билан ўзини «хон» деб атаган мактубида императорга «дўст» деб мурожаат қилган³⁸². Ўз навбатида, Шарқий Туркистонга 1814 йили Мирза Аббос исмли оқсоқол ва шариат тартибини назорат қилувчи қозисини юборган. Ушбу қозининг зиммасига Шарқий Туркистондаги шаҳар ҳокимлари, маҳаллий мусулмон аҳоли билан Қўқон савдогарлари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, Шарқий Туркистондаги мусулмон аҳолидан бож йиғиб олишни Умархон фойдасига ҳал қилиш ҳамда божхона тизимидаги муаммоларни ҳал этиш каби вазифалар юклатилган эди³⁸³. Аммо бу икки расмий шахс

³⁸¹ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства... С. 51.

³⁸² Пан Чжипинг. 1759 – 1820 нян Цин юй Хуохан ди гуанши... С. 93.

³⁸³ Кутлуков М. Взаимоотношения Китайского... С. 204.

Шарқий Туркистон ноибни билан бир тўхтамага кела олмаган. Чунки у Қўқоннинг Шарқий Туркистон масаласидаги талаблари кенгайиб, охир-оқибат ўлкани ўз таъсирига олиши мумкинлигидан чўчиган.

Бу битим Умархон вафотидан сўнг Қўқон тахтини эгаллаган Муҳаммад Алихон даврида (1822 – 1842) ҳам ўз кучида қолган. Бунга қониқмаган Муҳаммад Алихон Шарқий Туркистондаги Қўқон савдосидан ҳам фойда кўриш учун Қўқон савдогарларининг Шарқий Туркистондаги савдо фаолияти масаласи юзасидан бир неча бор Қўқон элчиларини Қашғарга юборган. Масалан, 1825 йил 10 февралда Абдухолик ва Жавҳарни, улардан сўнг шу йили Имангулини (Имомқули бўлса керак – Ш.Қ.) Қашғарга элчи этиб юборган³⁸⁴. Шу йилнинг ўрталарида Мирза Азаматулло ва Абдухолик бошчилигидаги элчилар ҳам Қашғарга келган, фақатгина Абдухоликқа Пекинга боришга рухсат берилган. Аммо бу элчиликларнинг натижаси ҳақида хитой ҳужжатларида умуман маълумот берилмаган.

1826 йилда Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистондаги Жаҳонгирхўжа кўзғолонига аралашуви ҳамда Жаҳонгирхўжа авлодларини манчжурлар талабига биноан топширмаганлиги туфайли икки давлат муносабатлари совуқлашган³⁸⁵. Манчжурлар ҳукумати Жаҳонгирхўжа кўзғолонида фаол иштирок этган ва махфий маълумотларни хонликка етказиб турган қўқонлик савдогарларни айбдор сифатида таъқибга олган ва уларнинг мол-мулкани мусодара этиб, ўзларини Қўқонга қувиб солган³⁸⁶. Хитой ҳукумати Қўқон савдогарларининг Шарқий Туркистонга кириб келиб савдо қилишини тақиқлаган ва чегара

³⁸⁴ Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства... С. 90.

³⁸⁵ Лю Чжисяо. Уйғур тарихи... Б. 1184.

³⁸⁶ Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства... С.129 – 131; Лю Чжисяо. Уйғур тарихи... Б.1188 – 1189.

пикетларида аскарларни кўпайтирган. Қўқон хонлигига чой, ипак, кумуш ёмби³⁸⁷, нефрит³⁸⁸, чинни идишлар каби хитой молларини олиб ўтиш тақиқланган. Муҳаммад Алихон хонлик аҳолисининг чойга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун уни Россия орқали Хитойдан олиб келишни кўзлаб Россия императоридан ёрдам сўрашга мажбур бўлган. Шу билан бирга, бу элчилар императордан манчжурлар ҳукуматига қарши уруш олиб бориш учун бир неча тўплар ва ҳарбий маслаҳатчилар юборишини ҳам сўрашган³⁸⁹. Аммо элчилик натижасиз тугаган. Қалтис вазиятда қолган Муҳаммад Алихон 1830 йилда Жаҳонгир-хўжанинг акаси Муҳаммад Юсуфхўжани Бухородан олдириб келиб, 40 минг тошкентлик, қўқонлик, қашғарлик муҳожирлардан иборат кўшин билан Шарқий Туркистонга юборган³⁹⁰.

Айни вақтда, манчжурлар ҳукумати молиявий қийинчиликлар туфайли очикдан-очик Қўқон хонлигига қарши уруш ҳаракатлари олиб боришга қодир эмас эди. Манчжурлар ҳукумати бу кўзғолон туфайли катта зарар кўрган³⁹¹. Оқибатда манчжурлар ҳукумати Муҳаммад Алихон юборган элчилар билан музокара олиб боришга мажбур бўлган ва икки давлат ўртасида шартнома

³⁸⁷ Ёмби – Хитойдаги қуйма кумуш пул, оғирлиги 50 лян (1,8 кг) кумуш бўлган.

³⁸⁸ Нефрит – минерал ҳамда қимматбаҳо тошлардан бири. Нефритдан жуда қадимги даврдан безак тош ва бадий буюмлар ясада фойдаланилган.

³⁸⁹ Материалы для истории завоевания Туркестанского края. Ташкент, 1847. С.87.

³⁹⁰ Куропаткин А.Н. Кашгария... С. 116.

³⁹¹ Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахаб ут-таворих. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма №592. 630^б-в; Курбан Али Айагузий. Таварихи Хамсаи шарки. Казань, 1910. С.95; Григорьев В.А. Восточный или Китайский Туркестан. Вып. II... С.451; Валиханов Ч.Ч. Собр. соч. В 5 томах. Т.2. С. 323 – 324.

имзоланган. Бу шартноманинг аниқ санасини тарихчилар турлича белгилаганлар. XIX аср муаррихлари Ч.Валихонов, К.Риттер, А.Н.Куропаткин, И.Халфин бу шартнома санасини 1831 йил қилиб белгилашган³⁹². Юқоридаги муаррихларнинг асарларидан фойдаланган Б.Аҳмедов ва Ҳ.Бобобеков ҳам ўз асарларида шу санани қайд этишган³⁹³. Аммо хитой ҳужжатларида шартнома 1832 йилнинг 13 январида тузилганлиги аниқ қилиб берилган³⁹⁴. Буни Муҳаммад Алихоннинг Шарқий Туркистон амбонларига юборилган мактубидан ҳам билиб олиш мумкин. Қўқон хони Муҳаммад Алихон номидан шартномага тошкентлик савдогар Аълам почча имзо чеккан ва Қуръони каримни ушлаб қасам ичган³⁹⁵.

Манчжурлар ҳукумати Шарқий Туркистонда осойишта ҳукмронликни давом эттириш учун бу битимга рози бўлган. Ушбу битимда қуйидаги масалалар қайд этилган эди:

– Шарқий Туркистоннинг олти шахрига, яъни Оқсув, Учтурфон, Қашғар, Янгиҳисор, Ёркенд, Хўтанга мол олиб келган барча чет эллик савдогарлардан бож олиш ҳуқуқини Қўқон томонига топшириш;

– Шарқий Туркистондан Қўқон савдогарлари ва фуқаролари чиқариб юборилганда уларнинг тортиб олинган мол-мулклари эвазига Қўқон хонига товон тўланиши керак;

³⁹² Валиханов Ч.Ч. О состоянии Алтышара... С.62; Землеведение К.Риттера. Восточный или Китайский Туркестан... С. 457; Куропаткин А.Н. Кашгария... С. 119; Халфин И.А. Политика России в Средней Азии. М., 1960. С. 30.

³⁹³ Аҳмедов А. Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрганишдаги ўрни // Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994. Б. 273; Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи... Б. 114.

³⁹⁴ Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синьцзяне. М.: Наука, 1973. С. 136 – 137.

³⁹⁵ Ўша жойда.

– ушбу божни йиғиб олиш Қўқон хони томонидан тайинланадиган оқсоқол зиммасига юклатилган. Унинг расмий идораси Қашғар ҳисобланган;

– Шарқий Туркистонга келган барча чет эллик савдогар-ларнинг идоравий-назорат ишлари юқорида келтирилган Қўқон оқсоқоли идораси билан бирга бажарилиши лозим эди;

– ўз навбатида, Қўқон томони ўз ҳудудидаги Шарқий Туркистон хўжалари Қашғарга ўтиб кетмаслигининг кафолатини олади³⁹⁶.

Бу битимга мувофиқ Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон чегаралари қайта очилган, ўзаро савдо алоқалари тикланган, тортиб олинган мол-мулклар эгаларига қайтарилган. Жумладан, манчжурлар ҳукумати томонидан тортиб олинган Қўқон савдогарларининг зарари учун Қўқонга 10 минг кумуш лян тўланган³⁹⁷. Натижада хонлик иқтисодиёти тикланиб, давлат хазинасига катта тушум туша бошлаган³⁹⁸.

«Етти хўжалар» (1845 – 1847) кўзғолонидан сўнг манчжур-лар ҳукумати яна Қўқонга ён беришга мажбур бўлган. Чунки Қўқон элчиси Пекингга бориб, бу кўзғолонда хоннинг айби йўқлигини императорга исботлагач, у Қўқоннинг аввалги имтиёзлари ўз кучида қолганлигини эълон қилган³⁹⁹. Ушбу жараёни кузатган инглиз саёҳатчиси Г.Беллью «бу ҳолат Пекин билан Қўқон алоқаларининг бузилишига олиб келмаган, аксинча, Пекин олдида Қўқоннинг обрўйини оширган» деб ёзган⁴⁰⁰.

Валихонтўра кўзғолони бостирилгандан сўнг Шарқий Туркистон ноибининг 1857 йил 14 декабрдаги буйруғи билан қўқонлик савдогарлар ўлкада яна таъқибга олинган. Аммо 1858 йилнинг баҳорида тахтга ўтирган Маллахон

³⁹⁶ Куропаткин А.Н. Кашгария... С. 119.

³⁹⁷ Кузнецев В.С. Экономическая политика цинского правительства... С. 135.

³⁹⁸ Бобобеков Х.Б. Народные движения... С. 35.

³⁹⁹ Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства... С. 168.

⁴⁰⁰ Беллью Г.В. Дунгане 1845 по 1865 г... С. 225.

(1858 – 1862) манчжурлар ҳукуматига элчи юборган, Шарқий Туркистонни хонликнинг бир қисми деб билиб, ўлкадаги сиёсий жараён-ларга аралаша бошлаган. Жумладан, элчилик Валихонтўра кўзғолонини бостириш давомида Ёркенд ҳокими Афридун аскарлари томонидан мусулмонлар ўлдирилганини маълум қилиб, манчжурлар ҳукуматидан уни ўз айбига кўра жазолашни талаб этган. Шарқий Туркистон ноибни бу талабни инобатга олиб Афридунни айбдор деб топиб, уни ҳокимликдан олиб ташлаган. Аммо унга оғир жазо қўлланмаган, император уни Хўтанга ҳоким этиб тайинлаган. Унинг ўрнига собиқ Хўтан ҳокими Рустамбек Ёркенд ҳокими этиб тайинланган⁴⁰¹. Бу эса Валихонтўра кўзғолонини бостиришда ўлдирилган аҳолининг қариндошларининг норозилигига сабаб бўлган. Бу масала бўйича Қўқондан кетма-кет элчилар келаверган. Ўзаро тортишувли музокаралар вақтида Қўқон элчиси Абду-фаттоҳ⁴⁰² махдум бошчилигидаги 27 кишидан иборат элчилар гуруҳи⁴⁰³ Ёркенднинг янги ҳокими Рустамбек буйруғи билан қатл этилган⁴⁰⁴. Бунга жавобан Маллахон Валихонтўра бошчилигида бир неча минг Қўқон аскарини Қашғарга юборган. Валихонтўра қўшинлари Қашғар ва унинг атрофидаги кишлоқларни эгаллаган⁴⁰⁵.

1862 йили Чин империяси ҳукуматига қарши хитой деҳқонлари кўзғолони (1850 – 1864), Шэнши ва Гансу ўлкаларидаги дунгонлар⁴⁰⁶, 1864 йилдаги Шарқий Туркис-

⁴⁰¹ Ўша асар. С. 258.

⁴⁰² Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... С. 105.

⁴⁰³ Вохидов Ш. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши... Б. 19.

⁴⁰⁴ Туркистон ўлкасининг забт этилиши тарихига оид материаллар тўплами. ЎЗР МДА, И-715, 1, 25, 475-в.

⁴⁰⁵ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... С.105.

⁴⁰⁶ Дунгонлар, тунгонлар – Марказий Осиёда яшайдиган халқ. Хитой, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россияда яшашади, дунгон тилида сўзлашади.

тонда бошланган миллий-озодлик кўзғолонлари натижа-сида Қўқон хонлиги билан манчжурлар ҳукумати ўртасидаги сиёсий-дипломатик савдо алоқалар тўхтаган.

Қўқон хонлиги ва Хитойни боғлаган карвон йўллари-нинг хавфсизлиги таъминланиши икки ҳудуд ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатган. Қўқон хонлигида битилган тарихий асарларда хонлик аҳолисининг «эскидан шарқда Хитой билан (Қашғар орқали), шимолда кўчманчи қипчоқлар ва Русия билан, ғарбда ва жанубда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон Туркия, Макка, Мадина билан савдо ва тижорати бор» эканлиги таъкидланган⁴⁰⁷.

Шу билан бирга, Қўқон савдогарлари Бухоро ва Хива хонликлари ва уларда жойлашган марказлар – Хива, Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар билан муҳим савдо алоқаларини олиб борганлар⁴⁰⁸. Ф.Назаров-нинг ёзишича, Қўқон хонлиги Қашғар, Хитой, Хива, Бухоро ва Эрон билан савдо алоқаларига эга бўлган. Хитой ҳужжатларида кўрсатилишича, XVIII аср охирида Қўқон хонлигининг умумий савдодаги бир йиллик даромади 60 000 ёки 70 000 тилла⁴⁰⁹ бўлган, баъзан 130 000 дан 140 000 тиллагача етган⁴¹⁰.

Хитой ҳужжатларида, Чин империяси билан савдо ривожланган бўлиб, биргина «Чойнинг йиллик савдо

⁴⁰⁷ Воҳидов Ш. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши... Б. 78.

⁴⁰⁸ Маҳкамов А. Торговля Коканда со среднеазиатскими владениями и сопредельными странами в первой половине XIX в. // Позднефеодальный город Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1990. С. 42.

⁴⁰⁹ Тилла – бу даврда 18 тангадан ташкил топган катта (пухту) тилла ва 9 та тангадан ташкил топган кичик (киччи) тиллага бўлинган. Бир тилла XIX асрнинг бошларида Россиянинг 4 кумуш сўмига, кейинроқ 3 сўм 60 тийинга баробар бўлган.

⁴¹⁰ Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate... P. 100.

айланмаси 100 000 дан 300 000 жин (斤) гача⁴¹¹ етган» деб таъкидланган⁴¹².

Қўқон савдогарларининг тижорий фаолияти ҳақида хитой манбаларида шундай маълумот берилади: «Бу мамлакат кишилари (Қўқон хонлиги фуқаролари – Ш.Қ.) тижорат ишларига жуда уста. Улар шарафдан кўра фойдани яхшироқ кўрадилар. Вақти келса, улар миллий маҳсулотларини сотиш учун бошқа юртларга борадилар ва Шарқий Туркистонга ҳам мато ҳамда сопол буюмлар олиб келадилар. Улар (ўз миллий маҳсулотлари – Ш.Қ.) ва бошқа юртлардан сотиб олиб келган буюмларини сотиш ёки сотиб олиш асносида бойлик тўплайдилар. Ҳозирда минглаб Қўқон савдогарлари Шинжян (Шарқий Туркистон – Ш.Қ.) ва бошқа жойларда савдо қилмоқдалар»⁴¹³. Улар юк тўла карвон билан ҳатто совуқ об-ҳавода ҳам қор ёки музлама тоғ йўлларида кўркмай йиллар давомида кезиб юриб, савдо ишлари билан шуғулланганлар ҳамда фойда олмагунча уйларига қайтмаганлар. Шунингдек, Қўқон савдогарлари маблағларини қарзга бериш орқали ҳам ўз маблағларини кўпайтирганлар. Хитойда Қўқон хонлигидан келиб фаолият олиб борган савдогарларни «андижонлик мусулмонлар» деб атаганлар⁴¹⁴.

Қўқон хонлиги билан Хитой ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари ривожидан иккала ҳудуд савдогарлари муҳим роль ўйнаганлар. Улар ўзаро алоқалар жараёнида айирбошланадиган асосий моллар ва уларнинг хусусиятлари, икир-чикирлари ҳамда савдодаги нархлардан доимо тўлиқ хабардор бўлганлар. Ўз фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш учун улар икки мамлакатдаги сиёсий жараёнлар,

⁴¹¹ Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства ... С. 177. Ҳозирги давр ҳисобида 1 жин 500 грамга тенг.

⁴¹² Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate... P. 80.

⁴¹³ Ўша асар. Б. 67.

⁴¹⁴ Бартольд В.В. Андижан // Соч. М., 1965. Т. III. С. 32; Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate... P. 67.

табий, ижтимоий-иқтисодий шароитларни кузатиб борганлар.

1759 йилнинг ўзидаёқ 29 нафар кўқонлик савдогар турли хил матолар билан Ёркенд бозорига келишган. Қашғар амбони (хокими) Шухеденинг таъкидлашича, «Кўқон ва қирғиз савдогарлари Қашғарда бемалол савдотик ишларини олиб бормоқдалар. Қашғарияда яна тинчлик ўрнатилгач, ҳар доимгидек қирғиз ерлари, Кўқон, Андижон ва Марғилондан кўплаб савдогарлар кириб кела бошла-дилар»⁴¹⁵. Манчжурлар ҳукумати Кўқон хонлиги билан алоқа ўрнатиш билан бирга унинг савдодаги талабини қондириб 1760 йилда Учтурфон ва Қашғарни Кўқон савдогарлари савдо қиладиган жой этиб белгилаган эди. Ҳатто бу савдо марказларида фаолият олиб бораётган Кўқон савдогарларига бож олиш борасида бир қатор имтиёзлар берган⁴¹⁶. Ҳатто улар Шарқий Туркистон ва Хитойнинг Шэнши-Гансу ўлкалари бозорларига ҳам етиб борган эдилар. Бу ҳақда ушбу ўлканинг генерал-губернатори Ян Инцзюй императорлик ҳукуматга ёзган хабарномасида: «Кейинги даврда андижонликлар, бадахшонликлар, қирғизлар ва бошқа мусулмонлар бизнинг бозоримизда савдо қилишмоқда. Улар тўхтовсиз равишда ўз уйларига бориб келишмоқда», – деб қайд этади⁴¹⁷.

Чой, ипак ва ипак матолар, чинни идишлар, қимматбаҳо тошлар ва бошқа Хитой молларни туркистанлик савдогарлар томонидан Ғарбдаги давлатларга олиб бориб сотишган. Ўз навбатида, Хитой бақувват ва тез чопар отларни яхши кўришган ва азизлашган⁴¹⁸.

Кўқон савдогарлари Хитойнинг ғарбий давлатлар билан олиб борган савдо алоқаларида ўртакашлик

⁴¹⁵ Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate... P. 67.

⁴¹⁶ Лю Чжисяо. Уйғур тарихи... Б. 1132.

⁴¹⁷ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах... С. 53.

⁴¹⁸ Туркистонда, жумладан, Фарғонада боқиладиган отлар Хитойда балант баҳоланар эди.

(транслятор) вазифасини бажарганлар. Бошқача қилиб айтганда, молларни Ғарб мамлакатлари савдогарларидан сотиб олиб, Хитойга бориб маҳаллий тижоратчиларига сотишган. Улар Хитой ва Шарқий Туркистон молларини бу ердаги бозорлардан сотиб олиб, уларни Ўрта Осиё хонликларининг турли марказлари, қозоқ ва қирғизлар, Россия империяси ва бошқа ерларга олиб бориб сотганлар. Улар Россиядаги Омск, Оренбург, Ирбит, Петропавловск бозорларидан рус молларини, қирғиз ва қозоқлардан чорва, тери, жун, Бухоро хонлигидан ипак ва матолар, нил бўёғи ва бошқа молларни Шарқий Туркистон бозорларига олиб бориб сотганлар⁴¹⁹.

Хитойдан келтирилган хом ипак маҳаллий ипак билан бир қаторда турли газламаларнинг тўқилиши ва тўқимачиликнинг ривожланишига олиб келган. Шарқий Туркистон ва Қўқон хонлигида тўқимачилик устахоналари – «ип фабрикалари» кўпайиб борган. 1780 йилда Қўқон хонлигига келган рус саёҳатчиси Ф.С.Ефремов «у ерда турли хил рангда матолар тўқишар экан» деб қайд этади⁴²⁰.

1812 йилда Қўқон хонлигига келган Ф.Назаров ҳам «бу ерда турли матолар тўқийдиган фабрикалар мавжуд» эканини ва уларда бахмал, кимхоб, зарбофлар каби турли Осиё газламалари, форсий парчалар тўқилганини ҳамда уларни Бухоро ва Қашғар бозорларига жўнатилганини таъкидлайди⁴²¹.

Хитой чиннилари тошкентликлар томонидан юксак баҳоланади ва жуда баланд нархларда келтирилади⁴²².

⁴¹⁹ Saguchi T. The Eastern trade of the Khokand khanate... P. 68.

⁴²⁰ Ефремов Ф.С. Десятилетнее странствование... С. 40.

⁴²¹ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии... С. 48-49.

⁴²² Южин Скайлер. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари / Тарж. З.А.Саидбобоев. Тошкент: O‘zbekiston, 2019. Б. 140.

Кўқон савдогарлари Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ҳам катта фойда кўрганлар. Улар ичида чой алоҳида ўрин тутган. Жумладан, чой маҳсулотларининг бир йиллик савдо айланмаси 30 минг пуд бўлиб, 30 минг отга юкланган ҳолда олиб келинган. Хитой адабиётларида қайд этилишича, XIX асрнинг биринчи ярмида Хитой ичкарасидан Шарқий Туркистон шаҳарларига ҳар йили 4 млн 500 минг фэн⁴²³ миқдорида чой олиб келинган. Шундан 200 минг фэн миқдоридаги чой Шарқий Туркистондаги хитой ва манчжур ҳарбийлари ва амалдорлари ҳамда маҳаллий мусулмон аҳоли истеъмолига кетган⁴²⁴. Қолган 4 млн 300 минг фэн миқдоридаги чой Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Россия, араб давлатлари, Европа ҳамда Африка мамлакатларига сотилган. Кўқон савдогарлари чой маҳсулотларини хонликдан Россия империяси, Бухоро ва Хива хонликлари худудига тарқатган. Ч.Валихонов Шарқий Туркистон савдоси асосан Кўқон ва бухоролик савдогарлар кўлида бўлганлигини қайд этган⁴²⁵. Бошқа Ўрта Осиё ҳукмдорлари сингари халқаро савдода фаол иштирок этган Кўқон ҳукмдорлари чойни Хитойдан олиб, Фарбдаги мамлакатларга сотишда катта фойда кўришган. Хонлик хазинасида кўплаб миқдорда чой сақланганлиги муаррих Муҳаммад Умар Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асарида қайд этилган⁴²⁶.

Кўқон ҳукмдорлари билан манчжурлар ҳукумати ўртасидаги ўзаро сулҳ шартномаларида ҳам чой талаб қилинган. Жумладан, 1830 йили 40 кунлик қамалдан сўнг

⁴²³ Фэн – 0,373 кг [Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства... С. 177].

⁴²⁴ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи. Б.218.

⁴²⁵ Федоров М.Н. Отчет Чокана Валиханова... С.61.

⁴²⁶ Муҳаммад Азиз Муҳаммад Ризо ўғли. Тарихи Азизий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма №11108. 124^{а-б}-в.

Гулбоғ қалъаси олингач, Қўқон хони Муҳаммад Алихон қўшини томонидан манчжурлар ҳукумати билан тузилган сулҳ шартларига кўра қўқонликларга 100 туя кўк чой, 500 туя пахта чой, 99 туя оқпар қоғоз чой берилган⁴²⁷.

Қадимда Хитойдан Ўрта Осиёга чой келтириб сотиш онда-сонда, мавсумий характерга эга бўлиб, у ҳам бўлса жуда оддий усулда амалга оширилган. Чунончи, чойни қопларга сомон сингари солиб, от ва туяларга ортиб олиб келишар, натижада у узоқ йўлдаги ҳар хил ўсимликларнинг, шўрхок чўлларнинг қўланса хидларини ўзига сингдириб олиб, айниб қолар эди.

Қўқонлик савдогарлар Шарқий Туркистон бозорларидан тайёрланиш жараёни, таъмига қараб қора чой, кўк чой, сабет чой, фу-чой, цяньлун чой каби чой маҳсулотларини сотиб олганлар. Фарғона водийсидаги Наманган ва Тошкент аҳолиси кўпроқ қора чой, Марғилон ва Қўқон аҳолиси сабет чой истеъмол қилган. Шунингдек, сабет чойга сут ёки туз қўшиб ичилган. Чой Хитойдан олиб келинадиган моллар ичида энг арзони ҳам эди.

Ёркендда унинг нархи 60 динар бўлса, Бухорода 100 динарга сотилган. Қўқон савдогарлари олиб келган бир қоп нил бўёғига бир лян чой берилган⁴²⁸. Туркия бозорларига ҳам хитой чойини қўқонлик савдогарлар олиб боришган⁴²⁹.

XIX аср 30-йилларида Хитойдан Ёркенд, Қўқон орқали «туқта чой» (ғишт чой) ва «оққуйруқ чой» (кўк чой) навли чойлар от терисидан тайёрланган хуржунларда Бухоро

⁴²⁷ Домулло Муҳаммад Солиххўжа валади domuлло Раҳимхўжа Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма №7791. 430^{а-б}-, 423, 426^б-в.

⁴²⁸ Пан Чжипинг. Хуохан-гуо юй Шиюй чжэнгчжи. Б. 218 (хитой тилида).

⁴²⁹ Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. Б.67.

бозорларига 200 минг фунт⁴³⁰ миқдорида келтирилган⁴³¹. От терисидан тайёрланган хуржунларда келтирилган хитой чойи асл таъмини сақлаб қолиши ва сифати бўйича денгиз орқали келтирилган чойлардан ажралиб турган⁴³². 1862 йили Шарқий Туркистонда мусулмонлари Чин империяси ҳукуматига қарши кўзғолон кўтаргунга қадар хитой чойи Янцзи дарёси бўйларидаги чой плантацияларидан Ёркенд ва Қашғарга, у ердан Қўқон орқали Бухорога келтирилган⁴³³.

Қўқон савдогарлари Шарқий Туркистонда мол айирбошлаш йўли билан ёки Қўқоннинг олтин, кумуш ва мис тангалари, Шарқий Туркистоннинг ўзида зарб эттирилган «ярмоқ» пуллари воситасида савдо қилганлар. Шу билан бирга, улар савдони Хитойнинг асосий валютаси ҳисобланган кумуш қуймалари (ёмби) билан ҳам амалга оширганлар. Ушбу кумуш қуймаси хитойча «юанбао» – (元 宝) деб номланган бўлиб, маҳаллий уйғурлар уни ўзгартириб «ёмби» деб талаффуз қилганлар⁴³⁴.

Манчжурлар ҳукумати томонидан монополлаштирилган кумуш ёмби ҳажми, шакли жиҳатидан турлича бўлган. Уларнинг ичида энг йириги бўлган, худди отнинг тақасига ўхшаб кетадиган тақасимон ёмбини уйғурлар «от туёғи» деб атаганлар. Ундан кичикроқ бўлган қўй туёғига ўхшаш ёмбини «қўй туёғи», кичик ҳажмдаги ёмбини эса «эчки туёғи» деб номлаганлар. «Эчки туёғи»дан ҳам кичик бўлган ёмби «чучвара қулоқ» деб аталган. Хитой пул

⁴³⁰ Фунт (лотинча, вазн, оғирлик) – инглиз ўлчов тизимида асосий бирлик. 1 фунт савдода 0,4 кг, дорихонада эса 0,3 кг га тенг деб қабул қилинган. XIX асрда 1/40 пудга, 400,12 грамга тенг бўлган (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎзМЭ, 2005. Т. 9. Б. 340).

⁴³¹ Записки о Бухарском ханстве... С. 80 – 81.

⁴³² Мадраҳимов З. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2014. Б. 75.

⁴³³ Туркестанский сборник. Т. 26. С. 101.

⁴³⁴ Тухтиев И. Нумизматические материалы как источник по истории Восточного Туркестана... С. 41 - 42

бирликлари ҳисоби бўйича, «от туёғи» деб ном олган кумуш ёмби 50 лянга тўғри келган. Лян кумуш пули 50 мис тангага тўғри келган. «Қўй туёғи» деб номланган кумуш ёмби эса 20 лян, «эчки туёғи» 10 лян деб ҳисобланган⁴³⁵. Уйғурлар хитойча «лян»ни «сар» деб атаганлар. Бу тақасимон ёки қайиқсимон қилиб қуйилган қуйма кумуш ёмбилар бўлиб, уларга Чин империяси ҳукуматининг тамғаси урилган эди⁴³⁶. Унинг оғирлиги 1,87 кг, узунлиги 11 см, энига 5,5 см, бўйига 6 см бўлган. Унинг таркибида 96,87 фоиз кумуш, 2,9 фоиз мис, 0,23 фоиз олтин бўлган⁴³⁷.

Қўқондаги зарбхонада Хитойдан келтирилган кумуш ёмбилардан ҳам танга пуллар зарб эттирилган. Бундай ёмбилар Қўқон хонлиги зарбхонаси бошлиғи томонидан Хитойдан келаётган савдогарлардан сотиб олинган ёки муҳожир хўжаларни хонлик ҳудудида ушлаб туриш эвазига Чин империяси ҳукуматидан олинган⁴³⁸. Қўқон бозорларида Хитой ёмбилари 432 мисқол⁴³⁹ стандарт қилиб белгиланган. Бозорда кумуш ёмбининг юқори сифатлиси 314 тилла турган бўлса, энг сифати пасти 20 тилла турган. Бухорода бир кумуш ёмби 32 Бухоро тилласидан сотилган⁴⁴⁰.

Мис тангалар Қўқон хонлигида Россия ҳамда Хитойдан келтирилган мисдан ҳам тайёрланган. Таркибининг

⁴³⁵ Ўша жойда.

⁴³⁶ Адинарова А.Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским генерал-губернаторством и Кокандским ханством (1865 – 1875). Ташкент, 1946. С. 19.

⁴³⁷ Путешествие Мир Иззатулло... С. 51.

⁴³⁸ Обзорение Кокандского ханства... С. 196.

⁴³⁹ Мисқол – Шарқ (араб) мамлакатларида қимматбаҳо буюмларнинг оғирлиги мисқол билан ўлчанган. Самарқандда 4,46 г (VI – VIII асрлар), Бухорода 4,8 – 5 г (XVI – XIX асрлар), Хоразм ва Фарғона водийсида 4,5 г га (XIV аср) тенг бўлган. 1 мисқол XIX асрда Фарғона водийсида 4,55 г га тенг бўлган [Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. Т. 6. Б.28].

⁴⁴⁰ Радлов В. Средняя Зарафшанская долина // Туркестанский сборник. 1880. Т. 281. С. 48.

ярмини қўрғошин ташкил этган. Миснинг 8 пуди (ботмон) бозорда 22 – 28 тилладан 40 тиллагача сотилган. Қўрғошиннинг ҳам саккиз пуди 15 – 16 тилла турган. Сарроф бозордан кумуш ёмбини сотиб олгач, Қўқон зарббошисига топширган ва уни зарбхонадаги мирза рўйхатга олган. Зарбхонада асосан эллик киши ишлаган. Улар кумуш қотишмани уриб турли шаклга, кўпроқ узунчоқ таёкча шаклига келтиришган. Кейин эса бўлаклар кесиб олиб, тарозига тортишган ва муҳр уришган. Бир кумуш ёмбидан 640 дан 700 тангагача, ҳатто 1000 тангагача зарб этилган⁴⁴¹. Бир ботмон⁴⁴² мис ва қўрғошин қотишмасидан 36 минг чақа пул зарб этилган. Зарбхонада тангалар зарб этиб бўлингач, хонга ҳар 100 мисқол олтиндан 1 тилла, кумуш ёмбидан 2 тилла, 1 ботмон мис ва қўрғошиндан 13 тилла фойда ажратилган⁴⁴³. Қўқон зарбхонаси ишчилари танга зарб этишга моҳир уста бўлганлар. Уларнинг меҳнати учун кунига бир тангадан маош берилган.

Қўқон хонлиги билан Чин империяси ўртасидаги сиёсий-дипломатик муносабатлар тарихи ҳали етарлича ўрганилмаган масалалардан бири ҳисобланади. XVIII асрнинг ўрталари ва XIX асрнинг 70-йилларига қадар ушбу

⁴⁴¹ Адинарова А.Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским генерал-губернаторством...С.21-23; Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876. С. 187.

⁴⁴² Ботмон – оғирлик ўлчов бирлиги. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўрта Осиёда қўлланиб келинган. Шариатга кўра, ботмон асосан 0,8 кг ни ташкил қилган, лекин турли мамлакатлар ва турли даврларда унинг мезони ҳар хил бўлган. Ўрта Осиёда ҳам унинг вазни ўзгариб турган. Масалан, XIX асрда Хоразмда ботмон 20,1 кг дан 40,9 кг гача, Бухоро ва Самарқандда асосан 8 пуд (131 кг), Фарғонада 8 – 10 пуд (131 – 163,8 кг) бўлган. Бу ўлчов пахта ва меваларни ўлчашда қўлланилган.

⁴⁴³ Адинарова А.Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским генерал-губернаторством... С. 25.

икки давлатнинг манфаатлари Шарқий Туркистонда тўқнашган. Шу боис қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

– Шарқий Туркистон масаласида Қўқон хонлиги ва Чин империяси ўртасидаги дипломатик муносабатларни уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич 1760 – 1770 йиллар оралиғидаги давр бўлиб, бу даврда Қўқон хонлари Хитойга деярли ҳар йили элчи юборишган. Бироқ Чин империяси ҳукумати хонликка вассал давлат сифатида қараган. Иккинчи босқич 1770 – 1832 йиллар оралиғи бўлиб, бу даврда хонликдан Пекинга асосан уч-тўрт йилда бир марта элчи борган. Бироқ Қўқон хонлари Шарқий Туркистондаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларга аралаша бошлашган. Айниқса, ўлкадаги мусулмон аҳолидан бож-хирож ва закот йиғиб олиш, ўлкада божсиз савдо қилиш имтиёзини қўлга киритишган. Бу жараён икки давлат ўртасида 1832 йил 13 январда тузилган шартнома билан якунланган. Учинчи босқич 1832 – 1859 йиллар оралиғи бўлиб, бу даврда икки давлатдаги оғир сиёсий жараёнлар сабаб элчилар тартибсиз равишда жўнатишган. Натижада Шарқий Туркистон ҳудуди икки давлат ўртасида баҳсли майдонга айланган. 1859 йилда Қўқон элчиси Ёркендда ўлдирилиши эса ўлкадаги сиёсий вазиятни салбий томонга буриб юборган.

– Бу алоқалар, айниқса, Қўқон ҳукмдорлари Эрдона, Норбўтабий, Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихон даврида кучайган. Бу ҳукмдорлар Ёркенд ворислари ҳисобланган хўжаларни хонлик ҳудудида ушлаб туриш эвазига Чин империяси ҳукуматидан кумуш ёмби, чой, ипак матолар ва бошқалар олиб турган. Шу билан бирга, Шарқий Туркистондаги мусулмонлардан закот ва савдо солиқларини йиғиб олиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган.

И Л О В А

ХИТОЙ АТАМАСИНИ ТЎҒРИ ИШЛАТИШ ҲАҚИДА

Хитой атамаси давлат ва халқ номи сифатида рус ва Марказий Осиё халқлари тилида кенг тарқалган. Аслини олганда ушбу атама ҳозирги даврда унинг билан аталадиган давлат ва халқ номидан келиб чиққан эмас. Хитой атамаси қадимда ҳозирги ХХР нинг шимоли-шарқий қисми бўлмиш Манчжурияда (Дунгбэй) яшаган ва кейин ғарбга қараб кўчган *қитон* (рус адабиётида *кидань*, хитой манбаларида *цидан*) этноси номидан келиб чиққан. Мусулмон манбаларида ушбу атама *хитой*, *хатай* (*hatai*), Европа адабиётларида *катай*, *ката*, *кацай* (*catai*, *cata*, *cathai*) шаклида учрайди⁴⁴⁴.

Этимологик жиҳатдан олганда, гарчи *қитон* атамаси пўлат, қилич, кесиш, совуқ каби маъноларни англатса ҳам, у аслида авлод бошлиғи исмидан келиб чиққан⁴⁴⁵.

Айрим маълумотларга кўра, қитонлар ҳунлардан келиб чиққан. Иккинчи маълумотларга кўра, уларнинг келиб чиқиши сянбиларга бориб тақалади. Аммо ҳунлар ва сянбиларнинг келиб чиқиши қадимги турклар (тиук, замонавий ўқилишда *ди*) билан боғлиқдир⁴⁴⁶. Шунинг учун, қитонларнинг келиб чиқиши қадимий туркларга бориб тақалади, дейиш хато бўлмайди.

⁴⁴⁴ Цихай (Сўзлар денгизи). Шанхай, 1979. 114-б.

⁴⁴⁵ Гу Бао. Гудай Шинжянг ди йингюэ удао юй гудай шэхуэй (Қадимги Шинжянг мусиқаси, рақслари ва жамияти). Пекин, 1987. 432-433-б.

⁴⁴⁶ Хитой манбаларидаги *ди*, *рунг-ди* деб номланганлар бундан 3-4 минг йил илгари мавжуд бўлган ва хитойларнинг шимолий ҳамда ғарбий томонидаги қўшнилари эди [Ходжаев А. Из истории древних тюрков... Алматы. 25-55-б.].

Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, *цидан* (қитон, кидань) этноними IV асрда пайдо бўлган. Аммо ушбу этноним билан аталганларнинг кучайиши X асрдан бошланди. Шунгача бўлган бир неча аср давомида қитонлар сон жиҳатдан улғайиб борди. X асрда улар *сивандан, хэдахэ, фуфоюй, юйлинг, риян, пиже (писе), ли, тулююй* каби 8 қабилани ташкил этди⁴⁴⁷. Булар одатда қадимий 8 қитон қабилалари деб ҳам аталади. Шу даврда қитонлар асосан Манчжурияда (Дунгбэй) яшаган. 907 йилда Елюй Абожи етакчилигида аввалига Қитон (Чидань, Цидань) кейинчалик Ляо деб номланган давлат (907-1125) ташкил этди ва ўз худудини ҳозирги Шарқий Монголия ва Ички Монголия ҳисобига кенгайтирди. 916 йилда Елюй Абожи ўзини император деб эълон қилди. Шунинг учун кўп ҳолларда қитонлар давлатининг ташкил топган вақти 916 йил деб кўрсатилади.

1124 йилда қитонлар ўзининг таъсир доирасини ғарб томонга қараб кенгайтирган. Шунда қитонлар давлатининг худуди Иртиш дарёсининг юқори оқимларигача етиб борган. XII асрнинг бошларида ушбу давлатнинг ички вазияти мураккаблашиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, Манчжурияда яшовчи ва қитонлар итоатида бўлган нюйчжэн номли қабилалар иттифоқи бош кўтарди. 11 йиллик кураш давомида нюйчжэнлар қитонлар ҳокимиятини ағдариб ўзларининг Цзинь (Олтун) деб номланган давлатини ташкил этди. Қитонларнинг аксарият қисми хукмрон сулола аъзоларидан бири бўлган Елюй-Даши (Елидош) исмли амалдор бошчилигида ғарбга кўчиб бориб, Монголия худудидаги Хатун (Кэдун – ҳозирги Монголиянинг Чяобашань шаҳри) шаҳрини марказ қилган ҳолда ўз давлатини тикламоқчи бўлди. Аммо шарқ томондан келаётган хавф туфайли у бу мақсадига

⁴⁴⁷ *Гу Бао*. Гудай Шинжянг ди йингюэ удао юй гудай шэхуэй. 434-б.

эришолмади. 1132 йилда Елюй Даши Эмиль (Емиличэн) шахрини асос қилиб, давлат ташкил этишга ва ўзини Гўрхон (хонлар хони маъносини англатади) деб эълон қилишга эришди. Шундан кейинги 10 йил ичида Елюй Даши Турфон хонлиги (Гаочан давлати), Шарқий ва Ғарбий Қорахонийлар давлати, ҳамда Хоразм давлати устидан ўз назоратини ўрнатди⁴⁴⁸. Мана шу даврда қайта тикланган қитонлар давлати «Ғарбий Ляо» (Шиляо - 1124-1211), мусулмон манбаларида Қорахитой (Буюк хитойлар демакдир) давлати деб номланган. Мазкур давлатнинг худуди дастлабки даврда шарқда Тула, ғарбда Эмиль дарёлари оралиғидаги жойларни ўз ичига олган⁴⁴⁹. Кейинчалик унинг таъсир доирасига ғарбда Орол денгизи бўйига бўлган жойлар кирган. 1218 йилда ушбу давлат мўғуллар томонидан тор-мор қилинганидан сўнг қорахитойлар ҳар қаёққа тарқаб кетди. Уларнинг аксарият қисми Туркистон халқлари орасига сингиб кетди. Ўзбекистон худудида хитой ва қорахитой атамалари билан боғлиқ бўлган топоним ва этнонимларнинг туркистонликлар орасида сақланиб қолиши мазкур воқеа билан бевосита алоқадордир.

Лекин, бизнинг тушунчамиздаги хитойлар ўзларини *ханзу*, хорижда эса *чжунггуорен* (марказий давлат одами) дейишади, хитой, хитойлар каби сўзларни нафақат ишлатмайди, балки ўзлари учун камситиш ёки ҳурматсизлик деб ҳисоблашади. ХХР доирасида яшовчи уйғурлар ва бошқалар бу сўзларни ишлатса жавобгарликка тортилади. Хорижликлар томонидан қўлланганида хитойлар қаршилик билдиришмайди.

Хитой атамаси билан номланган ҳудуд доираси ҳар доим бир хил бўлмаган. Шу боисдан ушбу атамани топоним сифатида қўллаганда, даврга қараб ва унинг

⁴⁴⁸ Чжунггуо дабайкэ чюаншу. 39-б.

⁴⁴⁹ Ўша жойда. 39-б.

номлаган ҳудуд доирасини инобатга олган ҳолда ишлатмок лозим. Шунинг учун, азалий Хитой, қадимий Хитой, ўрта аср Хитой давлати каби атамалардан фойдаланиш тарихий ҳақиқатга тўғри келади.

«ЧЖУНГГУО» АТАМАСИНИНГ ЎТМИШДАГИ ВА ҲОЗИРГИ МАЪНОСИ

Айни замонда хитойликлар «Чжунггуо» (Zhongguo 中国 – Марказий давлат ёки Марказга жойлашган давлат маъносини англатади) атамасини 1949 йилда ташкил этилган Хитой Халқ Республикаси (Чжунгхуа ренмин гунгхегуо 中华人民共和国) номли давлатнинг қисқача номи сифатида ишлатишади. Аслини олганда ушбу топоним мамлакат номи сифатида милоддан аввалги 1122-1114 йилларда пайдо бўлган. Унинг муомалага киритилишидан олдин қадимги хитойлар ўзларининг мамлакатини «Тучжунг» (Zhongtu 土中), «Чжунгту» (Tuzhong 中土), деб аташган эди. Ушбу атамалар марказдаги ер маъносини англатган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши хитойларнинг ўша замондаги дунё ҳақидаги тафаккури билан бевосита боғлиқдир.

Шу даврдаги «Чжунггуо»нинг ҳудуди Хуангхэ (Қорамурон)⁴⁵⁰ дарёсининг қуйи оқими ва Ордоснинг жанубидаги Вэйхэ дарёси билан Янцзи (Чангжянг дарёси) оралиғида жойлашган. Ҳозирги Шиан (西安, Қадимги

⁴⁵⁰ Қадимий турклар Қорамурон, хитойлар Хуангхэ деб номлаган ушбу дарё *Буюк дарё* маъносини англатган. Айни замон хитой тилида хуанг (黃) иероглифи сариқ ранг маъносида қўлланилади. Қадим замонда у буюкликни билдирган. Хитой манбаларида келтириладиган афсонавий хукмдор унвони ҳисобланган «Хуангди» (Huangdi 黃帝) ҳам *буюк хукмдор* маъносини билдирган. Мил.авв. III асрнинг охири чорагидан бошлаб муомалага кириб келган «хуангди» (император) унвонини ёзиш учун шу уқумни белдирувчи бошқа *хуанг* (皇) иероглифи ишлатилган.

пойтахт Чангъан 長安) нинг шаркий томонидаги Лоянг (洛陽) шаҳри унинг маркази ҳисобланган⁴⁵¹.

Шу замонда хитойлар ўзларнинг атрофидаги мамлакатларни дунё чеккаси (фанг 方) ёки атрофдаги мамлакатлар (фанггуо 方國), ўз юртини эса унинг маркази деб тушунган эди. Кейинчалик «Тучжунг» (土中), «Чжунгту» (中土) хитойларнинг илк аждодлари томонидан Хуангхэ дарёсининг қуйи оқимининг жанубий томонида ташкил этилган давлат номига айланган. «Чжунггуо гужин диминг дацидьян» («Хитойнинг қадимдан ҳозиргача бўлган ер номлари луғати»)да атамага «Чжунггуо хитойлар ватанининг маҳаллий номидир. У қадим замонда Хуангхэ дарёси атрофида жойлашган бўлиб, унинг тўрт томони *манйи* (қадим.ўқ. *мянйей* 蠻夷 / 蛮夷)⁴⁵² ва *рунгди* (қадим. ўқ.

⁴⁵¹ Чжунггуо дабайкэ чюаншу. Чжунггуо лиши. (Хитойнинг катта энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997. 1407-б.

⁴⁵² *Манйи* – қадимги хитойлар ўзларининг жанубий томонидаги халқларга нисбатан ишлатган атама ҳисобланади. Ушбу атамани ифодаловчи икки иероглиф ёввойи, тарбиясиз маъносини англатган. Ундаги мураккаб шаклда ёзилган ва яқин замонда қисқартирилган *а ман / тап* иероглифи (сўзи) азалда хитойлар томонидан *паст табақа, хизматкор, бефаросат* маъносида азалий уларнинг жанубида яшовчиларга, кейинроқ бошқа қўшни халқларга нисбатан қўлланилган. [Ханюй дацидьян (Хитой тили ва ёзуви катта луғати). 8 жилдли. Чэнгду, 1986-1991. 4-жилд. Б. 2909]. *Йи / уи* иероглифи *ёввойилар* маъносида, азалий Хитойнинг атрофидаги қўшни халқларга нисбатан камситиш мақсадида ишлатилган. Масалан, «Ханюй дацидьян» луғатида «Қадимги Ўрта текислик (Чжунгюан) ташқарисидаги халқларнинг камситиш маъносидаги умумий номидир... Йи манйи демакдир» (古代中原以外各族蔑称... 夷, 蠻夷也), «Йи тўрт томондагиларнинг умумий номидир» (夷為四方之總號) дейилган [Ханюй дацидьян . 1-жилд. Б. 527]. Аммо у одам (рен 人), камон (гуонг 弓) иероглифларини ва ўқни билдирувчи чизиқчани қўшиш асосида шакллантирилган. Аксарият ҳолларда қадимги хитойликлар ўзларининг шимолий ва ғарбий томонидаги туркларни *йи* деб аташган.

ривем-тиек 戎狄 – турк чавандозлари)⁴⁵³лардан иборат эди. Чжунггуо (Марказий давлат) ўртада жойлашганлиги туфайли шундай ном қўйилган. У Чжунгхуа деб ҳам аталади»⁴⁵⁴, деб шарҳ берилган.

«Цихай» («Сўзлар денгизи») номли луғатида баён этилишича, «Дастлаб ушбу давлат ҳозирги Хэнан (河南) ўлкаси ва унинг атрофидаги ерларда жойлашган. Кейинчалик *шялар*, яъни *ханзулар* (хан миллати одамлари – А.Х.) яшаган ерларнинг доираси кенгайгангандан сўнг Хуангхэ дарёсининг ўрта ва қуйи оқими қирғоқлари Чжунггуо деб аталди»⁴⁵⁵. Шундан бери Чжунггуо топоними доимий равишда ишлатиб келинмоқда.

Қадимда Чжунггуонинг ҳудуди Хуанхэ дарёсининг қуйи оқими жанубидаги ерлардан ташкил топган бўлса, ҳозир унинг ҳудуд доирасига Маньчжурия, Ички Монголия, Шарқий Туркистон, Тибет каби мамлакатлар киради. Айни замонда Чжунггуо топоними 1949 йилда ташкил топган ва «Чжунгхуа Ренмин Гунгхэгуо» («Хитой Халқ Республикаси») деб аталиб келаётган давлатнинг қисқартирилган номи сифатида ишлатилмоқда⁴⁵⁶. Шундан маълумки, ўтган икки минг йилдан ортиқ давр давомида «Чжунггуо» топонимининг географик маъноси хитойлар назоратига ўтган ерларнинг кенгайишига қараб ўзгариб борди.

⁴⁵³ *Рунгди* атамаси чавандоз, чжангчи маъносини англатувчи *рунг* ва турк сўзининг қадимги транскрипцияси бўлмиш *тиук*, *диаук* (ҳозирги ўқилишда *ди*) каби икки сўздан ташкил топган. *Рунгди* этнонимини турк чавандозлари, деб таржима қилиш асосли бўлади.

⁴⁵⁴ Чжунггуо хуэйзу дацидянь (Хитой мусулмонлари катта луғати), Йингчуан (Жянгсу), 1992. 134-б.

⁴⁵⁵ Чжунггуо дабайкэ чюаншу. 1407-б.

⁴⁵⁶ Ўша асар. 1407-б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ	3
1- Қ И С М	
ХИТОЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҲИССА ҚЎШГАН АЖДОДЛАРИМИЗ	
БУДДА ДИНИНИНГ ХИТОЙДА ТАРҚАЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ҲИССА ҚЎШГАН АЖДОДЛАРИМИЗ – <i>Х. Азимов</i>	5
ҚАДИМГИ ХИТОЙГА БОРИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН АЖДОДЛАРИМИЗ – <i>А.Хўжаев</i>	14
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАН ХИТОЙГА ТАРҚАЛГАН ЎСИМЛИКЛАР ВА ОЗИҚ- ОВҚАТЛАР – <i>А.Хўжаев</i>	26
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДАН ХИТОЙГА БОРИБ ҲОКИМЛИК ҚИЛГАНЛАР – <i>А.Хўжаев</i>	33
- Маҳмуд Ялавоч (Маҳмуд Хоразмий)	33
- Аҳмад Фанакатий	44
- Умар ибн Камолиддин Бухорий	47
- Умар ибн Камолиддиннинг аждодлари ва авлодлари	59
- Умар ибн Камолиддиннинг авлоди бўлмиш йирик олим Юсуф (Ма Жу).....	69
- Умар ибн Камолиддин авлоди бўлмиш буюк элчи ва денгизчи Маҳмуд (Чжэнг Хэ) – <i>А.Хўжаев</i>	72
ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДАН ХИТОЙГА БОРИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ОЛИМЛАР – <i>А.Хўжаев</i>	78
ПЕКИНДАГИ НЮЖЕ МАСЖИДИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН МУДАРРИСЛАР – <i>А.Хўжаев</i>	80
ИБН СИНО ТИБ ИЛМИНИНГ ХИТОЙГА ТАРҚАЛИШИ – <i>А.Хўжаев</i>	86

ХИТОЙДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРГАН ТУРКИСТОНЛИК
ТАБИБЛАР – *А.Хўжаев*.....97

ТУРКИСТОН ҚЎЛЁЗМА КИТОБЛАРНИНГ ХИТОЙГА
ТАРҚАЛИШИ – *А.Хўжаев*.....93

КЎККЎЛ (ЦИНХАЙ) ЎЛКАСИГА КЎЧИБ БОРГАН
САМАРҚАНДЛИКЛАР – *А.Хўжаев*.....95

2- Қ И С М

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИК ВА МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ АЙРИМ САҲИФАЛАР

МИЛ. АВ. II – МИЛ. V АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ
САВДО – ДИПЛОМАТИК АЛОҚЛАРИ – *Х. Азимов*..... 103

ТЎХОРИСТОН ЯБҒУЛИГИ – ХИТОЙ ДИПЛОМАТИК
АЛОҚАЛАРИ – *Ф. Джуманиёзова*.....112

ҚОРАХОНИЙЛАР ХОҚОНЛИГИ ВА ХИТОЙ
АЛОҚАЛАРИ – *А. Хўжаев*..... 131

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ ВА ХИТОЙ
МУНОСАБАТЛАРИ – *Н. Каримова*.....145

БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ЧИН (МАНЧЖУР) ИМПЕРИЯСИ
ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР – *Ш. Қўлдошев*.....162

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА МАНЧЖУРЛАР ҲУКМРОНЛИГИ
ОСТИДАГИ ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ – *Ш.Қўлдошев*.....184

ИЛОВ А

ХИТОЙ ТОПОНИМИ ҲАҚИДА – *А.Хўжаев*.....204

ХОДЖАЕВ А., КАРИМОВА Н., ҚЎЛДОШЕВ Ш.,
ДЖУМАНИЁЗОВА Ф., АЗИМОВ Х.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«FAN ZIYOSI» нашриётига 2021 йил 14 февралда
берилган 308197041-сонли лицензияси
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 30 уй.

Times гарнитураси. Босма тобоғи 13,5.
Босишга рухсат этилди 11.11.2022. Буюртма № 56
Қоғоз бичими 60x84^{1/16}. Шартли б. т.-13,5.
Адади 300 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш. Бўз – 2 мавзеси 17А уй.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi